


Р. ХОЛИҚОВА

РОССИЯ-БУХОРО: ТАРИХ ЧОРРАҲАСИДА



РОССИЯ-БУХОРО: ТАРИХ ЧОРРАҲАСИДА

Р. ХОЛИҚОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Р. ХОЛИҚОВА

РОССИЯ-БУХОРО: ТАРИХ ЧОРРАҲАСИДА

(XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошлари)



„О‘ҚИТУВЧИ“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
ТОШКЕНТ — 2005

Ушбу монографияда чор Россиясининг Бухорога нисбатан олиб борган ҳарбий ҳаракатлари, унинг аяшчли оқибатлари, 1868 ва 1873 йиллардаги Россия билан Бухоро ўртасидаги шартномалар имзоланиши тарихи ҳамда чор Россиясининг Бухоро иқтисодиётига ўз таъсирини ўтказиш борасида олиб борган сиёсати янги талқин асосида ёритилади.

Масъул муҳаррирлар: **Раҳбар Муртазаева**, тарих фанлари доктори, профессор,
Шодмон Воҳидов, тарих фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар: **Қаҳрамон Ражабов**, тарих фанлари доктори,
Уктам Мавлонов, тарих фанлари номзоди.

Монография Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

X $\frac{0503020904-229}{353(04)-2005}$ Буюртма нар.—2005



ISBN 5-645-04535-1

© „O'qituvchi“ НМИУ, 2005

СЎЗ БОШИ

Бугун тарихга айланган XX аср мисли кўрилмаган воқеа ва ҳодисаларга бениҳоя бой бўлди.

Тарих тақозоси билан аср ниҳоясида дунёдаги энг йирик ва сўнгги империялардан бири Совет Иттифоқи бесамар „коммунистик тажриба“ қурбони бўлди ва сиёсат саҳнасидан тушди.

Дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаб турган ушбу улкан мамлакатда узоқ йиллар давомида мутелик ҳолатида яшаган халқлар ниҳоят қарамлик кишанларидан халос бўлишди. Уларнинг ҳар бири ўз имконияти, ақл-заковати даражасида ўз миллий давлатчилигини янги демократик асосда барпо қилишга киришди. Ўзбек халқининг асрий орзуси ижобати сифатида жаҳон сиёсий харитаси ва майдонида „Ўзбекистон Республикаси“ номли давлат пайдо бўлди.¹

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 августда ўз мустақиллигини эълон қилгандан сўнг, қисқа муддат ичида республикамизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва иқтисодий соҳаларида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, ушбу даврда эришган энг буюк ва бебаҳо ютуқларимиздан бири — бу инсоният тарихи ва жаҳон цивилизациясида ўз ўрнига эга бўлган ўзбек халқининг кўп асрлик бой маданий ва маънавий меросини мазмунан янгитдан ўрганиш, узоқ йиллар давомида сохталаштириб келинган ҳақиқий тарихимизни ўрганиш ва амалда тарихий ҳақиқатнинг тикланиши, жамиятда маънавий-ахлоқий покланиш жараёнларининг амалга оширилишидир.

Ўзбек халқининг ўзлигини англашда тарих фанининг ўзига хос алоҳида ўрни бор. Зеро, Ўзбекистон тарихи миллий ўзликни англаш қуролидир. У мустақил Ўзбекистон фуқароларини нафақат ватанпарварлик руҳида тарбиялайди, балки миллий бирликни шакллантириш, шажарамиз улуглиги ва унинг поклигини англаш ҳамда қадрлаш, қадимий ва меҳнаткаш ҳамда тинчликсевар халқимизнинг дунё халқлари ора-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. —Т.: Ўзбекистон 1999, 8- бет.

сида тутган ўрнига муносиб баҳо бериш, унинг бой ҳаётий ва тарихий тажрибаларидан ўринли ва унумли фойдаланиш, халқимизнинг анъанавий олижаноб, эрқарвар йўлларини изчил ўрганиш, уни давом эттириш ва янада бойитишга, хуллас, умумлаштириб айтганда, келиб чиқиш тарихи ва замни улуғ ҳамда мустаҳкам бўлган мустақил Ўзбекистон фуқаросига хос ҳисобланган олижаноб ва буюк инсоний фазилатларни шакллантиради.

Ватан тарихини, аجدодлар ва авлодлар тарихини онгли суратда билган ва тўғри тушунган халқни қайтадан мустамлака исканжаси ва асоратига солиб бўлмайди. Ва аксинча, миллий ўзлигини англаб етмаган халқ ўз миллий мустақиллиги қадрига ҳам етмайди, натижада бундай халқ қалбида миллий ғурур, ягона Ватан равнақи йўлида фидойилик туйғулари барқ урмайди ва алангаланмайди, миллат бирлиги, ватанпарварлик ва ўзаро ёрдам туйғулари уйғунлашмайди. Бундай халқлар аксарият ҳолларда бошқа халқлар ва давлатлар асоратига ва исканжасига тушиб қолади.

Мамлакатимиз халқларини қарийб 130 йилдан ошиқроқ вақт мобайнида куллик ва мутелик асоратида сақлаб келган чор Россияси мустамлакачилиги ҳамда Советлар тузуми ватан тарихининг инсонлар онгига кучли инқилобий таъсир кўрсатиш кучи ва буюк қудратини ҳам ақдан, ҳам фаросат ила тўлақонли равишда тўғри англагани учун ҳам, уни парда орқасида, яъни темир ва пулат сандиқларда сақлашга ҳаракат қилди.

На чор Россиясен даврида, на Советлар тузуми ҳукмронлиги даврида халқимизнинг ҳақиқий соф тарихини яратишга йўл берилмади. Инсоният тарихи билан уйғун бўлган халқимиз тарихи чор Россияси мустамлакачилиги мафкураси манфаатларига мослаштирилиб, сунъий равишда сохта ҳолатда яратилди ва халққа етказилди.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги инсоният тарихида янги бир даври бошлаб берди. Тоталитаризм, маъмурий-буйруқ-бозлик ва зўравонлик ғояларига асосланган социализм барбод бўлди, коммунистик мафкура инқирозга учраб, мустамлакачиликнинг сўнгги таянчлари бирин-кетин кулади. Инсоният тарихида, шу жумладан, ўзбек халқи тарихида ҳам янги бир палла, яъни янгиланиш жараёни бошланди. Ўзбекистон ушбу жараёнлар оқимида ўзининг кучли ижтимоий-сиёсий, маънавий янгиланишлар дастурига эга бўлган давлат сифатида ўзига хос ва кучли мавқега эга бўлди. Шу билан бирга, мамлакатимиз ўзининг кенг имкониятларини намоён қила бошлади.

Мустақиллик шарофати туфайли мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби, Ўзбекистон тарихи фани олдида ҳам янги истиқболли уфқлар очилди. Аждодларимизнинг бой, серқирра ва қадимий тарихини ҳеч қандай бўёқларсиз, қандай бўлса шундай яратиш ва ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Энг муҳими фарзандларимизни Ватан тарихи тимсолида миллий гурур ва ифтихор, миллий ўзлигини англаган, миллий онги уйғоқ, маънавияти юксак даражадаги комил инсонлар қилиб тарбиялаш имконияти пайдо бўлди.

Зеро, ўз тарихимизни ҳаққоний ўрганиш том маънода мустамаккачилик таъсирида ҳамда советлар тузуми ҳукмронлиги давридаги коммунистик зўравонлик мафкураси таъсири натижасида ўзлигини йўқотган, ўзининг кадр-қимматини деярли тўла унутган фуқароларни уйғонишга, уларни ўзлигини англашга, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган ҳамда озод ва обод Ватан равнақи йўлида тинчлик учун, эл-юрт омонлиги учун курашадиган ва уни доимо ҳимоя қила оладиган баркамол шахс сифатида шаклланишларига даъват этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг „Ўзбек миллати азалдан ўз фикри, ўз истиқлоли учун курашиб яшаган. Бунга мозий гувоҳ. Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат юртимизнинг фидойи, ўз йўлидан, маслағидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини қунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзdir“², деган фикрларида ҳам айнан шу ҳолат назарда тутилган. Халқимизнинг бой ва бетакрор узоқ тарихи ўз ўтмишида халқимизнинг доимо озодлик ва мустақиллик учун тинимсиз равишда мардона кураш олиб борганлигидан далолат беради.

Бугунги кунда ўзбек давлатчилиги тарихини, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида қадимги даврлардан то бизнинг давримизгача бўлган давлатлар тарихини янгиtgдан, тарихий ҳақиқат мезони асосида тўлақонли ҳолатда тиклаш ва уни халқимизга етказиш масаласи Ўзбекистон тарих фани ва тарихчи олимлари олдида турган энг муҳим ва энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, XV асрнинг охири—XVI асрнинг бошларида тарих саҳнасида пайдо бўлган ва XX асрнинг

² Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. —Т.; Ўзбекистон, 1996, 92- бет.

20-йилларига қадар мавжуд бўлган Бухоро давлати тарихини, айниқса, унинг сўнгги даври, яъни чор Россиясига қарамлик ҳолатига тушиб қолган даври тарихини ўрганиш ва ундан тегишли хулосалар чиқариш, бу даврдаги давлат бошқарув тизими, унинг тартиб-қоидаларини, вақт ўтиб бориши билан унда содир бўлган ўзгаришларни таҳлил этиш бугунги кунда ниҳоятда катта тарихий аҳамиятга эга бўлган масаладир.

Президентимиз айтганларидек, *„Бухоро тарихи шукуҳли ва муборак кунлар билан бир қаторда, жуда оғир ва мусибатли дамларга ҳам гувоҳ бўлди, кўплаб босқинларни бошдан кечирди, неча марта вайрон этилди, ўт ичида қолди. Бу муқаддас тупроқда беғуноҳ қонлар тўкилди, муҳташам обида, минора ва азиз авлиёларнинг қабрлари оёқости қилинди“.*³

Президентимиз И. Каримов ўз нутқларида таъкидлаган Бухоронинг ана шундай оғир ва мусибатли даврларидан бири — бу Бухоро давлатининг чор Россияси қарамлигига тушиб қолиш давридир. Чор Россияси ҳарбий қудрати Бухоро амирлигининг катта ҳудудларини ишғол этиб, уни бутунлай тугатишга имкони бўлган ҳолда, бу вазифани бажара олмаганлигининг моҳиятини ва сабабларини аниқ тарихий далиллар асосида очиб бериш, Бухорода амирлик ҳокимиятининг сақланиб қолганлигини ва унинг сабабларини кўрсатиб бериш Ўзбекистон тарихи фани олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бухоро амирлиги гарчи чор Россиясига қарам давлатга айланиб қолган бўлса-да, унинг давлат бошқарувида ўрта аср анъаналари сақланиб қолинди. Аммо шунга қарамай, қисман бўлса-да, амирликнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида Европадаги бу даврда мавжуд бўлган тизимга хос бўлган ўзгаришлар юз берди.

Бухоро амирлигидаги XIX аср охири — XX аср бошларида юз берган сиёсий, иқтисодий, маданий жараёнларда марказий ва маҳаллий давлат бошқарувининг ўрнини, табиатини ва хусусиятларини кўрсатиш ҳамда уларни бугунги кун тарих фани олдида турган талаб ва вазифалар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ҳамда ҳаққоний хулосалар яратиш яна бир бор ушбу мавзунинг долзарблигини кўрсатади. Монографиянинг концептуал моҳиятидан келиб чиққан ҳолда XIX асрнинг иккинчи ярми — XX асрнинг бошларида Россия-Бухоро муносабатлари тарихи масаласини тизимли равишда

³ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6- жилд. —Т.: Ўзбекистон, 1998, 372- бет.

илмий таҳлил қилиш; Россия-Бухоро муносабатларининг тарих чорраҳасидаги учрашиш сабабларини ёритиш, чор Россиясининг Бухорога нисбатан ҳарбий ҳаракатларининг бошланиш сабаблари ва унинг салбий оқибатларини очиб бериш ҳамда чор Россиясининг Бухоро амирлиги ҳудудида олиб борган мустамлака сиёсатининг туб моҳиятларини комплекс ҳолатда ўрганиш ва илмий хулосалар чиқариш бош мақсад қилиб белгиланди.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда монографияда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш асосий масала қилиб белгиланди:

— чор Россияси босқини арафасида Бухоро амирлигининг ижтимоий-сиёсий аҳволи ва иқтисодий ҳаёти ҳамда давлат бошқарув тизими ҳолатини ёритиш;

— чор Россияси босқини арафасида Бухоро амирлигининг ҳудудий тузилиши ва аҳолиси масаласини яхлит ҳолатда ўрганиш;

— XIX асрда Ўрта Осиё масаласи бўйича Россия-Англия манфаатларининг тўқнаш келиши ва сиёсий вазиятнинг ўта мураккаблашганлигини таҳлил қилиб бериш;

— XIX аср иккинчи ярмига келиб Россия-Бухоро муносабатларининг кескинлашув сабаблари ва чор Россияси томонидан Бухорога нисбатан ҳарбий ҳаракатларнинг бошланиши, чор Россиясининг босқинчилик мақсадидаги ҳарбий ҳаракатларига қарши миллий-озодлик ҳаракатларининг кўтарилиши ва унинг натижаларини таҳлил қилиш;

— Бухоро амирлигининг чор Россиясининг вассалига айланишига олиб келган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий сабабларни ҳамда ўша даврдаги Бухоро давлатининг бошқарувидаги мавжуд нуқсонларни узвий боғлиқлик доирасида ёритиш;

— вассаллик даврида Бухоро амирлигида марказий ва маҳаллий бошқарув тартибларини ва шарқ давлатчилиги анъаналарининг сақланиб қолганлиги ҳамда уларнинг моҳиятини кўрсатиб бериш;

— чор Россияси ҳукмрон доираларининг Бухоро амирлиги давлат тизими, унинг сиёсати, иқтисодиётига ва давлат бошқарув тартибларига ўтказган таъсир даражасини кўрсатиш;

— Ўрта Осиё масаласи бўйича Россия-Англия мустамлакачилик манфаатларининг ўзаро тўқнашуви ва Бухоро давлатчилигининг чор Россиясига бўлган вассаллик, тобелик мавқеидан амирликнинг XX аср бошларидаги ҳолати ва умуман, унинг тақдири учун келиб чиққан салбий оқибатларни таҳлил этиш, уни ёритиш ва илмий хулосалар қилишдан иборат.

Мазкур ишнинг амалга оширилишида яқиндан мадад берган тарих фанлари доктори, профессор Р. Ҳ. Муртазаевага, ишнинг мазмуни ва илмий салоҳиятини кўтаришга, унинг баъзи камчиликларини бартараф этишда яқиндан ёрдам берган тадқиқотчилар, тарих фанлари номзоди У. Мавлонов ва айниқса, тарих фанлари доктори Қ. Ражабовга, Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институтининг ходимларига, унинг раҳбари тарих фанлари доктори, профессор Д.А. Алимовага, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети „Ўзбекистон тарихи“ кафедрасининг жамоасига ҳамда Мирзо Улуғбек номи Ўзбекистон Миллий университети тарих факультетининг профессор ва ўқитувчиларига, тадқиқотнинг масъул муҳаррири ва маслаҳатчиси сифатида ёрдам кўрсатган олим, тарих фанлари доктори Ш. Воҳидовга, тарих фанлари доктори, профессор З. Чориевга муаллиф ўз самимий миннатдорчилигини изҳор этади.

I. МАВЗУНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ ВА МАНБАЛАРИ ТАВСИФИ

I.1. Тарихшунослиги

XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Россия-Бухоро муносабатлари тарихи мавзусининг ўрганилишига бағишланган барча илмий адабиётлар ва мақолаларнинг тарихий таҳлили, унинг ўрганилиш вақти, мазмуни, ҳудуди ҳамда ёндашув услуби характери бўйича уни уч даврга бўлиб таҳлил қилиш ва таърифлашга имкон беради.

Биринчи даврга тааллуқли бўлган адабиётлар таркибига бевосита чор Россияси босқини олиб борилган ва унинг мустамлака ҳукмронлиги ўрнатилган давр, яъни XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида яратилган тарихий асарлар мажмуасини киритиш мумкин.

Иккинчи даврга тааллуқли адабиётлар таркибига эса бевосита 1917 йил октябрь давлат тўнтаришидан то 1991 йилга қадар, яъни Советлар тузуми даврида нашр этилган ва марксча-ленинча методологияга асосланган ҳолда яратилган тарихий асарлар ва илмий-тадқиқотларнинг жуда катта туркуми мансуб бўлиб, улар тадқиқот жараёнида алоҳида ёндашувни тақозо этади.

Учинчи даврга тааллуқли адабиётлар таркибига бевосита Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, яъни мустақиллик йилларида янгича дунёқараш ва янгича ёндашиш асосида яратилган илмий ишлар мажмуаси мансубдир.

Охириги йилларда чет эл ва МДХда чоп этилган асарлар мажмуасини алоҳида туркумга ажратиш ўрганиш мумкин.

XIX аср охири — XX аср бошларида, бевосита ўша давр тарихий воқеалар гувоҳлари ва иштирокчилари томонидан яратилган, биринчи даврга оид ҳисобланган асарлар йиғиндиси бугунги кунда ўз қиймати ва муҳимлиги жиҳатдан нодир ёзма манбалар ҳисобланади. Мана шунинг учун ҳам биз уларни бир томондан, бевосита ўша даврда яратилган ва биз ўрганаётган мавзуга оид бўлган илк асарлар жумласига киритган бўлсак, иккинчи томондан, бугунги кунда улар жуда оз нусхада сақланиб қолганлиги ва ёзма манба сифатида баҳоланаётганлиги ҳамда уларнинг бебаҳо ва нодир ҳисобланганлиги учун, уларни ёзма тарихий манбалар қаторига киритиб, улардан кўпроқ ёзма манба сифатида фойдаландик. Шунинг учун ҳам улар дўирисидан ишимизнинг манбавий базаси бўлимида батафсил тўғрироқ ўтамоқ.



Бизга маълумки, собиқ Совет тузуми даври тарихшунослигида ҳам чор Россиясининг Ўрта Осиёга, шу жумладан, Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатлари ва у ерда олиб борган мустамлакачилик сиёсати тарихи қисман ўрганилган. Бироқ замона зайли ва ўша давр сиёсати, якка партиячилик ҳукронлиги ҳамда унинг мафқураси таъсири остида ушбу тарихий воқеаларга ўз замонаси нуқтаи назаридан баҳо берилган.

Илмий тадқиқот мавзуимизга тааллуқли бўлган иккинчи даврга оид адабиётлар мажмуасини 1917 йилдан 1991 йилга қадар чоп этилган асарлар ташкил этади. Уларга И. А. Ремез, А. А. Семенов, В. Бартольд, С. Айний, Ф.Хўжаев, А. Х. Ҳамроев, А. Муҳаммаджонов ва Т. Нейматов, О. Сухарева, Б. Искандаров, Л. Шек, А. Мажлис, Н. Кисляков, М. Ваҳобов, А. Ишанов, Н. Халфин, Х. Бекмуҳамедов, А. Бобоҳўжаев, И. Мўминов, А. Фомченко, Б. Гофуров, Б. Лунин, Т. Тўхтаметов, А. Рябинский, М. Абдураимов, Т. Файзиев, О. Чехович, К. Муҳсинова, Л. Левтеева, Н. Норкулов, Г. Аҳмаджонов, М. Вексельман, Г. Михалева, Ф. Қосимов ва Ҳ. Зиёевлар асарларини киритиш мумкин.⁴ Ушбу даврда (1917—1991 й.й.) яратилган асарларни ягона умумлаштирган ҳолда олиб қараб, уларни совет даври тарихшунослиги маҳсули деб баҳолаш мумкин.

Мазкур асарларнинг деярли барчасида XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Россия-Бухоро муносабатлари тарихига оид бўлган муаммонинг баъзи бир жиҳатларини ёритишга ҳаракат қилиниб, янги фактик материаллар жалб

⁴ Ремез И. А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны: Опыт историко-стат. обзор внешней торговли ханства вне сферы таможенных объединений его с Российской империей. — Т., 1922. 45 с.; Семенов А. А. Очерк земельно-податного и палогового устройства бывшего Бухарского ханства. — Т., 1929. — 54 с.; Он же, Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени. — Сталинабад, 1954. — 76 с.; Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. — Л., 1927.; Он же, Бухара. // Соч. Т. III. — М., 1965; Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. — М.: 1926; Ўша муаллиф. Бухара. Воспоминания. кн. 2,4. — М., 1961; Ўша муаллиф. Чавоби ман. Куллиёт чилди II, китоби I, — Душанбе, 1963; Ўша муаллиф. Тарихи инқилоби Бухоро. — Душанбе, 1987. (Ўзбек тилидаги 1926 й. нашр асосида тожик тилида чоп этилган); Ходжасев Ф. К истории революции в Бухаре и национального размежевания в Средней Азии, Избр. труды — Т. 1. — Т., 1970; Хамраев А. Х. К вопросу о земельно-водных отношениях в Бухарском ханстве в XIX в. — Т., 1948. — 31 с.; Он же, К вопросу о январских событиях 1910 года в Бухаре. — Труды САГУ, — Т., 1954, вып. I. VII; Муҳаммаджонов А. Р., Нейматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари

килингандигига қарамай, ушбу давр муаллифлари ўз асарларида тарихий воқеликни ёритишда ўша давр ва ҳукмрон сиёсат нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда тарихий объективлик, ҳаққонийлик ва ҳолислик мезонларидан четлашган тарзда, аксарият ҳолатларда эса ҳар бир тарихий воқеани сунъий равишда ўзлари яшаб турган давр талаби ҳамда мафкурасига мослаган ҳолда тадқиқ этишга ва ёритишга ҳаракат қилишди. Умуман олганда, собиқ Совет тузуми даврида яратилган тарихий адабиётларнинг деярли барчасида ушбу мавзу ҳам, бошқа мавзулардан фарқ қилмаган ҳолда, бир томонлама таҳлил этилди. Зеро, ўша давр муҳити ва сиёсати ҳамда ҳукмрон мафкура ҳар бир олим ва тадқиқотчидан айнан ана шуни ва талаб этарди.

Ушбу даврда яратилган айрим тадқиқотлар ва асарлар, уларда илгари сурилган ғоя ва масалалар таҳлили устида қисман тўхталиб ўтамиз.

Бухоро амирлигининг XIX аср охири — XX аср бошларидаги тарихи, чор Россиясининг Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатлари, улар ўртасида тинчлик шартномасининг тузилиши, чор Россияси томонидан Бухоро амирлигига

тарихига доир баъзи манбалар. — Т., 1957. — 223 б.; Сухарева О. А. К истории городов Бухарского ханства: (ист.этног.очерк.) — Т., 1958. — 147 с.; Она же, Бухара: XIX—начало XX в. (позднефеодальный город и его населения). — М., 1966. — 328.; Искандаров Б. И. Из истории Бухарского эмирата, (Восточная Бухара и западный Памир в первой половине XIX в.) — М., 1958. — 131 с.; Он же, Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. ч. 1—2. — Душанбе, 1962; Он же, О некоторых изменениях в экономике Восточной Бухары на рубеже XIX—XX в.в. // Труды института истории АН Тадж. ССР, т. LVXXXIII, 1962.; Шек Л. К. Победа Народной Советской революции в Бухаре. — Т., 1956.; Он же, Советско-Бухарское отношение в 1917—1920 г.г. // Рукопись дисс. на соиск. учен. степ. канд. ист. наук. — Т., 1949; Маджлисов А. Каратегин на кануне установления советской власти. — Душанбе, 1959 г.; Он же, Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX—начале XX в.в. — Душанбе — Алма-Ата; 1967; Кисляков Н. А. Патриархально-феодалные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX — начале XX в. — М.-Л., 1962; Вахобов М. Г. Формирование узбекской социалистической нации. — Т., 1961. — с.588; Ишанов А. И. Бухара в период первой русской революции. // Известия АН Уз ССР, 1955, № 12; Он же, Создание Бухарской Народной Советской республики. — Т., 1965; Он же, Победа Бухарской Народной революции. — Т., 1957; Халфин Н. А. Политика России в Средней Азии (1857—1868 г.г.). — М., 1960. — 272 с.; Он же, Россия и ханства Средней Азии: (Первая половина XIX в.) — М., 1974. — 406 с.; Он же, Россия и

нисбатан олиб борилган сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий муносабатлар таҳлили ҳамда чор Россияси томонидан Бухоро амирлигини ўзига қарам қилиш сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил этишга бағишланган совет тарихшунослигидаги илк асарлар XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб нашр этила бошланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айнан совет тарихшунослигида 20-йилларда чоп этилган асарлар ҳали яккапартиявийлик йўл-йўриқлари ва ижтимоий-сиёсий фикр илмда устун бўлмаганлиги сабабли ўзининг тарихий воқеаларни ҳолисона ва тарихийлик асосида баҳоланиши билан сўнги йиллар, айниқса 50—80-йиллар ўрталарида яратилган асарлардан тубдан фарқ қилади.

Жумладан, 20-йилларда С.Айний, И.Ремез, А.Семенов, В.Бартольдлар томонидан ёзилган асарлар, айнан юқорида қайд этилган тарихийлик, ҳолисона баҳолаш, ҳаққонийлик мезонлари асосида тарихий воқеаларга ёндашилганлиги ва илмий таҳлил этилганлиги билан бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган асарлар мажмуасини ташкил этади.

Бухарский Эмират на Западном Памире. — М., 1975, 127 с.; Бекмухамедов Х. Народное движение 1910 г. в Бухаре. // Рукопись дисс. на соиск. учен. степ. канд. ист. наук., — Т., 1949.; Бабаходжаев А. Х. Происки британского империализма в Средней Азии и позиция Бухары в 1918—1920 г.г. // Известия АН УзССР, 1948 № 5.; Муминов И. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане в конце XIX и начале XX в.в. — Т., 1958.; Фомченко А. П. Русские поселения в Бухарском эмирате. — Т., 1958.; Гафуров Б. История таджикского народа. — М., 1955.; Гафуров Б. Прохоров Н. Н. Падение Бухарского эмирата. — Душанбе, 1940.; Лунин Б. В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. — Т., 1965.; Он же, Средняя Азия в научном наследии отечественных востоковедов: Историограф. очерк. — Т., 1979., — 182 с.; Тухтаметов Т. Г. Русско-Бухарские отношения в конце XIX — начале XX в. — Т., 1966, 178 с.; Он же, Россия и Бухарский эмират в начале XX в. — Душанбе, 1977. — 208 с.; Он же, Экономическое состояние Бухарского эмирата в конце XIX и начале XX веков. // Труды института истории А. Н. Киргизской ССР. — 1967, вып. 3; Он же, Прогрессивное значение русского протектората над Бухарским эмиратом. // Звезда Востока, 1956, № 8; Рябинский А. М. История колониального порабощения Бухарского ханства царской Россией. // Труды Военно-Политической Академии Красной Армии. Т.4. — М., 1940., Абдураимов М. О некоторых категориях феодального землевладения и положения крестьян в Бухарском ханстве в XIX — начале XX века. //

И.А.Ремез ўз асарида Биринчи жаҳон урушига қадар бўлган даврдаги Бухоро амирлигининг ташқи савдо алоқаларини илмий таҳлил этиш билан бир қаторда, унинг ижтимоий-сиёсий аҳволи тўғрисида ҳам қимматли маълумотларни беради.

А.А.Семенов томонидан яратилган асарларнинг қимматли томони шундаки, олим уларда илк бор маҳаллий манбаларни чуқур ўрганиш ва уларни таҳлил этиш асосида Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий тизими, солиқ тизими, солиқ йиғиш механизми тўғрисида аниқ ва равшан илмий фикрларни илгари суриш билан бир қаторда, XIX аср охири — XX аср бошларида Бухоро амирлиги давлат тизими, давлат бошқаруви, амирликдаги мавжуд бўлган амаллар ва унвонлар тўғрисида аниқ маълумотларни илмий муомалага олиб кириб, уларни таҳлил этиш асосида ўз фикрларини ва хулосаларини баён қилган. Унинг ушбу илмий хулосалари бугунги кунда ҳам давлатчилигимиз тарихи билан шуғулланувчи олимларимиз учун қимматли илмий тасаввур ва манба сифатида хизмат қилмоқда.

Общественные науки в Узбекистане. 1963, №7.; Он же, Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI—первой половине XIX века — Т., 1966, — 369 с.; Файзиев Т. Бухоро хонлигида қул савдоси. —Т., 1970. — 56 б.; Ўша муаллиф, Бухоро феодал жамиятида қуллардан фойдаланишга доир ҳужжатлар (XIX аср.) — Т., 1990., —142 б.; Чехович О. Д. Об актовых материалах по истории Бухары, Т. 16, —М, 1945.; Мухсинова К. К. Истории выступления Бухарских крестьян против налогового гнета в конце XIX в. // Проблемы востоковедения, 1959, №1; Левтеева Л.Г. Присоединение Средней Азии к России в мемуарных источниках. — Т., 1986., —142 с.; Норкулов Н. „Таърихи Салимий“ — ценный источник по истории Бухарского эмирата (1860—1920 г.г.) // Дисс...на соиск. ученой степени канд. ист. наук. — Т., 1968, —387 с.; Ахмеджапов Г. А. Советская историография присоединения Средней Азии к России. — Т., 1989. — 154 с.; Вексельман М. И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии (конец XIX — начале XX в.в.) — Т., 1987; Михалева Г. А. Торговые и посольские связи России со среднеазиатскими ханствами через Оренбург (вторая половина XVIII—первая половина XIX в.). — Т., 1982 — 92 с.; Касимов Ф. Х. Советская историография Бухарской Народной Советской Республики. // Рукопись дисс. на соиск. ученой степени канд. ист. наук — Т., 1968.; Он же, Советские историографы Бухарской революции. — Т., 1972; Зиёев Ҳ. З. Ўрта Осиё ва Сибирь. (XVI—XIX асрлар) — Т., 1962.; Он же, Экономические связи с Сибирью (XVI—XIX в.в.) — Т., 1983; История Бухары. С древнейших времен до наших дней (Б. В. Лунин, Я. Г. Гулямов, Г. А. Пузаченкова и др.) — Т., 1976, —383с.

В. В. Бартольд асарларида эса Бухоронинг Туркистон маданий ҳаётида тугган беқиёс ўрни кўрсатилиб берилган.

Бухоро амирлигининг XIX аср охири—XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганиш ва таҳлил этишда С. Айний томонидан яратилган асарлар ҳам муҳим ўрин тутди. Бу борада, айниқса унинг „ Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар“ асари алоҳида аҳамиятга молик. Зеро, айнан мана шу асар Бухоро инқилоби тарихига бағишлаб ёзилган илк асарлардан ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, С. Айний томонидан яратилган асарларнинг аксарияти тарихий-мемуар асарлар ҳисобланади. Мана шунинг учун ҳам улар бугунги кунда Бухоро тарихи учун ҳам мемуар асар, ҳам манба сифатида ўта муҳим аҳамият касб этади.

XX асрнинг 30—40- йилларида Бухоро тарихига оид бўлган асарлар ниҳоятда кам яратилган. Бу даврга оид асарлар жумласига А. М. Рябинский, О. Д. Чехович, А. Х. Бобоҳўжаев, А. Х. Ҳамроев, Б. Ғофуров ва Н. Н. Прохоровларнинг ҳамкорликда яратган асарларини ҳамда Х. Бекмуҳамедов томонидан 1949 йилда ҳимоя қилинган „Народное движение 1910 г. в Бухаре“ мавзусидаги номзодлик диссертациясини ва Л. К. Шекнинг 1949 йилда ҳимоя қилган „Советско-Бухарское отношение в 1917—1920 г.г.“ мавзусидаги номзодлик диссертациясини кўрсатиш мумкин.

А. М. Рябинский ўз мақоласида чор Россияси томонидан Бухоро хонлигининг қарам этилиши тарихи устида фикр юритган бўлса, Б. Ғофуров, Н. Н. Прохоровларнинг ҳамкорликда яратган асарларида Бухоро амирлигининг сўнгги йиллари, унинг тугатилиши масалаларини ёритишга катта эътибор қаратилган.

А. Х. Ҳамроевнинг илмий-тадқиқот ишларида эса Бухоро амирлиги қишлоқ хўжалиги масалалари, айниқса XIX асрда Бухородаги ер-сув муносабатлар тарихи ҳамда Бухородаги 1910 йил январ воқеалари тафсилоти тўғрисида атрофлича фикр юритилган.

А. Х. Бобоҳўжаев мақоласида Бухоро амирлигининг энг сўнгги кунлари, унинг тугатилиши, инглизларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши ва унга нисбатан Бухоронинг тугган мавқеи масалаларига атрофлича тўхталиб ўтилган.

Х. Бекмуҳамедов эса ўз номзодлик диссертациясида XX аср бошларида Бухоро тарихида муҳим сиёсий воқеа ҳисобланган — 1910 йилги суннийлар билан шиалар ўртасидаги низо ва кураш ҳамда қонли тўқнашувларни кенг ва атрофлича илмий тарзда ёритиб берган.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб то 80- йиллар охирига қадар Бухоро тарихига бағишланган илмий асарлар яратишга қизиқиш тобора ортди ва кўплаб асарлар чоп этилди ҳамда илмий мақолалар эълон қилинди.

50—80- йилларда яратилган асарларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар 20—30- йилларда чоп этилган асарлардан тубдан фарқ қилиб, ушбу ҳолатлар, энг аввало, ўрганилаётган муаммога нисбатан улардаги услуб ва ёндашувда яққол кўзга кўринади. 50—60-йилларда яратилган асарлар ўз даврининг гоёси, сиёсати ва мафқурасига деярли тўла бўйсунган ҳолда ёзилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ушбу асарларнинг деярли барчаси марксизм-ленинизм методологияси асосида яратилган.

XX асрнинг 50- йилларида яратилган асарлар жумласига А. И. Эшонов, И. Мўминов, А. П. Фомченко, А. Х. Ҳамроев, А. Р. Муҳаммаджонов, Т. Неъматов, А. Семенов, О. А. Сухарева, Б. И. Искандаров, Л. К. Шек, А. Мажлисов, Т. Г. Тўхтаметов ва К. К. Муҳсиновалар томонидан яратилган тадқиқотлар киради. Ушбу олимлар асарларининг қимматли томони шундаки, уларда қўлёзма асарлар ва архив материалларидан жуда унумли фойдаланилган ва илк маротаба улар томонидан илмий муомалага олиб киритилади. Айнан ана шу жиҳатдан олиб қаралганда, ушбу асарлар илмий жиҳатдан ниҳоятда қимматлидир.

60—80- йилларда эса Т. Файзиев, Н. А. Халфин, Н. Кисляков, Т. Г. Тўхтаметов, Б. В. Лунин, Л. Г. Левтеева, Г. И. Искандаров, А. Мажлисов, Б. Х. Кармишева, О. А. Сухарева, М. А. Абдураимов, Б. Аҳмедов, Ҳ. Зиёев, М. И. Вексельман, Ф. Фаффоров⁵, Г. А. Михалёваларнинг асарлари чоп этилди.

Т. Файзиев ўз асарларида Бухоро хонлигида қул савдоси, қуллардан фойдаланиш ва қуллар тўғрисида маълумотлар берувчи манбалар тўғрисида ўз фикрларини баён қилган.

А. Мажлисов ва Б. И. Искандаров асарларида эса Шарқий Бухоро ва Помир, уларнинг иқтисодиёти, аграр ҳолати ва у ердаги сиёсий воқеалар билан бир қаторда, у ердаги маҳаллий бошқарув тизими тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар ўз аксини топган.

⁵ Ф. Фаффоровнинг диссертацияси Россиянинг Кўқон билан олиб борилган муносабатларига тегишлидир. Қар.: XIX асрнинг биринчи ярми ва 60—70- йилларда Россия билан Кўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар. —Т., 1970.

Н. Кисляков ва А. Х. Ҳамроев асарларида муаллифлар ўз диққатларини кўпроқ Бухоронинг XIX аср охири — XX аср бошларидаги ўтроқ аҳоли турмуш тарзи ва хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, ер-сув муносабатлари масалаларини ёритишга қаратишган.

А. П. Фомченко ўз асарида XIX аср охири — XX аср бошларида Бухоро амирлиги ҳудудида рус манзилгоҳларининг пайдо бўлиши ва уларнинг жойлашиши тўғрисидаги масалаларни ёритишга ўз эътиборини қаратган.

Чор Россиясининг Туркистонда, шу жумладан, Бухоро амирлигида амалга оширган метрополия аҳолисини кўчириш сиёсатини махсус тадқиқ этган А.П.Фомченко жуда кўплаб архив материаллари ва ҳужжатларини илмий таҳлил этиб, уларни илмий муомалага олиб кириб, кўчириш сиёсатининг Бухоро амирлигидаги ўзига хос бўлган хусусиятларини очиб берди.

1917 йилга келиб, амирлик ҳудудига кўчиб келганларнинг сони 50 мингдан ошиқ кишини ташкил этган. Ундан ташқари яна 15 мингдан ошиқ рус ҳарбийлари амирлик ҳудудида жойлашган эди.

Ўз замондошлари каби А. П. Фомченко ҳам, кўчириш сиёсатини ўзи яшаган даврнинг ҳукмрон мафқураси ва буюк давлатчилик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таҳлил этади. Жумладан, у Бухоро амирлигига русларни кўчириб олиб келиш ва рус манзилгоҳлари пайдо бўлишининг асосий сабабини Россиянинг минтақадаги ҳарбий-стратегик режалари, инглиз-рус рақобати билан изоҳлайди.

Бухоро амирлигининг давлат қурилиши, унинг бошқаруви, қишлоқ хўжалиги ҳаёти ва аграр масалалар, амирликдаги ирригация шохобчалари ҳолати, сугориш технологиялари, қишлоқ хўжалиги экинлари ва қуроллари, ерга эгалик турлари ва уларнинг изоҳи тўғрисидаги муҳим маълумотлар М. А. Абдураимов асарида берилган бўлиб, ушбу асар ўзининг ўша давр сиёсатидан узоқлиги ва ҳолислиги ҳамда объектив ҳолатда ёзилганлиги билан ўша даврда яратилган асарлардан тубдан фарқ қилади.

Б. Х. Кармишева ва О. А. Сухаревалар томонидан ёзилган асарлар эса Бухоро шаҳри, амирлик шаҳарлари тарихи, шаҳарлар тузилиши, унинг аҳолиси, амирликда истиқомат қилган халқлар, қабилалар тўғрисида ўта муҳим маълумотлар берилганлиги билан ажралиб туради.

Чоризмнинг Бухоро амирлигидаги иқтисодий сиёсати, улар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ва унинг оқибатларини

ўрганиш бўйича Ҳ. З. Зиёев ва М. И. Вексельманларнинг илмий тадқиқотлари алоҳида диққатга сазовор. Агар Ҳ. З. Зиёев асарларида Бухоро амирлигининг Сибирь билан олиб борган сиёсий, иқтисодий ва савдо алоқалари каби масалалар кенг ёритилган бўлса, М.И.Вексельман асарида XIX аср охири—XX аср бошларида амирлик иқтисодиётида чор Россиясининг монополистик капитали ва хорижий капиталнинг кириб келиши ва уларнинг ўрни каби масалаларга катта эътибор берилган.

Н. А. Халфин, А. И. Эшонов, Т. Г. Тўхтаматов ҳамда А. Р. Муҳаммаджонов ва Т. Неъматовларнинг ҳамкорликда яратган асарлари бевосита Бухоро амирлиги тарихининг XIX—XX асрлар даврига оид асарлардан ҳисобланади.

А. Р. Муҳаммаджонов ва Т. Неъматовларнинг асарида Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихини ўрганиш учун муҳим ҳисобланган баъзи бир манбалар Россия томонидан Бухорога юборилган элчилик миссиялари фаолияти тўғрисидаги маълумотлар берилган.

XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида Россия-Бухоро муносабатлари тарихига бевосита бағишланган асарлар жумласига А. И. Эшонов ва Т. Г. Тўхтаматовнинг Бухоро амирлиги ва чор Россияси ўртасида олиб борилган иқтисодий, сиёсий ва дипломатик муносабатлар тарихи очиб берилган асарларини киритиш мумкин.

Ушбу асарларнинг ўша даврдаги кўплаб архив материалларини кенг жалб этган ҳолда ёзилганлигини алоҳида қайд этиш билан бир қаторда, уларнинг давр мафкураси ва ғояси асосида ёзилганлигини ҳам қайд этиш лозим. Айнан мана шунинг учун ҳам, аксарият ҳолатларда фикр юритилган масалалар бўйича муаллифлар давр ғояси ва мафкураси нуқтаи назаридан хулоса чиқарганлар.

Бизнингча, ушбу ҳолат муаллифлар хатоси эмас, балки ўша давр жамияти, ҳукмрон мафкура ва тизим фожиаси сифатида баҳоланиши лозим.

Диссертант томонидан таҳлил этилган, Совет тузуми ҳукмронлиги даврида чоп этилган ва иккинчи гуруҳга мансуб бўлган адабиётларнинг аксарияти ўша даврнинг ҳукмрон мафкураси ва буюк давлатчилик ғоясининг устунлиги сабабли уларда услубий ёндашув ошқора равишда сиёсатлаштирилганлиги ва давр мафкурасига бўйсундирилганлиги кўзга яққол ташланади.

Айнан мана шунинг учун ҳам, ушбу даврда яратилган асарларнинг аксариятида ўрганилган масалаларни бир ёқлама тилқин қилиш устун бўлган.

XX асрнинг 80- йиллари охири — 90- йиллар бошига келиб, республикамизнинг мустақиллик томон йўл тутиши ва коммунистик тузумнинг емирила бошлаши, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида ижобий ўзгаришларнинг пайдо бўлиши, ўз навбатида, узоқ йиллар давомида сохта тарзда ўрганилган ва талқин этилган тарихий воқеликларни ҳам янгича тадқиқ этишга кенг имкон очиб берди. Шу даврда тарихчи олимлар Ҳ. Зиёев, Ҳ. Бобобеков, Д. Зиёева ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари яратилди. Уларнинг ишларида чор Россияси истилоси, унинг мустамлака сиёсати, маҳаллий аҳоли вакилларининг рус мустамлакачиларига қарши олиб борган миллий-озодлик ҳаракатлари масалалари илк бора янгича қараш ва услуб ҳамда холислик ва илмийлик асосида ёритиш томон йўл тутилди.

[Ўрганилаётган мавзуга оид адабиётларнинг учинчи гуруҳига бевосита мустақиллик йилларида республикамиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар ва чоп этилган асарлар мансуб бўлиб, улар янгича услубий ёндашувлар асосида яратилганлиги, масалага миллий ва умуминсоний манфатлар ҳамда тарихий ҳақиқат мезони нуқтаи назаридан қаралганлиги билан ажралиб туради.]

Ҳ. Зиёев, А. Г. Аҳмаджонов, Ш. Воҳидов, К. Ҳакимова, Ф. Қосимов, Қ. Ражабов, О. Масалиева, Ф. Очилдиев, А. Холикулов, М. Ҳамидова, Б. Эргашев, Ш. Юсупов, А. Одилов, Р. Холиқова ва бошқа муаллифларнинг илмий тадқиқотлари мустақиллик даври маҳсули ҳисобланиб, улар яратган асарлар ва мақолаларда XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Россия-Бухоро муносабатлари тарихининг айрим жиҳатларига тааллуқли масалалар устида тўхталиб ўтилган.⁶

Ш. Воҳидов томонидан ёзилган асарлар ва унинг тадқиқотларида Бухоро амирлигида мавжуд бўлган унвон ва мансаблар, уларнинг вазифаси кенг изоҳлаб берилган бўлиб, муаллиф томонидан маҳаллий тарихий манбаларни илмий муомалага олиб киритилганлиги алоҳида диққатга сазовордир. Шу билан

⁶ Зиёев Ҳ. З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVII—XX аср бошлари.) —Т.: Шарқ, 1998. Ўша муаллиф. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи (милоддан аввалги асрлардан то 1991 йил 31 августгача). —Т.: Шарқ, 2001. Ўша муаллиф. Завоевание Бухарского и Хивинского ханства царизмом. // Общественные науки в Узбекистане. —Т., 1990. №8; Ахмаджонов Г. А. Российская империя в Центральной Азии. (История и историография колониальной политики царизма в Туркестане) —Т, 1995; Шодмон Воҳид. Қуқон хонлиги ва

бирга, ўша давр ғояси ва мафкурасига боғланмай ёзилганлиги ҳам муаллифнинг принципиал позициясини кўрсатади.

Шодмон Воҳидов томонидан тайёрланган ва 1996 йилда нашр этилган „Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар“ рисоласи ушбу тадқиқот ишимиз учун бевосита тааллуқли бўлган илмий ишлардан бири ҳисобланади. Муаллиф ушбу рисолада Бухоро амирлигидаги унвонлар ва мансаблар масаласига ёндашар экан, энг аввало маҳаллий ёзма манбаларга таяниб, мавзунини ёритишга ҳаракат қилганлиги алоҳида диққатга ва таҳсинга сазовор. Амирликдаги унвон ва мансаблар муаллиф томонидан Мирза Бадиъ Девоннинг „*Маъжаъ ул-арқом*“ асарини асосида талқин қилинади. Ушбу рисолада XVIII—XIX асрларда Бухоро тарихида мавжуд бўлган унвонлар ва мансаблар кенг таҳлил этилиши билан бир қаторда, ўша даврдаги давлат бошқаруви масалалари нафақат ёритилиб берилган, балки илмий жиҳатдан таҳлил этилган бўлиб, у асарнинг илмий даражаси ва савияси юқори эканлигидан далолат беради.

Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. Т., 1996; Хакимова К. З. Крестничество Бухарского эмирата в конце XIX начале XX в-в. —Т., 1991; Қосимов Ф. Ўзбек давлатчилиги тарихида Бухоро ҳукмдорларининг ўрни. // Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. —Т. 2001. 192—193- бетлар; Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати: (Мустабид тузумга қарши). — Т., 2000; Масалнева О. Бухоро амирлигида давлат бошқаруви (хорижлик муаллифлар асарлари асосида). // Ҳаёт ва қонун, 1991, 2- сон; Очилдиев Ф. Бухоро амирлигида Сурхон воҳаси бекликларининг тутган ўрни. // Тарих. Мустақиллик миллий ғоя. —Т.: Академия, 2001, 204—205- бетлар. Яна қаранг // Жамият ва бошқарув, 2004, 3- сон. Ўша муаллиф. Бухоро амирлигида иқтисодий ҳаёт. // Жамият ва бошқарув, 2001, 2- сон. Ўша муаллиф. XX аср бошларида шарқий Бухородаги иқтисодий ҳаёт // Жамият ва бошқарув, 2003, 2- сон; Холиқуллов А. Чироқчи беклигининг Бухоро амирлиги сиёсий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни (XIX—XX аср бошлари). // Тарих, мустақиллик, миллий ғоя, —Т., 2001, 197—199- бетлар. Ўша муаллиф. Ҳунармандчилик ва савдо марказлари. // Жамият ва бошқарув, 2003. 1-сон; Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. —Т., 1991; Одилов А. Бухоро амирлигида XIX асрнинг 60- йилларида озодлик ҳаракати тарихи // Илмий тўпламда —Т., 1995, 96—98-бетлар. Ўша муаллиф. Абдулмалик Тўра бошчилигидаги халқ овозлиқ ҳаракати тарихидан. // ЎзМУ хабарлари, 2002. 2- сон. Ўша муаллиф. Отодлик (фидойиси). // Тафаккур, 2001. 2- сон; Ражабов Қ. Бухорога Қизил Армия босқини ва унга қарши кураш. — Тошкент: Маънавият, 2002. Шу муаллиф, Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат (1918—1924 й.й.). Тарих фан. докт...дисс. —Т., 2005, 342-бет. Библиография 343—408-бетлар. Бухоро ҳукмдорлари ҳақида Қ. Ражабовнинг ҳам бир қатор

Чор Россиясининг Туркистон ўлкасига нисбатан, шу жумладан, Бухоро амирлигига қарши олиб борган ҳарбий ҳаракатлари, Россия империяси ва унинг мустамлакачиларга қарши олиб борилган курашлар ва унга қарши кўтарилган миллий-озодлик ҳаракатлари масалаларига бағишланган асарлар ичида Ҳ. З. Зиёевнинг 1998 йилда чоп этилган „Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVII—XX аср бошларида)“ номли монографияси диққатга молик асар ҳисобланади.

Муаллиф ушбу асарда, биринчилардан бўлиб, Туркистон халқларининг чор мустамлакачи золимларига қарши олиб борган умумхалқ курашини миллий-озодлик ҳаракати эканлигини эътироф этади. Шу билан бирга, ушбу ҳаракат ўлкада чоризм салтанатини заифлаштирувчи халқ кураши эканлигини аниқ архив ҳужжатлари асосида исботлаб бера олган.

мақолалари мавжуд. Қар.: Ражабов Қ. Муҳаммад Раҳимхон — манғитлар сулоласи асосчиси. // Бухоро мавжлари, 2005, 3-сон, 36—37-бетлар; Шу муаллиф, Муҳаммад Дониёлбий оталиқ: бийлик мансабидан амирлик рутбасигача. // Бухоро мавжлари, 2005, 4-сон, 26—27-бетлар; Шу муаллиф: Амир Шаҳмурод ёхуд Амири Маъсум (турон тарихида унинг тутган ўрни). // Бухоро мавжлари, 2006, 1-сон; Ўзбекистон Миллий энциклопедиясидаги Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ, Муҳаммад Раҳимхон (6-жилд), Амир Шоҳмурод (10-жилд), Амир Ҳайдар (11-жилд), Амир Насруллоҳ (6-жилд), Амир Музаффар (6-жилд), Амир Олимхон (6-жилд) ҳақидаги мақолалар ҳам Қ. Ражабов қаламига тегишли.; Холиқова Р. XIX асрда Бухоро амирлиги. // Жамият ва бошқарув, 2000. 3-сон. Ўша муаллиф. Босқинчилар кўзини уйнатган Бухоро олтини. // Жамият ва бошқарув. 2000. 4-сон. Ўша муаллиф. Амирликдаги амаллар ва унвонлар. // Фан ва турмуш. 2000. 4-сон. Ўша муаллиф. Абдуллахоннинг работ ва сардобалари (ўзбек, рус ва инглиз тилларида). // Санъат-Искусства-Арт. 2003. 1-сон. Ўша муаллиф. XIX аср охири — XX аср бошларида Россия-Бухоро ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тарихидан лавҳалар. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. 2003, 1, 2-сонлар. Ўша муаллиф. Бухоро тарихига оид муҳим манба. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. 2004, 1-сон; Ўша муаллиф. Бухоро ҳукмдорлари. Автобиографик очерк (XIX аср охири XX аср бошлари). // Жамият ва бошқарув. 2004, 2-сон. Ўша муаллиф. Марказий давлат бошқаруви тарихига бир назар. // Мулоқот. 2004, 1-сон. Ўша муаллиф. XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро амирлиги // Жайхун, ТерДУ хабарлари, 2005, 1-сон. 32—37-бетлар. Ўша муаллиф. Вассал Бухоро амирлигида маҳаллий бошқарув. // Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. — Т. 2001, 209—210-бетлар. Ўша муаллиф. Торгово-хозяйственные отношения казахских жузов с Бухарой в XIX веке. Сборник статей. — Т. 2002, с.36—39 ва б.

Мазкур ишни тайёрлашда К. З. Ҳакимованинг „Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX — начале XX века“ номли асаридан ҳам унумли фойдаланилди. Ушбу асарда муаллиф Бухоро деҳқонлари ҳаёти, уларнинг аҳволи, оғир меҳнати ва уларга нисбатан ўтказилган зулм ҳамда деҳқонлар норозилигининг келиб чиқиш сабаблари устида тўхталиш билан бирга, амирликдаги ижтимоий тузум ва олиб борилаётган ички сиёсатдан, энг аввало, оғир аҳвол ва солиқлар сиёсатидан норози бўлган деҳқонлар чиқишлари тўғрисидаги маълумотларни атрофлича ёритишга муваффақ бўлган.

Ф. Қосимов „Ўзбек давлатчилиги тарихида Бухоро ҳукмдорларининг ўрни“ мақоласида умумий таҳлил асосида Бухоро давлатчилиги, унинг ҳукмдорлари тўғрисида фикрларни баён қилиш билан бир қаторда, Бухоро давлатининг сиёсий хари-тадан йўқ бўлиш воқеаси, яъни ушбу давлатчиликнинг сўнгги босқичи тўғрисида ҳам ўз фикрларини билдириб, унинг асосий сабаби 1917 йил Октябрь воқеалари эканлигини кўрсатади. Жумладан, бу борада муаллиф шундай деб ёзади: „1917 йил Октябрь воқеаларидан сўнг, Бухоро давлати устида қора булутлар суза бошлади. Тарихий объектив шароит ва муҳит туфайли охириги амирларнинг субъектив ҳаракатлари натижасида бу давлат ўзининг сўнгги бочқичига келиб қолган эди“.⁷

Муаллиф Бухоро амирлигида давлат бошқарувининг инқирозга юз тутиши, унинг сабабларини таҳлил этиш, Бухоро давлат бошқарувининг кейинги аҳволи қандай кечгани, сўнгги Амир Саййид Олимхоннинг ҳукмдор сифатида ушбу ҳолатнинг, яъни давлат инқирозининг юзага келишидаги ўрни масалаларига ҳам тўхталиб, ўз фикрини қуйидагича билдиради. „1920 йил сентябрида Саййид Олимхон Бухорои Шарифни тарк этгач, Бухорода бошқарув тизими тўрт йил большевикона, социалистик тусда давом этиб, 1924 йилда сўнди. Бу, албатта, Бухоронинг сўнгги ҳукмдори айби билан содир бўлган тарихий воқеа эмас. Назаримизда, у қанчалик тажрибали, қатъий иродали, кенг қамровли ва қўрқмас сиёсий арбоб бўлмасин, XX асрнинг чорагида туғилган таҳдиднинг олдини барибир ололмас эди. Биринчидан, Саййид Олимхон юқоридаги фазилатларга эга эмас эди, иккинчидан, кенг тарқалиб келаётган большевизм балоси нафақат Бухорони, балки бутун Ўрта Осиё

⁷ Қосимов Ф. Ўзбек давлатчилиги тарихида Бухоро ҳукмдорларининг ўрни. // Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. —Т., 2001, 192- бет.

ва ҳатто ундан ташқаридаги ҳудудларни ҳам мустаҳкам ўраб олган эди“.⁸

О. Масалиеванинг „Бухоро амирлигида давлат бошқаруви“ (хорижлик муаллифлар асари асосида) номли мақоласида амирликдаги давлат бошқаруви масаласининг хорижлик олимлар асарларида берилган талқини тўғрисида фикр юритилди.

Ёш тадқиқотчи Ф. Очилдиевнинг „XIX аср охири — XX аср бошларида Термиз“, „Бухоро амирлигида иқтисодий ҳаёт“, ва „XX аср бошларида Шарқий Бухородаги иқтисодий ҳаёт“ номли мақолаларида чор Россияси босқинидан кейин Термиз шаҳри, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти масалаларини ёритиш билан бирга, ўша даврда амирлик иқтисодиёти, пахта етиштириш масалалари устида тўхталиб, қисман ушбу ҳолатни ёритишга муваффақ бўлган бўлса, „Бухоро амирлигида Сурхон воҳаси бекликларининг тутган ўрни“ номли мақоласида Сурхон воҳаси бекликларининг амирликнинг сиёсий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни ва рус ишбилармонларининг ушбу ҳудудда олиб борган фаолиятлари тўғрисида янги фикрларни илгари суришга муваффақ бўлган.

А. Холиқулов „Хунармандчилик ва савдо марказлари“ номли мақоласида XVIII—XIX асрларда амирликнинг Қашқадарё воҳасида хунармандчилик аҳволи, уларнинг турлари ва савдо марказлари ҳамда савдо муносабатлари каби масалалар устида тўхталиб ўтиб, қизиқарли маълумотларни келтирган бўлса, „Чироқчи беклигининг Бухоро амирлиги сиёсий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни (XIX—XX аср бошлари)“ мавзусида чоп этилган мақоласида Қашқадарё воҳасида жойлашган Чироқчи беклигининг Бухоро амирлиги сиёсий-иқтисодий ҳамда маданий ҳаётида муҳим ўрин тутганлиги қайд этилади. Жумладан, муаллиф Чироқчи беклигининг амирликдаги энг катта бекликлардан бири эканлигини, унинг чегараларини кўрсатиб ўтиш билан бирга, бекликдаги маҳаллий бошқарув, солиқ тизими ва солиқ турлари ҳамда қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёти, нарх-наво ва пул муомаласи тўғрисида ҳам қимматли маълумотларни беради.

М. Ҳамидованинг „XVII—XX асрларда Шаҳрисабз кулолчилиги“ мақоласида қадимги кулолчилик анъаналарини ўзида

⁸ Ўша асар. 192—193- бетлар.

муҳассамлаштирган XVII—XX асрлардаги Шаҳрисабз кулолчилиги нафақат ушбу ҳудуд, балки бутун кулолчилик марказлари билан олиб борган алоқалари Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим ўрин тутганлиги ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Мустақиллик даврида муаллифлар жамоаси томонидан ҳамкорликда олиб борилган кўплаб йирик тадқиқотлар натижаси бўлиш асарлар мажмуаси, йирик фундаментал монографиялар, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар⁹ чоп этилган бўлиб, уларда XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларидаги Бухоро амирлиги тарихи ва чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати масалаларига у ёки бу борада қисман эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарларида¹⁰ Ўзбекистон тарихини ҳолисона ва ҳаққоний ўрганиш ўз таҳлилини топгандан сўнг ўзбек халқи давлатчилиги тарихини тадқиқ этиш борасида жиддий ишлар амалга оширилди.

Жумладан, А. Р. Муҳаммадҷонов таҳрири остида чиққан „Населенные пункты Бухарского эмирата“ ва А. Саъдуллаев, Б. Аминов, Ў. Мавлонов, Н. Норқуловлар ҳамкорлигида яратилган „Ўзбекистон тарихи давлат ва жамият тараққиёти“ ҳамда муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган „Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости“ китоби шулар жумласидандир.

А. Р. Муҳаммадҷонов таҳрири остида нашр этилган „Населенные пункты Бухарского эмирата“ китобида ўзбек халқи тарихида илк бора Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивининг „Бухоро амири кўшбегиси девонхонаси“ жамламаси ҳужжатлари асосида Бухоро амирлигидаги географик номлар рўйхати тўла равишда берилган.

Ушбу китобда Бухоро амирлиги ҳудудий тузилиши тўғрисида ниҳоятда муҳим ва бой географик, тарихий-этнографик ва лингвистик маълумотлар жамланган бўлиб, ушбу тадқиқот ишимизни тайёрлашда муҳим ўрин касб этди.

⁹ Туркестан в начале XX века. К истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р. Я. Раджабова —Т.: Шарқ, 2000; Ўзбекистон тарихи. II жилд. —Т.: Фан, 1993; Бобобеков Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. 8- синф учун дарслик. —Т.: Ўқитувчи, 1996.

¹⁰ Қаранг: Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. —Т.: Шарқ, 1998.

Шуниси қимматлики, ушбу асарда Бухоро амирлигининг 10 мингдан ошиқ маъмурий, ҳудудий тузилмалари, яъни вилоят, туман, амлок, мавзе, бекча, қишлоқ номлари келтирилган. Айрим ҳолатларда ҳатто уларнинг аҳоли сони ҳам берилган.

Жумладан, ушбу китобда „1915 йилда Бухоро амирлиги 27 вилоят ва 11 тумандан иборат“¹¹ — бўлганлиги қайд этилган.

А. Саъдуллаев бошчилигидаги муаллифлар жамоаси томонидан яратилган китобда Ватанимиз тарихига янгича ёндашилиб, унинг турли хил воқеаларига ҳолисона баҳо бериш яққол кўзга ташланади. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон тарихида давлат ва жамият тараққиётининг илк босқичларидан бошлаб, XIX асрнинг ўрталаригача бўлган катта даврни ўз ичига олган бўлиб, унда ўзбек давлатчилигининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқарув тизими атрофлича таҳлил этилган.

Муаллифлар ҳамкорлигида яратилган „Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости“¹² китобида Туркистон ўлкаси тарихининг, шу жумладан, Бухоронинг 1917—1924 йиллардаги воқеалари: миллий уйғониш, миллий давлат қуриш томон йўл тутилиши, шу даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва кураш, иқтисодий аҳвол, Бухоро амирлигининг кулаши, Бухоронинг советлаштирилиши, Ўрта Осиёда миллий чегараланишнинг амалга оширилиши ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил топиши каби муҳим масалалар янгича ёндашув, тарихий ҳолислик ва тадқиқийлик ҳамда ҳаққонийлик принципи асосида ёритилган.

Туркистон ўлкаси, жумладан, Бухоро амирлигининг мустамлака даври тарихи тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар ва илмий билим даражасини янада бойитишда уч жилдлик „Ўзбекистоннинг янги тарихи“ китобининг „Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида“¹³ номли биринчи китоби ва „Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши“¹⁴ номли асарлар ўта муҳим ҳисобланади.

¹¹ Населенные пункты Бухарского эмирата. Под редакцией А. Р. Мухаммеджанова. —Т.: Университет, 2001. с.5.

¹² Туркестан в начале XX века. К истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я. Раджабова —Т., Шарқ, 2000.

¹³ Ўзбекистоннинг янги тарихи: 1- китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. — Т., Шарқ, 2000.

¹⁴ Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. —Т.: Шарқ, 2001.

Шунингдек, ушбу даврда Ш. Воҳидов ва З. Чориевлар томонидан Муҳаммад Али Балжувонийнинг „*Тарихи Нофеий*“ номли асари¹⁵ ҳозирги ўзбек тилига ўгирилиб, нашрдан чиқарилиши катта аҳамият касб этди. Ушбу асарда 1918—1924 йиллар давомида Бухоро амирлигида юз берган сиёсий воқеалар бевосита ўша воқеалар гувоҳи тилидан баён этилган.

Гарчи ушбу асарлар ва дарсликларда янгича ёндашув ва янгича талқин асосида Бухоро тарихининг XIX—XX аср бошларидаги даврига тааллуқли масалалар ёритилган бўлса-да, аммо муаллифлар томонидан XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларидаги Россия-Бухоро муносабатлари мавзуси, унинг туб моҳияти, воқеалар ривожини махсус равишда, унга боғлиқ масалалар эса комплекс ҳолатда ўрганилмаганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мустақиллик йилларида чор Россияси истилоси ва унинг мустамлакачилик даври тарихини ўрганишга бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар ҳам яратилди ва ҳимоя қилинди. Булар жумласига Н. А. Абдурахимова, Ҳ. Д. Содиқов, Д. Тошқулов, А. М. Худойқулов, С. Д. Болтабоев, Ҳ. Ш. Авазова, Р. М. Абдуллаев, Н. У. Мусаев, З. У. Чориев, Т. В. Катюкова, А. Курахмедов, Ш. Муродова, К. Пардаев, А. Одилов, О. Хаитова, А. Пардаев, З. Даминова, Ш. Фаффоров¹⁶, Қ. Ражабов¹⁷ илмий тадқиқотлари қиради.

¹⁵ Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий. Тоҷик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳидов, Зоир Чориев. —Т., Академия, 2001.

¹⁶ Абдурахимова Н. А. Колониальная система власти в Туркестане. (вторая половина XIX—начало XX в.в.). Автореферат дисс... докт. ист. наук. —Т., 1994.; Содиқов Ҳ. Д. Колониальная политика царизма в Туркестане и борьба за национальную независимость в начале XX века. Автореферат дисс... докт. ист. наук. —Т., 1994.; Худойқулов А. М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана. (конец XIX—начало XX в.в.) — Автореф. дисс. канд. ист. наук. —Т., 1995.; Тошқулов Д. Основные направления политико-правовой мысли народов Узбекистана во второй половине XIX и в начале XX в.: —Автореф. дисс... докт. юрид. наук. —Т., 1995.; Болтаев С. Д. Вакфное имущество в Туркестанском крае во второй половине XIX начале XX в. — Автореф. дисс... канд. ист. наук. —Т., 1997.; Абдуллаев Р. М. Национальные политические организации Туркестана в 1917—1918 г.г. Автореф. дисс... докт. ист. наук. —Т., 1998.; Мусаев Н. У. Формирование и развитие промышленного производства в Туркестане (конец XIX—начало XX в.в.) Автореф. дисс... докт. ист. наук. —Т., 1999.; Чарисв З. У. Усиление колониальной политики и национального гнета и их последствия в Туркестане в начале XX века (На примере мобилизации

Мавзунинг ўрганилиш тарихига оид бўлган адабиётларнинг тўртинчи гуруҳига хорижлик олимлар томонидан яратилган асарлар мажмуаси киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиё хонликлари-нинг, умуман, Туркистон ўлкасининг тарихи, XIX аср охири XX аср бошларидаги унинг чор Россияси ҳукмронлиги остидаги даври тарихи, жумладан, чор Россиясининг Ўрта Осиёга нисбатан олиб борган ҳарбий ҳаракатлари, унинг мустамлака ва миллий зулм сиёсати, унга қарши маҳаллий аҳоли томонидан олиб борилган миллий-озодлик ҳаракатлари тарихи доимий равишда хорижлик тадқиқотчилар диққат марказида бўлган. Бугунги кунга келиб ушбу тадқиқот ишимиз мавзуига оид бўлган хорижий тарихшунослик йўналишида инглиз, француз, немис, турк, форс, тожик ва рус тилларида чоп этилган кўплаб асарлар мажмуаси мавжуд бўлиб, уларни икки туркумга ажратган ҳолда таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

на тыловые работы) — Автореф.дисс... докт.ист.наук. —Т., 1999; Катюкова Т. В. Проблемы Туркестана в центральных законодательных органах власти Российской империи. (1905—1917 г.г.). Автореф.дисс... канд.ист.наук, —Т., 2001; Курахмедов А. Э. Экономическая и культурная жизнь Самаркандской области второй половины XIX-начала XX в.в. (по материалам „Туркестанского сборника“.) Автореф.дисс.канд.ист.наук. —Т., 2001; Пардаев К. К. Ўрта Зарафшон (Миёнқол) воҳасининг XIX—XX аср бошларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти. Тарих фан. номзоди. дисс.автореф. —Т., 2003; Одилов А. А. Бухоро амирлигида миллий-озодлик ҳаракатлари тарихи (Абдулмалик Тура бошчилигидаги халқ озодлик ҳаракати мисолида). — Тарих фан. номзоди дисс.автореф. —Т., 2003; Гаффаров Ш. С. Переселенческая политика Российской империи в Туркестане. (вторая половина XIX-начала XX веков.). Автореф.дисс. докт.ист.наук. —Т., 2003; Муродова Ш. XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистон ўлкасидаги озодлик ҳаракатлари тарихи (Самарқанд вилояти мисолида). Тарих фан. номзоди дисс.автореф. —Т., 2004; Хаитова О. С. Кармана шаҳрининг Бухоро хонлиги ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида тутган урни. Тарих фан. номзоди. дисс. автореф. —Т., 2004.

¹⁷ Ражабов Қ. Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат (1918—1924 й.й.). Тарих фаилари доктори ... диссертацияси —Т., 2005. 342-бет. Библиография 243—408 б.б. Бухоро ҳукмдори ҳақида Қ. Ражабовнинг ҳам бир қатор мақолалари мавжуд. Юқорида таъкидлангандек: Ражабов Қ. Муҳаммад Раҳимхон—манғитлар сулоласи асосчиси. // Бухоро мавжлари, 2005, 3-сон. 36—37-бетлар. Ўша муаллиф, Муҳаммад Дониёлбий оталик: бийлик мансабидан амирлик рутбасигача. // Бухоро мавжлари, 2005, 4-сон, 26—27-бетлар; Ўзбекистон Миллий энциклопедиясидаги Муҳаммад Ҳакимбий оталик (6-жилд), Муҳаммад Раҳимхон (6-жилд), Амир Шоҳмурод (10-жилд), Амир Ҳайдар (11-жилд), Амир Насруллоҳ (6-жилд), Амир Музаффар (6-жилд), Амир Олимхон (6-жилд) ва б. мақолалар.

Биринчи туркумга XX—XXI асрларда АҚШ, Англия, Франция, Германия, Туркия, Эрон каби хорижий давлатларда яратилган асарлар мажмуасини, иккинчи туркумга эса бевосита мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг, яъни XX асрнинг сўнги ўн йили ва XXI аср бошларида Россия ва МДХ давлатларида яратилган асарлар мажмуасини киритдик.

Шуни таъкидлаш жоизки, мавзуимизнинг айрим жиҳатларига у ёки бу борада баъзан қисман, баъзан умумий ҳолатда тегишли бўлган илк тадқиқотлар XX асрнинг 50—60 йилларида АҚШ, Англия, Туркияда пайдо бўлди.

Улар жумласига Е. Д. Сокол, Р. А. Пирс, Р. Портал, С. Беккер, А.З.Валидий-Тўғон¹⁸ тадқиқотларини киритиш мумкин.

Ушбу даврдаги хориж тарихшунослигида яратилган асарларда чор ҳукуматининг империя мустамлака ўлкалари (жумладан, Туркистон, Бухоро ва Хива, *таъкид бизники* —Р.Х.) да XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида олиб борган мустамлака сиёсати ва миллий зулми кескин танқид қилиниб, ушбу сиёсат совет тоталитар тузуми даврида ҳам олиб борилганлиги алоҳида таъкидланади.

Чет эллик тарихчилар, жумладан, ғарбий европалик ва америкалик тадқиқотчилар (Е.Д.Сокол, Р.А.Пирс, Р.Портал, С.Беккер) ўз асарларида Россия—Бухоро муносабатлари масаласини ўрганиш ва уни таҳлил этишни ўз олдларига алоҳида вазифа ва мақсад қилиб қўймаган бўлсалар-да, улар ўз асарларида чор Россиясининг Туркистон ўлкасига, шу жумладан, Бухорога нисбатан олиб борган мустамлакачилик сиёсати ва ҳукмронлиги, унинг айрим жиҳатлари каби масалаларга ўта танқидий ёндашганлигини эътироф этиш керак.

Е.Сокол асарида чор Россиясининг мустамлака зулми ва сиёсатига қарши Туркистон маҳаллий аҳолиси томонидан олиб борилган миллий-озодлик ҳаракатлари, жумладан, 1916 йилги қўзғолон тафсилотлари таҳлил этилиб, унинг келиб чиқишининг асосий сабаби мустамлака сиёсатининг натижаси эканлиги таъкидланади.

С. Беккер эса ўз асарида чор Россияси ва унинг ҳукумати томонидан Ўрта Осиёда олиб борилган мустамлакачилик сиёсати ва унинг оқибатларини таҳлил этган ҳолда, ўлканинг маҳаллий аҳолисига нисбатан олиб борган ноқонуний ҳара-

¹⁸ Sokol E. D. The revolt of 1916 in Central Asia. — Baltimore, 1954; Pirce R. A. Russian Central Asia. 1960; Portal R. Formation de L' Union Sovietique et le probleme nationale // Revie Historique. // Revue Historogue, 1956; C.Becker. Russians protectorates in Central Asia, Bukhara and Khiva, 1865—1924. — Cambridge, 1968; Togan Z.V. Hotiralar. — Istanbul, 1969.

катлари, уларнинг миллий ва маданий ҳаётига аралашуви, айниқса, руслаштириш сиёсати, ўз навбатида, маҳаллий аҳоли томонидан миллий-озодлик ҳаракатларининг келиб чиқишига сабаб бўлганлигини кўрсатиб ўтади.

А.З.Валидий-Тўғон бевосита ўзи ҳам Урта Осиёнинг маҳаллий аҳолиси томонидан советлар ҳукмронлиги ўрнатилишига қарши олиб борилган миллий-озодлик ҳаракати иштирокчиси бўлганлиги учун ҳам, миллий-озодлик ҳаракатлари, жумладан, 1916 йилги кўзғолоннинг келиб чиқиши масаласига холис баҳо берган ҳолда, у ҳеч қандай пролетар ҳаракат натижаси (совет тарихшунослигида шундай талқин илгари сурилган) эмаслигини кўрсатиб беради.

XX асрнинг 90- йиллари ва XXI аср бошида хориж тарихшунослигида XIX аср иккинчи ярми ва XX асрда Урта Осиё тарихига оид янги тадқиқотлар яратилди. Булар жумласига О. Бертон, Мехмет Сарой, Алауддин Ёлчинқоя, Анке Фон Кюгельген асарлари киради.¹⁹

Одрэ Бертон ўз асарларида 1558—1920 йилларда Бухоро тарихида савдо, савдо алоқалари, элчилик, Бухоро билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо йўллари, бухоролик яҳудийларнинг Бухоро савдо муносабатларида тутган ўрни каби қизиқарли масалаларни ёритишга катта эътибор қаратган.

Шунингдек, ушбу муаллиф XVII асрда Бухорода тутқунликда бўлган чор Россияси фуқаролари тарихи масаласига бағишланган илмий тадқиқотлар ҳам олиб борган.

Туркиялик тарихчи Мехмет Сарой ўз китобида ўзбеклар тарихини кенг ёритиб, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср

¹⁹ Burton Audrey. "Iteneraires commerciaux et militaires entre Boukhara et l'Inde". pp. 13-32 in *Inde-Asie Centrale; Routes du commerce et des idees. / Cahiers d'Asie Centrale, No.1-2, 1996; The Bukharans.A dynastic, diplomatic and commercial histori - 1550-1702, — London, 1997, 700 pp., maps, glossary, tables; "Russian slaves in seventeenth century Bukhara", pp. 345-365 in Post-soviet Central Asia, ed. T. Atabaki and J.O'Kane, Tauris Academic studies, —London —New York, 1998. ISBN, 1 86064 327 2; "Marchands et negociants Boukhares 1558-1920", pp. 37-62 in Boukhara-la-Noble. // Cahiers d'Asie centrale, 5-6, 1998. ISBN, 2-7449-0034-6; Revics of R. D. Mc Chesney: Central Asia: foundations of change. (Leon B.Poullade Memorial Lecture, Vol.2.), 204 pp. —Princeton, NJ, 1996 in Bulletin of SOAS, 61F2, 1998; Mehmet Caray. Ozbek Turklari tarihi. —Istanbul, 1993; Alaeddin Yalchinkaya. Camurgelik. Panielamizm ichinda Turkistan. — Istanbul, 1997; Анке Фон Кюгельген. Легитимация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков. (XVIII—XIX в.в.)—Алматы, 2004.*

бошларидаги воқеалар устида ҳам тўхталиб ўтган. Жумладан, 1916 йилги қўзғолон тарихига алоҳида эътибор қаратиб, уни маҳаллий аҳоли вакилларининг ўз ҳуқуқи ва эрки ҳамда мустақиллиги учун олиб борилган кураши деб баҳолайди.

А. Ёлчинқоя эса ўз асарида Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун олиб борган курашларини, шу жумладан, 1916 йилги қўзғолон энг аввало чор Россиясининг ўлка маҳаллий аҳолисига нисбатан олиб борган миллий зулмига қарши қаратилган кураш эканлигини кўрсатади.

Бухоро тарихига оид бўлган айрим масалалар хорижлик олимлар—бууюк британиялик Эдвард Карр, франциялик Жозеф Кастанье, германиялик Рейнхорд Айзенер, америкалик Оливер Рой асарларида²⁰ ҳам қисман ўз аксини топган.

Сўнгги йилларда чоп этилган хорижлик олимлар асарлари ичида ўзининг қиммати ва янгилиги билан Анке Фон Кюгельген асари алоҳида аҳамият касб этади.²¹

Анке Фон Кюгельгеннинг „Легитимация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII—XIX в.в.)“ асарида, асосан, XVIII аср охири ва XIX асрда Бухорода яратилган тўққизта йирик тарихий асарлар ўрганилади ва айнан ана шу асарлар асосида Бухорода янги мангитлар сулоласи тарихи тадқиқ этилади. Ушбу асарда ҳар бир мангит ҳукмдорига алоҳида тўхталиб ўтилиб, нафақат унинг фаолияти ўрганилади, балким унинг давридаги ҳар бир воқелик чуқур илмий таҳлил этилади.

Муаллифнинг энг катта ютуқларидан бири шундаки, ушбу асарда Бухоро тарихшунослари томонидан XVIII—XIX асрда ишлатилган атамаларга тўла ҳолда таянади ва воқеликларни баён қилиш ҳамда таҳлил этиш чоғида айнан ана шу атамалардан фойдаланади. Энг муҳими, муаллиф ўз асарида мангитлар сулоласига тааллуқли бўлган дастлабки тўрт ҳукмдор — Муҳаммад Раҳим, Муҳаммад Дониёлбий, Шоҳмурод ва Амир Ҳайдарларнинг тахтга келиши, уларнинг ҳукмронлиги, давлат бошқарув хислатлари, улар яшаган даврдаги тарихшунослар асари ҳамда улар яшаб бўлгандан кейинги даврда асарлар

²⁰ Карр Э. История Советской России. Кн.1. Большевиетская революция 1917—1923 г.г. Т.1-2; —М., 1990; Кастанье Ж. Бухарская республика. // Позития, 1993, №.1, с.15—19; Айзенер Р. Бухара в 1917 году. // Восток, 1994, № 4, 131—144 и № 5, с.75-92.; Рой О. The New Central Asia. // The Creation of Nations. —New York, 2000.

²¹ Анке Фон Кюгельген. Легитимация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII—XIX вв.) Алматы, 2004.

яратган тарихшунослар томонидан қандай баҳо берилганлигига, уларнинг шахси қай тарзда таърифланганлигига жуда катта эътибор қаратган.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, энг аввало, бирламчи манбаларнинг, жумладан, архив ҳужжатларининг асл нусхаларидан фойдаланиш имконияти чекланганлиги, керакли ахборот ва маънавий база ҳамда ҳужжатлар билан ишлаш имконияти бўлмаганлиги учун хорижлик олимлар томонидан яратилган асарлар, энг аввало турли даврларда чоп этилган асарларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, улардаги асосли материаллардан фойдаланиш асосида яратилганлиги учун ҳам, гарчи назарий жиҳатдан кучли ва кўп ҳолатларда ҳаққоний хулосалар илгари сурилганлигига қарамай, юқоридаги ҳолатлар муаллифларга ўрганилган масалаларни ҳар томонлама тўла ёритиш имконини бермаган.

Жумладан, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Россия-Бухоро муносабатлари тарихи мавзусини ўрганиш масаласи ҳам хорижлик муаллифлар олдида асосий масала қилиб кўйилмаганлиги учун ҳам ушбу масала чоп этилган асарларда махсус тадқиқот мавзуси бўлмаган, деган илмий хулоса чиқариш учун асос бўлади.

Мустақиллик йилларида Россия ва МДХ давлатларида ҳам бизнинг томонимиздан тадқиқ этилаётган мавзуга яқин бўлган масалалар ўз аксини топган бир қатор асарлар яратилди.

Жумладан, А. М. Гинзбург, В. Медведев, В. Генис, Н. Ҳотамов, Ғ. Ғоипов, А. Мамадазимов, Г. Ҳайдаров асарлари²² шулар жумласига киради.

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги ва XXI аср бошида Россияда рус олимлари В. Медведев, В. Л. Генис томонидан эълон қилинган мақолалар ва асарларда²³ Бухоро тарихининг айрим жиҳатлари, жумладан, Бухородаги жадидчилик ҳаракати, қизил армия кўшинларининг Бухорога нисбатан ҳарбий ҳаракатлари ва унинг бостириб кириши, Бухородаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жараёнлар таҳлил этилган.

²² Гинзбург А. И. Русское население в Туркестане. — М., 1991; Хотамов Н. Свержение эмирского режима в Бухаре. — Душанбе, 1997; Ғоипов Ғ. Таърихи Ҳисори Шодмон, Чағониён ва Душанбе. — Душанбе, 1999.

²³ Медведев В. Нечаянная революция. Бухара. 1920 год. // Дружба народов, 1992, № 1, с.131—176; Генис В. Л. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году. // Вопросы истории, 1993, № 7, с.39—53; Он же, С Бухарой надо кончать. К истории бутафорских революций. — М., 2001.

Россиялик тадқиқотчи олима А.Гинзбург ўз асарида чор Россиясининг кўчирувчилик сиёсати масалаларини ёритишга ҳаракат қилади, аммо муаллиф ушбу воқеликни таҳлил қилганда ўз давлати ва ўша давр муҳити нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, чор Россиясининг кўчирувчилик сиёсатини прогрессив ҳолат сифатида баҳолайди. Ваҳоланки, у мустамлака сиёсати маҳсули ва натижаси эди.

Намоз Ҳотамов китобида Рус-Бухоро ва Совет-Бухоро муносабатлари масалалари, ёш бухороликлар фаолияти, Бухоро масаласи бўйича Туркфронт кўмондонлиги позицияси, амирликнинг Шаҳрисабз, Китоб, Фузор, Қарши, Қоракўл ва Кармана каби ҳудудларида амирлик тузумининг ағдарилиши каби масалалар ёритилган.

Ғолиб Ғоипов асарида эса Бухоро амирлигининг Ҳисори Шодмон, Чағониён²⁴ ва Душанбе каби ҳудудларининг VIII асрдан то 1921 йилга қадар бўлган тарихи ёритилади.

Муаллиф ўз асарида Амир Музаффар ва Амир Олимхон даврида Денов беклигининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи масалалари устида ҳам қисман тўхталиб ўтган.

Тожикистонлик тарихчилар Н.Ҳотамов, А.Мамадазимов, Г.Ҳайдаровлар ўз асарларида²⁵ Бухоро тарихининг айрим жиҳатларини ёритишга ҳаракат қилишган

Ўрганилган ва таҳлил этилган адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Россия-Бухоро муносабатлари тарихи, жумладан, чор Россиясининг Бухорога нисбатан олиб борган ҳарбий ҳаракатлари, улар ўртасидаги қаттиқ жанглар, 1868 ва 1873 йилларда имзоланган шартномалар, чор Россияси босқинига қарши халқ томонидан кўтарилган миллий-озодлик ҳаракатлари, чор Россияси томонидан Бухорони вассал давлатга айлантириш сиёсати, чор Россияси империясининг Бухоронинг ички ва давлат бошқаруви ишларига аралашуви, Бухорони иқтисодий жиҳатдан қарам ҳудудга айлантириш сиёсати масалалари ҳали тўла ўрганилган деб бўлмайди.

Шундай қилиб, мавзу тарихшуноелиги шуни кўрсатадики, ушбу тадқиқот ишимиз мавзуси ҳозирги кунга қадар махсус

²⁴ Муаллиф Ҳисор-у Чағониён деб „Денов“ беклигини ҳам назарда тутган.

²⁵ Хотамов Н. Сверхение эмирского режима в Бухаре, — Душанбе, 1997; Мамадазимов А. Политическая история таджикского народа. — Душанбе, 2000; Турсунов Н. Х. История таджикского народа: XX век. — Худжанд, 2001.

ўрганиш учун мавзу сифатида олимлар томонидан ўз олдиларига вазифа ва мақсад қилиб белгиланмаган.

Шунингдек, мавзу тарихшunosлиги таҳлили ушбу мавзуга бевосита оид бўлган тарихий адабиётларнинг ўта кам эканлигини ва борлари ҳам бизнинг мавзуимизга қисман, у ёки бу борада тегишли эканлигини, яратилганларининг деярли аксарияти собиқ советлар тузуми ҳукмронлиги даврида ўз даври ва ҳукмрон тузум мафкураси асосида яратилганлиги, ушбу биз танлаган мавзунинг ўз даврида тарихийлик ва ҳаққонийлик принциpidан четлашган ҳолда, ҳамда ноҳолис, сунъий равишда мафкуралаштирилган ҳолатда ўрганилганлигини кўрсатади.

Тадқиқот мавзуи тарихшunosлигини яқуний таҳлили натижаси сифатида, ушбу мавзу ҳали ҳам етарли даражада чуқур ўрганилмаган бўлиб, собиқ совет тузуми даврида ҳукмрон мафкура ўзининг услубий андозаси ва кўрсатмалари асосида мазкур мавзуни илмий жиҳатдан асосли, тарихан холис ўрганишга йўл ҳам, имкон ҳам бермаганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, собиқ советлар ҳукмронлиги даврида XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида Россия-Бухоро муносабатлари тарихини ҳар томонлама атрофлича, холис ва ҳаққоний ҳамда илмий тарзда ёритиб берувчи илмий асарлар яратилмади.

Собиқ совет тузуми даврида ушбу мавзуга у ёки бу борада тегишли бўлган тадқиқотлар:

— биринчидан, тўла марксча-ленинча методология асосида ёзилди;

— иккинчидан, тарихий воқеликлар марксча-ленинча концепция андозаларига сунъий равишда мослаштирилди ва ҳақиқий тарихий воқелик акс эттирилмай, у бузиб талқин этилди;

— учинчидан, мавзуга оид манбавий асослар етарли даражада чуқур ўрганилмади, ўрганилган ҳужжатлар эса бир томонлама таҳлил этилди;

— тўртинчидан, маҳаллий муаллифлар томонидан ўша воқеликлар бўлиб ўтган вақтда яратилган маҳаллий тилдаги ёзма манбалар илмий муомалага киритилмади.

Мустақиллик йилларида бир қатор янги талқиндаги асарлар мажмуаси тайёрланди ва чоп этилди. Уларда миллий давлатчилик тарихининг баъзи бир томонлари ёритилди. Холис ва ҳаққоний тарздаги асарлар шакллана бошланди. Бироқ XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Бухоро амирлиги тарихи, айниқса Россия-Бухоро муносабатлари, Бухоро амир-

лиги ҳудуди, унинг аҳолиси каби масалалар етарли даражада тўла ўрганилмади ва ҳозиргача у ўз ечимини кутмоқда.

Айнан мана шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, ушбу тадқиқотда XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Россия-Бухоро муносабатлари масаласининг барча жиҳатлари комплекс ҳолатда ўрганилаётганлиги эътиборга олинса, ушбу мавзунинг тарихийлик ва ҳаққонийлик юзасидан ўрганиш зарурияти энг аввало бугунги кун талаби эканлиги яққол намоён бўлади.

Юқорида зикр этилган асарлар, тадқиқотлар, илмий мақолалар таҳлили асосида хулоса тариқасида айтиш мумкинки, ҳозирги кунга қадар чор Россиясининг Бухорога нисбатан олиб борган ҳарбий ҳаракатлари, унинг ҳудудларини босиб олиши, у ерда ўз ҳукмронлигини ўрнатиши, Россия-Бухоро ўртасида 1868 ва 1873 йилларда тузилган расмий шартномалар ва унинг тафсилоти, Бухоро томонидан сиёсий ҳуқуқнинг йўқотилиши ҳамда чор Россияси томонидан XIX аср охири — XX аср бошларида Бухорога нисбатан уни иқтисодий жиҳатдан қарам этиш сиёсатининг олиб борилиши ва унга эришиши масалалари комплекс ҳолатда ўрганилмаган. Айнан мана шу ҳолат муаллифга ушбу мавзунинг махсус илмий тадқиқот мавзуси сифатида белгилаб олишига асосий сабаб бўлди.

1.2. Тадқиқот манбаларининг тавсифи

XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Россия-Бухоро муносабатлари тарихини ёритишда турли-туман манбалардан ҳар томонлама кенг ва атрофлича фойдаланиш катта аҳамият касб этди. Биз ўз тадқиқотимизда айнан ушбу йўналишга жиддий эътибор қаратишга ҳаракат қилдик.

Россия-Бухоро муносабатлари тарихи, хусусан, Бухоро амирлигининг биз ўрганаётган давр тарихига оид бўлган ёзма манбаларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви ва Мустақил давлатлар архивларида сақланаётган расмий ҳужжатлар.

2. Ўша даврда яшаб ўтган ва бевосита Россия-Бухоро муносабатлари жараёнида иштирок этган рус ҳарбийлари, амалдорлари ва олимлари томонидан рус тилида битилган асарлар, эсдаликлар, ҳисоботлар, ҳамда ўрта осиелик муаррихлар томонидан маҳаллий тилда ёзилган тарихий асарлар, очерклар ва хотиралар.

3. XIX аср охири — XX аср бошларида чоп этилган матбуот нашрлари — газета ва журналлар материаллари.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (кейинчалик ЎЗР МДА) ҳамда МДХ давлатлари архивлари, жумладан, Москва шаҳрида жойлашган Россия Давлат Ҳарбий Тарих Архиви (кейинчалик РДХТА) фондларида сақланаётган расмий ҳужжатлар мажмуаси тадқиқотимизнинг муҳим манбавий базаси ҳисобланади. Ушбу тадқиқот ишини тайёрлаш давомида Ўзбекистон Республикаси МДА нинг 1-жамғарма („Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси“), 3-жамғарма („Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги“), 2-жамғарма („Туркистон генерал-губернаторлиги қошидаги дипломатик амалдор“), 18-жамғарма („Самарқанд вилояти бошқармаси“)нинг иш тахлама-ларини атрофлича ўрганиб чиқдик.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси МДАнинг 3-жамғармадаги „Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги“ни таъсис этиш тарихи, унинг тузилиш ва вазифалари, Бухоро амирлигининг иқтисодий ҳаётида мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириш жараёнлари билан боғлиқ маълумотлар ва ҳужжатлар ушбу илмий ишимизда муҳим манбавий ҳужжат сифатида фойдаланилди.

Шунингдек, Россиянинг Бухоро билан ўзаро савдо ва сиёсий алоқалари хусусидаги Россия ташқи ишлар вазирлигининг ёзишмаларидан иборат бўлган „Туркистон генерал-губернаторлиги қошидаги дипломатик амалдор“ номли 2-сонли жамғармаси ҳужжатларидан ҳам муҳим манба сифатида фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси МДАнинг „Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси“ номли 1-сонли жамғармасидан, „Самарқанд вилояти бошқармаси“ номли 18-сонли жамғармаси ҳужжатларидан Туркистон генерал-губернаторлиги билан Бухоро амирлиги ўртасида олиб борилган муносабатлар тўғрисидаги ёзишмалар, кўрсатмалар, расмий хабарлардан ҳам ушбу илмий тадқиқот ишимизда тарихий манба сифатида фойдаланилди ва улар илмий муомалага олиб киритилди.

Ўзбекистон Республикаси МДАнинг ушбу жамғармаларидан олинган ҳужжатларда Россиянинг Бухорога қарши олиб борган ҳарбий ҳаракатлари тафсилотлари, 1868 ва 1873 йилги шартномалар, Абдулмалик Тура бошчилигидаги миллий-озодлик ҳаракати ва уни бостириш, генерал Абрамов томонидан Шаҳрисабз ва Китоб бекликларининг эгалланиши тўғрисида муҳим маълумотлар қайд этилди ва улар илмий жиҳатдан таҳлил қилинди.

Юқорида номлари зикр этилган жамғармалардан олинган материаллар XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида Россия-Бухоро муносабатлари жараёнини тушуниб етиш ва кўз олдимизда гавдалантириш учун муҳим ва қизиқарли маълумотларни берди. Ушбу ҳужжатлар бу жараёнда иштирок этаётган сиёсий кучларнинг мавқелари, унинг ўзгариб туриши, чоризмнинг ушбу муносабатлардан кўзлаган туб мақсад ва вазифалари, чор амалдорларининг Бухоро амирлиги мустақиллигини қандай тушунишлари, Бухорони вассал давлатга айлантириш ғоясининг ишлаб чиқиши, амирликда мустамлакачилик мафкурасини шакллантиришда сиёсий агентликнинг ўрни каби масалалар бўйича қизиқарли жавоблар топиши нуқтаи назардан алоҳида диққатга сазовордир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси МДА нинг маълум даражада бизгача тарихчи олимларимиз томонидан илмий истеъмолга киритилган кўплаб ҳужжатлари яна бир бор қайта кўздан кечирилди ва янгича илмий дунёқараш асосида ҳолисона илмий таҳлил қилинди ва мушоҳада этилди.

Ўзбекистон Республикаси МДА даги „Бухоро амирининг қўшбеги девонхонаси“ архиви ҳужжатларини ўрганиш тадқиқотимизнинг илмий салоҳиятини янада кучайтиришга имкон берди. Жумладан, унинг ҳужжатларидан ўша даврдаги Бухоро давлатчилиги, унинг ўзига хос хусусиятлари, амирлик ҳудуди, унинг аҳолиси, аҳолисининг иқтисодий ва ҳуқуқий аҳволи, Бухоронинг вассаллик ҳолатига тушиб қолиш ҳолати тўғрисида муҳим маълумотлар олинди.

Ўзбекистон Республикаси МДА материаллари чор Россияси мустамлакаси ва советлар истибдоди даврида яратилган Россия-Бухоро муносабатлари тарихшунослигига нисбатан қиёсий фойдаланиш, бизга чор Россиясининг Бухоро амирлигини босиб олиши ва унинг ўз протекторатини ўрнатиш давридаги Россия-Бухоро муносабатларининг асосий йўналишларини нисбатан тўлиқ ва ҳолисона очиб бериш ҳамда ёритишга имкон берди.

Россия-Бухоро муносабатлари тарихига оид муҳим ҳужжатлар тўплами Россия Давлат Ҳарбий Тарих Архивининг (РДХТА) „Бош штабнинг Осиё қисми“ номли 400-жамғармаси, „Туркистон ҳарбий округи штаби“ номли 1396-жамғармаси ва „Ҳарбий вазирлик девонхонаси“ номли 366-жамғармаси иш таҳрирларидан муҳим маълумотлар қайд этилди ва илмий таҳлил қилинди ҳамда улар кенгроқ илмий муомалага киритилди.

XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларидаги Бухоро амирлиги тарихи ва Россия-Бухоро муносабатларига оид асосий маълумотлар РДХТАнинг 400-жамғармаси, (Бош штаб), 1396-жамғармаси (Туркистон ҳарбий округи штаби), 1-жамғармаси (Ҳарбий вазирлик идораси), 404-жамғармаси (Бош штабнинг ҳарбий-топографик бошқармаси), 483-жамғармаси (Ўрта Осиё бўйича олиб борилган ҳарбий экспедициялар коллекциялари), 1393-жамғармаси (Туркистон ҳарбий округининг дала юришлари штаби), 1432-жамғармаси (Самарқанд вилояти қўшинлари штаби) жамламаларида қайд этилди.

РДХТАнинг 1396-сонли Туркистон ҳарбий округи штаби фонди жамламаларида Бухоро тўғрисидаги маълумотлар, Бухоро ҳукмдорлари ва уларнинг расмлари (1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш), Бухоро хонлиги тўғрисидаги* сиёсий, иқтисодий маълумотлар, уларнинг умумий баёни (1396-жамғарма, 2-рўйхат, 2138-иш), Термиз шаҳрининг (Патта-Кесар) рус ҳукумати тасарруфига ўтказилиши тўғрисидаги маълумотлар ва ёзишмалар (1396-жамғарма, 2-рўйхат, 2192-иш), Термиз шаҳрида чегара таянч пунктлари қурилиши тўғрисидаги маълумотлар, ҳамда Патта-Кесардан Чоржўйгача бўлган йўлнинг реконструкцияси тўғрисидаги маълумот (1396-жамғарма, 2-рўйхат, 2118-иш), Термизга борадиган йўлнинг қурилиши тўғрисидаги маълумотлар (1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1495-иш), Бухоро амирлигининг Шаҳрисабз ва Фузор бекликларидаги аҳволи баёни (1396-жамғарма, 2-рўйхат, 2105-иш), амирликнинг Денов, Ҳисор ва Шеробод бекликларининг подполковник Михайлов томонидан тузилган тўла иқтисодий шарҳи (1396-жамғарма, 2-рўйхат, 2127-иш), амирликнинг Фузор беклиги ҳамда Келиф беклигининг Куйитанг (Кўҳитанг — Р. Х.) ва Қарлуқ амлоқдорликлари тўғрисида 1889 йилда полковник Федоров томонидан тузилган статистик маълумот (1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1856-иш), Бухоро амирлигининг ҳарбий ҳолати, унинг қўшинлари, қўшинларнинг таркиби ҳамда уларга ажратилган маблағ ва тўланган маош тўғрисидаги маълумотлар (1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1701-иш ва 1745-иш), Бухоро тўғрисидаги рус сиёсий агентлиги томонидан юборилган маълумотномалар ва ҳисоботлар ҳамда уларнинг расмий ёзишмалари (1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1668-иш), Бухорода рус ҳукумати сиёсатига қарши ташвиқотлар тўғрисида зобит Туголиннинг рапорти (1396-жамғарма, 2-рўйхат, 2091-иш), Бухоро амирлигининг ички аҳволи тўғрисидаги ўта махфий ҳисобланган маълумотлар (1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1795-иш) мавжудлиги аниқланди.

Жумладан, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1495-ишдаги ҳужжатларда XIX аср охири — XX аср бошларида Бухоро амирлиги аҳолисининг аниқ сони, унинг бекликлар ва туманлар бўйича тақсимооти берилган.

РДХТАнинг „Бош Штаб“ фонди (400-жамғарма) жамламаларидан эса Бухорода Рус консуллиги ва рус сиёсий агентлигининг ташкил этилиши тўғрисидаги маълумотлар (400-жамғарма, 1-рўйхат, 878-иш), Россия ҳукумати томонидан Бухоро билан Амударё бўйлаб темир йўл линияси ўтказишни ўрганиш бўйича ўзаро ёзишмалари ва шартномалари (400-жамғарма, 24-рўйхат, 879-иш), Панж округида маҳаллий бошқарув органининг очилиши тўғрисидаги маълумотлар (400-жамғарма, 1-рўйхат, 1024-иш), Бухоро элчиларининг ўзаро ёзишмалари (400-жамғарма, 24-рўйхат, 1451-иш), 1890 йилда Бухорога ҳинд ва афғон товарларининг кириб келиши тўғрисидаги маълумотлар (400-жамғарма, Осие бўлими, 105-иш), Бухоро амирлигининг бюджети ва Бухородаги рус манзилгоҳлари тўғрисида (400-жамғарма, 1-рўйхат, 4458-иш) тарихчи тадқиқотчиларимизга ҳозирги кунга қадар, умуман номаълум бўлган, янги маълумотлар топилди.

Умуман олганда Россия Давлат Ҳарбий Тарих Архиви жамғармаларида сақланаётган ҳужжатлар, ёзишмалар, статистик маълумотлар ўзининг сақланиши ва мазмуни нуқтаи назаридан нафақат бизнинг тадқиқот ишимиз учун, балким Ўзбекистон тарихчилари учун ниҳоятда бебаҳо ва нодир топилма ҳисобланиб, улар XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларидаги Бухоро амирлиги тарихини янгича фикр ва таъқин асосида янада чуқурроқ ўрганиш ва уни яратиш учун муҳим тарихий манба сифатида хизмат қилади.

XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида яратилган ва бугунги кунда тарихий манбага айланиб улгурган тарихий асарлар мажмуасининг илмий таҳлили ушбу гуруҳ асарларини ёзма манба сифатида баҳолашни тақозо этади. Ушбу тадқиқот ишимизда биз айнан мана шу йўлни танладик.

XIX аср охири — XX аср бошларида ёзилган ва яратилган ёзма манбаларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин. Биринчи тоифага бевосита рус тилида ёзилган ёзма асарлар мажмуасини, иккинчи тоифага эса маҳаллий олимлар, тарихчилар томонидан маҳаллий тилда ёзилган асарларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи тоифага оид рус тилида битилган ёзма манбалар мажмуасига бевосита ўша даврда яшаб, ҳарбий ҳаракатлар ва

мустамлака сиёсатини амалга оширишда иштирок этган ва унга гувоҳ бўлган рус ҳарбийлари, амалдорлари, рус олимлари ҳамда тарихчилари томонидан ёзилган ва яратилган тарихий асарлар, хотиралар, эсдаликлар, расмий хабарлар ва ҳисоботлар киради. Ушбу гуруҳга мансуб ишлар бугунги кунда ҳақиқий маънода ҳар қандай илмий тадқиқот учун манба бўлиб хизмат қилади, чунки ушбу асарлар бугун бир неча нусхаларда қолган бўлиб, кутубхоналарнинг нодир қўлёзмалар жамғармасида сақланиши билан бир қаторда, улар бевосита ўша давр гувоҳлари ва воқеалар, тарихий жараёнлар иштирокчилари томонидан ёзиб қолдирилганлиги билан қадрли ҳисобланади.

Ушбу ёзма манба-асарлар жумласига М. А. Терентьев, Е. К. Мейендорф, М. Зиновьев, А. И. Макшеев, Граф Йорк фон Вартенбург, Д. Н. Логофет, В. В. Крестовский, Н. Стремоухов, Н. А. Маев, С. В. Жуковский, И. Т. Пославский, А. Глуховский, А. Галкин, М. А. Варыгин, Н. Хаников, В. И. Массальский, Р. Ю. Рожовиц, Капитан Васильев, Капитан Лилиенталь, В. В. Радлов, Л. Кун, А. Татаринов, Н. Покатило, В. И. Липский томонидан XIX аср охири—XX аср бошларида ёзилган ва чоп этилган асарлар, эсдаликлар, ҳисоботлар ва илмий хабарлар киради.²⁶

²⁶ Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. Т. 1—3 — Спб., 1906; Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. — М., 1875; Зиновьев М. Осада Ура-Тюбе и Джизака. // Военный сборник, 1868, № 3-4; Макшеев А.И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. ч. 1—2. — Спб., 1890; Йорк фон Вартенбург. Рост России в Азии. — Т., 1900; Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. — Т., 1—2. — Спб., 1911; Он же, Страна безправия: Бухарское ханство и его современное состояние. — Спб., 1909; Он же, В горах и равнинах Бухары. (Очерк Средней Азии). — Спб., 1913; Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского: Путевой дневник. — Спб., 1887.; Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства. — Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. V. стр. 77—129, — Спб., 1879; Он же, Географический очерк Гиссарского и Кулябского бегства. — Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. V. стр. 255—280, — Спб., 1879; Жуковский С.В. Сношение России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие — П. 2, 1915; Пославский И.Т. Город Бухара: Описание его и исследование вопроса о занятии его русскими. — Т., 1891; Глуховский А. Записки о значении Бухарского ханства для России. — Спб., 1867; Варыгин М.А. Опыт описания Кулябского бекства. — Известие Российского географического общества, Т. — L II., вып. 10, 1916; Галкин А. Военно-статистический очерк Средней и Южной частей Сурханской долины. — Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии., вып. 57, — Спб.,

Чор Россиясининг Бухорога нисбатан олиб борган ҳарбий ҳаракатларининг биринчи босқичи тўғрисида В.Фишер ва М.Зиновьевлар эсдаликларида муҳим маълумотлар берилган.

М. Зиновьев ўзининг „Осады Ура-Тюбе и Джизака“, номли асаридида чор Россиясининг ҳарбий ҳаракатлари, Бухоро қўшинлари ҳолати, унинг қуролланиш даражаси, урушнинг оғир оқибатлари тўғрисида муҳим маълумотлар берган.

А.Черкасовнинг „Защита Самарканда в 1868 г.“, Е. Воронциннинг „Воспоминания о защите Самарканда в 1868 г.“, Н.Карзиннинг „Зирабулакские высоты“, Д. Ивановнинг „Под Самаркандом. Рассказ новички (Из старых записок 1868 года)“ асарларида Россия-Бухоро ҳарбий ҳаракатларининг иккинчи даври тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Айниқса, Д.Иванов асаридида Чўнонота тепалигидаги жанг тафсилотлари яхши тасвирлаб берилган.

Л. Ф. Костенконинг „Путешествии в Бухару русской миссии в 1870 году“ асаридида 1870 йилда рус миссиясининг полковник Носович раҳбарлигида Бухорога қилган ташрифи, уларнинг йўналишлари, аҳоли манзилгоҳлари, хўжалик ҳаёти, Бухоро шаҳри қиёфаси, рус миссиясининг олдида қўйилган вазифалари тўғрисида аниқ маълумотлар берилган. Шунингдек, ушбу асарда Бухоро қўшинлари, унинг салоҳияти тўғрисида ҳам айрим маълумотлар келтирилган.

В.В.Крестовскийнинг „В гостях у эмира бухарского“ номли асаридида Бухоро амирлиги худуди, шаҳарлари, аҳолиси тўғрисида амирликдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ва иқтисодий ҳаёт,

1894; Он же, Краткий очерк Бухарского ханства. // Военный сборник, 1890, № 11; Стремоухов Н. Поездка в Бухару. // Русский вестник, № 6, 1875; Рожовиц Р.Ю. Поездка в Южную и Среднюю Бухару в 1906 г. — Известие Российского географического общества, Т. XIV, Вып. 9, 1908; Масальский В. И. Туркестанский край., Т. — XIX, — СПб., 1913; Капитан Васильев. — Статистический материал для описания Бухары. Бекство Шерабадской и часть Байсунского. — Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып. 57, 1894; Капитан Лилиенталь. Гиссарское и Кабадианское бекство. — Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып. 57, 1894; Радлов В. В. Средняя Зарафшанская долина. — Записки Русского географического общества по отделению этнографии Т. IV, 1880.; Кун Л. Очерки Шахрисабзского бекства. — Записки Русского географического общества по отделению этнографии Т. IV, 1880.; Липский В. И. Горная Бухара. Т. I., — СПб., 1902; Татаринов А. Семимесячный плен в Бухарию. // Библиотека Русского географического общества. — СПб., 1867.; Покатило Н. Н. Путешествие в центральную и восточную Бухару в 1886 г. // Записки Русского географического общества — СПб., 1889.

савдо ишлари тўғрисида ниҳоятда қизиқарли ва бой маълумотлар берилган. Д.Н.Логофетнинг 1909 йилда ёзилган „Страна бесправия“ ва 1912 йилда ёзилган „В забытой стране. Путевые очерки по Средней Азии“ ҳамда 1911 чоп этилган „Бухарское ханство под русским протекторатом“²⁷ номли асарларида Бухоро амирлиги, унинг амирлик билан ўзаро муносабатлари, русларнинг ерга эгалик масалалари, Шарқий Бухоро ҳудудлари, уларнинг тарихий тавсифи, Термиз шаҳри, Термиз чегара истеҳкомлари, у ерда жойлашган рус ҳарбий гарнизони бўйича муҳим маълумотлар берилган.

А.Татариновнинг „Семимесячный плен в Бухарию“²⁸ номли асарида Шарқий Бухоро ҳудудидаги бекликлар, у ердаги ижтимоий ҳолат ва тузум, аграр масалалар, деҳқонлар аҳволи, солиқ тўлаш масалалари, деҳқонлар норозилиги, иқтисодий аҳволлар таҳлил этилганлиги билан ажралиб туради.

Н. Н. Покотилонинг „Путешествия в центральную и восточную Бухару в 1886 году“²⁹ асарида амирлик шаҳарлари, аҳоли урф-одатлари, хўжалик ҳаёти, турмуши, иқтисодий ҳолат тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган.

Ушбу мавзунини ўрганиш ва тадқиқ этиш ҳамда ушбу илмий ишнинг мақсади ва вазифаларида белгиланган масалаларни ҳолисона ёритиш мақсадида муаллиф архив ҳужжатлари ва Россия мустамлакачилиги даврида яратилган ва ҳозир қимматли ёзма манба ҳисобланган, рус тилида битилган асарлар билан бир қаторда маҳаллий тилда битилган ёзма манбалардан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилди.

Бухоро давлатининг тарихига маҳаллий муаллифлар ҳам катта аҳамият берганлар. Бухоро тарихнавислик мактабига тегишли асарларнинг нусхалари минтақамиз ва дунёнинг турли кутубхона ва фондларида сақланади. Биз ўрганаётган давр ва Бухоронинг янги тарихига доир асарлардан қуйидагиларни тилга олишимиз мумкин.

Муаллифи Мир Муҳаммад Амин Бухорий бўлган „Таърихи Убайдуллоҳхон“ асари ўта муҳим манбалардан ҳисобланади.

²⁷ Логофет Д. Страна бесправия. — Спб., 1909, —239 с.; Он же, В забытой стране. Путевые очерки по Средней Азии. —М.; 1912; —175 с.; Он же, Бухарское ханство под русским протекторатом.—Спб., 1911, —340 с.;

²⁸ Татаринов А. Семимесячный плен в Бухарию 1867. // Библиотека Российского географического общества. —Спб., 1867, с. 11—111;

²⁹ Покотило Н. Н. Путешествие в центральную и восточную Бухару в 1886 г. // Записки Русского географического общества. —Спб., 1889, с. 139—141.

Унда Бухорода ҳукм сурган аштархонийлар сулоласи, бу сулоланинг охириги вакили бўлмиш Абул-Файзхоннинг ҳукмронлиги баён қилинади. Асар 1711 йили ёзиб тугатилган. Мазкур манба рус тилига профессор А.А.Семенов томонидан таржима қилиб чоп этилган.³⁰

„Тазкирайи Муқимхон“ номли асарда Муҳаммад Юсуф Мунши ибн Хўжа Бақо Балх ҳоқими Абу-л Музаффар Саййид Муқим Баҳодирхон ҳақида маълумот беради. Асарда Бухоро таркибида бўлган Балх вилояти ҳақида ҳам муқим маълумотлар берилган.³¹

Бухоро ҳукмдорларидан Амир Ҳайдар ҳақида, унинг ажодди, манғитлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Раҳимхон ва унинг ворислари ҳақида Муъин исмли муаллиф ўзининг „Таърих-и авойил ва авохир“ номли асарида атрофлича маълумот беради. Муъин Амир Ҳайдарнинг замондоши бўлган. Асар Амир Насруллоҳнинг (1826—1860 й.й.) тахтга ўтиришини тасвирлаш билан тугайди. Мазкур манбада Бухоро аҳолисининг этник таркиби ҳақида ҳам айрим муқим маълумотларни олишимиз мумкин (60⁶—62⁶ вар; 62⁶—65⁶ вар)³². Муҳаммад Вафойи Карминаги ва Домулло Олимбек ибн Ниёзкулибек эшон „Тухфат ал-Хоний“ номли асарни ёзганлар. Асарнинг 1758 йилгача бўлган воқеалар баёнини Муҳаммад Вафо берган, 1782 йил воқеалар тафсилотини эса иккинчи муаллиф беради. Мазкур асарда биз манғитлар сулоласининг биринчи ҳукмдорлари ва уларнинг олиб борган сиёсатлари ҳақида қимматли маълумотлар оламиз.³³

Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Нақий ўзининг „Тожат-таворих“ (Тарихлар тожи) номли асарида манғит ҳукмрон-

³⁰ Қаранг: Убайдулла-наме Мир Муҳаммад Амин-и Бухари. Перевод с тадж. с прим. проф. А. А. Семенова — Т., 1957.

³¹ Мазкур асар ҳам проф. А. А. Семенов томонидан таржима этилиб чоп этилган. Қаранг: „Муқим-ханская история. Муҳаммад Юсуф Мунши“. Перевод с тадж. предис. прим. и указат. проф. А. А. Семенова — Т., 1956.

³² Муъин. Таърихи авойил ва авохир. // Қўлзма, Тожикистон ФА Шарқшунослик институти қўлзмалар жамғармаси. 629-сон.

³³ Асарнинг нусхалари ҳақида муфассал. Қаранг: Собрание Восточных Рукописей ИВ АН Узбекистан. Т.1. — Т; 1954, с. 77—78, №. 195—199; Мазкур асарнинг икки нусхаси Душанбеда ҳам сақланади. Қаранг: Каталог восточных рукописей АН Таджикской ССР. Т.1. с.101—102; Муаллифининг услуги, гоаяий тамойиллари ҳақида қаранг: Анке Фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII—XIX веков) — Алматы; Дайк-Пресс 2001. с.110—115.

ларининг биринчи намояндалари тарихини баён қилади. Муаллиф ипеалогик логитимация асосида Муҳаммад Раҳимхон ҳукмронлигини асослаб беришга ҳаракат қилади.³⁴

Бухоро амири Насруллоҳхон даври ҳақида муаллифи номаълум бўлган „Зафарномаи Хусравий“ номли асар бизга кенг маълумот беради. Манбада бу Амир Насруллоҳнинг давлати чегараларининг кенгайиши, унинг юришлари Қўқон ва Хоразм билан муносабатлари, амирликнинг ички ҳолати ҳақида қимматли маълумотларни оламиз.³⁵

Мавзу бўйича, айниқса Бухоронинг Россия билан бўлган муносабатлари тарихи Аҳмад Дониш (1827–1897)нинг „Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития“ (Рисола ёки манғитлар сулоласи ҳукмронлигининг тарихи) асарида кенг ёритилган. Аҳмад Донишнинг мазкур асари танқидий руҳда ёзилгани ва Россия-Бухоро алоқаларининг амирлик мансабдор шахси томонидан таҳлил этилиши билан жуда ҳам қизиқарли ҳисобланади.³⁶

Бухорода XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида яшаб ижод қилган (1819 йил вафот этган) Мирзо Муҳаммад Содик Мунший Жондорий „Дахма-йи Шоҳон“, „Футухоти амири Маъсум ва амир Хайдар“, „тарихи манзум“ асарларининг муаллифи. Муаллиф мазкур асарларида шоҳ Муроддан (1785–1800) то амир Абдал-Аҳадгача бўлган давр ҳақида маълумот беради.³⁷

Мирзо Абдал Азим Сомий Бухоро амирлари Амир Музаффар (1860–1895) Амир Абдулаҳад (1885–1910)нинг сарой тарихчиларидан ҳисобланарди. У Аҳмад Донишнинг шогирди. У „Тухфайи шоҳий, „Тарихи амирони манғитийа“ асар-

³⁴ Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Нақий. Тож ат-таворих // Қулёзма, Тожикистон ФА Шарқшунослик институти жамғарма 2282-сон. Генеалогия орқали легитимация масаласи ҳақида Анке Фон Кюгельген ўз китобида муфассал маълумот берган. қаранг: Анке Фон Кюгельген. Кўрсатилган асари, с. 212–233.

³⁵ Асарининг ягона нусхаси Душанбеда сақланади (Тожикистон ФА Шарқшунослик институти жамғарма 95-сон). Шу нусха асосида матни Техронда („Мирос-и мактуб“ нашриётида) 2003 йили чоп этилди.

³⁶ Дониш Аҳмади Маҳдум. Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития. Таҳрир Далер. —Душанбе: Сарват, 1992. 92- бет.

³⁷ Мирзо Содик Мунший тарихнавислигининг таҳлилини Анке Фон Кюгельген ўз асарида яхши берган. Қаранг: Анке Фон Кюгельген. Кўрсатилган асар. 123–130- бетлар.

ларининг муаллифи³⁸. Гарчанд бу асарлардан кўпгина тарихчи, файласуф ва адабиётчиларимиз фойдаланган бўлсалар ҳам, Сомийнинг кўпгина факт ва маълумотлари тадқиқотлар доирасидан четда қолиб кетган. Ишимизда биз Бухоро давлатининг ички тартиби, бошқарув тизими, марказий ҳукуматининг маҳаллий ҳокимлар билан муносабатлари тарихини ёритишда кенг фойдаландик.³⁹

Тожикистон ФА Шарқшунослик институти қўлғезмалар хазинасида „Давра-йи охири-и таърихи Бухоро,“ (Бухоро тарихининг охириги даври) номидаги асар сақланади. Муаллифи Бухоро амалдори, асли Ванғозе туманида туғилган Мирзо Ҳамид ибн Абду-л-Қодирбек ибн Камолбек Мирохур ибн Файзуллоҳбек Жибачидир. Бу муаллифнинг туғилган ва вафот этган йиллари маълум эмас. Унинг ёзган асаридан шу нарса маълум бўладики, у Бухоронинг охириги давр тарихини яхши билган, гувоҳ ва кўп воқеаларнинг иштирокчиси сифатида кўп ҳодисаларни ишонарли тарзда баён қилишга ҳаракат қилган. Мирзо Ҳамид XX асрнинг бошларида Бухорода содир бўлган тарихий воқеалар билан бирга бухороликлар ҳаётидаги янгиликлар, темир йўл, банклар, шифохона, почта-телеграф, биринчи дорихона, Бухоро-Россия муносабатларини ҳам кенг ёритади. Мирзо Ҳамид 1917 йил воқеалари, большевиклар инқилоби, 1920 йил сентябр ойидаги Бухоро инқилоби ва бошқаларни ҳам гувоҳ сифатида эслаган. Мазкур асар А. Е. Маджий томонидан ўтган асрнинг 50-йиллари охирида рус тилига таржима қилинган. Аммо ҳозиргача чоп қилинмаган. Биз ишимизда шу таржиманинг қўлғезмасидан фойдаландик.

Бухоролик яна бир амалдор-мушриф Олим Хўжа ибн Мирзо Саййид Хўжа Бухорий „Тарих-и амирон-и манғит-и Бухоро“ (Бухоро манғит амирларининг тарихи) номли ўта муҳим асарини ёзган. Асар мажмуа ичидан (569-б—701-б вар.)

³⁸ Епифанова Л.М. Неофициальная версия истории Бухары Мирзы Самы. Автореф.дисс.канд.ист.наук, —Ташкент, 1959.; Яна қаранг: Мирза Абдал Азим Самий. Тарих-и салатин-и манғитийа (история мангитских правителей). Перевод, издания текста и прим. Л. М. Епифановой., —М., 1962.

³⁹ Муфассал қаранг: Мирза Абдал-Азим Самий. Тарих-и салатин-и манғити-йа. (История мангитских правителей). Перевод, издание текста и прим. Л. М. Епифановой. —М., 1962; Айни С. Таърих-и амирон-и манғити-йа-и Бухара, 1923; История народов Узбекистана. Т. II, 1947, с. 201, 375; Ражабов З.У. Мирзо Азим Сомы ва осори ӯ. // Шарқи Сурх, 1947. № 3—6, 37—42; Чабров Г. Н. Новый источник по истории Бухарского ханства // Бюллетень АН Уз ССР. 1947, № 3.

ўрин олган. Муаллиф ўз асарининг иккинчи қисмида амир Шоҳмуроддан бошлаб (1785—1800 й.й.) то охириги Амир Олимхонгача бўлган тарихни баён қилишга ҳаракат қилади. Асарнинг олтинчи бобида Олимхўжа „Хоразм вазияти ҳақида“, 9-бобида эса Япония ва рус-япон уруши ҳақида, 10-бобда 1910 йилда Бухоро шаҳрида юз берган шиа-суннийлар ўртасидаги қарама-қаршиликни баён қилган. Асарнинг 678-б варағидан бошлаб, то охиригача Амир Олимхон (1910—1920 й.й.) даврининг тафсилотлари берилган.

Олимхўжа асарининг саҳифаларида Амир Музаффарнинг Ҳисорга қилган юриши, амалдорларнинг қонунбузарликлари ва порахўрликлари, Россия-Бухоро алоқалари, Тошкент, Хўжанд, Самарқанднинг босиб олиниши, русларни Карки ва Шугнонда кучли горнизонларини жойлаштиришлари, Амир Абдулахаднинг Россияга сафарлари ва унинг харажатлари (бу сарф-харажатлар оғир юк сифатида халқ зиммасига тушганини Аҳмад Дониш ҳам фош қилган) айтилади. Шунингдек, асарда Бухоро мутаасиб руҳонийларининг янгиликларга қарши чиқишлари (темир йўл ўтказиш, янги қонуннинг „зоқун“лар жорий қилиш, телеграф ва бошқа масалаларда)ни ҳам муаллиф қайд қилган. Шу манбада Бухорода ўша даврда мавжуд бўлган нархнаволар, иш ҳақи, аскарларнинг даромадлари ҳақида ҳам муҳим маълумот олишимиз мумкин. Афсуски, бу асар ҳам нашр қилинмаган ва унинг ягона нусхаси Душанбеда сақланмоқда.⁴⁰

Ҳамид қози Бақоҳўжанинг ўғли (1932 йилдан кейин вафот этган) ҳам Бухоронинг зиёли оилаларидан чиққан муаллиф бўлиб, Бухоро адабий ва илмий муҳитида шаклланган шахс ҳисобланиб, у „Матво“ таҳаллуси билан машҳур бўлган. Унинг отаси Бақоҳўжа амир Музаффар даврида (1860—1885 й.й.) Карки қозиси бўлган. Ҳамидхўжанинг ўзи Мухтор мадрасасида таҳсил олган. У Аҳмад Дониш, Шоҳин, Музторибларни шахсан таниган. Ҳамидхўжа 29 январ 1928 йили „Танзил ал-амсол фи зикри баёни-л-аҳвол“ (Мисоллар баёни (муаллиф) ҳаётининг тафсилотларида) номли асарини ёзиб тугатган. Асар бизгача ягона нусхада етиб келган бўлиб, у тўрт фаслдан ва ҳар бир фасл яна тўрт қисм (мавсум)га бўлинади.

Асарнинг 2-фасли „ҳаёт ва аҳволот, ҳокимлар, қозийлар, уламо, шайх ва олимлар ҳақида; Мовароуннаҳр ва Бухорода рус давлатининг истилолари“ деб номланган ва у бизнинг

⁴⁰ Қаранг: Олимхўжа ибн Мирзо Саййидхўжа Мушриф Бухорий. Тарих-и амирон-и манғит-и Бухоро. // Кўлёмза, Тожикистон ФА ШИ кўлёмзалар жамғармаси, 2354-сон. // IV. — 133- бет.

ишимизга янги маълумотларни беради. Айниқса асарнинг 116—166-бетлар ва кейинги саҳифаларида Ҳамидхўжа Бақоев Россия давлатининг Ўрта Осиё мамлакатларига нисбатан олиб борган сиёсатини гувоҳ ва воқеалар иштирокчиси сифатида баён қилган. 661 варақдан иборат бу муҳим манба ҳалигача кент илмий тадқиқотларга жалб қилинмаган эди.⁴¹

Мазкур муаллифнинг яна бир асари „Мунтахаб-и тарих-и амирон-и манғит“ ҳам (Манғит амирларининг қисқа тарихи)⁴² Бухоронинг биз ўрганадиган даврига доир бўлган муҳим манбадир.

Асар 1931—32 йили ёзиб тугатилган. Унда энг муҳим ахборот ва маълумотлар қуйидагича: Амир Музаффарнинг тахтга чиқиши; ҳукмронлиги; унинг ўгли Абдулахаднинг даври (1885—1910 й.й.) унинг тафсилотлари муаллиф томонидан тўла қамровли ҳолатда баён этилган.

Шу иккала ҳукмрон даврида юз берган чор Россиясининг истилоси, 1868 йил Самарқандда русларга қарши кўзғолон ҳақида ҳам Ҳамидхўжа ўз асарида қизиқарли маълумотларни беради. Аммо шунини таъкидламоғимиз лозимки, Шўролар даврида ёзилган бу асарда собиқ тизимни танқид қилиш, амир, амирлик, „эски давр“ни қоралаш ғоялари ҳам сезилиб туради. Шунга қарамасдан, Ҳамидхўжа Бақоевнинг „Мунтахиб-и тарих-и амирон-и манғит“ асари Бухоро давлатининг XIX аср иккинчи ярми тарихини ўрганишга доир муҳим манба саналади.

Тожикистон ФА Шарқшунослик институти шарқ кўлёмалари фондида мажмуа ичида (№1224/XXIII) 7 варақдан иборат „Тахмин-и заминҳо-йи туман-и Ком-и Абу Муслим, ҳам Жонвардор (Жондор), ҳам Зармастин ва ҳам Ком-и Араби“ (ком-и Абу Муслим, Жонвардор, Зармастин ва Ком-и Араб (ариқлари) атрофидаги ерларнинг ҳисоби) номли асар ҳам жой олган. Унда таноб ҳисобида юқоридаги суғориш системалари атрофидаги давлат, хусусий ва вақф ерларнинг миқдори берилган. Унда яна руслар истилоси давридан бошлаб, яна 8 та канал, ундаги тегирмонлар ҳақида ҳам маълумот берилган. Асар муаллифи ўзини Нурота ҳокими деб таништиргани биз учун ниҳоятда қизиқарли ҳолат. Ҳоким ўз аминлари орқали мазкур

⁴¹ Қаранг: Бақоҳўжа ўгли Ҳамидхўжа. Танзил ал-амсол фи зикри байён ал-аҳвол. // Кўлёмза, Абу Райҳон Беруний номидаги ШИ 602—661-сонли вар.: Мазкур асардан таржима қилинган парчаларни профессор Ш. Воҳидов бизга фойдаланиш учун берганлар.

⁴² Қаранг: каталог Восточных рукописей Академии наук Таджикской ССР. Т.1 с.123. Мазкур муаллиф асарларининг фотонусхасини марҳум т.ф.д.проф. Р. Каримов (Ҳамидхўжанинг неваралари) фойдаланиш учун т. ф. д. Ш. Х. Воҳидовга берган.

маълумотлар (ҳисобот)ни тайёрлагани яққол кўзга ташланади. Мулло Абдар-Раҳмон Тамкин-и Бухорий Бухоронинг илмий ва адабий муҳиtida шоир сифатида катта шухрат қозонган. У ўз вафотига қадар (ҳижрий 1336/1917—18 й.) „Дор уш-шифо“ мадрасасида мударрис бўлган. Унинг қаламига „Матолиъ ал-фоҳира ва матолиб аз-зоҳира“ (Шарафли кўтарилиш ва матлаблар)⁴³ номли насрий асар ҳам мансуб. Мазкур китобни Тамкин ҳижрий 1333/1914—15 й. ёзиб тугатган. Гарчанд асар бир тартибга келтирилмаган, стихиялик бир тарзда тузилган бўлса ҳам, унда келтирилган баъзи маълумотлар биз учун қизиқарлидир. Жумладан Бухоро ва унинг ўнта туманининг тавсифи (207а вар.), Бухоро дарвозалари (221б вар.), шаҳарнинг маҳалла ва гузарлари, касб-ҳунарларнинг сони, карвонсаройлар сони (222б вар) ва бошқа маълумотларидан биз ўз ишимизда фойдаландик.

Бухоро тарихшунослик мактабида алоҳида ўрин эгаллаган Мирзо Муҳаммад Салимбек ибн Муҳаммад Раҳим (Салимий унинг тахаллуси бўлган) ҳақида махсус тўхталиб ўтишимиз жоиз. Мирзо Салимбекнинг асарлари бизнинг илмий тадқиқот мавзумиз бўйича ёритилиши зарур бўлган кўп масалаларнинг ечимига яқиндан ёрдам берганди.

Салимбек ҳижрий 1267/1850-51 й.й. йилида Бухоро шаҳрининг Жуйбор мавзеидаги Чакар гузарида, зодагонлардан бўлмиш Муҳаммад Раҳим оиласида оламга келган. 1287/1870—71 й.й. йили Нарпай ва Зиёвуддин ҳокими Остонакулбий⁴⁴нинг девонига ишга киради. Ярим йилдан сўнг амир Музаффар уни Тошкентга махсус миссия билан юборади. У Тошкентда 12 йил Хитой чойи савдоси билан шуғулланиб, 1299/1882-83 йилгача амирнинг хос жосуси сифатида фаолият кўрсатди. Бир муддат у Бухорога чақирилди ва Туркистон генерал-губернатори Н.О.Розенбах даврида (1884—1889 й.й.) амирнинг Тошкентдаги вакили сифатида қайта фаолият кўрсатди.

Салимбек 1885 йили Хитфар ва Сомжин туманларида амлокдор бўлиб, мирохур мансабига эришди⁴⁵. Унинг Россияга сафорат ҳайъатида (амир Аҳдулаҳад даврида) боргани ҳам „Тарихи Салимий“ номли асарида баён қилинган. Кейинчалик 1306 (1888—

⁴³ Асарнинг ягона нусхаси Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги ШИ хазинасида сақланаётир. // Кўлёмза 8245-сон. —453- бет.

⁴⁴ Унинг шахсияти ҳақида қаранг: Ражабов Қ. Остонакул қушбеги. // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6- жилд. 590-бет.

⁴⁵ Қар.: Мирзо Салимбек. Кашкули Салимий. Таворихи мутақаддимин ва мутаахиррин./ Форс-тожик тилидан ўзбекчага доцент Нарзулло Йулдошев ўгирган.- Бухоро: Бухоро нашриёти, 2003.

1889 й.й.) йилдан бошлаб, 5 йил давомида Бухоро миршаби бўлиб, тўқсабо ва парвоначи унвонларини ҳам олди ва Яккабоғ вилоятида беш йил, Нуротада тўрт йил, Бойсун беклигида икки йил, Шеробод вилоятида, Шаҳрисабз ва Чоржўйда ҳокимлик қилди. Охириги амир Саййид Олимхон даврида эса бош закотчи вазифасида фаолият кўрсатган. 1920 йил март ойидан август ойигача у Чоржўй ҳокимлигини бошқарган. Бухоро инқилоби даврида Салимбек йирик амалдор сифатида қамоққа олинди ва ва молу мулки мусодара этилди. Бухоро ҳукуматининг махсус қарори билан озод қилинди ва совет идораларида хизмат қилди. Мирзо Салимбек 1930 йили Бухорода вафот этган.

Биз „Тарихи Салимий“ асирида берилган Бухоронинг маъмурий тизими, солиқлар системаси, ҳўжалиги, Россия билан ўзаро алоқаларига оид маълумотларидан кенг фойдаландик.⁴⁶

Бухоро амири амир Абдулаҳадхон тўрт мартаба Россияга сафар қилганини кундалик сифатида ёзиб қолдирган. Унинг биринчи сафари 1892—1893 йиллари, тўртинчиси 1906—1907 йиллари бўлиб ўтган. Амирнинг шу сафарлари тафсилоти „Рўзнома-йи сафари Фетербурх“ ва „Рўзнома-йи сафари хайриях асари чаҳоруми жаноби олий амири Бухоро-йи Шариф ба дор ус-салтанати Фетербурх“да келтирилган. Бу иккала асар ЎзФА ШИ хазинасида (2869 ва 4316-сонлар) сақланади.⁴⁷

Юқоридаги қўлёзма асарларидан ташқари Бухоронинг XIX—XX асрнинг бошлари тарихи ижтимоий-иқтисодий ва маданиятига доир бошқа манбалардан (муаллифлари С.Айний, А.Фитрат, М.Бехбудий, Садри Зиё ва бошқалар) ҳам фойдаланганмиз. Уларнинг библиографик маълумотлари фойдаланилган манбалар рўйхатида келтирилган.

Мазкур тадқиқотни яратишда вақтли матбуот, айниқса XIX аср охири—XX аср бошларида чоп этилган турли хил газета ва журналлардан манба сифатида унумли фойдаланилди. Уларда чоп этилган мақолалар, ҳисоботлар, ахборот ва маълумотлар ҳамда турли хилдаги ҳужжатлар тўплами ушбу ишни яратишда муҳим аҳамият касб этди. Жумладан „Туркестанские

⁴⁶ Мирзо Салимбекнинг мазкур асари т.ф.н. Наим Норқулов томонидан тўлиқ рус тилига таржима қилинган. Биз ана шу таржима қўлёзмасидан фойдаланганмиз. Н.Норқуловнинг вафотидан сўнг таржима қўлёзмасининг тақдири номаълум.

⁴⁷ Биринчи кундалик "Ижтимоий фикр" журналида босилиб чиққан қаранг: Дневник путешествия в Петербург. // Ижтимоий фикр, 1998, 3,4-сонлар. Яна қаранг: Норқулов Н. К. "Тарихи Салимий"-ценный источник по истории Бухарского эмирата (1860—1920 г.г.) Дисс... на соиск. канд.ист. наук. —Т., 1968, 387 с.

ведомости“ (Тошкент), „Туркистон вилояти газети“ (Тошкент), „Туркестанский курьер“ номли газеталардан, „Военный сборник“ (Санкт-Петербург), „Журнал министерства Народного просвещения“ (Санкт-Петербург), „Вопросы колонизации“, „Жизнь национальностей“, „Новый Восток“ журналларидан фойдаланилди. Улардаги мақолаларда илмий муомалага олиб киритилаётган материалларга берилган баҳо, чоп қилинаётгандаги шарт-шароитлар ва тарихий жараёнларга ҳам муаллиф томонидан инобатга олинган ҳолда ёндашилди.

Шунингдек, ўша даврда яшаган, у ёки бу борада биз тадқиқ этган мавзуга тааллуқли бўлган тарихий шахслар эсдаликлари ҳам ушбу тадқиқот ишимизни яратишда муҳим ўрин тутди. Жумладан, Амир Саййид Олимхоннинг „Бухоро халқининг ҳасрати тарихи“ номли асари ушбу ишни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этди.

XIX аср охири—XX аср бошларидаги Туркистон ўлкаси тарихини ўрганишда ёзма манбалар ичида 594 жилдан иборат бўлган ўта ноёб нашр ҳисобланмиш „Туркестанский“ сборник („Туркистон тўплами“) алоҳида ўрин тутди. Ушбу тўплам Ўрта Осиё тарихи, иқтисодиёти, этнографияси, флораси, фаунаси, ер ости бойликлари тўғрисида ниҳоятда кўп ва қимматли материалларни ўзида мужассамлаштирган. „Туркестанский сборник“ асосан, хорижий ва рус матбуотларида эълон қилинган материаллар асосида тузилган бўлиб, уни ташкил этишнинг бевосита ғоявий раҳбари Туркистон генерал-губернатори Фон-Кауфман ҳисобланади.

„Туркестанский сборник“ рус библиографи В. И. Межов томонидан 1868 йили Санкт-Петербургда тузилган. 1888 йилга келиб унинг 416 жилди тартибга келтирилди. Кейин ушбу тўпламнинг тўлдирилиши Тошкентда давом эттирилди. 1907—1909 йиллари библиограф Н. В. Дмитровский раҳбарлигида тўпламнинг 127 жилди, 1910—1916 йилларда эса машхур рус шарқшуноси А. А. Семенов раҳбарлигида ушбу тўпламнинг 48 жилди тузилди. Тўпламнинг энг сўнгги 3 жилди эса 1939 йили библиограф Е. К. Бетгер раҳбарлигида тайёрланган.⁴⁸

Мазкур тўплам асосида бир қанча илмий асарлар, илмий тадқиқотлар амалга оширилган.⁴⁹

⁴⁸ Бенедиктова Н. „Туркестанский сборник“ как источник изучения Средней Азии. // Литературный Ташкент. Альманах, 1945, № 1.

⁴⁹ Қаранг: Хатамов З. Х. „Туркестанский сборник“ как источник изучения истории Афганистана // Автореф. канд. дисс., — Фергана, 1993. — 20; Курахмедов А. Э. Экономическая и культурная жизнь Самаркандской области второй половины XIX—начала XX вв. (По материалам „Туркестанского сборника“). —Т., 2001, с.26; Жабборов М. Р. Освещение истории Ферганской области в „Туркестанском сборнике“ (Конец XIX—начало XX в) —Т., 2000, с 24.

XIX asr yuzalari haqida Buxoro amirlikida
Uralaridagi ma'muriy-siyosiy va iqtisodiy ahvoli

II. БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ XIX АСР ЎРТАЛАРИДАГИ МАЪМУРИЙ-СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ

II.1. Бухоро амирлигида давлат бошқарув тизими

Ўтмиш тарихимизга назар солсак миллий давлатчилигимизнинг турли даврлардаги юксалиши ва инқирози, фожиаларига дахлдор тарихий воқеа ва жараёнлар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётига қанчалик таъсир этганлиги янада равшанроқ намоён бўлади.

Бухоро хонлиги тарихида (1885-йил амир Шоҳ Мурод давридан бошлаб амирлик) манғитлар сулоласи ҳукмронлиги алоҳида аҳамиятга молик давлат бошқарув тизимига эгаллиги билан ажралиб туради.

Бухоро амирлиги тарихида манғитлар сулоласи ҳукмронлиги тарихи 1756 йилда бошланиб, 1920 йилга қадар давом этди. Манғитларнинг ҳокимият тепасига келиши билан давлат бошлиғи аввал хон, сўнгра юқорида айтганимиздек амир деб юритила бошланди, хонлик эса амирлик деб атала бошланди.

1756 йили Муҳаммад Раҳимбий ўзини „хон“ деб эълон қилади ва шу йилдан бошлаб Бухоро хонлиги тарихида расман манғитлар сулоласи ҳукмронлиги бошланади.³⁰

Ўзининг қаттиққўллиги билан марказлашган давлат аппаратини сақланиб туришида катта аҳамиятга молик бўлган шахс Муҳаммад Ҳаким оталиқ³¹ 1743 йилда вафот этгандан сўнг,

³⁰ Шодмон Воҳид. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. —Т., 1996, 22-б. Яна қаранг.: Ражабов Қ. Муҳаммад Раҳимхон. // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.6. 191-бет; Шу муаллиф Муҳаммад Раҳимхон- манғитлар сулоласи асосчиси. // Бухоро мавжлари. 2005, 3- сон. 36—37-бетлар; Шу муаллиф, Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ. // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, т.6. 185 бет.

³¹ Муҳаммад ҳакимга „оталиқ“ унвонини берилиши ҳақидаги ёрлик нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги ШИ хазинасида сақланаётган Алишер Навоийнинг „Хамса“си ичида ёпиштирилган. Мазкур ёрликда Абулфайзхон Муҳаммад Раҳимхонга „оталиқ“ унвонини берилгани ҳақида фармон бериб, унинг отасини ҳам „оталиқ“ сифатида тилга олади. Муфассал қаранг: Собрание восточных рукописей ИВ АН Узбекской ССР Т.11. с. 203 (№ 1236). Яна қаранг.: Эркинов А.С. Алишер Навоий „Хамса“си нусхаларининг XV—XX аср манбалари. —Т., 1998, 56-бет.; Семенов А.А. Описание рукописей "Хамсы" Алишера Навоий в Государственной публичной Библиотеке, 19. с.

тахт тепасида турган аштархонийларнинг сўнгги вакили Абулфайзхоннинг доимий равишдаги мансабпарастлиги ва ичкиликка берилиб кетганлигидан ва марказий ҳукуматнинг заифланишидан фойдаланиб ўзбек уруғлари бошлиқлари, яъни ўзбек амирлари мамлакатнинг турли жойларида ҳукуматга қарши исён ва галаёнлар кўтаришди ҳамда ўзларини мустақил деб эълон қила бошладилар.

Миёнкол воҳасида 1745 йилнинг апрелида хитой уруғи бошлиғи Ибодулло бошчилигида кўзғолон кўтарилди ва кўзғолончилар Бухоро остоналаригача бориб, катта ўлжа билан қайтишди.

Бухорода бўлиб ўтаётган галаёнлар ва тартибсизликлар Эрон шоҳи Нодиршоҳни эътиборсиз қолдирмади, балки чора-тадбирлар кўришга мажбур этди, чунки Бухоро хони Абулфайзхон Эрон шоҳи Нодиршоҳга вассал эди. Нодиршоҳ Абулфайзхонга мамлакатда осойишталикни ўрнатиш тўғрисида махсус кўрсатма юборган бўлишига қарамай, Бухорода аҳвол ниҳоятда нотинчлигича қолаверди. Шундан сўнг Нодиршоҳ Муҳаммад Ҳаким оталиқнинг ўғли Муҳаммад Раҳим раҳбарлигида 1745 йилда Бухорога катта қўшин жўнатди. Нодиршоҳ томонидан Муҳаммад Раҳимга Бухорода тинчлик ўрнатиш ва вазиятни яхшилаш учун жуда катта ҳуқуқлар берилди.

Эрондан катта қўшин билан чиқиб Бухоро сари йўл олган Муҳаммад Раҳимхонга Марвда шоҳнинг ўғли Ризоқули ўзининг қизилбошлар отряди ва артиллерияси билан, Чоржўйда эса кўп сонли туркман отрядлари келиб қўшилишди.

Кўп сонли қўшинлар билан Бухорога кириб келган Муҳаммад Раҳимхон дастлаб отасига тааллуқли бўлган Фазнобод қишлоғида тўхтади. Абулфайзхон Муҳаммад Раҳимхон Бухорога кириб келганда унга амирлар амири (амир ул-умаро) унвонини берди. Муҳаммад Раҳимхон Бухорода вазиятни юмшатиш борасида катта ишларни амалга оширди. Эронликларнинг ёрдами билан Ибодулло-хитой бошчилигидаги кўзғолонни бостиришга муваффақ бўлди. Ибодулло-хитой мағлубиятга учрагач Миёнколни ташлаб Тошкентга қочишга мажбур бўлди ва кейинчалик шу ерда ўлдирилди. Шаҳрисабздаги кўзғолон ҳам бостирилди. Муҳаммад Раҳимхон давлат аппарати тизими ишлари ва ҳукумат амалдорларини алмаштириш ишларига жиддий киришди. Деярли барча йирик давлат

амалларига ўзининг яқин қариндошларини ва маслакдошларини кўйди. Айнан ана шуларга таянган ҳолда Муҳаммад Раҳимхон пойтахтда ўзининг мавқеини мустаҳкамлаб олишга муваффақ бўлди.

1747 йили Нодиршоҳ ўлдирилди. Шундан кейин оз вақт ўтмай Абулфайзхон ҳам ўлдирилди. Муҳаммад Раҳимхон бу даврга келиб ўзининг садоқатли ва мустаҳкам қўшинини тузишга муваффақ бўлган эди. Нодиршоҳ вафотидан сўнг унинг лашкарлари Бухорога ҳужум қилдилар ва бир ой мобайнида уни қамал қилиб турдилар. Муҳаммад Раҳимхон ўз кўшинлари билан Бухорони мардонавор ҳимоя қилди. Унинг бу ишига пойтахт хунармандлари яқиндан ёрдам беришди. Эронликлар пойтахтни ололмагач, сулҳпарвар элчиларни юборишди ва нккала томон ўзаро асирларни алмашишгач, улар кетишга мажбур бўлдилар.

Ушбу ғалабадан сўнг Муҳаммад Раҳимхон тўлақонли давлат бошлиғига айланди. Аммо у хонлик тахтини эгаллашга ошиқмади ва тахтга Абулфайзхоннинг ёш ўғли Абдулмўминни хон деб эълон қилди, аслида эса давлатнинг барча бошқарув ишлари унинг қўлида эди. Ўзининг қизини Абдулмўминга никоҳлаб берди. 1748 йил Абдулмўмин ўлдирилди. Унинг ўрнига Муҳаммад Раҳимхон Абдулмўминнинг ниҳоятда ёш бўлган укаси Убайдулла султонни номига хон деб эълон қилди.

1756 йилга келиб эса йирик амалдорлар, руҳонийлар ва уруғ оқсоқолларининг розилиги билан Муҳаммад Раҳимхон хон унвони билан тахтга тўла ва расмий эгаликни эълон қилди.⁵²

Муҳаммад Раҳимхон Бухоро тахтига ўтирган даврдан бошлаб Бухоро давлати амрлик деб юритила бошланди.

Муҳаммад Раҳимхон (1756—1758 й.й.) тахтга ўтирган кундан бошлаб марказланган давлат тизими тузиш сиёсатини олиб борди. Дастлаб, у барча вилоятлар ва шаҳарлар ҳокимлари, барча уруғ оқсоқолларини тўплаб, мамлакатдаги вазиятни

⁵² Қаранг: Саъдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов У., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: Давлат ва жамият тараққиёти.— Т.: Академия, 2000. 193-б. Яна қаранг: Ражабов Қ. Муҳаммад Раҳимхон // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. 191-бет. Шу муаллиф. Муҳаммад Раҳимхон — мангитлар сулоласи асосчиси. // Бухоро мавжлари. 2005, 3- сон. 36—37-бетлар.

тушунтириб берди ва барчага марказий давлат қонунларига тўла амал қилишини ҳамда кимда-ким бўйсунмаса қаттиқ жазоланишини айтди.

Муҳаммад Раҳимхон йирик мулкдорларни давлат ишларини бошқаришга аралаштирмаган ҳолда ўзи мустақил давлат ишларини олиб борди. У барча ўзбек уруғларини ўзига бўйсундириш ва Бухоро ҳудудида ягона марказлашган давлат тизимини вужудга келтириш соҳасида катта ишларни амалга оширди. Бўйсунмаган уруғларни ўз юртидан бадарға қилдирди. Жумладан, юз, кенегас, буркут, баҳрин, сарой уруғларини Ҳисорга кўчириб юборди. Муҳаммад Раҳимхон қисқа муддат ичида жуда катта ҳудудни бирлаштирган марказий давлат тизимини юзага келтирди. 1758 йилга келиб Тошкент, Қўқон, Марв, Балх, Қундуздан элчилар келишиб, Муҳаммад Раҳимхонни Бухоронинг қонуний ҳукмдори деб тан олганликларини билдиришди.⁵³

Муҳаммад Раҳимхон вафотидан сўнг, унинг ўғли бўлмаганлиги сабабли, қизидан бўлган балоғатга етмаган Фозилтўра исмли невараси тахтга ўтқизилди. Унга Муҳаммад Раҳимхоннинг амакиси Дониёлбий „оталиқ“ деб эълон қилинди. Аслида эса барча давлат ишлари Дониёлбий томонидан олиб борилди.

Вилоятлар Муҳаммад Раҳимхон вафоти ҳақидаги хабар етиб боргандан кейин марказлашган давлат сиёсатига қарши ғалаёнлар ва қўзғолонлар кўтарилди. Миёнкол воҳаси, Шаҳрисабз ва Китоб, Шеробод ва Бойсун, Ҳисор вилоятларида катта-катта халқ ғалаёнлари ва чиқишлари бошланиб кетди.

Муҳаммад Раҳимхон томонидан Ҳисорга бадарға қилинган юз, кенегас, буркут, баҳрин, сарой каби ўзбек уруғлари амирлари 1758 йили унинг вафотини эшитишлари биланоқ, 10 мингдан ошиқроқ аҳолини тўплаб, Бухорога қараб юриш бошладилар. Амирлар манғитлар сулоласини ағдариш режасини илгари суришди. Манғитлар сулоласининг бош вакили бўлмиш Дониёлбий томонидан тезлик билан кўрилган чора-тадбирлар вазиятни бир оз юмшатишга имкон берди.

⁵³ Саъдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов У., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: Давлат ва жамият тараққиёти. 193-бет.

Дониёлбий, энг аввало, арк ҳимоясини мустаҳкамлади. Шу билан бирга, кўзғолончи амирларни тинчлантириш ва мурсага келтириш мақсадида улар олдига Маҳдуми Аъзам авлодига мансуб бўлган эшон Исҳоқхўжани юборди. Эшон Исҳоқхўжанинг тинчлик ва мурса тўғрисидаги тарғиботиға фақат баҳрин уруғи бошлиғи Гайбуллабий рози бўлди, бошқа уруғ бошлиқлари очиқдан-очиқ курашни давом эттиришларини билдиришди. Шундан сўнг Дониёлбий кўзғолончилар устиға кўшин жўнатди ва шаҳар ҳунармандларининг катта ёрдами билан кўзғолонни бостиришға муваффақ бўлди. Кўзғолон бостирилгач, Дониёлбий кўзғолон иштирокчиларидан қаттиқ ўч олди. Кўзғолончи уруғларнинг бошлиқларидан кўпчилигини қатл эттирди. Аммо бу чора-тадбирлар йирик мулкдорлар ва ўзбек уруғларининг Дониёлбийға қарши ҳаракатини тўхтатишға ижобий таъсир кўрсатмади.

Кўзғолон бостирилгандан бир оз вақт ўтгач, Дониёлбийға қарши юз уруғининг бошлиғи Фозилбий кўзғолон кўтарди. Фозилбий Хўжанддан чиқиб Ўратепани эгаллади. Қамалдан сўнг эса Самарқандни ҳам қўлга киритди. Самарқанддан Миёнкол томонға қараб юрди. Бу ерда унга мангитлар сулоласи ҳукмронлигидан норози бўлган хитой-қипчоқлар кўшилишди ва Бухороға қараб юришди. Уларға қарши Дониёлбий катта кўшин билан Бухородан Карманаға қараб юрди. Дониёлбий катта ҳаракатлар эвазига кўзғолонни бостиришға муваффақ бўлди.

Муҳаммад Раҳимхон даврида вужудға келган марказлашган давлат сиёсати Дониёлбий ҳукмронлиғи даврида анча бўшашиб қолган эди. У кўп масалаларни бевосита ўзбек уруғлари оқсоқоллари иштироки ва рухсатисиз ҳал қила олмас эди. Бу эса ўз-ўзидан марказлашган давлат сиёсатига мослашган шаҳар ҳунармандлари ва савдогарларининг норозилиғига сабаб бўлди. Дониёлбийнинг мана шундай сиёсатига қарши 1784 йили Бухорода катта кўзғолон кўтарилди ва ушбу кўзғолон давомида мингдан ошиқ киши ўлдирилди. Кўзғолоннинг янада аланға олишидан чўчишган шаҳарнинг йирик савдогарлари ва мулкдорлари давлатни бошқаришни Шоҳмуродға топширишни талаб қилишди. Дониёлбий мана шу воқеалардан сўнг тахтни ўғли Шоҳмуродға топширишға мажбур бўлди.

Шундай қилиб, Бухоро тахтиға бирин-кетин Амир Шоҳмурод (1785—1800 й.й.), Амир Ҳайдар, (1800—1825 й.й.), Амир

Хусайн (Амир Ҳайдарнинг ўғли бўлиб, бор йўғи 2,5 ой ҳукмронлик қилган), амир Умар (амир Ҳайдарнинг ўғли бўлиб, бор-йўғи 4 ой ҳукмронлик қилган), Амир Насруллоҳ (1827—1860 й.й.), Амир Музаффар (1860—1885 й.й.), Амир Саййид Абдулаҳад Баҳодирхон (1885—1910 й.й.) ва ниҳоят Амир Саййид Олимхон (отаси вафотидан сўнг 1910 йилдан то 1920 йилга қадар) эгаллик қилдилар.

Шоҳмурод (сарой аҳли унга Бекжон деб мурожаат қилардилар)⁵⁴ отаси ҳукмронлиги даврида бир муддат Самарқанд шаҳри ҳокими эди. Баъзи маълумотларга қараганда, у ҳижрий 1153 ёки 1154 (мутобиқан 1740—1742 й.й орасида) йилда дунёга келган. 1785 йили тахтга эга бўлди. Отаси даврида у Кармана ва кейинчалик Қарши вилоятининг ҳокими бўлган. Баъзи маълумотларга қараганда унга кушбеги унвони ҳам берилган эдики, бу энг олий давлат унвонлари сирасига кирар эди. Отаси вафотидан сўнг, Амир Шоҳмурод чингизийлардан бўлган Абулғозийни тахтдан ҳайдаб, ўзи мутлақ ҳукмрон сифатида тахтга ўтиради. У ўзининг дарвишлик оқимига ва динга қизиқиши ниҳоятда катта бўлишига қарамай, шаҳарни бошқариш соҳасида олиб борган ишлари билан шаҳар аҳолиси ичида катта ҳурмат қозонган эди.

Шоҳмурод Бухоро амирлиги тахтига ўтиргандан сўнг, у шаҳарлар тараққиёти ва ободончилигига, суғориш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор берди. Ўзининг ҳукмронлиги даврида олиб борган ишлари ва кўрган тадбирлари ҳамда халққа нисбатан тутган мавқеига қараб уни *амири маъсум*, яъни гуноҳсиз амир деб аташган. Шоҳмурод ўз ҳукмронлиги даврида Зарафшон воҳаси сарҳадидан йирик-йирик суғориш иншоотлари мажмуасини қайта тиклашга катта эътибор берди. Шаҳар ҳунармандлари аҳволини яхшилади. Улардан олинадиган кўшимча солиқларни махсус фармон билан бекор қилди.

⁵⁴ Қаранг: Ајкс фон Кјугельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков. с. 83. прим. 114.; Яна қар.: Ражабов К. Шоҳмурод. // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, т. 10. — 111-бет; Ўша муаллиф. Амир Шоҳмурод ёхуд Амири Маъсум. (Турон тарихида унинг тутган ўрни) // Бухоро мавжлари, 2006, 1-сон.

Шоҳмурод ўз ҳукмронлиги даврида тўртта энг муҳим ислоҳотларни, яъни пул, суд, ҳарбий ва маъмурий йўналишлардаги ислоҳотларни амалга оширди. Амир Шоҳмурод 1785 йили Абулғози номидан мамлакатда пул муомаласини яхшилаш мақсадида катта пул ислоҳотини ўтказди. Чунки шу даврга қадар амирликда икки хил пул, яъни номи кумуш, аммо ярми мисдан ва бошқа элементлардан иборат бўлган кумуш танга ҳамда тилла танга муомалада бўлган.

Шоҳмурод эса 1785 йилдан бошлаб, тўла ҳолатда кумушдан иборат бўлган ва 0,7 мисқолга (3,36 гр) тенг бўлган кумуш танга ва йирик савдо мулоқотларида ишлатишга мўлжалланган, олдингиларидан ўзининг қиймати, сифати ва ташқи кўриниши билан фарқ қиладиган соф тилла тангаларни зарб эттирди. Шу билан бирга Шоҳмурод эркин пул зарб қилиш ҳуқуқини яратиб берди. У давлат зарбхоналарида одамларнинг ўз шахсий жамғармаларидан олиб келган кумуш ва олтинлардан бир хил ўлчамдаги кумуш ва тилла тангаларни зарб қилишларига кенг рухсат берди. Бунга зарб қилиб берилганлиги учун давлатга маълум миқдорда хизмат ҳақи тўланарди. Бу эса ўз-ўзидан давлат хазинасини бойитишга ва мамлакат ичида ягона миқдорда ва қийматдаги пул муомаласини ташкил қилишга олиб келди. Бундай сиёсат мамлакатда пул муомаласининг сифат даражасини яхшилашга кенг йўл очиб берди.⁵⁵

Шоҳмурод адлия соҳасида ўтказган ислоҳоти билан Бухоро суд ишларини олиб боришни бирмунча эркинлаштирди. Мамлакатдаги суд ҳайъати ишларини Шоҳмурод бевосита ўзи бошқарди. Суд ишларини олиб бориш учун махсус судлов қонуналари мажмуаси (трактат) тузиб чиқилди. Барча вилоят

⁵⁵ Шуниси қизиқки, Амир Шоҳмурод ўз номи билан танга зарб эттирмаган. Тилла тангаларни Шоҳмурод отасининг номи билан зарб этган. Кумушдан зарб этилган тангаларда эса фақат сана ва танганинг номиги ўқини мумкин. Қаранг: Kochnev Boris D. The last period of Muslim coin minting in Central Asia (18 th-carlu 20 th century) // Muslim culture in Russia and Central Asia (I,1), с. 431—444. // Олима Анке Фон Кюгельген ҳам ўз изоҳларида Вельяминов-Зерновнинг маълумотлари асосида Амир Шоҳмурод номи билан танга зарб этилмаганини таъкидлайди. Қаранг: Анке Фон Кюгельген кўрсатилган асари, 83- б. 119. Изоҳ. Яна қаранг.: Данилович Е. А. История монетного дела в Средней Азии XVII—XVIII вв. (Золотые и серебряные монеты Джанидов). Душанбе, 1964. с. 176—180; Григорьев В. О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре // Записки Мирзы-шемси Бухары.

ва туман қозилари (судьялари) айнан мана шу қонунлар мажмуаси асосида иш олиб боришарди. Олий суд палатаси ташкил этилди. Унда Амиршоҳмурод бошчилигида 40 та ҳуқуқшунос қозилар фуқаролик ва жиноий ишларни кўриб чиқишган. Суд жараёнига айбланувчи ва айбловчи ҳамда гувоҳлик берувчиларнинг шахсан иштирок этиши мажбурий бўлган. Ер эгалари, савдогарлар, ҳунармандчилик корхоналари эгаларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида шахсий мулкка нисбатан тажовуз қилинишига қарши ниҳоятда қаттиқ чоралар ишлаб чиқилган ва қўлланилган.⁵⁶

Бу эса, ўз навбатида, Бухорода жиноятнинг камайишига, ҳамда ишлаб чиқаришнинг ривожланишига имкон берди.

Шоҳмурод марказлашган давлат тизимини янада мустақамлаш ва уни қўлда сақлаб туриш соҳасида ҳам катта ишларни амалга оширди. Шоҳмурод даврида ҳам амирликда бир қатор уруғлар ва айрим вилоятларнинг норозиликлари содир бўлиб турди. 1786 йили Кармана аҳолиси очиқдан-очиқ Бухоро амирига бўйсунидан бош тортишди. Шоҳмурод Кармана аҳолисини бўйсундириш учун бир неча маротаба ҳарбий юриш уюштиришга мажбур бўлди. Кармана бўйсундирилгач, Шоҳмурод итоат этмай қўйган Шаҳрисабз ва Хўжандни бўйсундириш борасидаги ҳарбий юришларини амалга оширди ва уларни муваффақият билан якунлади.

Мамлакатда амалга оширилган катта ислоҳотлар ва муваффақиятли ҳарбий ҳаракатлар натижасида анча мустақамланиб олган Шоҳмурод кўшни Афғонистон ва Эронга қарши ҳарбий юришлар уюштирди. Доимий равишда Марказий Осиёга ҳавф туғдириб турган ва бу даврга келиб анча кучсизланиб қолган Эронга қарши юриш бошлашни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйди.

Шунингдек, Шоҳмурод Амударёнинг ўнг қирғоғидаги олдинги Бухоро ерларини қайтариб олиш учун Афғон ҳокими Темуршоҳ ибн Аҳмадшоҳ Дурронийга (1772—1792 й.й.) қарши урушлар олиб борди. XVIII асрнинг бошларида ушбу ерлар, яъни Балх, Маймана, Андхуй Афғон давлати асосчиси Аҳмадшоҳ Дурроний (1743—1773 й.й.) томонидан босиб олинган эди.

Қисқа муддатли жанглардан сўнг (Оқчи деган мавзегга яқин жойда) Шоҳмурод билан Темуршоҳ ўртасида сулҳ тузилиб,

⁵⁶ Амир Шоҳмурод даврида толиб ул-илми (мадраса талабаси)га „сенсираб“ мурожаат қилгани учун „сазойи“ қилинган бир киши устидан чиқарилган фатво ҳақида Ш. Воҳидов маълумот берган. Қаранг: Воҳидов Ш. Интересный документ конца XVII века. // Хужалик ва ҳуқуқ, 1999, 4-сон.

ушбу сулҳга мувофиқ Амударё иккала давлат, яъни Бухоро билан Афғонистон ўртасида чегара деб белгиланди. Маймана ва Андхўй Бухоро тобелигига ва Балх билан Бадахшон афғонлар итоатига кирди.⁵⁷ Шуни таъкидлашимиз лозимки Амир Шоҳмурод даврида Ўратепа ва Хўжанд доим Бухоро ва Қўқон ўртасида уруш манбаига айланди.⁵⁸ Ургут ва Ҳисор беқлиги эса бир муддат ўз мустақилликларига эришдилар. Шаҳрисабз ҳар йили икки мартаба Бухоро ҳужумига дуч келса ҳам ўз мустақиллигини сақлаб қолишга эришган эди.

Хулоса тариқасида шуни айтиш мумкинки, Амир Шоҳмурод даврига келиб Бухоро иқтисодиёти анча мустаҳкамланди ва ишлаб чиқариш ривожланди. Бу эса Бухоро амирлигининг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланганлиги ва марказлашган давлат тизимининг баъзи томонларининг вужудга келганлиги натижаси эди.

Амир Шоҳмурод ҳижрий 1215 йил ражаб ойида (ноябрь-декабрь 1800 йил) вафот этди. Унинг ўрнига ўғли Амир Ҳайдар валиаҳд сифатида тахт тепасига келди. Амир Ҳайдарнинг онаси Абулфайзхоннинг қизидан туғилган эди. Отаси даврида Қаршининг ҳокими бўлган Амир Ҳайдар оқ кигизга ўтқизилиб, хон кўтарилди. Амир Ҳайдар хон унвонини эмас, балки *амир ал-мўминин* унвонини олди. Хутба унинг номига ўқилган бўлса ҳам, тангалар ҳам унинг номидан, ҳам отаси ва бобоси (амир Дониёл) номидан зарб этилди.⁵⁹ У отаси сиёсатини давом эттиришга ҳаракат қилди.

Амир Ҳайдарнинг тахтга кўтарилиш маросими Самарқандда бўлиб ўтган. 1216 ҳижрий йили унинг муҳрида тарих-хронограмма сифатида акс эттирилган.⁶⁰ Амир Ҳайдар ўз хукмронлиги-

⁵⁷ Шу қарама-қаршиликларнинг тафсилотини турли манбалар маълумоти асосида Анке фон Кюгельген ўз китобида яхши таҳлил қилиб берганини таъкидлашим лозим. Қаранг: Анке Фон Кюгельген, кўрсатилган асари. 83—85- бетлар. Айниқса, 123- изоҳга қаранг.

⁵⁸ Мухторов А. Очерк истории Ура-тобинского владения в XIX в. Душанбе, 1964. с.186.

⁵⁹ Қаранг: Григорьев В. О некоторых событиях, с. 62. прим. 16; Буришова Р. Монеты Бухарского ханства при мангытах (середина XVIII-начало XX в.) // Эпиграфика Востока, 1967, № 18, с. 123. Вельяминов-Зернов В. В. Монеты Бухарские и Хивинские. // Записки императорского археологического общества. Т. 8. —Спб., 1859. с. 414—426.

⁶⁰ Қаранг: Хумулий. (Таърих-и Хумулий). // Кўлёзма, ЎзРФА ИШИ фонди, 37- сон. // VI. 272^а—273^б- бетлар; Ражабов К. Ҳайдар // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т — 11 ва б.

нинг дастлабки йилларида Бухоро худудининг яқдиллигини сақлаш, Зарафшоннинг юқори оқими сарҳадлари, Шаҳрисабз, Миёнкол ерларини қўлда сақлаб қолиш учун кураш олиб борди. Ўратепани вақтинча ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлди.

Хива хонлари амир Ҳайдар ҳукмронлиги даврида Бухорога қаттиқ тажовуз қилишиб, хонлик ерларини талаб кетишди.

1806 йили Амир Ҳайдар бутун Бухоро аҳлини қуролланишга ва Хива хони Элтузарга қарши курашга чақирди ҳамда уларни хонлик худудларидан ҳайдаб чиқишга ва мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди.

Ушбу уруш тугар-тугамас Ўратепа учун Бухоро билан Қўқон ўртасида уруш ҳаракатлари бошланиб кетди.

1807 йили Қўқон хони Олимхон Ўратепага ҳужум қилди ва шаҳар ҳокимини асир қилиб, катта ўлжа билан Қўқонга қайтди. 1810 йил Олимхон яна Ўратепага ҳужум қилиб, бу сафар ҳам катта бойликни ўлжа қилиб ортга қайтди. Ушбу характердаги ҳарбий юришлар Қўқон хони томонидан Жиззах, Зомин каби шаҳарларга ҳам уюштирилиб турилди.

Доимий равишда олиб борилган уруш ҳаракатлари меҳнаткаш омма аҳволини оғирлаштириб қўйди. Уруш ҳаракатларини қоплаш мақсадида Амир Ҳайдар турли хил қўшимча солиқлар йиғишга кўрсатмалар берган эди. Бу эса шусиз ҳам ночор ҳаёт кечираётган меҳнаткашлар аҳволини янада оғирлашишига ва Амир Ҳайдар ҳамда у олиб бораётган сиёсатга қарши чиқишларига олиб келди. Мана шундай халқ қўзғолонларидан бири 1821—1825 йилларда Миёнколда содир бўлди. Миёнкол қўзғолонини Амир Ҳайдар ниҳоятда қийинчилик билан қўзғолончиларга катта ваъдалар бериш билангина бостиришга муваффақ бўлди. Миёнкол қўзғолони Бухоро амирлигининг сиёсий ҳаётига ҳам чуқур таъсир қилди.⁶¹ Миёнколдан келадиган катта миқдордаги солиқларнинг тўхташи ўз-ўзидан Бухоро хазинаси салмоғини камайишига олиб келди. Бухоро қўшинларининг катта қисми доимий равишда қўзғолонни бостириш билан машғул бўлганлигидан фойдаланган қўшни давлат унинг чегара худудларига дам-бадам ҳужумлар уюштириб туришди. Миён-

⁶¹ Қаранг: Иванов П. П. Восстание Китай-кипчаков в Бухарском ханстве 1821—1825 гг. Источники и опыт их исследования. — М., 1937. с.36—43; 53—81, 84—86; Семенов А. А. Очерк устройство центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени. // Материалы таджиков и узбеков Средней Азии. Вып. 2.- Сталинабад, 1954, с.14.

колдан ташқари, Самарқанд ва Ургут аҳолиси ҳам турли сабаблардан кўзғолон кўтардилар. Катта қийинчиликлар билан амир Ҳайдар бу ҳудудларни қисқа муддатга ўзига қайта бўйсундирди. Шахрисабз ҳам Амир Ҳайдарга қисқа муддатга тобе бўлди, холос. Шунинг учун бўлса керак Амир Ҳайдар Шахрисабз кенегесларини ўз хатларида Бухоро ҳукмронларининг душмани деб айтади.⁶³

Амир Ҳайдар учун Марв воҳасининг аҳолиси ҳам анча машаққатларни туғдирдилар. Бунинг сабаби воҳанинг сувсизлик муаммоси эди. Шоҳмурод ҳукмронлиги даврида Мурғоб тўғони бузилган эди. Бунинг устига Хива хони Муҳаммад Раҳимхон (1806—1825 й.й.) 1819 йилдан бошлаб воҳага кетма-кет юришлар ташкил қилиб, ниҳоят 1822 йили уни ўз тасарруфига киргизди.⁶⁴

Амир Ҳайдар ҳозирги Афғонистоннинг шимолий вилоятларида анча муваффақиятларга эришди. Маймана, Бадахшон ва Қундуз билан бирга Балх вилояти ҳам (1850 йилгача) Бухоро тасарруфида бўлган. Ўз навбатида Амир Ҳайдар Шужоъ ал-мулк-Темуршоҳ Дурронийнинг ўғли билан (у 1803—1809 й.й. ҳукмронлик қилган) дўстлик алоқаларини ўрнатган эди. Аммо Қўқон ва Хива хонлари билан Амир Ҳайдарнинг муносабатлари анча таранглашиб қолди. Шу шароитда Амир Ҳайдар ҳатто Туркия султони Маҳмуд II га ёрдам сўраб мурожаат қилиб унинг итоатига ўтишга тайёр эканини ҳам маълум қилди.⁶⁵

Бу воқеалар Амир Ҳайдар ҳукмронлигининг охириги йиллари Бухоро учун нақадар оғир бўлганлигини кўрсатади. Амир Ҳайдар вафотидан сўнг тахтга унинг учинчи ўғли Насруллоҳ ўтирди (1826—1860 й.й.). Амир Насруллоҳ ҳукмронлиги, энг аввало, Бухоро амирлигидан феодал тарқоқликка барҳам бериш учун олиб бориш кураши билан характерланади. У ҳарбийлар ва лашкарга катта эътибор берди. Мана шунинг учун ҳам унинг куч ва қудратига таянган ҳолда ўзининг асосий ҳаракатини, энг аввало, мамлакатдаги мулкдор кучларнинг бебош-

⁶² Қаранг: Анке Фон Кюгельген. Кўрсатилган асари, 88-бет.

⁶³ Вяткин В. Л. Каршинской округ. Организация в нем войска и события в период 1215-1217 (1800-1803) годов//Известия Средне-Азиатского отдела государственного русского географического общества. Т. 18. 1928. с. 12.

⁶⁴ Материалы по истории туркмен и Туркмении//XVI—XIX вв. Иранские, Бухарские и Хивинские источники /Под ред. В. В. Струве, А. К. Боровкова, А. А. Рамашкевича и П. П. Иванова. Т.2. —М., Л., 1938. с.414—418, 423—425.

⁶⁵ Қаранг: Анке фон Кюгельген. Кўрсатилган асар, 90-бет. прим 153.

лиги ва парокандалигини тугатишга сарфлади ва бу борада катта ютуқларни қўлга киритди. Амир Насруллоҳ ҳокимиятни бошқаришда ниҳоятда қаттиққўллик сиёсатини олиб борди.

Амир Насруллоҳ ўз отаси хукмронлиги даврида Бухорога бўйсунмай қўйган вилоятларни яна қайтадан бўйсундириш ва кучли марказлашган Бухоро давлатини тиклаш борасида қаттиқ кураш олиб борди. Бу борада Шаҳрисабз Бухорога бўйсунмай қўйган энг йирик мустақил вилоят ҳисобланарди. Амир Насруллоҳ тахтга келган вақтдан бошлаб Шаҳрисабз ҳокимлари ўзларини тўла мустақил деб эълон қилдилар. Амир Насруллоҳ сиёсатидан норози бўлган кўплаб мулк эгалари Шаҳрисабзга қочиб паноҳ топдилар.

Амир Насруллоҳ Шаҳрисабзни бўйсундириш учун бир неча бор ҳарбий юришлар уюштирди. Фақат 1856 йилдагина Амир Насруллоҳ Китоб ва Шаҳрисабзни эгаллашга муваффақ бўлди.

Мамлакат ичкарасидаги феодал гуруҳларнинг ички норозиликларини аёвсиз бостиргач, Амир Насруллоҳ қўшни Хива ва Қўқон хонликлари ҳудудига ҳам ҳужумлар уюштирди.

1842 йил Амир Насруллоҳ Қўқонга ҳужум қилди ва маълум муддат уни қўлга киритишга муваффақ бўлди.⁶⁶ Насруллоҳ Қўқонга ҳужум уюштирган пайтда Хива хони Оллоқулихон Бухоронинг чегара районларига ҳужум бошлади. Хиваликларнинг Марвга ҳужум қилганликларини эшитган Амир Насруллоҳ Қўқонни ташлаб, дарҳол Бухорога қайтди ва Хива қўшинларига қарши катта куч тўплади. Бахтга қарши, айнан мана шу пайтда Оллоқулихонга қозоқ уруғларининг Хива ерларига ҳужум қилганликлари тўғрисидаги хабар етиб келди ва у ҳам ортга, Хивага қайтишга мажбур бўлди. Бир оз вақт ўтмай у Хивада вафот этди. Унинг вориси Раҳимқулихон бухороликларга қарши Марвга катта қўшин юборди. Амир Насруллоҳ ўз қўшинлари билан ҳужумга ўтиб, Ҳозараспни қаттиқ қамал қилди, аммо унинг остоналарида Хива қўшинлари томонидан мағлубиятга учради ва ўз юртига қайтди. У

⁶⁶ Қўқон ва Бухоро ўртасидаги мазкур фожиалар ҳақида бир қатор адабиётлар мавжуд. 1842 йил Қўқон юриши Мадалихонга муҳолиф бўлган кучлар ташаббуси билан (машҳур Муҳаммад Ҳакимхон раҳбарлигида) амалга оширилди. Нағижада Қўқон хони ўз оиласи ва онаси шоира Нодирано — Моҳларойим билан бирга қатл этилади. Мазкур воқеалар тафсилоти ҳақида қаранг: Воҳидов Ш. XIX аср — XX асрнинг бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. Тарих фан. док. дисс. — Т., 1998. 165—175-бетлар.; Воҳидов Ш. Сангинова Д. Шоҳ ва шоир тақдири // Фан ва турмуш, 1999, 4-сон, 24—25-бетлар.; Бобобеков Х. Қўқон тарихи. — Т.: Фан, 1996. 48-бет ва кейингилари.

Бухорога йўл олар экан, туркманлар унга тобе эканликларини баён этгач, у ўз вакилларини Марвда қолдиришни лозим топди.

Амир Насруллоҳ ўз ҳукмронлиги даврида Ҷратепа ва Хўжанд учун Қўқон хонлиги билан тўхтовсиз урушлар олиб борди. Бунинг натижасида шаҳарлар қўлдан-қўлга ўтиб турди. Амир Насруллоҳ пировард натижасида Ҷратепа ва Хўжандни ўз ҳукмронлигига бўйсундиришга муваффақ бўлди.

Амир Насруллоҳ доимий равишда ўз мустақиллиги учун курашиб келган Китоб ва Яккабоғни ўз ичига олган Шаҳрисабз беклигини ҳам ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлди. У Шаҳрисабзга 32 марта ҳарбий юриш уюштирди ва уларнинг охирида уни бўйсундиришга эришди.

Амир Насруллоҳ ҳукмронлик қилган давр, энг аввало, Бухоро амирлиги ҳудудини мустаҳкамлаш ва марказлашган давлат барпо қилиш мақсадида чегара шаҳарларни ва ерларни ўз тасарруфида сақлаш учун Хива ва Қўқон хонликларига қарши олиб борилган ҳамда Шаҳрисабз беклигини бўйсундиришга қаратилган курашлар билан характерланади.

Бухоро амирлиги тарихида сўнгги ҳукмдор ҳисобланмиш Амир Саййид Олимхон 1927 йил сентябрда ўзининг мутлақ вакили бўлмиш генерал ҳожи Юсуфбий Муқимбий орқали Миллатлар иттифоқига тақдим қилгани юборган „Бухоро халқининг ҳасрати тарихи“да Бухоро амирлигининг сиёсий ва идоравий ташкилотлари ҳамда давлат бошқаруви устида тўхталиб, қўйидагиларни ёзади:

„Бухоронинг ислом уламолари амирни пайғамбар халифаси—ўринбосари, усул ва шариат ҳимоячиси деб биларди.

Амирнинг тирикчилиги бутунлай шариатга мос бўларди, уни бузиши мумкин эмас эди.

Бухоро хонлари бутунлай манфитларнинг ўзбек тоифасидан бўлган.

Бухоро подшоҳларининг мўғил одатларига кўра, тўшакча устига табаррукона ўтқизишиб, саййидлар, хўжалар ва муллолар уни ердан кўтарардилар“.⁶⁷

Давлат ҳукм сураркан, албатта, уни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалаларини ҳаётга тадбиқ этувчи амалдорлар ва давлат лавозимлари бўлиб, уларда фаолият кўрсатувчи шахслар бўлиши муқаррар.

Амаллар ва лавозимлар ҳар бир давлатда мавжуд бўлган ва бўлади. Шу билан бирга, турли хил давлатларда амаллар ва

⁶⁷ Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. —Т.: Фан, 1991, 26- бет.

лавозимлар турли хил вақтларда турлича бўлиб турган. Ушбу лавозим ва амаллар ҳар бир давлат ўз номига эга бўлиб, эгаллаб турган ва бажарган иш даражасига қараб турлича номланган. Жумладан, қуйида биз XIX—XX аср бошларида Бухоро амирлигида давлат бошқарув тизимида фаолият кўрсатган амал ва лавозимлар ҳамда унвонлар тўғрисида фикр юритамиз.

XIX аср охири, XX аср бошларида Бухоро амирлигида давлат бошқаруви, олдинги даврларда бўлгани каби, асосан, икки босқичли бўлган. Жумладан, у амир, сарой амалдорлари, ўзбек уруғлари ва қабила бошлиқлари ҳамда эътиборли дин пешволаридан ташкил топган. Марказий давлат бошқаруви ва маҳаллий бошқарувдан иборат эди.

Бухоро амирлигидаги унвон, мансаб ва амалларга тегишли адабиётларда берилган маълумотлар жуда ҳам чалкаш ва қарама-қаршидир. Кўпинча маълумотлар юқори мансабдорларга оид бўлган. Мазкур мавзуга оид манбалардан Мирзо Бадиъ Девон, қози Вафо ва Муҳаммад Шариф, Муҳаммад Шарифжон Садри Зиё, Мирзо Олим ҳожи, олимлардан, А.А.Семенов, А.Б.Вильданова, Ю.Брегелларни тилга олиш мумкин. Юқоридагилардан Ю.Брегелнинг „Манғитлар даврида Бухоро маъмурияти,“ номли асарининг аҳамияти беқиёсдир.⁶⁸

Бухорода энг юқори унвон (мансаб) ва амаллар „32 ўзбек қабилалари“ намояндаларига, саййидларга, хўжаларга (нажиб ат-тараф) ва уламоларга берилган. Амир Шоҳмурод даврида уламолар (ислом руҳонийлари)нинг мартабалари жуда юқори бўлган. Амир Ҳайдарни ҳам тахтга чиқишини биринчи бўлиб уламолар табриклаган.⁶⁹

Шундай қилиб, маълум бўладики, Бухоро мамлакатида энг юқори унвон бу амир ал-умаро, оталиқ, ҳоким (волий, бек), кўшбеги ва девонбеги бўлган. „Оталиқ“ шаҳзода, хонзода (асосан, тахт вориси)га ҳомий ва мураббий бўлган шахс. Вақт ўтиши билан (бу мансаб Олтин Ўрдада жорий қилинган эди) бу амалнинг ваколати ва зиммасида бўлган вазифалар ўзгариб манғитлар даврида „оталиқ“ оталиққа олинган шахснинг мас-

⁶⁸ Bregel Yuri. The administration of Bukhara under the Manghits and some Tachkent manuscripts.-Bloomington, 2000 (Papers on inner Asia № 34). P. 1-14.

⁶⁹ Муфассал қаранг: Анке Фон Кюгельген. Кўрсатилган асар, 93—94 ва кейинги бетлар.

лаҳатчиси ва ишончли вакили, ҳарбий ва маъмурий ишларда асосий намояндасига айланди.⁷⁰

Манғитлар ҳукмронлигига (сулола ҳукмронлиги Дониёл-бийдан бошланади) асос солинганда Муҳаммад Ҳақимбий Муҳаммад Раҳимбийнинг отаси Абулфайзхон даврида „оталиқ“ бўлган. У бу мансабдан ташқари амир ал-умародек фахрий унвонга ҳам эга бўлган. Ю.Брегелнинг аниқлашича унга яна „умдат ал-мулк“, „умдат ал-аён“, „умдат ал-умаро“, „амири кабир“ сифатлари билан мурожаат қилишган. Қабила пешволари ҳам амир унвонига соҳиб бўлиб, юриш ва уруш пайтида ўз қабиладошларидан муайян миқдорда қуролланган аскар ажратишлари лозим бўлган.⁷¹

Муҳаммад Раҳимхон „оталиқ“ бўлганида у аллақачон ҳарбий, фуқаролик ва солиқ ишларини ўз қўлига олиб бўлган эди. Фақат Амир Шоҳмурод даврида „оталиқ“нинг ваколати чекланди, ҳатто унинг даврида бирор бир „оталиқ“ тилга олинмаган. Ҳар ҳолда мулақ ҳокимиятни қўлга киритган Шоҳмурод кимга ҳам „оталиқ“лик қиларди?! Ва ўзи амир ал-умаро, Амир ал-мўминин сифатида қайси „оталиқ“ ҳомийлигига муҳтож бўлиши мумкин эди?!

Мирзо Бадиъ Девон Амир Шоҳмурод давридаги „оталиқ“ мансаби ҳақида гапириб, унинг вазифасига Зарафшон дарёси сувининг тақсимотини назорат қилиш, Бухоро канали (руд-и шаҳр) ва доруғалик вазифаси юкланганини таъкидлайди.⁷²

Манғитлар ҳукмронлиги даврида қўшбеги⁷³ энг олий мансаб ҳисобланган. Аслида бу мансаб эгаси бош вазир вазифасини бажарган.

Саройда яна девонбеги мансаби бўлган. Бухорода XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида бу мансабдор вазир ваколатларига эга бўлган. Девонбеги молия ишлари даромад ва харажатлар ҳақида солиқ йиғиш устидан тўла назорат қилиш ишларига жавоб берад эди. Диний унвон ва мансаблар қозилар,

⁷⁰ Қаранг: Bregel Yuri, The administration, p 13.; McChesney R.D. The amirs of Muslim Central Asia in the XVII th century // Journal of the Economic and social History of the Orient. T. 36. Part I. c. 33—70. Яна қар.: Ражабов К. Бухоро оталиқлари сулоласи. // Бухоро оқшоми, 2005 йил, 28 октябрь.

⁷¹ Bregel Yuri. The administration, p 14.

⁷² Муфассал қаранг: Мирза Бадиъ Диван. Малжмаъ ал-аркам, 95-бет ва кейингилари. Матн. 90^с—91^с-бетлар; Семенов А. А. Бухарский трактат, с. 145—147.

⁷³ Биз қўшбегини ҳарбий кўноқ, қўш, ставка ва лагерь (қароргоҳ) бошлиғи сифатида талқин қилиш тарафдоримиз. Бундан ташқари қўшбеги мансаби ҳам бўлиб, у ов ва ов асбоб-ускуналари, ов қушлари, ҳайвонларига масъул булган мансабдор. Бу ҳақда қаранг: Ражабов К. Бухоро қўшбегилар // Бухоронорма, 2005 й. 15 октябрь.

муфтийлар, мухтасиб ва раис, мударрислар бўлиб, уларга, асосан, сайийдлар, хўжалар ва уламо ичидан тайинланар эди. Диний мансабларнинг энг юқориси шайхулислом бўлган.⁷⁴

Маҳаллий бошқарув, ўз навбатида, вилоят (бекликлар) ҳокимлари — беклар ва уларга бўйсунувчи амалдорлардан ташкил топган.

XIX аср охири — XX аср бошларида Бухоро амирлигида, илгари бўлганидек, давлат амалда ва расман деярли чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлган давлат бошлиғи — амир томонидан бошқарилар эди. Давлат Бухоро амирининг ва унинг авлодларининг мулки ҳисобланиб, ундаги давлат бошқаруви усуллари ўрта аср мусулмон давлатларидан деярли фарқ қилмаган.⁷⁵

Амирликда қимматбаҳо нарсалар ва амир савдо қилувчи моллар сақланадиган „юқори омборхона“ (омборхонайи боло) мавжуд бўлиб, уни „юқори қушбеги“ (қушбегийи боло) бошқарган. Закоатдан тушган нарсалар сақланадиган омборхона „қуйи омборхона“ деб аталган бўлиб, уни „қуйи қушбеги“ (қушбегийи пойон) бошқарган.

Бухоро шаҳридаги жамоат тартибини сақлаш миршабларга топширилган бўлиб, одатда улар шаҳар миршаббошисига бўйсуннишган.⁷⁶ Шу нарсани таъкидлаш керакки, Бухоро шаҳри миршаббошисига бир вақтнинг ўзида амирликдаги бошқа барча шаҳарлар миршаблари ҳам бўйсуннишган.

Бухоро шаҳрида одамлар ҳаракати хуфтон номозидан сўнг, яъни қоронғу тушгандан озгина вақт ўтгач тўхтаган. Айнан шу пайтда Бухоро шаҳрининг 11 (ўн бир) дарвозаси ва тўпчибоши ўтирган арк дарвозаси қулфланган ва барча дарвозалар калити қушбегига топширилган. Шаҳарнинг ҳар бир дарвозасига икки қўриқчи дарвозабон қўйилган. Шаҳар миршаббошиси кечаси шаҳарни айланиб юриб, ўз одамларидан шаҳарнинг қайси мавзеси ва қайси уйда базм ва ман этилган ўйинлар ўйналаётганлиги тўғрисида маълумотлар олиб, ушбу маълумотлар асосида ўз хизматчилари билан бориб гуноҳкорларни

⁷⁴ Муфассал қаранг. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофей, Мирза Бадиъ Диван. Маджмаъ ал-аркам, 96- бет; Семенов А.А. Бухарский трактат, с.147; Анке Фон Кюгельген, кўрсатилган асари, 100—102 ва кейинги бетлар.

⁷⁵ РДХТА, 1396- жамғарма, 2- рўйхат, 1485- иш, 1—2- бетлар.

⁷⁶ Муфассал қаранг: Кисляков Н. А. Патриархально-феодалные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX—начале XX века., —М. —Л., 1962., с.37. Яна қар.: Холиқова Р. Марказий давлат бошқаруви тарихига бир назар. // Мулоқот, 2004, 1- сон, 41—42- бетлар.

ушлаб, уларга нисбатан жарима белгилаб жазолашган. Жарима тўлашга қурби етмаганлар қамоққа ташланган. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, Бухорода ҳатто тўй ва рухсат берилган базмлар ҳам белгиланган вақтда тугаши шарт бўлган ва айрим сабаблар билан ушланиб қолган тўй ёки базм иштирокчилари шу хонадонда тонггача қолишлари шарт эди.⁷⁷

Бухоро амирлигидаги марказий давлат бошқарувида амирлик пойтахти ҳисобланмиш Бухоро шаҳри алоҳида ўрин тутган. Жумладан, Бухоро шаҳри ҳокими амирнинг биринчи вазири ва бошқа вилоят бошлиқлари бошқарувчиси ҳисобланган. Бухоро шаҳри миршаблари бошлиғи эса, ўз навбатида, барча бекликлардаги миршаблар ишини бошқарган. Пойтахт олий қозиси, яъни қозикалон—амирликнинг барча қозилари бошлиғи ҳисобланган. Мана шу ҳолат асосида Бухоро амирлигида жуда катта марказлашув вужудга келган.

• Яна шуни таъкидлаш лозимки, Бухорода ўша даврда қўшбеги, қозикалон, бош раис ва Бухоро шаҳри миршаббошисини биргаликда „чор ҳоким“, яъни „тўрт ҳоким“ деб юритилган.⁷⁸

П. Шубинский маълумотларига қараганда⁷⁹ амир ҳузурида ўша даврда дин, фуқаролик ва ҳарбий соҳалар вакилларидан иборат кенгаш фаолият кўрсатган. Ушбу кенгашда қўшбеги, бош закотчи, тўпчибоши ва бошқа олий амалдорлар ҳам иштирок этишган. Ушбу кенгаш доимий равишда фаолият кўрсатмаган бўлса керак, негаки бирор-бир архив ҳужжатлари ёхуд маҳаллий тарихчилар асарларида ва бошқа манбаларда ушбу кенгаш тўғрисида деярли маълумотлар учрамайди ва фикр билдирилмайди. Бизнингча, ушбу кенгаш бирор-бир муҳим ислохот ўтказилаётган пайтда ва ўта муҳим масала ечими қидирилган пайтда чақирилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётида, давлат бошқарувида ҳарбий-маъмурий ва дин пешволарининг тутган ўрни ҳам ўзига хос бўлган.

• Бухоро амирлигида дин вакиллари жуда кўп бўлган ва улар таъсирли кучга эга бўлишган. Дин вакиллари аксарият ҳолларда имтиёзли гуруҳлардан—сайид ва ҳўжалардан ташкил топган эди.

⁷⁷ Қаранг.: Кисляков Н. А. Патриархально-феодалные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX — начале XX века. — М., —Л.; 1962., с. 37.

⁷⁸ Холиқова Р. Марказий давлат бошқаруви тарихига бир назар. // Мулоқот, 2004, 1-сон, 42- бет.

⁷⁹ Шубинский П. Очерки Бухары. // Исторический вестник, 1892, №8, с. 140—141.

Амирликдаги юқори диний амалдорлардан бири ҳисобланган шайхулислом XVII—XVIII асрларда давлатда энг олий тоифали дин вакили ҳисобланган. Аммо биз кўриб чиқаётган даврда унинг вазифалари анча торайиб, асосан, арзлар ва Пайгамбар ҳамда унинг халифалари билан боғлиқ муаммоларга бағишланган масалаларни кўриб чиқишдан иборат бўлиб қолган.

‘ XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида шайхулислом ўрнини *қози калон* эгаллайди.

‘ Амир ҳузуридаги кенгашда дин вакилларидан қозикалон, шайхулислом, нақиб ва раис (муҳтасиб) қатнашган.⁸⁰

Бухоро амирлиги тарихи, давлат тузуми тўғрисида тадқиқот олиб боришган кўп олимлар диний унвонлар тўғрисида тўхталишганда баъзан муфтий, қози ва бошқаларни ҳам кўрсатиб ўтишган. Аслида бу нотўғри. Бошқача қилиб айтганда, улар унвон билан амални чалкаштириб юборишган.

‘ Аслида эса Бухоро амирлигида расман учта диний унвон: 1) ўроқ, 2) судур ва 3) садр мавжуд бўлган.

Тарихий маълумотлар шундан гувоҳлик берадики, мадрасани тугатган шахс мулла, қози, раис амалларини эгаллашлари мумкин бўлган. Юқоридаги амалларда бир неча йил ишлагандан сўнг, фикҳ соҳасида қўлга киритган ютуқлари асосида ундай шахсларга дастлаб *ўроқ*, кейин *судур* ва сўнгра *садр* унвонлари берилган.⁸¹

‘ Энг охирги — юқори диний унвон соҳиби бўлган шахс *қози калон*, *муфтий ағлам*, *охун* каби диний амалларни эгаллаши мумкин бўлган.

Бухоро амирлигида дин вакилларининг кучи ва таъсири анча салмоқли бўлган. Бу тўғрида А. А. Семенов тўхталиб ўтиб, „дин вакиллари кўп ҳолатларда амирнинг у ёки бу қарорларига ўз эътирозларини билдириб, уларни ўзгартиришга мажбур қилганлар, бу эса амирни ноқулай аҳволга солиб қўйган“⁸², деб кўрсатиб ўтган. Бухоро амирлигида дин вакиллари судни, одамлар хулқини, таълимни назорат қилиб, уни бошқаришга масъул ҳисобланган.

⁸⁰ Муфассал қаранг: Кисляков Н. А. Патриархально-феодалные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX—начале XX века. с 42. Яна қаранг: Холиқова Р. XIX асрда Бухоро амирлиги. // Жамият ва бошқарув, 2000, 3-сон, 70—71- бетлар.

⁸¹ Холиқова Р. Амирликда амалу-унвонлар.//Фан ва турмуш, 2000, 4-сон, 14- бет.

⁸² Семенов А. А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени. с.66.

Бухородаги барча фуқаро суди (маҳкамаси) шарият бўйича бошқарилган ва бу бошқарув „қози“ деб аталувчи шахслар қўлида бўлган.

Бош қози, яъни қози калон пойтахт бош қозиси ва айна пайтда амирликдаги бошқа барча қозилар бошлиғи ҳисобланган⁸³

Амирликда ҳарбийлар томонидан содир этилган жиноятлар ва уларнинг шикоятларини шу масала бўйича шуғулланувчи махсус амалдор, яъни *қози аскар* кўриб чиққан. Ушбу турдаги жиноятларга фатво тайёрлаш *муфтий аскар* зиммасида бўлган.

Бундан кўриниб турибдики, амирликдаги ҳарбийлар ва фуқаролик жиноят ишлари алоҳида-алоҳида маҳкамалар томонидан кўриб чиқилган.

Бухоро амирлиги бошқарув тизимида ўзига хос ўринни „раис“ эгаллаган. Ушбу амал ярим диний, ярим тартиботчи усулида эди.

Бухоро амирлигида *бош раис* одатда *эшон раис* ёки *раис уш-шарият* деб аталган. Бош раисга барча маҳаллий раислар бўйсунган. Бош раис уларни амир олдида текширувдан ўтказиб турган.

Амир Музаффар (1860—1885 й.й.) манғитлар сулоласида тахтга ўтирган олтинчи амир ҳисобланади. Ушбу даврга келиб манғитлар ҳукмронлиги асосида давлат бошқаруви сиёсий тузумининг ўзига хос бўлган тизими юзага келиб бўлган эди.

Давлат раҳбари — Амир Музаффар чексиз ҳокимият эгаси ҳисобланган. Амирликда ижро ҳокимияти амирлик томонидан тайинланган куйидаги лавозимлардаги амалдорлар томонидан амалга оширилган.⁸⁴

Амирнинг биринчи вазири, яъни *қўшбегийи боло* энг катта лавозим бўлиб, амир ошхонаси бошлиғи — бовурчибоши денонбегии, хазиначи, мирохўрбоши, шогирпеша, амир ошхонасининг назоратчиси, баковулбоши, маҳрамбоши, саройдаги озодалик, осойишталик ва тарғибга жавобгар фаррошбоши, закотчи мирзабоши бевосита унинг тасарруфида ва назорати остида бўлган.

Бош вазир уларнинг ишини боришини назорат қилиш ва ташкил этиш билан шуғулланган.

Амирнинг иккинчи вазири — *қўшбегийи-пойон* баъзан мирпойон деб аталган бўлиб унга ясовулбоши, мирохўрбоши, хазиначи, мирзалар, баковулбоши, закотчи бўйсунган.⁸⁵

Ундан кейинги йирик амал — бу *тўпчибошийи аскар* ҳисобланиб, у амирликнинг ҳарбий қўмондони ҳисобланган. Унга ясовул

⁸³ Холиқова Р. Амирликда амалу-унвонлар. // 4-сон. 14- бет.

⁸⁴ РДХТА. 1396-жамғармаси, 2-рўйхат, 1485-иш, 7—10- бетлар.

⁸⁵ Муфассал қаранг: Холиқова Р. XIX асрда Бухоро амирлиги. 70—71 бетлар.

боши, мирза, маҳрамбоши, баковулбоши, девонбеги, ўн иккита саркарда, саркардаларга бўйсунувчи сарбозбошилар бўйсунган.

Давлат тизимидаги кейинги амалдор бу артиллерия бошлиги *тўпчибошийи аскар* ҳисобланган. Унинг қўл остида шо-гирдпеша, мирза ва мерганлар бўлган.⁸⁶

Кейинги амалдор амирликда бош қози — *қози калон* ҳисобланган. Қози калон девонига девонбеги, оламиён, терговчи, маҳрамбоши, мирохўрбоши, таракачи, муҳаррир, мулозимлар, мирзалар, шотирлар, тилмоч ва даҳбоши (ўнбоши) кирган.

Қози калондан кейин турадиган амалдор *раиси калон* ҳисобланган. У *эшон раис* деб ҳам юритилган. Унинг аппаратига вақтинча ўринбосарлик қилувчи халифа, ноиб, дурра-даст, мулозимлар, мирзалар, мирохўрбоши, девонбеги, таракачи, терговчи, шаҳар мироби кирган.

Шунингдек, ижро ҳокимиятини амалга оширувчи лавозимлар қаторига шаҳар хавфсизлигига жавобгар бўлган *миршаб* ва унинг қўл остидагилар, сув таъминотига жавобгар шахс бўлган мироб ва унинг қўл остида ишлайдиганлар кирган.

Миршаб қўл остида ясовулбоши, девонбеги, маҳрамбоши, мирзалар, даҳбоши, тунги қоровул ҳисобланган шабгардлар, фаррошбоши ва мирохўрбоши фаолият кўрсатган.⁸⁷

Мироб тасарруфида эса маҳрам, мирзалар, баковуллар, мирохўрлар, сув тармоқлари назоратчилари, арбоблар, маҳалла, мавзе ва қишлоқ оқсоқоллари бўлишган.

Амир Музаффар ҳузурида юқорида келтирилган юқори мансабдорлар билан бирга қуйидаги амалдорлар ҳам хизмат қилишган. Амир фармонларини етказувчи *парвоначи*, амирга доимо ҳамроҳ бўлиб юрувчи *ҳидоячи*, амир маслаҳатчиси ва хорижий меҳмонларни кутиб олувчи *шиғовул*, амир осойишталиги ва тинчлигини муҳофаза қилувчи *тонготар*, амирга қаратилган барча салом ва таъзимларни қабул қилувчи ва жавоб берувчи *салом оғаси*, амир дастурхонига жавобгар *дастурхончи*, амир сафари чоғида намозга чорловчи — имоми жилов, амир сафари чоғида қонун билан шуғулланувчи — *муфти жилов*, амир маслаҳатчилари гуруҳи-*жамъа* шулар жумласидандир.

Амирга бўлган садоқати ва хизмати учун алоҳида диққатга сазовор бўлганлар *додхоҳ*, *иноқ*, *тўқсабо*, *оталиқ*, *эшик оғаси* каби унвонларга эга бўлишган.

⁸⁶ Қаралсин: Шодмон Воҳидов. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. 23— 27-бетлар.

⁸⁷ Муфассал қаранг: Холиқова Р. Амирликда амалу унвонлар. // 14-бет.

Амир Музаффар даврида жойларда барча ҳуқуқий нормалар қозилар томонидан ҳал этилган. Барча фуқаролик ишлари ва жиноий ишлар Куръон асосида кўриб чиқилган. Амирликда қозилар бевосита амир хоҳиш-иродасини бажарувчи қози калон томонидан тайинланган.

Бухоро амирлигида кўшин тузилмаси ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Шу нарсани айтиш жоизки, Бухоро амирлигида амир Насруллоҳга (1828—1860 й.й.) қадар доимий (мунтазам) кўшин бўлмаган.⁸⁸

Амир Музаффар даврида амир кўшинларига *амирилашкар*, яъни аскарбоши раҳбарлик қилган. Кўшинда *муфти аскар* мансаби мавжуд бўлган. XIX асрнинг 60 йилларида амир кўшинларининг амири-лашқари Усмонбек деган шахс бўлган. У рус армиясидан қочиб келган казаклардан бўлган. Бухоро кўшинларининг асосини „отлиқ“лар ташкил этган. Пиёдалар озчиликни ташкил этган. Амир кўшинининг энг яхши қисми бу ёлланган афгонлар бўлган.

Амир Музаффар даврида ҳам амирлик бекликларга бўлинган бўлиб, беклар амир томонидан тайинланган. Бекликларнинг энг яқин ёрдамчилари ясовулбоши раҳбарлигида ясовуллар бўлган. Беклик ҳудудидаги кўшинларга беклар ўзи раҳбарлик қилишган. Бекларнинг кўшини бир неча юз кишидан иборат отлиқлардан иборат бўлиб, улар ҳар ойи бек ҳисобидан 20 тангадан маош олишган.

Бек кўшинида *юзабоши*, *элликбоши*, *унбоши* унвонига тақлид қилинган ҳолдаги бўлиниш мавжуд бўлган. Бек кўшинида мирохўр лавозими бўлиб, у бутун бек кўшинига раҳбарлик қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Бекликлар ўз навбатида, қуйи маъмурий бошқарув тизимларига бўлинган бўлиб, уларни оқсоқоллар бошқаришган, кишлоқ жойларда эса амин лавозими жорий этилган бўлиб, улар бекликнинг сув ҳўжалигини бошқарган.

Давлатни бошқариш, уни ривожлантириш халқнинг фаровонлигини таъминлаш, уларнинг осойишта ҳаётини таъминлаб бериш кўп жиҳатдан шу давлат тизимида, унга раҳбарлик қилган тарихий шахсга, давлат бошқарувининг тўғри ташкил этилганлиги ва ушбу тизимнинг кимлар томонидан ва қандай усулда бошқарувида бевосита боғлиқдир.

⁸⁸ Муфассал қаранг: Кисляков Н. А. Патриархально-феодалные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX — начале XX века. — М., — Л., 1962.; Жалиқова Р. XIX асрда Бухоро амирлиги. 70—71- бетлар; Воҳидов Ш.Х. Холиқова Р. Ўрта Осиё кўшиқларида давлат бошқаруви. — Т.: Янги аср авлоди, 2006. 35 бет.

II.2. Бухоро амирлиги ҳудуди ва аҳолиси

Ўрта Осиё хонликлари ичида Бухоро амирлиги алоҳида мавқега эга бўлган давлат бўлиб, у жуда катта ҳудудга эга эди.

XVIII асрнинг ўрталарига келиб Бухоро амирлигининг ҳудудларида бирмунча ўзгаришлар содир бўлди. Бу даврда Бухоро хонлари ўз қўлларида Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги туманлар бўлмиш Вобкент, Ғиждувон, Қорақўл, Вардонзе, Қашқадарё вилояти ҳамда Миёнкол воҳасини сақлаб қола олган эди.

Хўжанд, Тошкент, Ҳисор вақт-вақти билан эса Хузор, Шаҳрисабз, Нурота, шунингдек, Амударёнинг ўнг соҳилидаги Балх, Андхой, Маймана, Бадахшон ва Шибирғонлар ҳам Бухорога вассал бўлишига қарамай, унга итоат этмай қўйишди. Бу даврга келиб Бухоро амирлигида иқтисодий, сиёсий ва ҳудудий парокандаликнинг юзага келишининг бош сабаби — бу сўнги аштархонийлар даврига келиб Бухоро хонлигида ҳукм сурган ўзаро феодал жанжаллар ва келишмовчиликлар эди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, яъни манғитлар сулоласи ҳукмронликни ўз қўлига олгач, Бухоро амирлиги аста-секинлик билан яна мустақамлана бошлади. Албатта, бу даврда ҳам ҳали Бухоро амирлигида ўзаро феодал тарқоқлик тугашига чек қўйилган эмас эди. Ҳали ҳамон Бухоро амирлигига бўйсунмаган Шаҳрисабз, Жиззах, Ўратепа каби мустақил ва ярим мустақил шаҳарлар ва туманлар мавжуд эди.

XVIII асрнинг 70—80- йилларига келиб, Бухоро амирлигининг марказий ҳудудини Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини ўз ичига олган Зарафшон воҳаси ташкил қилар эди.

XIX асрнинг бошига келиб, Бухоро амирлиги ҳудудига Зарафшон ҳамда Қашқадарё воҳасидан ташқари Сурхон воҳаси сарҳади, Ҳисор, Хўжанд, Ўратепа, Панжикент каби аҳоли зич жойлашган туманлар, Зарафшон дарёсининг юқори оқими, Жанубий Туркистоннинг катта қисми, шунингдек, Чоржўйдан тортиб то Мурғоб дарёсигача бўлган сарҳадлар ҳам қарар эди.

XIX асрнинг бошларига келиб, Бухоро амирлиги ҳудудини кенгайтишининг бош сабаби — бу энг аввало Манғитлар сулоласининг марказлашган давлат барпо этишга интилишининг натижаси эди. Шундай қилиб, XIX аср бошларига келиб, Бухоро амирлиги бир томондан Эрон ва ҳозирги Афғонистон, иккинчи томондан Хива хонлиги, учинчи томондан қозоқ

жузлари ва ниҳоят тўртинчи томондан Қўқон хонлиги ҳудудлари билан чегарадош эди.

XIX асрнинг 20- йилларига келиб эса Бухоро амирлиги тасарруфидаги Ўратепа ва Хўжанд Қўқон хонлиги томонидан босиб олинди ва Қўқон хонлиги ҳудуди деб эълон қилинди. Бу ҳудудлар Бухоро билан Қўқон ўртасидаги доимий ўзаро низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди, бир неча маротаба навбатма-навбат Бухоро ва Қўқон ҳукмронлигига тобе қилинди.⁸⁸

XIX асрнинг 50- йилларига келиб, узоқ вақт давомида Бухоро вассали бўлиб келган Балх, Андхой, Маймана, Шибиргон ва Жанубий Туркистоннинг бошқа вилоятлари Англия ҳукуматининг бевосита ёрдами билан афгон амирлари томонидан батамом эгаллаб олинди.

Шундай қилиб, XIX асрнинг 50- йилларида Бухоро амирлиги бир неча вилоятлардан ташкил топган бўлиб, улардан Бухоро ва Самарқанд ўз навбатида туманларга бўлинган эди. Ҳар бир вилоятга ҳукмрон бошлиқ қўйилган бўлиб, у ҳоким деб аталган. Кейинчалик вилоятлар ўрнида бекликлар вужудга келгач, уларнинг ҳукмронлари *бек* деб аталган.

Бухоронинг сўнгги амири Саййид Олимхон томонидан 1927 йили таъкидланишича XX аср бошига келиб „Бухоро мамлакати Амударёнинг шарқий соҳилларидан, яъни Россия Помиридан то Хиванинг кенг давлатларигача чўзилиб боради.

Бухоро шимол тарафдан Қизилқум саҳроси билан чегарадош, ғарб тарафдан Сирдарё билан ҳамда Қўқон хонлиги билан, жанубда эса Афғонистон, Шарқдан туркман ўлкаси ҳамда Хива дашги билан чегарадош“.⁸⁹

XX аср бошида, „Бухоро аҳолиси уч ярим миллион нафардан иборат. Унинг майдони 225.000 км² келади, яъни тахминан Италия майдони билан тенг. Унинг аҳолисининг асосий қисми ўзбек, туркман, қирғиз, қозоқ, тожик, яҳудий ва араблардан иборат“⁹¹ деб ёзади амир Саййид Олимхон.

XIX аср ўрталарида Бухоро амирлиги Жиззах, Самарқанд, Панжикент, Челак, Нурота, Пайшанба, Кармана, Каттақўрғон, Хагирчи, Зиёвуддин, Бухоро, Қоракўл, Қарши, Шаҳ-

⁸⁸ Қаранг: Мухторов А. Очерк истории Ура-Тюбинского владения в XIX в. с. 10–16.

⁸⁹ Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. 25-бет.

⁹¹ Уша асар, 25- бет.

рисабз, Китоб, Яккабоғ, Шаар (Шаҳрисабз—таъкид бизники-Р.Х.), Чироқчи, Шеробод, Ғузур, Матчо, Фон, Фалғар, Яхнаоб (Яғноб), Қўштут, Бойсун, Деҳнов, Юрчи, Ҳисор, Балжувон, Кўлоб, Кўрғонтепа, Қабодиён каби жами 44 та бекликдан иборат бўлган.⁹²

„Тарихи Нофейи“ асарида келтирилган маълумотларга қараганда, алоҳида вилоятларга тобе бўлган шаҳар ва ноҳиялар ҳам бўлган. Масалан: Мўминобод Кўлобга; Ховалинг ва Қўнғирот Болжувонга; Душанбе ва Қоратог Ҳисор ҳокимига; Ромитан, Ҳайдаробод, Баҳоваддин, Хўжа Бўстон, Хўжа Убон, Хўжа Ориф, Вобкент ва Зандана Бухоро шахрига тобе бўлган экан.⁹³

„Мажмаъ ул-арқом“ асаридаги маълумотларга қараганда, амирлик яна қуйидаги маъмурий-худудий бўлақларга бўлинган бўлган. Чунки айнан мана шу тартибда бўлиниш бўйича хирож, закот ва бошқа турдаги солиқларни йиғиш ва олиш қулай бўлган.

100 минг танобдан иборат суғориладиган ер туманга, 50 минг танобдан иборат суғориладиган ер ҳазора (минглик)га, 25 минг таноб суғориладиган ер *нимҳазорага*, 10—15 минг таноб суғориладиган ер бирор бир анҳор (ариқ)нинг *обхўри* (суғориладиган)га, 400 танобга суғориладиган ерга эга бўлган мулк *қарияга* ва 300 таноб суғориладиган ерни *мазраба* (экинзор)га бўлинган.⁹⁴

Аксарият туманлар аҳоли яшайдиган энг катта маҳаллалар номи билан ҳам аталган. Масалан: Ғиждувон-Ҳарқонруд, Комот-Вобканд, Сомжан-Ромитон⁹⁵ номлари билан ҳам тилга олинганлиги манбаларда⁹⁶ ҳам қайд этилган.

Олимларнинг хулосаларига қараганда, маҳаллий маъмурийат намояналари мавзени қишлоқ ва масжидлардан каттароқ худудий бўлинма деб таърифлаганлар.⁹⁷ Карки вилояти мавзеларга бўлинса ҳам, улар ўз навбатида, бекчаларга, бекча эса, ўз навбатида, қишлоқлардан иборат бўлган бекчагонлардан ташкил топган.⁹⁸

⁹² РДХТА. 1396-жамғарма, 2- руйхат, 1396-иш, 1—3-бетлар.

⁹³ Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофейи. 32- бет.

⁹⁴ Мирзо Бадиъ Диван. Мажмаъ ул-арқом, 18- бет.

⁹⁵ Бартольд В. В. Сочинение, Т.1, с.172; Т.3, с.200.

⁹⁶ Тамкин Абдурахмон Бухорий. Матолиб ал-фоҳира ва матолиб ат-тариха. // Қулёзма УзФАШИ жамғармаси. 8245-сон, 207^б — 208^а- бетлар.

⁹⁷ Населенные пункты Бухарского эмирата.—Т.: Университет, 2001. с.5.

⁹⁸ Ўша асар. 5-бет.

Нурота гузарлардан, улар эса қишлоқлардан иборат бўлган. Қоратегин рабовага (раҳоба сўзидан), у эса, ўз навбатида мавзе ва қишлоқлардан иборат бўлган.

Помир вилоятларидаги Рушон ва Шугнон маъмурий ноҳиялари оқсоқоллик дейилган. Аҳоли яшайдиган жойлар ҳужжатларда учта атама — қишлоқ, мавзе, даҳа орқали қайд этилган.⁹⁹

Бухоро амирлиги Ўрта Осиё ҳудудидаги феодал давлатлар, яъни хонликлар ичида энг кучли ва аҳоли кўп яшайдиган давлатлардан эди.

Бухоро амирлиги аҳолиси XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тез суръатлар билан кўпая бошлади. XIX асрнинг бошларига келиб аҳоли сони 2 млн дан ошиқ, 50-йилларга келиб эса 2,5 млн дан ортиқ кишини ташкил қилган. Бухоро шаҳрида 60 мингдан, Самарқанд шаҳрида 50 мингдан ошиқроқ аҳоли истиқомат қилишган.¹⁰⁰

XIX асрнинг 50-йилларигача бутун Бухоро амирлиги аҳолиси ўтроқ ва кўчманчи ҳаёт кечирувчи аҳолидан иборат бўлган. Ўтроқ аҳоли таркибига, асосан, тожиклар ҳамда қадимий туркий халқлар, яъни қарлуқлар, турклар киришган. Кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолилар таркибига эса асосан Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасига келиб жойлашиб қолган кўчманчи ўзбек уруғлари вакиллари кирганлар. Шунингдек, бу гуруҳ таркибига қисман маҳаллий туркий қабила вакили бўлмиш хитой-қипчоқлар ва маркитлар ҳамда қозоқлар ва туркманлар ҳам киришган.

Ўрта Осиё ҳудудидаги бошқа давлатларда бўлгани каби Бухоро амирлигида XX аср бошларига қадар ҳеч қачон аҳолини рўйхатга олиш жараёни амалга оширилмаган. Фақатгина чор Россияси ҳукумати тазйиқи остида 1914 йилда Бухоронинг шарқий ҳудудларидаги бекликлардаги аҳоли, экин майдонлари, аҳоли (пунктлари) манзилгоҳлари ва чорва сонлари тўғрисидаги маълум бир ҳолатда маъмурий йўл орқали ҳисобкитоблар амалга оширилди. Кейинчалик, аниқроғи 1917 йилда шу ҳолатдаги рўйхатга олиш яна бир маротаба амалга оширилди.¹⁰¹

⁹⁹ Населенные пункты Бухарского эмирата, с.5.

¹⁰⁰ Қаранг: РДХТА. 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 43-51-бетлар; Яна: Тўхтаматов Т. Г. Русско-Бухарские отношения в конце XIX—начале XX в., с. 14; Хоғамов Н. Свержение эмирского режима в Бухаре. — Душанбе, 1997, с. 11.

¹⁰¹ Пославский Ю. И. Экономический очерк Таджикистана. —Таджикистан // Сборник статей, —Т., 1995, с. 179.

Ушбу ҳолатлар бўйича шуни айтиш лозимки, рўйхатдан ўтказиш жараёнида тўла ва аниқ маълумот олинган деб бўлмайди. Айниқса аҳоли сони масаласида. Чунки ўша даврда аҳоли сони аниқ ҳисоб-китоб қилинмаган. Одатда, ўша даврдаги ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, аҳоли сони оддий сўров усули орқали ва ҳар бир хонадонда ўртача сон, яъни беш кишидан иборат тарзда ҳисоб-китоб қилинган. Аҳолининг умумий сонлари деярли барча ҳолатда тахминий тарзда берилган. Бошқа кўринишдаги ҳисоб-китоблар ҳам шу ҳолатда берилган. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, 1914 йилда ҳам, 1917 йилда ҳам Бухоро амирлиги ҳудудида аниқ аҳоли сонини рўйхатга олиш жараёни умуман амалга оширилмаган, балким мавжуд бекликлардаги амалдорлар орқали тахминий маълумотлар олиниб, ҳисоб-китоб қилинган. Ушбу хулосага келишимизга бир неча объектив сабаблар мавжуд.

Энг аввало, ўша даврда барча Ўрта Осиё давлатларида бўлгани каби, шу жумладан, Бухорода ҳам, бекликлар ҳудудининг аниқ чегараси, унинг харитаси тузилмаган эди.

Иккинчидан, аҳоли миграцияси деярли ҳеч қачон ҳисобга олинмаган эди.

Ва ниҳоят, учинчидан ҳар бир бекликда маҳаллий бошқарув маъмурлари солиқлар, турли хил йиғинларни тўлашни амалга ошириш жараёнида ўз манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ҳеч қачон аниқ маълумотлар беришдан манфаатдор бўлишмаган. Мана шунинг учун ҳам деярли барча адабиётларда берилган XIX—XX аср бошларидаги Бухоро амирлиги аҳолиси сони бизнингча тахминий тарзда берилган деб қабул қилиниши керак.

Энг муҳими шундаки, барча адабиётларда амирликдаги аҳолининг умумий сони берилган бўлса-да, аммо бирон-бир адабиётда уларнинг ҳудудлар бўйича тақсими, йирик шаҳарлар бўйича жойлашуви тўғрисида умуман маълумотлар келтирилмаган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, жуда кўплаб муаллифлар¹⁰² томонидан яратилган асарларда аҳоли сони асосан 1924 йилда ўтказилган Ўрта Осиёдаги районлаштириш Комиссияси маълумотлари асосида берилган.¹⁰³

¹⁰² Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи: I- китоб. Туркистон чор Россияси мустамакачилиги даврида. —Т.: Шарқ, 2000.; Турсунов Х. Т. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. —Т., 1962.

¹⁰³ Зарубин И. И. Список народностей Туркестанского края // Труды комиссии по изучению племен составляющих населения России и сопредельных стран. № 9, — Ленинград, 1925. с. 12—34.

XIX асрдаги Бухоро амирлиги тарихий географиясига назар ташласак, Марказий Бухоро ҳудудларида, асосан, аҳоли яшайдиган манзилгоҳлар, шаҳарлар ва қишлоқлар, асосан, йирик дарё ўзанларидаги текисликларда, сув тақсимоти мавжуд бўлган ҳудудларда қарор топганлиги кўзга ташланса, Шарқий Бухоро ҳудудида эса аҳоли манзилгоҳлари, асосан, дарёларнинг тоғ олди қисмида, яъни бошланиш қисмида шаклланганлигини кўриш мумкин.

Амирлик аҳолисининг катта қисмини ўзбеклар ташкил қилган бўлиб, улар жуда кўплаб уруғлар вакили ҳисобланган. Уша даврда Бухоро амирлигида ўзбекларнинг умумий сони 1,5 млн киши деб кўрсатилган.¹⁰⁴

Ўзбеклар, яъни ўзбек уруғлари ва қабилалари тўғрисида сўз кетганда адабиётларда турли хил фикрлар, ғоялар илгари сурилган. Жумладан, XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида яшаган аҳолининг ўзбек қатлами деярли барча адабиётларда учга бўлинган. Айнан мана шу уч гуруҳни аташ, уларни номлаш бўйича турли хил фикрлар билдирилган ва илгари сурилган. Ўзбекларнинг биринчи турига олимлар, асосан, ўтроқ аҳоли қисмини, умуман уруғ-қабилавий жиҳатдан бўлинмаган қисмини киритганлар. Уларга чиғатоёлар, ҳўжалар ва қаршиликлар киритилган. Профессор М. Г. Ваҳобов уларни илмий жиҳатдан аташ учун „Туркий тилли сартлар“ деган илмий атамани қўллашни таклиф этган бўлса,¹⁰⁵ Б. Кармишева „ўтроқ аҳоли“ деган атамани қўллаган. Иккинчи тоифага мансуб бўлган ўзбекларни Б. Кармишева „илк қабилалар“ деб атаб, уларга, асосан мўғиллар кириб келгунга қадар бўлган туркий қабилаларнинг тарихий ворисларини, яъни турклар, қарлуқлар, халачлар, миришкорлар ва бошқаларни киритади.¹⁰⁶

М. Ваҳобов эса ушбу иккинчи тоифага мансуб ўзбекларни „Мовароуннаҳр турклари“ деб аташни илгари сурган.¹⁰⁷

Ва ниҳоят, ўзбекларнинг учинчи тоифасини Б. Кармишева „сўнги қабилалар“, яъни XV аср охирида Дашти Қипчоқдан

¹⁰⁴ Тухтаметов Т. Г. Русско-Бухарские отношения в конце XIX — начале XX в.; Georg Meyendorff. Voyage a l'Orenburg a'Boukhara fait en 1820. — Paris, 1820, p. 197.

¹⁰⁵ Қаралсин: Вахабов М. Г. Формирование узбекской социалистической нации. — Т., 1961, с 30-34, 44, 46.

¹⁰⁶ Кармишева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана, с. 86—87.

¹⁰⁷ Вахабов М. Г. Формирование узбекской социалистической нации. с. 45—47.

Мовароуннаҳрга кўчиб келган ўзбек қабилалари авлодлари деб атаган ҳолда, улар таркибига *қўнғиротлар, юзлар, лоқайлар, семизлар, кесамирлар, қатағонлар, дўрмонлар* ва бошқаларни киритган.¹⁰⁸ М. Ваҳобов эса ушбу учинчи тоифа ўзбекларни „кўчманчи ўзбеклар“, атамаси орқали ифодалашни илгари сурган.¹⁰⁹ Умуман олганда ушбу иккала фикр ҳар бир тадқиқотчини чуқур мулоҳаза юритишга мажбур қилади. Илмий таҳлил ва бевосита ўзбек қабилаларининг келиб чиқиши ва келиб ўрнашиши тарихи ушбу масалага ҳақиқатан ҳам илмий асосда жиддий ёндашиш лозимлигини кўрсатади. Б. Кармишева ўз тадқиқотларида кўпроқ аҳоли турмуш тарзини ўрганиш ва уларнинг жойлашуви, яъни этнография ва тарихий география фанлари мақсадидан келиб чиққан ҳолда, кўпроқ ўзининг ХХ асрнинг 60—70 йилларида олиб борган „сўров“ экспедициялари натижалари ҳулосаси асосида ўз фикрини илгари сурганлигини кўриш мумкин. М. Ваҳобов эса ўз илмий тадқиқотларида бевосита ёзма манбаларни чуқур билиши ва уларни илмий таҳлил этиши асосида ўзбек уруғларининг ҳар бир тоифасини келиб чиқиши ва ўзбек миллатининг шаклланиши нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда фикр юритганлиги, ҳар бир этник жараёни илмий асослаш замирида тарихийлик ва тадрижийлик мезони билан номлаганлигини кўрсатиш мумкин.

Бухоро амирлиги аҳолиси таркибида сон жиҳатдан ўзбеклардан сўнг иккинчи ўринда тожиклар туришган. Уларнинг умумий сони 500 минг деб берилган. Бошқа бир манбада уларнинг сони 650 минг деб кўрсатилган.¹¹⁰

Бухоро амирлигида тожиклар асосан компакт (зич) ҳолатда амирликнинг йирик шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Китоб (Кўхтоғ), Ургут ҳамда тоғли ҳудудларида, жумладан, Панжикентда, Душанбеда ва Вахш бўйларида, амирликнинг жануби-шарқий қисмида эса, асосан, Афғонистон билан чегарадош бўлган ерлар Ҳисор-Дарвоз, Қоратегин, Кўлоб, Балжувон, Қабодиён ва Яккабоғ бекликларида, Зарафшоннинг юқори

¹⁰⁸ Қаралсин: Кармишева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. с. 72—73.

¹⁰⁹ Ваҳобов М. Г. Формирование узбекской социалистической нации. с. 46, 51—52, 56.

¹¹⁰ Тухтаметов Т. Г. Русско-Бухарские отношения в конце XIX—начале XX века. Т.; 1966, с. 14.; Georg Meyendorff. Voyage a l'Orenburg a'Boukhara fait en 1820. p.197.

қисмида эса Фалгар, Матчо, Яккатут ва Фон бекликларида, ҳамда Кштут (Кўштут) ва Моғиёнда истиқомат қилишган.¹¹¹

Туркманлар ҳам Бухоро амирлиги аҳолисининг сон жиҳатдан катта қисмини ташкил этган.

Туркманлар Бухоро амирлигига қарашли бўлган Амударёнинг икки қирғоғида жойлашган ерларда, яъни амирликнинг жанубий ва ғарбий ҳудудларида истиқомат қилишган.

Эрсари, ата, али-эли ва *ҳожи* қабилаларининг катта қисми кўчманчиликни тарк этиб ўtroқлашган ва деҳқончилик қилишган. Қолган қисми эса кўчманчиликни давом эттириб, чорвачилик билан шуғулланишган. Уларнинг аксарияти Чоржўй, Бурдалиқ, Карки, Шеробод ва Қўрғонтепа бекликларига қарашли ерларда деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлишган.

Маълумотларга қараганда, Бухоро амирлигида яшаган туркманлар сони тахминан 200 минг киши деб кўрсатилган.¹¹²

Бухоро амирлиги ҳудудида амирлик аҳолисининг кичик қисмини араблар ташкил қилган бўлиб, улар асосан Қарши ва Шеробод ҳудудларида истиқомат қилишган.¹¹³

Шунингдек, Бухоро амирлиги ҳудудида форсийлар, яҳудийлар, ҳиндлар, лўлилар, афғонлар, қорақалпоқлар, қозоқлар ва қалмиқлар ҳам яшашган. Қалмиқлар Бухоро шаҳрида қорақалпоқлар эса Зарафшон, Амударё ва Сирдарёнинг куйи оқимларида, қозоқлар эса Бухоро амирлигининг шимолишарқий қисмида истиқомат қилишган.

Бухоро амирлигида истиқомат қилган номаҳаллий халқлар, жумладан, ҳиндлар, яҳудийлар ҳуқуқ жиҳатдан тўла ҳуқуққа эга эмас эдилар ва улар алоҳида мавзеларда яшашган.¹¹⁴

Бухорода ниҳоятда оз миқдорда Россия фуқаролигига мансуб бўлган ва, асосан, савдо ишлари билан машғул бўлган татарлар ҳам истиқомат қилишган.

Аҳолининг аксар қисми йирик шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилган бўлиб, уларнинг аниқ миқдори деярли йўқ.

¹¹¹ Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана, с. 41—45.

¹¹² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. —Т., 2000, 464- бет; Яна қарарниг : Сухарева О. А. Бухара: XIX—начало XX в. (Позднефеодальный город и его население). —М., 1966, с. 120—122.

¹¹³ Кармишева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана, с. 111—112.

¹¹⁴ Ўша асар, 116—119- бетлар.

XIX асрда Бухоро худудида бўлган рус фуқаролари томонидан ёзиб қолдирилган турли хил манбалар ва эсдаликларда аҳоли сони эмас, балки кўпинча аҳоли яшайдиган хонадонлар сони берилган.

Бухоро амирлиги аҳолиси ижтимоий-сиёсий тузилиши ҳам турлича бўлган. Уларнинг таркиби ҳам ниҳоятда хилма-хил бўлган. Ўзбек уруғлари ичида қўнғирот, сарой, манғитлар кўпчиликни ташкил этишган. Шунингдек, **жабғу, қорлуқ, қалмиқ, найман, хитой, қипчоқ, қирқ** каби уруғлар ҳам салмоқли уруғлардан ҳисобланишган.

Чигатойлар Ўзбекистон худудидаги қадимий элатлардан ҳисобланган. Чигатойлар икки тилда гаплашганлиги учун ўзбек чигатойлари ва тожик чигатойларига бўлинган. Чигатойлар асосан Бухоро амирлиги худудида истиқомат қилишган.

Ўзбек уруғига мансуб бўлган чигатойлар, асосан, Бухоро амирлигининг Шарқий Бухоро худудида истиқомат қилишган. Жумладан, чигатойлар Шерободдарёнинг юқори (Юқори Мачай) қисмида Шерободдарёнинг ўрта оқими (Лайлаган, Қарабоғ, Пошхурд)да ҳамда Шерободдарёнинг қуйи оқими—Шеробод воҳасида (Чигатой, Қишлоқбозор), Сеплон, Навбоғ, Гаурдак (Гегирдак, Чуянчи) Сурхондарёнинг қуйи оқимида (Мангузар, Саллиобод, Чигатой), Деҳнов яқинидаги Чўлибойир тоғлари этагида (Катта Вахшивор, Кичик Вахшивор), Ҳисор тоғлари этагида (Газарак, Дашнабод) ҳамда Болжувон беклиги ва Кўлоб бекликларида истиқомат қилишган.¹¹⁵

Бухоро амирлигининг Шеробод беклигида асосан қўнғирот уруғлари ва чигатойлар яшаган бўлиб, улар ушбу беклик аҳолисининг катта қисмини ташкил этган.

Ҳисор беклигида барлослар, мусабозорлар, лақайлар ва юзлар беклик аҳолисининг катта қисмини ташкил этишган.¹¹⁶

Деҳнов беклигида эса кўпроқ қўнғиротлар билан туркман жузлар аҳоли асосини ташкил этган.

Қабодиён беклигидаги аҳолининг катта қисми ўзбек чигатойлари, хўжалар ва дўрмонлардан иборат бўлган.

Кўрғонтепа беклиги аҳолиси, асосан, қатағонлардан иборат бўлган бўлса, Болжувон беклигида эса лоқайлар кўпроқ бўлган.¹¹⁷

¹¹⁵ Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. с. 68—69.

¹¹⁶ Ўша асар, 70—71, 78—79-бетлар.

¹¹⁷ Ўша асар, 110—112.

Кўшбеги девонхонасининг 1915 йилги ёзишмалар журналида Бухоро амирлиги 1915 йилга келиб 27 та вилоят ва 11 та тумандан иборат деб қайд этилган.¹¹⁸ Деярли барча туманлар Бухоро шаҳри атрофида жойлашган бўлган.

Бухоро амирлигининг вилоятлари, асосан, дарёлар водийси бўйлаб жойлашган. Масалан, Зарафшон водийсида Кармана вилояти, Хатирчи вилояти, Зиёвуддун вилояти, Нурота вилояти, Қашқадарё водийсида, Қарши вилояти, Ғузор вилояти, Яккабоғ вилояти, Чироқчи вилояти, Китоб вилояти ва Шаҳрисабз вилояти, Сурхондарё водийсида Шеробод вилояти, Бойсун вилояти, Деҳнов вилояти ва Сарижўй вилояти жойлашган.

Амударё дарёси бўйлаб эса Чоржўй вилояти, Усти вилояти, Карки вилояти, Калиф вилояти ва Бурдалиқ вилояти (булар, асосан, ҳозирги Туркменистон ҳудудида), Шарқий Бухорода (ҳозирги Тожикистон ҳудудида) Қабодиён вилояти, Кўрғонтепа вилояти, Ҳисор вилояти, Қоратегин вилояти, Кўлоб вилояти, Болжувон вилояти, Дарвоз вилояти ва Шуг'нон вилояти жойлашган.¹¹⁹

Аҳоли яшайдиган манзилгоҳлар сони жиҳатдан шарқий вилоятлар энг кўп ва энг катта ҳудуд ҳисобланган. 1914—1916 йилги рўйхатларга қараганда, Болжувон вилоятида 1420 та аҳоли манзилгоҳлари, Ҳисорда 1200 та аҳоли манзилгоҳлари, Қоратегин вилоятида 700 та аҳоли манзилгоҳлари, Кўпат вилоятида 635 та аҳоли манзилгоҳлари борлиги қайд этилган.¹²⁰

Туркман вилоятлари анча кичик бўлган. Масалан, Усти вилоятида 15 та аҳоли яшайдиган манзилгоҳ, Бурдалиқ вилоятида 14 та аҳоли яшайдиган манзилгоҳ, Келиф вилоятида 24 та аҳоли яшайдиган манзилгоҳ бўлган.

Бухоро амирлигида доимий равишда вилоятлар ва туманлар ё қўшилиб турган, ё ажралиб чиққан.

Маълумки, XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлиги аҳолиси тўғрисида тарих фанида аниқ доимий маълумотлар маълум, чунки ушбу ҳудудда бир неча бор аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари ўтказилган. Аммо ушбу даврга оид Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги аҳолиси тўғрисида ҳозирги кунга қадар фанда аниқ бир доимий

¹¹⁸ ЎЗРМДА. И. 126-жамғарма, 1- рўйхат, 51-иш, 43- бет.

¹¹⁹ Населенные пункты Бухарского эмирата с. 4—5.

¹²⁰ Населенные пункты Бухарского эмирата. с.5.

маълумот йўқ. Бухоро амирлиги аҳолиси таркиби тўғрисида турли хил адабиётларда турли хил маълумотлар илгари сурилган.

Масалан, 1962 йил нашрдан чиққан Х.Турсуновнинг „Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане“ номли монографиясида „XX аср бошларида Туркистон ўлкасида 5 млн 995 минг 796 киши, Хива хонлигида 460 минг аҳоли, Бухоро амирлигида эса 1 млн 500 минг киши истиқомат қилган“ деган маълумот берилган.¹²¹

2000 йилда нашрдан чиққан „Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1 китоб: Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида“ номли китобида эса Бухоро амирлиги аҳолиси тўғрисида тўхталиб, „XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро амирлигида 2 млн атрофида аҳоли истиқомат қилади.

Аҳолининг катта қисми амирликнинг серсув воҳаларида яшар эди. Зарафшон водийсида 300—350 минг, Қашқадарё воҳасида 500 минг, Сурхондарё воҳасида 200 минг, Шарқий Бухорода 500 минг аҳоли яшаган“ деган маълумот келтирилган.¹²²

Турли йилларда чоп этилган ушбу адабиётларда Бухоро амирлиги аҳолиси тўғрисида турли хил доимий маълумотлар берилганлигининг ўзи тарихчи олимлар томонидан ушбу масалага аниқлик киритишни тақозо этади.

XIX аср охири — XX аср бошларида Бухоро амирлиги аҳолиси тўғрисида ҳақиқатга яқин бўлган доимий маълумотлар Москва шаҳридаги Россия Давлат Ҳарбий Тарих Архивидаги жамламаларда илк бор муаллиф томонидан аниқланди.¹²³

Россия давлат Ҳарбий тарих архиви жамламаларида сақланаётган Бухоро қўшбегиси томонидан тақдим этилган маълумотларга қараганда, XIX аср охири — XX аср бошларида Бухоро амирлиги аҳолисининг умумий сони 2 млн 153 минг 240 кишини ташкил этган экан.¹²⁴

Ушбу даврда Бухоро амирлиги пойтахти Бухоро билан бир қаторда 20 та беклик ва 9 та мустақил туманлардан иборат бўлган.¹²⁵ Бухоро амирлигининг бекликлар ва туманлари бўйича аҳоли сонини архив ҳужжатлари асосида қуйидаги жадвал бўйича ҳавола этиш мумкин.

¹²¹ Турсунов Х. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. с. 48.

¹²² Ўзбекистоннинг янги тарихи: Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. —Т.: Шарқ, 2000.

¹²³ Каралсин: РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш., 1—103-бет.

¹²⁴ РДХТА, 1396-жамғарма, 2- рўйхат, 1485-иш., 51-бет.

¹²⁵ РДХТА, 1396-жамғарма, 2- рўйхат, 1485-иш., 3-бет., 17—43-бетлар.

Бухоро амирлиги бекликлари, уларнинг аҳолиси сони, бекликлар даромади ва аҳолининг хўжалик юритиш шакли

Беклик номи ва туманлар	Аҳоли сони	Сиёсий агентлик маълумоти бўйича даромад кўрсаткичи,рубл ҳисобида	Беклик ва туман аҳолисининг асосий хўжалик юритиш шакли
Бухоро шаҳри	60.000	—	Деҳқончилик
Шаҳрисабз беклиги	150.000	45.000	Деҳқончилик
Китоб беклиги	100.00	75.500	Деҳқончилик
Яккабоғ беклиги	20.00	15.00	Деҳқончилик
Чироқчи беклиги	30.000	30.00	Чорвачилик

Ушбу жадвалда муаллиф томонидан амирликнинг Бухоро шаҳри бекликлари ва туманлари аҳолиси сони билан бир қаторда, аҳолидан олинган солиқ йиғимлари қиймати ҳам кўрсатилди. Шунингдек, беклик ва туман аҳолисининг хўжалик юритиш ҳолати ҳам ушбу жадвалда берилди.

Бухоро амирлиги юқорида айтганимиздек, аҳолиси жиҳатдан маҳаллий аҳолининг туркий халқларидан (ўзбеклар, сарғлар, туркманлар, қирғизлар, қozoқлар ва бошқалар) ва эроний халқлардан (асосан, тожиклар) ҳамда бошқа элатлар (яхудийлар, руслар, афғонлар, форслар, ҳиндлар, арманлар, татарлар ва бошқалар)дан иборат бўлган.

Туркий халқлар бутун аҳолининг 85 % га яқинини (1 млн 830 минг 254 киши), эроний халқлар 12 % га яқинини (258 минг 389 киши) ва бошқа халқлар эса 3 % ни (64 минг 597 киши) ташкил этган.¹²⁶ Уни жадвал тарзида қуйидаги ҳолатда кўрсатиш мумкин (2- жадвал).

¹²⁶ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-руйхат, 1485- иш, 45- бет.

Қарши беклиги	200.000	150.500	Деҳқончилик/ чорвачилик
Фузор беклиги	50.000	40.000	Деҳқончилик/ чорвачилик
Ҳисор беклиги	150.000	400.000	Деҳқончилик
Деҳнов беклиги	23.525	45.000	Деҳқончилик
Бойсун беклиги	28.000	18.750	Чорвачилик
Шеробод беклиги	75.000	50.000	Деҳқончилик/ чорвачилик
Калиф беклиги	10.000	6.000	Чорвачилик
Карки беклиги	62.100	15.000	Чорвачилик
Чоржуй беклиги	167.115	225.000	Деҳқончилик/ чорвачилик
Бурдалиқ беклиги	15.000	5250	Чорвачилик
Норазм беклиги	10.000	3250	Чорвачилик
Қабодиён беклиги	12.500	6.000	Чорвачилик
Қаротегин беклиги	51.000	30.000	Чорвачилик
Болжувон беклиги Кулоб	300.000	100.000	Деҳқончилик/ чорвачилик
Дарвоз			Чорвачилик/ мавсумий

Туманлар			
Вобкент		60.000	Деҳқончилик
Ғиждувон		135.000	Деҳқончилик
Зандане		60.000	Деҳқончилик
Ванғозе	640.000	80.000	Деҳқончилик
Қоракўл		105.000	Чорвачилик
Кармана		185.000	Деҳқончилик
Зиёвуддин		150.000	Деҳқончилик
Хатирчи		75.000	Деҳқончилик/ чорвачилик
Нурота		22.5000	Деҳқончилик/ чорвачилик
Жами:	2153.240	2.083.253	

2-жадвал.

Бухоро амирлиги аҳолисининг этник таркиби

Гуруҳ номи	Бутун аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида	Бутун аҳоли сони бўйича миқдори
Туркий халқлар	85%	1 млн 830 минг 454 киши
Эроний халқлар	12%	258 минг 389 киши
Бошқа этник гуруҳлар	3%	64 минг 597 киши
Бухоро амирлиги бўйича, жами:	100%	2 млн 153 минг 240 киши

Бухоро амирлиги аҳолисининг ҳудудий жойлашиши ниҳоятда турли хил даражада бўлган.

Аҳолининг энг кўп қисми, яъни 700 мингга яқини Зарафшон дарёси бўйларидан водийларда, 500 мингга яқини Қашқадарё воҳасида, 225 мингга яқини Қизилсув ва Яксув воҳаларида, 300 мингга яқини Сурхон дарёсининг қуйилиш жойидан Чоржўйгача бўлган Амударёнинг ҳар иккала томонида ниҳоятда тор ҳудуд бўйлаб борган водийда жойлашган. Қолган 430 минг аҳоли эса амирликнинг жуда катта ва кенг ҳудуди бўйича тарқоқ ҳолда истиқомат қилишган. Ушбу ҳолатни 3-жадвал бўйича қуйидаги тарзда кўрсатиш мумкин.¹²⁷

¹²⁷ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-руйхат, 1485-иш, 43—49-бетлар.

Бухоро амирлиги аҳолисининг ҳудудий жойлашуви

№	Ҳудудлар (водий ва воҳалар) номи	Истиқомат қилувчи аҳоли сони (таҳминан)	Ҳоиз ҳисобида
1.	Зарафшон воҳасида	700.000	32,5%
2.	Қашқадарё воҳасида	500.000	23,2%
3.	Қизилсув ва Яксув буйидаги воҳалар	225.000	14%
4.	Амударё буйлаб ёйилган воҳаларда (Сурхон дарёси қуйилишидан то Чоржўйгача бўлган ҳудудлар)	300.000	14%
5.	Қолган ҳудудларда	430.000	20%
Бухоро амирлиги буйича		2 млн 155 минг	100%

XIX аср охири — XX аср бошларидаги Бухоро амирлиги аҳолисини уларнинг яшаш тарзига қараб ўтроқ, ярим кўчманчи ва кўчманчи гуруҳларга бўлиш мумкин. Аҳолининг 65 Ҳоизини ўтроқ аҳоли, 15 Ҳоизини ярим кўчманчи ва 20 Ҳоизини кўчманчи аҳоли ташкил этган.¹²⁸ Ушбу кўрсаткични 4-жадвал буйича қуйидаги тарзда кўрсатиш мумкин.

4-жадвал.

Бухоро амирлиги аҳолисининг яшаш тарзи буйича тақсимоти

№	Аҳолининг яшаш тарзи буйича номланиши	Аҳоли сони	Ҳоиз миқдорида
1.	Ўтроқ аҳоли	1 млн 399 минг 606	65%
2.	Ярим кўчманчи аҳоли	322 минг 986	15%
3.	Кўчманчи аҳоли	430 минг 648	20%
Жами:		2 млн 153 минг 240	100%

Бухоро амирлиги аҳолисининг хўжалик юритишида деҳқончилик ва чорвачилик асосий ўрин тутган. Деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлган аҳоли қатлами умумий аҳоли сонининг 85% ини ташкил этган. 10% аҳоли савдо ва

¹²⁸ РДХТА, 1396-Ҳамғарма, 2-руйхат, 1485-иш, 43—44-бетлар.

хунармандчилик билан шуғулланган. 5% аҳоли эса доимий иш юритиш соҳасига эга бўлмаганлиги сабабли улар мавсумий иш билан шуғулланишган. Шаҳар аҳолиси ва беклик марказларида аҳоли савдо сотиқ, ҳамда хунармандчилик билан шуғулланган. Аҳолининг бу йўналиши бўйича умумий тақсимотини жадвал бўйича қуйидагича курсатиш мумкин (5-жадвал).¹²⁹

5-жадвал.

Бухоро амирлиги аҳолисининг хўжалик юритиш бўйича тақсимоти

№	Аҳолининг яшаш тарзи бўйича номланиши	Аҳоли сони	Фоиз миқдориди
1.	Деҳқончилик ва чорвачилик	1млн 830 минг 254	85%
2.	Савдо ва хунармандчилик билан шуғулланувчи аҳоли	215 минг 324	10%
3.	Доимий хўжалик иши юритишга эга бўлмаган аҳоли	107 минг 662	5%
Жами аҳоли:		2 млн 153 минг 240	100%

Россия давлат Ҳарбий тарих архиви манбаларида муаллиф томонидан қайд этилган ва илмий муомалага олиб киритилган ушбу маълумотлар Бухоро амирлиги аҳолиси, унинг сони, жойлашуви ҳамда уларнинг хўжалик юритиши тўғрисида қимматли маълумотларни бериши билан муҳим ҳисобланиб, тарихимиздаги кўплаб саволлар ечимини топишга имкон яратади.

II.3. Бухоро амирлигининг иқтисодий аҳволи

XIX аср ўрталари — XX аср бошларида Бухоро амирлигида деҳқончилик ва чорвачилик, хунармандчилик, савдо-сотиқ мамлакат иқтисодининг асосий тармоқлари ҳисобланарди. Деҳқончилик соҳасида буғдой, арпа, жўхори, полиз ва сабзавот экинлари етиштиришга анча катта эътибор берилган. Узумчилик ҳамда боғдорчилик ҳам яхши ривожланган. Қарши, Каттақўрғон ҳудудларида тамаки етиштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Амирликда шоликорлик ҳам яхши ривожланган. Жумладан, Шаҳрисабз, Каттақўрғон каби воҳаларда кўплаб шоли етиштирилган. Россияга пахта толасининг кўп миқдорда

¹²⁹ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 45—48-бетлар.

сотилиши туфайли, XIX аср бошидан бошлаб пахтачиликни ривожлантиришга эътибор анча кучайтирилган.

Д.Н.Логофетнинг маълумотларига қараганда, Бухоро амирлигининг „Қашқадарё воҳаси, Сурхондарё воҳаси, Яккабоғ, Китоб, Чироқчи, Қарши, Шаҳрисабз, Фузор, Термиз туманларида пахта катта миқдорда етиштирилган“.¹³⁰

Айниқса, Россия билан Ўрта Осиё хонликлари ўртасида алоқанинг ўзаро яхшиланиши туфайли, XVI асрдан бошлаб XIX аср иккинчи ярмига қадар Бухоро амирлигида пахта етиштиришга катта эътибор берила бошланди. Халқаро майдонда ва жаҳон бозорида пахта нархининг анча ошиши айнан пахта етиштиришнинг кўпайишига сабаб бўлган эди.

А. Костенконинг маълумотларига қараганда, Ўрта Осиё хонликлари ичида Бухоро пахтаси алоҳида диққатга сазовор бўлиб, у анча қиммат турган.¹³¹

П. И. Демезоннинг ёзишича, Бухорода шולי етиштиришга катта эътибор беришган. Энг яхши гуруч Миёнкол ҳудудларида ва Самарқанд атрофларида етиштирилган.

Бухоро шаҳрининг ўзига, одатда, Шаҳрисабз ва Ҳисордан кўплаб гуруч олиб келинган.

Бухорода бугдой (гандум), жўхори, оқ жўхори, маккажўхори, кунжут, арпа (жавдар(и)), тарик, мош, нўхат, ловия каби полиз экинлари кўплаб етиштирилган.

Қишда (1834 йили) Бухорода бугдойнинг бир ботмони 12—14 танга миқдорида, кунжутнинг бир ботмони 18—19 танга, арпа (жавдар(и))нинг бир ботмони 10,5 танга, нўхатнинг бир ботмони 20 танга миқдорида сотилган.¹³²

Қарши ва Миёнкол ҳудудларида жуда кўп тамаки етиштирилган. Қарши тамакиси энг яхши сифатли тамаки ҳисобланган.

Шунингдек, Бухорода жуда катта миқдорда узум етиштириларди. Узумнинг *хусайни*, *соҳиби*, *тоифи*, *ишбурхони*, *сиёҳи*, *кишмиш* навлари кўп. Майиз қилишга эътибор жуда катта бўлган, сояда қурилган кишмиш—*сояки* дейилган. Офтобда қурилгани эса *офтоби* дейилган.

Бухорода боғ яратишга катта эътибор берилган. *Ўрик*, *бодом*, *гилос*, *олча*, *ёввойи гилос*, *тоғ олчаси*, *писта*, *шафтоли*, *нок*, *олхўри*,

¹³⁰ Логофет Д. Н. На границах Средней Азии: Путевые очерки. В 3х кн. —СПб., 1909, с. 116—117.

¹³¹ Костенко А. Ф. Туркестанский край. Опыт военно-статистического обозрения Туркестанского военного округа, т. III, —СПб., 1880, с. 33.

¹³² Записки о Бухарском ханстве (Отчёты П. И. Демезона и И. В. Виткевича). —М.: Наука, 1983, с. 76.

олма, ёнгоқ, беҳи, анор ҳамда тутларнинг катта-катта боғлари мавжуд бўлиб, улардан кўплаб ҳосил олинади.

Бухорода ипакчилик ривожланишига катта эътибор қаратилганлиги туфайли ипак савдоси анча катта аҳамиятга молик бўлган. Ипакчилик ривожланишининг асосий манбаи бу — тут дарахтларининг етарли миқдорда бўлишидир. Тут дарахти Ўрта Осиёда кенг тарқалган дарахт турларидан ҳисобланади. Айниқса, Бухоро воҳаси, Зарафшон водийси, Кармана, Миёнколда, умуман сув кўп бўлган барча ҳудудларда тут дарахтлари ниҳоятда кўп ўстирилган.

П.И.Демезон маълумотларига қараганда, „Бухоро атрофи ва Карманада етиштирилган ипак энг яхши ҳисобланган“.¹³³

Бухорода ипак хом ашёси, яъни пилласининг бир пуди¹³⁴ 13—14 тилла, ипакдан йигирилган ипнинг бир пуди эса 30—32 тилла турган.¹³⁵

Бухорода тоза ипак ва ярим ипакдан турли хил матолар тайёрланган. Жумладан атлас, беқасам, адрас ва ҳоказолар. Бухорода кўк, яшил, сариқ ва энг кўп миқдорда қизил рангли матолар тайёрлашга эътибор жуда катта бўлган.

П. И. Демезоннинг маълумотларида Бухородаги пахтачилик масаласига тўхталиб, шундай фикрлар билдирилган. „Пахта Бухоро атрофларида, Миёнколда, Карманада ва Самарқандда муваффақиятли етиштирилади ва у анча яхши сифатли ҳисобланади. Қарши ва Чоржўй пахталари сифат жиҳатдан паст ҳисобланади“.¹³⁶

Бухорода бир чорик¹³⁷ пахта чигити (одатда, ундан ёғ олинган) 4 пулдан — 10 пулгача турган.¹³⁸ Бухоро пахтаси (чаноқлиси)нинг бир ботмони 48—52 танга турган бўлса, Қарши пахтасининг бир ботмони¹³⁹ 42—46 танга турган. Тоза-

¹³³ Записки о Бухарском ханстве. с. 74.

¹³⁴ Бухорода бир пуд 16 кг. га тенг бўлган.

¹³⁵ Бухоро тилласи ўша даврда рус пулига 15 руб 12 копейкага тенг бўлган. Бир Бухоро тилласи 21 тангадан иборат бўлган. Қаранг: Федоров М. Н. О ценах на рынках Бухары XIX — рубежа XX века // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1977, 9—10—11-бетлар, 72—76-бетлар; Яна қаранг: Сангирова Д. XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистонда нарх-наволар (Фарғона вилояти мисолида) // Ўзбекистон тарихи ва археология фанларининг муаммолари. Республика илмий конференцияси материаллари. 2003 йил, 27—28 ноябрь. — Самарқанд, 2003. 123—127-бетлар.

¹³⁶ Записки о Бухарском ханстве. с. 75.

¹³⁷ Бухорода бир чорик тўрт нимга ёки беш фунтга тенг бўлган.

¹³⁸ Бухорода бир пул рус пулига нисбатан бир грошдан сал кўп бўлган.

¹³⁹ Бухорода бир ботмон 8 пуд, яъни 131 кг га тенг бўлган.

ланган пахтанинг бир ботмони 6—8,5 тилло турган. Пахта калаваси (ипи)нинг бир ботмони эса 15—25 тилла турган.

Бухоро амирлиги ҳудудида чўл ва даштларнинг кўплиги ҳамда унинг тоғолди туманлари чорвачиликнинг ривожланишига қулай шароит ва имконият яратган. Мана шунинг учун ҳам чўл зоналарида, айниқса, Бухоро ва Қарши ҳудудларида қўйчилик яхши ривожланган. Шунингдек, амирликда йилқичиликка ҳам катта эътибор қаратилган. Чорвачилик ривожини асосида сифатли тери ва шу каби маҳсулотлар тайёрланиб, улардан гиламлар, шолчалар, наматлар, турли хил арқонлар тайёрланган ва бозорларга олиб чиқилган.

Ҳунармандчилик соҳасида тўқимачилик унинг асосий тармоқларидан бири ҳисобланган. У, асосан маҳаллий хом ашё манбалари — пахта, жун, ипакнинг етарли миқдорда бўлганлиги учун ҳам яхши ривожланган.

XVIII—XIX асрларда Бухоро амирлигининг Қашқадарё воҳасида ҳунармандчилик яхши ривожланган бўлиб, унинг тўқимачилик, кулолчилик, дурадгорлик, кўнчилик ва темирчилик турлари воҳа ва амирликнинг хўжалик ҳаётида салмоқли ўрин эгаллаган. Воҳанинг Қарши, Шаҳрисабз, Китоб шаҳарларида ҳунармандчилик яхши ривожланган.

Тўқимачилик воҳа ҳунармандчилигида етакчи тармоқ ҳисобланган. Айниқса, бўз, чит, олача кўп миқдорда тайёрланган.

Қарши ва Шаҳрисабзда ипак матолар тайёрлашга катта эътибор қаратилган.

Воҳа ҳунармандчилигида кулолчиликнинг мавқеи анча юқори бўлган.

Қарши шаҳри Бухоро амирлигидаги мис ва кумуш буюмлар ишлаб чиқарувчи йирик марказлардан бири бўлган.¹⁴⁰

Воҳанинг Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги заргарлар томонидан тайёрланган заргарлик буюмлари, металл ва турли хил шишалардан ясалган тақинчоқлар Ўрта Осиё ҳудудида катта қадр-қийматга эга бўлган.

Кўнчилик ҳам яхши ривожланган тармоқ ҳисобланган. Чармгар усталар томонидан яхши ишлов берилган терилардан турли хил оёқ кийимлари, бош кийимлар, пўстин ва нимпўстин, турли хил мешлар тайёрланган.

¹⁴⁰ Холиқулов А. Ҳунармандчилик ва савдо марказлари. // Жамият ва бошқарув. 2003 й, 1-сон, 54—56-бетлар.

Воҳада ёғоч ўймакорлиги яхши ривожланган бўлиб, турли хил бинолар қурилишида ундан унумли фойдаланилган.

XIX асрда амирликнинг Бухоро, Самарқанд, Жиздувон, Денов ва бошқа кўплаб ҳудудларида кулолчилик анча яхши ривожланган ва сифати яхши маҳсулотлар тайёрланган.

Ҳунармандчилик турлари ичида заргарлик ҳам анча кучли ривожланган.

Бухоро амирлиги ва унинг аҳолиси савдо-сотиқ ишларига катта эътибор қаратган.

Бухоро ўз қўшнилари бўлган Хива хонлиги, Қўқон хонлиги ҳамда Афғонистон билан ҳамда ўзига яқин бўлган давлатлар Эрон, Қашқар, Ҳиндистон билан ва йирик шаҳарлар ҳисобланган Ҳирот, Машҳад ва Кашмир¹⁴¹ билан жуда катта ва доимий савдо ишларини олиб боришган.

Бухоро амирлигида ҳунармандчиликнинг ривожланиши бевосита савдо муносабатларини кенгайтишига сабаб бўлди. Айниқса, бу ички савдо ривожланишига кенг йўл очди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро ҳудудининг жуда кўп шаҳарларида карвонсаройлар қурилишига катта эътибор берилди. Айнан мана шу даврда Бухоронинг қўшни давлатлари ва Россия, Эрон, Ҳиндистон давлатлари билан савдо алоқалари тез суръатлар билан ривожланиб борган.

Ички бозорда Бухоро, Самарқанд, Қарши, Ғузор шаҳарлари амирликнинг йирик савдо марказлари ҳисобланган. Ушбу шаҳар бозорларида пулнинг қиймати ва маҳсулотлар таннари белгиланган. Масалан, Ғузор чорва моллари сотиш ва сотиб олишда энг катта бозорларга эга бўлган.¹⁴²

Бошқа шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган манзилгоҳларда ҳафтанинг маълум кунларида бозор бўлган. Ички бозорларда аввало кундалик эҳтиёж моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар, пахта матолари, жун ва ипак матоларига талаб катта бўлган.

Бухоро бозори нафақат шаҳарликлар, балки унинг атрофидаги қишлоқлар аҳолисининг талабларини қондиришда ҳам, алоҳида аҳамиятга эга бўлган энг йирик савдо марказларидан ҳисобланган. Бухоро бозорида кўчманчи чорвадорлар ўз маҳсулотларини Бухоро ҳунармандлари маҳсулотларига айирбошлашган. Бухоро бозорида парча, духоба, ҳар хил чит-

¹⁴¹ Ханьков Н. В. Описание Бухарского ханства, —СПб., 1843. с. 171-176.

¹⁴² РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 12-13-бетлар.

лар, ипак матолар, темир, тилла, кумуш, мис, чўян идишлар, қоғоз, игна, турли хил иплар яхши савдо қилинган.

Бухорода январ ойидан май ойигача савдо яхши бўлган. Бу даврда савдо ярмаркалари ташкил қилинган. Бу савдо ярмаркаларига Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой, Россия ва амирликнинг барча вилоятларидан савдогарлар ташриф буюришган. Бу савдо мавсумида ниҳоятда кўп маҳсулотлар ортган савдо карвонлари Бухорога келишган. Савдо карвонлари улар учун мўлжалланган махсус карвонсаройларда тўхташган. XIX асрнинг бошида Бухорода чет эллик савдогарлар учун мўлжалланган 10 та карвонсарой бўлган. XIX асрнинг 40-йилларига келиб эса 24 та тошдан қурилган ва 14 ёғочдан ясалган, жами 38 та карвон сарой мавжуд бўлган. Бухоро шаҳрининг бош бозори Регистоннинг марказий майдонида жойлашган бўлган.¹⁴³

Бухоро савдогарлари кўшни давлатлар ва халқлар билан савдо алоқаларини ривожлантиришга катта эътибор берганлар. Кўчманчи қозоқлар Бухоро амирлигига чўл маҳсулотлари, яъни паласлар, наматлар ва ўтроқ аҳоли учун керакли бўлган муҳим хом ашё — жун ва терини кўплаб келтиришган.

Бухоро деҳқонлари ва ҳунармандлари эса, ўз навбатида, қозоқ даштларига нон, озиқ-овқат маҳсулотлари, сабзовотлар, кийим-кечаклар пахта матолари етказиб беришган.

Бухорода туркман гиламлари ниҳоятда катта талабга эга бўлган. Ўз навбатида туркманлар Бухородан кийим-кечак учун керак бўлган бўз ва бошқа матоларни олиб кетишган.

Бухоро савдогарлари Балх ва Бадахшонда ҳам катта савдо ишларини олиб боришган. Бу ерда бухороликлар қозон, бухоро матолари, Россиядан келтирилган игна, ойна, қайчи ва шу каби бошқа маҳсулотларни олиб келишган. У ердан Бухорога кумуш, олтинлар олиб қайтишган.

Бухоро савдо карвонлари Кобул ва Ҳиндистонга ҳам бориб савдо-сотиқ ишларини амалга оширишган. Ҳиндистондан бухоролик савдогарлар қимматбаҳо тошлар, дори-дармонлар ва кашмир матоларини сотиб олишган. Ҳиндистонлик савдогарлар ҳам, ўз навбатида, Бухорога ташриф буюришган ва кўплаб ҳинд матоларини олиб келишган.

Бухоро савдогарлари Хитой, Шарқий Туркистон билан ҳам савдо алоқаларини олиб боришган. Хитой билан савдо алоқаларини Кўқон хонлиги орқали олиб боришган. Хитойга

¹⁴³ Михалева Г. А. Торговые и посольские связи России со среднеазиатскими ханствами через Оренбург. — Т., 1992, с.41.

пахта, қорақўл тери, Бухоро ҳунармандларининг турли хил маҳсулотлари олиб борилган. Хитойдан эса, энг аввало, кўп миқдорда ипак матолар ва чинни буюмлар олиб келинган.

Бухоро ўзининг савдо алоқаларини олиб боришда Россия билан бўлган савдо муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор берган.

Бухоро билан Россия ўртасидаги савдо алоқалари Оренбург орқали олиб борилган. Оренбургда жуда катта савдо маркази қурилган бўлиб, у ерда доимий равишда ярмарка ташкил қилиб турилган.

XVIII асрнинг 80—90- йилларида Бухоро билан Россия ўртасидаги савдо алоқалари анча тез ривожланди. Бу даврда Бухородан Россияга ипак матолар, ипак хом ашёси, тери хом ашёси, тери қайишлар, пахта, ип, қорақўл каби маҳсулотлар ва олтин ҳамда кумуш олиб борилган. Россиядан эса мих, ойна, игна, қанд, шакар олиб келишган. Айрим ҳолларда хоннинг илтимосига биноан маълум миқдорда темир олиб келинган. Чунки 1800 йилга қадар Россиядан Бухорога темир сотиш ман қилиб қўйилган эди. 1801 йилдан бошлаб эса темир, чўян, мис сотишга рухсат берилди. XIX асрнинг биринчи ярмида Бухорога кўплаб темир, мис, чўян, ҳатто олтин ва кумуш ҳам олиб келина бошланди.¹⁴⁴

Бу эса Россия билан Бухоро ўртасидаги савдо алоқаларини янада ривожлантиришга катта имкон берди.

Айниқса, Марказий Россия ҳудудлари ҳамда Сибир билан савдо алоқалари жуда яхши йўлга қўйилган. Ушбу йўналишда Бухоро савдогарлари қизгин савдони йўлга қўйишга муваффақ бўлишган. Жумладан, Бухородан ушбу ҳудудларга пахта, ипак, турли хил буёқлар, қуритилган мевалар ва ҳатто айрим тайёр маҳсулотларни ҳам олиб бориб сотишган.¹⁴⁵ Чор Россияси босқинига қадар пахта ва пахтадан ишланган товарлар Бухоро савдосининг асосини ташкил этган. Масалан, 1801 йили Бухоро савдогарлари томонидан Россияга олиб борилган савдо молларининг 75% ини пахта ва ундан ишланган моллар ташкил этган.¹⁴⁶

Бухоро савдогарлари 1801 йили Россиянинг Оренбург шаҳрига 718,9 минг рубл қийматидаги товарни олиб келишган бўлса, Оренбургдан Бухорога 504,7 минг рубл қийматидаги

¹⁴⁴ Михалева Г. А. Торговые и посольские связи России со среднеазиатскими ханствами через Оренбург. с.42-43.

¹⁴⁵ Бунаков Е. В. К истории сношений России со среднеазиатскими ханствами в XIX в., // Советское востоковедение, Т-2, 1941, —М., —Л., с. 21.

¹⁴⁶ История Узбекской ССР, ч.1. кн-2, Т., 1956, с. 28—29.

товар олиб кетишган. 1811 йилда эса ушбу кўрсаткич Бухородан Оренбургга олиб келинган моллар қиймати 3.224 минг рублни, Оренбургдан Бухорога олиб кетилган моллар қиймати эса 1.792 минг.рублни ташкил этган.¹⁴⁷ Ўз навбатида эса Россия ҳудудларидан Бухорога, асосан, завод-фабрикаларда ишлаб чиқилган тайёр маҳсулотлар олиб келинган.

Бухоро амирлиги билан Россия ўртасидаги савдо алоқалари айниқса, Россиянинг Наполеон билан олиб борган 1812—1814 йилги Ватан уруши даврида анча ривожланган.

Жумладан, 1812—1814 йилларда Бухородан Россияга 3.272.081 рубл миқдориди (кумуш ҳисобида) мол олиб кирилган бўлса, бу кўрсаткич 1819 йилда 1.004.946 рублни (кумуш ҳисобида) ташкил этган.¹⁴⁸

Ушбу кўрсаткичлар то чор Россияси босқинига қадар ўсиб борганлиги Россия билан Бухоро ўртасида савдо алоқалари яхши йўлга қўйилганлигини кўрсатади.

П.Небольсиннинг маълумотларига қараганда 1858 йилда Россия билан Бухоро ўртасидаги савдо айланмаси 11 млн рублни, 1862 йилда эса 15 млн.рублни ташкил этган.¹⁴⁹ Таҳлил шуни кўрсатадики, савдо-сотик ишлари айланмасидаги катта улуш Бухоро амирлиги ҳиссасига тўғри келган. Бу даврда ҳам Бухородан Россияга, асосан пахта ва ундан тайёрланган моллар олиб борилган.

Амирликнинг Бухоро, Самарқанд, Қарши, Каттақўрғон, Шаҳрисабз, Деҳнов каби йирик шаҳарлари асосий савдо марказлари ҳисобланган.

XIX аср ўрталаридан бошлаб Бухоро амирлигининг ишлаб чиқариш муносабатларида катта ўзгаришлар юз берди. Бу, энг аввало, Ўрта Осиё хонликларига, жумладан, Бухоро амирлигига нисбатан Россия ва Англия давлатларининг ўта қизиқишининг кучайиши туфайли содир бўлди. Жумладан, XIX аср ўрталаридан бошлаб Англия капиталистлари Бухорога нисбатан ўз таъсир доираларини кучайтиришга ва Бухоро бозоридан рус товарларини сиқиб чиқариш сиёсатини ишлаб чиқди ҳамда уни амалга тадбиқ эта бошлади. Пировард натижада ушбу сиёсат ўрта Осиё масалалари бўйича Англия-Россия ўртасидаги рақобатни юзага келтирди.

¹⁴⁷ Михалева Г. А. Торговые и посольские связи России со среднеазиатскими ханствами через Оренбург. с. 43.

¹⁴⁸ Ўша асар. 44—45-бетлар.

¹⁴⁹ Небольсин П. П. Очерки торговли России со Средней Азии. // Записки Русского географического общества. Т.Х. —СПб., 1856, с. 22—23.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, XIX аср бошларида бошланган ва унинг 40—50- йилларидан бошлаб жиддий равишда кучайган Ўрта Осиёга, жумладан, Бухорога нисбатан Россия ва Англиянинг қизиқиши, амирлик иқтисодий ҳаётига уларнинг кириб келиши, ўз навбатида, Бухоро амирлигида ишлаб чиқариш муносабатларининг жадал суръатлар билан ўсиши ва ишлаб чиқаришнинг кескин ривожланишига олиб келди. Энг муҳими, маҳаллий ҳунармандлар, савдогарлар, умуман ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча тармоқ эгалари ишлаб чиқаришга нисбатан бўлган ўз муносабатларини кескин равишда тубдан ўзгартирдилар.

П. П. Ивановнинг таъкидлашича, халқаро майдонда, жумладан, Россия бозорларида „Ўрта Осиё хом ашёси ва унинг баъзи бир маҳсулотларига талаб кучая бошлади. Бундан рағбатланган маҳаллий ишлаб чиқариш тармоқлари имкониятлари борича ўз жамоаларида ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуришга ҳаракат қилдилар“.¹⁵⁰

Ўрта Осиё хонликларида, шу жумладан, Бухоро амирлигида товар ишлаб чиқаришнинг жонланиши ва чет мамлакатлар билан савдо алоқаларининг ривожланиши натижасида ўлкада халқаро капитализм, биринчи навбатда, инглиз капитализмининг таъсири тобора кучли сезила бошлади. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида таъсир доираси тобора кучайиб борган Англия вакиллари рус товарларини бу ҳудудлардан сиқиб чиқариш ҳаракатига тушдилар. Инглизлар таъсирида бўлган Ўрта Осиё ҳукмдорлари эса, ўз навбатида, рус товарларига солинадиган божни ошириб қўйдилар.

XIX аср ўрталарига келиб талабдан ортиқча товар ишлаб чиқарилиши натижасида туркистонлик савдогарлар чет мамлакатлар билан савдо алоқаларини кучайтирдилар. Масалан, бухоролик савдогарлар Россияга кўпроқ пахта ва ип-газлама маҳсулотларини олиб бориб, у ёқдан темир ва мис келтира бошладилар. Ушбу металллардан Бухорода меҳнат қуроллари ва рўзғор буюмлари ясалди, тангалар зарб қилинди. Хонликлар ҳудудларида қимматбаҳо металллар, биринчи навбатда, олтин ва кумуш қазиб олинса-да, бироқ у тобора ошиб бораётган талабларни қондира олмасди. Шунинг учун ҳам қимматбаҳо металлларнинг катта қисми Ҳиндистон, Эрон ва Хитойдан келтирилган.

¹⁵⁰ Иванов П. П. Очерки по истории Средней Азии (XVI-середины XIX века). — М., 1958, с. 113.

Бухоро амирлигида металлга ишлов бериш анча яхши йўлга қўйилган. 1841 йили Бухорога келган К. Ф. Бутенев бу ерда 6 та чўян қуйиш қозонлари бўлганини ёзади.¹⁵¹ Ўлкада қурилган дастлабки металл қуйиш қозонларида тўплар учун ўқлар, ҳарбий ва деҳқончилик қуроллари ясалган. Мис ноёб ва қиммат бўлганлиги учун Бухоро амирлигида тўп ясашда мис ўрнига кўпроқ чўяндан фойдаланилган. Бу ишда моҳир Шаҳрисабз усталари амирликда энг йирик тўп стволени қуйишган, уни ўрнатиш учун махсус ўн икки филдиракли қурилма ясалган.¹⁵² Бироқ К. Бутенев Бухоро амирлигида металл ишлаб чиқариш саноатига деярли эътибор берилмаганлигини ёзади: „Бухорода ҳатто хунармандчилик ҳам мукамалликнинг қуйи босқичида туради, заводчилик иши йўқ, агар ҳукумат бундан кейин ҳам ҳозирдагидек ҳаракат қилса ўзгариш бўлиши қийин. Ниҳоятда жоҳил бўлган ҳукуматнинг заводлар қуриши ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки у бундай заводлар ҳақиқий фойда келтиришини кўрмайди. Бундан ташқари, заводлар қуриш учун маблағ ҳам, билимдон кишилар ҳам етишмайди“.¹⁵³

Бундан кўриниб турибдики, Бухоро амирлигида XIX асрнинг 40-йилларида ҳам саноат тармоқларининг шаклланиши, унинг кўринишлари деярли кўзга ташланмаган.

XIX асрнинг ўрталарига қадар Бухоро амирлиги конларидан қазиб олинган қазилмалардан мис ва қўрғошинлар ниҳоятда содда қурилган ўчоқларда ажратиб олинган. Мис буюмлар, қўрғошиндан ўқлар тайёрлашда ҳаддан ташқари ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйилган.

XIX аср ўрталаридан бошлаб Бухоро амирлиги ҳудудида аҳолининг кўпайиши,¹⁵⁴ шаҳарларнинг кенгайиши, амирлик иқтисодининг тубдан ўзгаришига таъсир кўрсатган.

Агар XVIII аср охирларида Бухоро амирлиги ҳудудида аҳоли сони 2 млн, XIX аср ўрталарига келиб 2,5 млн кишини ташкил этган бўлса,¹⁵⁵ XX аср бошига келиб унинг янада кўпайганлиги тўғрисида Бухоро амири Амир Саййид Олимхон ўзининг Миллатлар Лигасига ёзган „Бухоро халқининг ҳасрати тарихи“ номли хатида „Бухоро аҳолиси уч ярим миллион нафардан иборат. Унинг майдони 225 000 м² келади, яъни

¹⁵¹ Бутенев К. Заводское дело в Бухаре. // Горный журнал, ч. V, книга XI, —СПб., 1842, с.144.

¹⁵² История таджикского народа. Т. II, кн. II, —М., 1964, с. 95.

¹⁵³ Бутенев К. Заводское дело в Бухаре. с.148-149.

¹⁵⁴ Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. 25- бет.

¹⁵⁵ Ҳотамов Н. Свержение эмирского режима в Бухаре. с.11.

тахминан Италия майдони билан тенг“ деб маълумот берганини юқорида таъкидлаб ўтган эдик.¹⁵⁶

Бухоро амирлиги аҳолисининг кўпайиши, шаҳарларнинг кенгайиши, ўз навбатида, товар-пул муносабатларини ҳам ривожлантирди. Аҳолининг ҳунармандчилик маҳсулотларига бўлган талабларини ошиб бориши ва хом ашё етиштириш имкониятларига қараб туманлар турли соҳаларга ихтисослаша бошладилар. Масалан, Бухоро атрофларида ип-газлама маҳсулотлари, Самарқандда қоғоз, Тошкент ва Каттақўрғонда пой-афзал ишлаб чиқариш, Ҳисорда металлдан турли хил рўзгор буюмлари, тақинчоқлар ясаш яхши йўлга қўйилган эди.¹⁵⁷

XIX асрнинг 50—60 йилларига қадар амирликдаги корхоналарнинг ишлаб чиқариши ниҳоятда содда усулда бўлганлигига қарамай, улар Россиядан кириб келаётган тайёр саноат маҳсулотларига нисбатан қисман бўлса-да қарши тура олган.

Бухоро амирлиги иқтисодий ҳаётининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этган. Жумладан, амирликда деҳқончилик, чорвачилик ва томорқа ишлови қишлоқ хўжалигининг муҳим йўналишлари ҳисобланган.

Бухоро амирлигида деҳқончилик техникаси оддий ва анъанавий ҳолатда бўлган. Ерларга асосан, омов,¹⁵⁸ мола,¹⁵⁹ кетмон ва бел билан ишлов берилган.

Бухоро амирлигида деҳқонлар бугдой, арпа, сули, гуруч, маккажўхори, оқ жўхори, мош, ловия, кунжут етиштиришга катта эътибор беришган.¹⁶⁰ Полиэкинларидан айниқса, қовун-тарвуз, қовоқ экишда катта тажрибага эга бўлишган. Қовун-тарвузнинг ниҳоятда кўп турлари етиштирилган.

Бухоро амирлигининг аграр муносабатлари тарихида энг муҳим муаммолардан бири — бу ерга эгалик масаласи ҳисобланган.

XIX асрда Бухоро амирлигида мавжуд бўлган ер эгалигининг қуйидаги уч категорияси мавжуд бўлган:

¹⁵⁶ Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. 25- бет.

¹⁵⁷ Якунин А. Ф. Народы Средней Азии и Казахстана во второй половине XIX века. Присоединение Средней Азии к России. —М., 1954, с. 6; Яна қаранг: Мухторов А. Ҳокимони Ҳисор. —Душанбе, 1996, 22—24 с.

¹⁵⁸ *Омов* — барча Ўрта Осиё хонликларида бўлгани каби, Бухоро амирлигида ҳам ерни ҳайдаш учун ишлатиладиган асосий иш қуроли ҳисобланган.

¹⁵⁹ *Мола* — ерни омов билан ҳайдагандан сўнг, унинг катта кесакларини майдалаш ва экин экишга ерни текислаш учун ишлатиладиган ёғочдан ясалган иш қуроли.

¹⁶⁰ Ханьков Н. В. Описание Бухарского ханства, —СПб., 1843, стр. 144-147.

1. Давлатга тааллуқли бўлган ерлар (мулки султоний).
2. Хусусий ер эгаларига тааллуқли бўлган ерлар (мулк).
3. Мусулмон диний муассасалари ихтиёрида бўлган ерлар (вақф).

Бухоро амирлигида давлат ерлари амлок ерлар, султон ерлари, подшоҳ ерлари каби номлар билан ҳам аталган.

Шу нарсани таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси МДАнинг Қўшбеги жамғармасида *мамлок* (амлок) ёки *мамлоки* (амлок) *султоний* каби атамалар билан аталган давлат ерлари билан бир қаторда, *мулки хирожи*, яъни хирож ерлари атамаси ҳам кенг учрайди.¹⁶¹

Бухоро амирлиги ҳудудида энг кўп тарқалган ер эгаллиги—бу *подшоҳ мулки* (мамлокийи подшоҳи) ёки *султон мулки* (мамлокийи султони) атамаси билан аталган ер категорияси ҳисобланган.¹⁶²

Бухоро амирлигида давлат бошлиғи ҳисобланган амир энг катта ер эгаси ҳисобланган. Давлат ерларини расмий равишда сотиш, совға қилиш ва вақфга бериш мумкин бўлмаган. Аммо расмий ҳужжатлар билан танишиш ва уларни ўрганиш шуни кўрсатадики, фактик жиҳатдан ер ҳам сотилган, ҳам сотиб олинган. Ушбу ҳолатнинг энг қизиқарли томони шундаки, мусулмон қонуншунослари ушбу ҳолатларда ер эмас, балки ушбу ер эгаси томонидан ўша ерда экилган ёки қурилган иншоотлар сотилган деб изоҳлашган.

Амлок ерлар миқдори доимий равишда ўлик ерлар ёки бўш ётган ерларни ўзлаштириб суғориш орқали кўпайтирилиб турилиши мумкин бўлган.

Ушбу ерларни ўзлаштириб суғорган деҳқонлар бир неча йил давомида давлат томонидан солиқларни тўлашдан озод қилинган, кейин барча қатори белгиланган тартибда солиқ тўлашган.

Шунингдек, амлок ерлар амир олдида гуноҳкор бўлиб қолган йирик ер эгаларидан **урғу**-мусодара қилинган ерлар ҳисобига ҳам кенгайиб борган. Амлок ерларнинг кўпайишига

¹⁶¹ ЎзРМДА. И-126-жамғарма, от. 1-рўйхат, 944-иш, 39—41-бетлар.

¹⁶² Иванов П. П. Хозяйство джуйберских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI—XVII вв. —М., —Л., 1954, с. 32; Яна қаранг: Абдураимов М. Вопросы феодального землевладения и феодальной ренты в письмах Эмира Хайдара-Т., 1961; Ахмедов Б. А. Роль джуйберских хождей в общественно-политической жизни Средней Азии XVI—XVII веков //Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма. —М., 1985. с.16-31.

яна бир ҳолат, яъни меросхўр бўлмаган ва вафот этган шахсларнинг мулклари тўғридан-тўғри давлатга ўтиши ҳам сабаб бўлган.

Давлат ерларининг кўпайишининг яна бир муҳим манбаларидан бири, бу йирик заминдорлар томонидан ўзига тааллуқли ҳисобланган ернинг учдан икки (2/3) қисмини давлатга ўтказиб, учдан бир қисмини (3/1) ўзида қолдириб ва бунинг эвазига ўзида қолган қисмдан давлат томонидан олинадиган барча солиқ турларидан тўла озод қилинишига эришиш бўлган.

Амлок ерлардан олинадиган солиқлар миқдори тўғрисида турли хил фикрлар мавжуд. Жумладан, Л. И. Соболев¹⁶³ ва М. Н. Ростиславовлар¹⁶⁴ амлок ерлардан доимий мавжуд бўлган ер солиғи — хирож олинган деган фикрни билдиришган бўлса, А. А. Семёнов¹⁶⁵ эса амлок ерлардан олинадиган солиқлар ниҳоятда юқори бўлганлигини ва у ҳосилнинг 40—50 фоизини ташкил этганлигини қайд этган.

Бухоро амирлигида мавжуд бўлган ер эгалигининг иккинчи тури мулк ерлари, бу энг аввало қўзғалмас мулк ҳисобланиб, у эркин мерос қилиб қолдирилиши мумкин бўлган.

Мулк тўғрисидаги масала доимо мураккаб ҳисобланган ва олимлар олиб борган ўз тадқиқотлари, илмий ишларида ушбу масала тўғрисида турли хил фикрларни билдиришган. Масалан, А. А. Семёнов¹⁶⁶ мулк ерлари уч тоифадан иборат деб, унинг *мулки хурри холис*, *мулки хирож* ва *мулки ушр* формаларини кўрсатган. М. Н. Ростиславов¹⁶⁷ эса мулк ерларининг икки шакли борлигини қайд қилиб, улар мулки хурр ёхуд *хурри холис* ва *мулки хирождан* иборат дейди. Ўз навбатида мулки хирожни у ушр ва даҳякларга бўлади. Л. Н. Соболев¹⁶⁸ эса Зарафшон воҳасида „амлок, вақф, мулки хирож, мулки ушр ва мулки хурри холис“ каби ер категориялари бор деб кўрсатади.

¹⁶³ Соболев Л. Н. Географические и статистические сведения о Зарафшанском округе // Записки Императорского Российского географического общества. Т. VI. — СПб., 1874, с. 317.

¹⁶⁴ Ростиславов М. Н. Очерк видов земельной собственности и поземельный вопрос в Туркестанском крае. // Труды III международного съезда ориенталистов, 1876, —Т.—СПб., 1879—1880 с. 331.

¹⁶⁵ Семёнов А. А. Очерк поземельно-податного и налогового устройства Бухарского ханства. —Т., 1929, с. 25.

¹⁶⁶ Семёнов А. А. Очерк поземельно-податного и налогового устройства Бухарского ханства. с.26.

¹⁶⁷ Ростиславов М. Н. Очерк видов земельной собственности и поземельный вопрос в Туркестанском крае. с. 332.

¹⁶⁸ Соболев Л. Н. Географические и статистические сведения о Зарафшанском округе. с. 317.

Мутахассислар илгари сурган фикрлар таҳлили шундан далолат берадики, Бухоро амирлигида ер солиғидан озод ҳисобланган мулки ҳурр ёки ҳурри холисдан ташқари солиқ тўлашга тааллуқли бўлган мулклар, яъни *мулки хирож* ва *мулки ушр* (даҳяк) ҳам мавжуд бўлган.

Мулки ҳурр ёхуд мулки холис айрим олинган йирик ер эгаларига тааллуқли бўлган ер эгалиги ҳисобланган. У ер солиғидан озод ҳисобланган. Мулки ҳурр эгаси доимо амалдаги амир томонидан берилган ёрлиққа эга бўлиши шарт бўлган ва айнан шу ёрлиқ туфайли у ер солиғидан озод қилинган.

Мулки хирож эса деҳқон аҳли фойдаланаётган ерларга нисбатан ишлатилган атама ҳисобланган. Ушбу ер эгалигига эга бўлган ер эгалари бемалол, эркин ҳолатда ўз ерларини сотиш, уни мерос қолдириш ва совға қилиш ҳуқуқига эга бўлишган. Ушбу ер эгаларидан ер солиғи эса ердан олинган ҳосилнинг учдан бир ($\frac{1}{3}$) қисмига қадар олинаши белгиланган. Аммо амирликнинг турли ҳудудларида олинадиган ер солиғи миқдори бир хил бўлмаган (ҳар бир ҳудудда ўрнатилган ва белгиланган урф-одат ва тартибга кўра ер солиғи миқдори ҳосилнинг $\frac{1}{3}$ дан то $\frac{1}{5}$ қисмига қадар бўлган ва у тарихда *таамули қадим* деб юритилган).

Мулки ушр ерлари ва даҳяк ерлардан ҳосилнинг ўндан бири ($\frac{10}{1}$) ҳисобида уламо ва руҳонийлар фойдасига солиқ олинган. Даҳяқдан олинган солиқ, асосан, мадраса талабалари учун нафақага, амир саройида қуръон ўқувчини таъминлаш ва бошқа хайрия тadbирларига сарфланган.

Вақф ерлари, асосан, айрим диний муассасалар—мачитлар, мозорлар, хонақоҳ, мадрасаларга ер участкаларини мерос қолдириш ва хайр-эҳсон қилиш натижасида вужудга келган бўлиб, у ер эгалигининг алоҳида бир категориясини ташкил этган.

Ушбу ерлардан келган фойда мутавалли ихтиёрига келиб тушган. Мутавалли, асосан, вақф эгалари авлодларидан тайинланган. У вақф ҳужжатларига асосланган ҳолда фойдани тақсимлаб чиқиши лозим бўлган.

Расмий равишда вақф ерларини сотиш тақиқланган, аммо манбалар ва ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича амирлик тарихида вақф ерлар ҳам сотилган, ҳам сотиб олинган. Вақф ерлардан давлат фойдасига солиқлар ундирилган.

XIX аср иккинчи ярмига келиб Бухоро амирлигида ҳокимиятни марказлаштириш янада кучайди.

Амир Насруллоҳ ўзига бўйсунмаган уруф-оқсоқоллари ва намояндалари мулкани мусодара қилишга киришди. Мусодара қилинган ерлардан ўз тарафдорларига хизмат қилиб туриш шарти билан вақтинча эгалик қилиш ҳуқуқи билан ерлар инъом этди. Одатда, ушбу инъомлар маош ўрнига ёки оладиган ҳақиғага нисбатан қўшимча (улуфа) ўрнига берилган.

Амир Музаффар даврида Шарқий Бухоро қўшиб олингач, танҳо ушбу тоғли ҳудудларга ҳам кенг ёйилди.

Одатда амалдорлар ва ҳарбийлар янги ишга ўтиши биланок, амирға *танҳо* сўраб мурожаат қилишарди. Танҳо берилишида энг оддий навкарларга кичик ерларни ҳадя этилиши (одатда, бу *сахм*—яъни қисм деб аталган) билан бир қаторда, катта миқдордаги ерларнинг танҳо қилиб берилишини ҳам учратиш мумкин.

Турли ҳужжатларда бир хил амалдаги шахслар турли хил ҳажмдаги танҳога эга бўлганлиги қайд этилган. Масалан, бир ҳолатда бир амалдор 250 таноб танҳога эга бўлган бўлса, бошқа бир ҳолатда эса бошқа бир амалдор 100 таноб ерга эга бўлганлиги кўрсатилган.¹⁶⁹

Ўша даврда танҳонинг берилиш миқдори энг аввало ернинг суғорилиши, унинг унумдорлиги ҳамда амалдорнинг эгаллаган мавқеи ва таъсирига ҳам боғлиқ бўлган.

Бухоро амирлигида ер ўлчови сифатида таноб ва қўш каби ўлчов бирликлари ишлатилган. (Бир қўш ер 43 таноб ерга тенг бўлган.)

Танҳо олган шахс, амалдор ва бошқалар ўз хизматини тугатган заҳоти танҳо қайтариб олинган.

Бухоро амирлигидаги ер эгалиги тўғрисида¹⁷⁰ фикр юритганда, Шарқий Бухоро билан Ғарбий Бухоро ҳудудларида катта фарқ борлигини эътироф этиш лозим. Жумладан, Шарқий Бухорода давлат ерлари *замини шоҳи* ёки *замини мири* деб аталган. Ушбу ерлар маҳаллий ҳоким бек ёки мир ва амлоқдор тасарруфида бўлган. Бундан келиб чиққан ҳолда солиқлар ҳам маҳаллий ҳоким ва қисман амлоқдорлар фойдасига йиғилган. Мир ёки шоҳ ерлари асосан, энг ҳосилдор ва унумдор ерлардан ташкил топган.

¹⁶⁹ ЎзР МДА. И-126-жамғарма, 1-руйхат, 2005-иш, 15, 35, 36-бетлар.

¹⁷⁰ Фитрат. Три документа по аграрному вопросу в Средней Азии/Пер. с перс. Ф. Б. Ростоптин//Записки института востоковедения Академии наук СССР. Вып. 2. Т.2. —Л., 1933; Чехович О. Д. Бухарские поземельные акты XVI—XIX//Проблемы источниковедения. 1955, № 4, с. 223—242.

III. БУХОРО АМИРЛИГИГА НИСБАТАН ЧОР РОССИЯСИ ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАРИНИНГ БОШЛАНИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

III.1. Бухоро билан чор Россияси қўшинларининг илк тўқнашуви, ҳарбий ҳаракатларнинг кучайтирилиши

Тошкент шаҳри аҳолиси 1865 йил 9 майда бўлиб ўтган қаттиқ ва шиддатли жангдан ва Мулла Алимқули вафотидан сўнг Бухоро амирига мурожаат қилиб, ундан ёрдам сўрашди.¹⁷¹

Худди шу пайтнинг ўзида генерал Черняев ҳам Бухоро амири номига хат жўнатиб, уни Қўқон хонлигининг шимолий ҳудудларини босиб олишга даъват этади. Амир Қўқон хонлигини эгаллагач, тахтга Худоёрхонни қўйишни тавсия этади. Керак бўлса, рус қўшинлари яқиндан ёрдам беришлари мумкинлиги ҳам билдирилади. Аммо ушбу хат Бухоро амири қўлига етиб бормайди.

Бухоро амири Хўжанд шаҳрини эгаллагандан сўнг, ўзининг энг яқин одамлари орқали генерал Черняевга мурожаат қилиб, ундан Тошкент шаҳрининг босиб олиниши сабабларини сўрайди ҳамда дарҳол ўз қўшинларини Тошкентдан олиб чиқиб кетиб, Чимкентга қайтишни маслаҳат беради ва у ерда амир томонидан Санкт-Петербургга юборилган элчилар қайтиб келгунга қадар бўлишни талаб қилади.¹⁷²

Генерал Черняев амирнинг ушбу хатини олгандан сўнг, бутун Туркистон вилояти ҳудудидаги бухороликларни ва уларнинг молларини қамоққа олади. Шу билан бирга, генерал Черняев 1865 йил 26 июнда Оренбург генерал-губернатори

¹⁷¹ Тошкент мудофааси, умуман, Қўқон-Россия муносабатларининг маҳаллий манбаларда акс эттирилиши обзори Ш. Воҳидов томонидан ўрганилган. Қаранг: Воҳидов Ш. XIX аср — XX асрнинг бошларида Қўқон тарихнавислигининг ривожланиши, III ва IV боблар; Яна қаранг.: Муҳаммад Юнусжон Шиғовул. Тарих-и Алиқули амирлашкар // Шарқ юлдузи. 1996, 1—2—сон; Муҳаммад Юнусжон Тайиб. Тухфа-йи Тайиб. /Подготовка к изданию и предисловие. Б. М. Бабаджанов, Ш. Х. Воҳидов, Х. Каматцу-Ташкент-Токио-2002. с 46; Ўзбекистоннинг янги тарихи: Туркистон Чор Россияси мустамакчилиги даврида. Зияев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII аср — XIX: бошларида) 476 с. Маҳаллий манбаларнинг Россия босқинига доир маълумотлари Германияда тайёрланган „Кўзгу“ [www.http // Zehrschpigel.com](http://www.zehrschpigel.com) сайтида келтирилган. Мазкур сайтни тайёрлашда ўзбекистонлик олимлар ҳам қатнашган.

¹⁷² Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских, ч. II, —Спб., 1890. с. 236.

номига мактуб ёзиб, ундан ушбу ҳолатни бутун империя ҳудудида қўллашни сўрайди. Натижада Оренбург генерал-губернатори генерал Черняев таклифини инобатга олиб, бутун Оренбург ҳудудидаги Бухоро фуқаролари қамоққа олинди, уларнинг моллари ва юклари эса империя тасарруфига ўтказилди. Бухоро амири ўз фуқароларига нисбатан қўлланилган ушбу ҳолатдан умуман беҳабар эди.

Чунки, айнан мана шу ҳолат содир бўлган вақтдан анча олдин генерал Черняев томонидан ёзилган ва жўнатилган, аммо қандайдир сабаблар туфайли ўз вақтида етиб бормаган мактуб унинг қўлига етиб келади ва амир уни ўқиб чиқиб хурсанд бўлганидан генерал Черняевга махсус совғалар билан бирга, жавоб хати тайёрлаб, уларни элчилар орқали жўнатади. Ушбу мактубда, жумладан, қуйидаги сўзлар битилган эди: *„Сенга шу нарса маълум бўлсинки, сен томонингдан юборилган махсус вакил бизнинг юқори лавозимли амалдорларимизга айтишича, Сен ўзингнинг олий Ҳазратинг рухсатисиз эгаллаган жойингни бера олмайсан ва у ерни ташлаб ҳам кетолмас экансан. Мана шунинг учун ҳам Сен ушбу таклифни ўз ҳукмдорингга етказиб, то ундан жавоб келгунча ўз жойингда бўлармишсан. Мана шунинг учун ҳам биз Чирчиқ дарёсидан ўтмасдан, Сенга қарама-қарши бўлган қирғоқни эгаллаб, у ерни қўриқлаб турамыз ва Сенинг ҳукмдоринг жавобига қараб иш тутамиз. Сен шунга рози бўлганлигинг учун, биз ҳам ўз тарафимиздан Сенинг ҳукмдорингга хат ёзиб, уни ўз одамларимиздан бири орқали Олий даргоҳга жўнатдик. Биз олдинги дўстликларимизга содиқ қолган ҳолда ушбу хат жавобини кутамиз ва фақат жавобни олгач, яъни унинг мазмунига қараб иш тутамиз. Ушбу хат жавоби келгунга қадар бу ердаги одамлар хавфсизлигини ва осойишталигини ўйлаб, биз уларнинг қўриқчилари орасидан бошлиқларини чақириб, уларга соқчилар назорати ўрнатилишини ва Чирчиқ дарёсини ҳеч ким кечиб ўтмаслиги тўғрисида кўрсатма бердик. Мана шунинг учун, токи жавоб келгунга қадар, Сен ҳам ўз қўл остингдагиларга худди шундай кўрсатма бергин“*¹⁷³

Генерал Черняев ушбу мактубни олгач, унга ижобий жавоб бермади.

Бухоро амири озгина вақт ўтгач, Қўқонни эгаллайди ва у ерга Худоёрхонни ўзининг вакили қилиб қўйиб, ўзи Бухорога қайтади.¹⁷⁴

¹⁷³ Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских, ч. II, с.237

¹⁷⁴ Юсупов Ш. Янгиланиш йўлидаги тарих // Тафаккур, 2001, 3-сон, 37-бет.

Бухорога қайтган амир ўз фуқароларини генерал Черняев томонидан ушланганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиши биланоқ, дарҳол бутун Бухоро амирлиги ҳудудидаги барча рус савдогарларини моллари билан бирга қамоққа олишни буюради.

1865 йилнинг сентябр ойида Бухоро амалдорларидан Рустамбек Чирчиқорти ўлкаси ҳудудига хужум уюштиради. Рустамбекнинг хужуми ва ушбу ҳудудни шип-шийдон қилиб кетиши генерал Черняев аҳволини бир қадар оғирлаштириб қўяди. Чунки Тошкент шаҳрининг таъминоти бевосита Чирчиқ ҳисобига амалга оширилиб келинаётган эди. Мана шунинг учун ҳам генерал Черняев янги мадад кучлари олгандан сўнг, подполковник Пистолькорс раҳбарлигида 4 та рота, 4 та тўп ва 1 та юзликдан иборат бўлган махсус отрядни унга қарши жўнатди.¹⁷⁵

Пистолькорс отряди 1865 йил 12 сентябр куни Тошкентдан чиқиб, Чирчиқ дарёсини кечиб ўтиб, Тўйтепада тўхтади. 14 сентябрда эса Рустамбек лашкарларини Пискентдан қувиб чиқариб, Келеучи қўрғонини эгаллайди. Ушбу қўрғонда 1 рота пиёда, казаклар юзлиги ва 4 та тўп қолдирилди. Мана шундай қилиб, 1865 йилнинг 15 сентябрига келиб Тошкентдан ташқари рус қўшинлари томонидан Ниёзбек, Чиноз ва Келеучи эгалланди.

1865 йил сентябрда Туркистон вилоятига Оренбург генерал губернатори Крижановский ташриф буюрди. У Сирдарёда Бухоро амири номидан келган элчилар билан учрашди. Бухоролик элчилар Бухоро амири номидан музокара олиб бориш учун Санкт-Петербургда рухсат сўрашди. Ушбу даврга келиб Санкт-Петербург томонидан Ўрта Осиё масалалари бўйича Россия империяси ҳукумати номидан барча ишларни кўриб чиқиш ва музокаралар олиб бориш ва керак бўлганда, қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Оренбург генерал-губернатори зиммасига юклатилган эди. Мана шунинг учун ҳам, Оренбург генерал-губернатори Крижановский томонидан бухоролик элчилар талаби рад этилди.¹⁷⁶

Крижановский ва Туркистон вилояти губернатори Черняев ўртасида Тошкент шаҳри статуси масаласи бўйича ўзаро келишмовчилик юзага келди.

¹⁷⁵ Йорк-фон-Вартенбург. Рост России в Азии. Т., 1900, с. 42.

¹⁷⁶ Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. ч. II, с. 238

Тошкент шаҳри босиб олинган дастлабки кунларда генерал Черняев Тошкентни мустақил хонлик деб эълон қилиш тўғрисида фикр билдирганлигига қарамай, 1865 йил 18 сентябрга келиб, ушбу фикридан қайтади ва Тошкентни тўғридан-тўғри империя тасарруфига ўтказиш ғоясини илгари суради. Генерал Крижановский эса шаҳар аҳолиси вакиллари билан савдо майдонида бўлиб ўтган учрашувда очикдан-очик халқнинг ўз ўзига хон сайласин ёки муниципалитет ташкил этсин деб рухсат бериб юборди ва генерал Черняевга уни ижросини таъминлашни топширди. Аммо, генерал Черняев ушбу топшириқни амалга оширмади.

Оренбург генерал-губернатори, генерал-адъютант Крижановский Тошкентдан жўнаб кетгандан кейин генерал Черняев Бухоро билан ўзаро дўстона ва савдо алоқаларини тиклаш мақсадида 1865 йил 19 октябрда амир ҳузурига бир неча кишидан иборат бўлган элчиларни махсус соқчилар ҳимоясида жўнатади. Ушбу элчилар таркибида Струве, Глуховский, Татаринов, Колесников, Герасимовлар бор эди. Соқчи ва қўриқчиларни ҳам ҳисобга олганда ушбу элчилик гуруҳининг умумий таркиби 32 кишидан иборат эди. Бухоро амири уларни қабул қилмай, бухоролик элчилар Петербург йўлида тўхтатилганлиги ва ушлаб турилганлиги учун жавоб тариқасида уларни ушлаб қолди ва орқага қайтишига рухсат бермади.¹⁷⁷

✓ Черняев Бухоро амиридан дарҳол рус элчиларини қайтаришни талаб қилди. Аммо рад жавоби берилгандан кейин генерал 1866 йил 28 январда 14 рота пиеда, 6 юзлик казаклар, 16 та тўп, артиллерия ва инженерлик қурилмалари ва 1200 туя билан Сирдарёни Чиноз қисмидан кечиб ўтди. Ушбу отряд бир ойлик озиқ-овқат ва ҳарбий захира билан амирликка қарши йўлга отлантирилди. Ҳарбий куч чўл орқали (Мирзачўл—таъкид бизники Р.Х.) Жиззах томон йўлга тушди.¹⁷⁸

Ҳарбий юриш ниҳоятда оғир иқлимий шароитда бошланди. Ниҳоятда қалин қор ёғиши, кейинчалик унинг қаттиқ ёмғирга айланиши, ёнилғи захираси ва сув ҳамда от-уловлар учун ем-хашакнинг етарли бўлмаганлиги рус ҳарбийларини оғир аҳволга тушириб қўйди. Айнан мана шундай оғир ҳолат юз берган бир шароитда, Бухоро амири номидан генерал Черняевга Самарқанддан иккита мактуб келган бўлиб, унда рус элчилари

¹⁷⁷ Йорк-фон-Вартенбург. Рост России в Азии. с 43.

¹⁷⁸ Костенко Л. Исторический очерк: Распространения русского владычества в Средней Азии // Военный сборник, —СПб., 1887, № 7, с. 10.

қўйиб юборилганлиги ва улар йўлга чиққанлиги, мана шунинг учун ҳам ҳарбий ҳаракатларни бошламасдан тўхтатишни сўраган бўлишига қарамай, генерал Черняев ҳарбий юришни тўхтатишга кўрсатма бермади ва Жиззахга яқинлашди.

1866 йил 5 февралда Жиззахга яқинлашган генерал Черняев хатдаги таклифларни ўйлаб кўриб, ҳарбий ҳаракатни бошламасдан, эртасига 6 февралда Жиззах бекига ўз фуқароларини рус отряди тўхтаган жойга ўтин ва ем-хашак билан жўнатишни ва уларни рус ҳарбийларига сотишга рухсат беришини сўрайди. Аммо генерал ўз таклифига ижобий жавоб олмайди. Шундан кейин иқтисодий жиҳатдан танг ва оғир аҳволга тушган генерал Черняев 7 февралда подполковник Пистолькорс бошчилигида 2 та рота пиёда, 4 та юзлик казаклар ва 2 та тўпдан иборат ҳарбийлар отрядини Жиззах шаҳри атрофидаги боғ ва қишлоқлардан заҳира тўплаб келиш учун жўнатди.¹⁷⁹ Рус ҳарбийлари отряди Жиззах қалъасини чап тарафидан, Самарқанд йўли бўйлаб ҳаракат қилишди. Ушбу ҳарбий отряд қалъага яқинлашганда, бозорни ҳимоя қилаётган жиззахликлар уларга қарши ўқ узишди. Худди шу пайтнинг ўзида қалъа ичидан Бухоро тўпларидан заҳира йиғиб турганларга қарата ўқ отилди. Бир вақтнинг ўзида уч йўналишда уруш ҳаракатлари бошланиб кетди. Рус ҳарбийларига ёрдам бериш учун лагердан яна 2 та рота пиёдалар жўнатилди ва бухороликлар сиқиб қўйилди. Шундан кейин рус ҳарбийлари бирлашиб ўз лагерига қайтди.

Ушбу ҳарбий тўқнашувда руслардан 8 киши ўлдирилди ва 19 киши яраланди.¹⁸⁰ Ушбу ҳолат генерал Черняевни ўз ҳарбий кучлари ва ҳолатини чамалаб кўришга мажбур қилди. 9 феврал кuni генерал Черняев қалъанинг чап томонидаги боғлардан яна заҳира тайёрлашга кўрсатма берди. Аҳолининг ўз ҳоҳиши билан озиқ-овқат ва ем-хашак сотишни хоҳламаганлиги, Жиззах аҳолиси ва қалъа ҳимоячиларининг қаттиқ қаршилиги ва ўз ҳарбий отрядининг аҳволи кун сайин оғир ва ночорлашиб бораётганлигини кўриб, генерал Черняев рус элчиларининг қайтиб келишини ҳам кутмасдан туриб, Жиззахни қолдириб, орқага чекинишга мажбур бўлди. Генерал Черняев бошчилигидаги рус отрядининг орқага қайтиши ниҳоятда оғир ва катта

¹⁷⁹ Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских., ч. II, с.239.

¹⁸⁰ Ўша асар, 240- бет.

қийинчиликлар билан кечди. Бутун чекиниш даврида Бухоро отлиқлари уларни таъқиб этиб боришди. 1866 йил 14 феврал куни рус ҳарбийлари чекиниб, Сирдарёга етиб келишди ва Сирдарёнинг ўнг қирғоғида лагер қуриб ўша ерга жойлашди.¹⁸¹

Рус қўшинларининг Жиззахга нисбатан қилган қишки ҳарбий юриши рус қўшинлари таркибида кўплаб касалликларнинг келиб чиқиши ва унинг натижасида ҳарбийлар ўлимининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, Жиззах атрофида озиқ-овқат ва ем-хашак ғамлаш тадбирларининг олиб борилиши ва пировард натижада Жиззах остоналаридан чекиниш, Рус ҳукумати ва унинг қўшинларининг Бухоро билан бўлган муносабатларини кескин даражада ёмонлашувига олиб келди. Бухороликлар, ўз навбатида, рус қўшинларининг ушбу ҳарбий ҳаракатларидан сўнг нафақат рус элчиларини қайтариб беришдан бош тортиб қолмасдан, балки рус қўшинларини доимий равишда таҳликага солиб туришди.

Вақт-вақти билан Чирчиқорти ҳудудларига ҳам ҳамла қилиб, очикдан-очик руслар билан ҳарбий тўқнашувга тайёргарлик кўраётганликларини кўрсата бошладилар.

Туркистон вилояти ҳарбий амалдорлари ушбу воқеалардан сўнг анча хавотирга тушиб қолишди ва шошилиш чоралар кўришга мажбур бўлишди.

Натижада 1866 йилнинг феврал оyi охирларида Чирчиқ орти ҳудудлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Келеучи яқинида полковник Краевский раҳбарлигида 5 та пиёдалар ротаси, казаклар юзлиги ва 4 та тўпдан иборат махсус отряд жойлаштирилди.

Рус ҳукумати тасарруфига ўтказилган ерларга уюштирилаётган ҳужумларни тўхтатиш мақсадида 1866 йил март оyi охирларида штаб капитани Абрамов бошчилигида 3 та рота, бир юзлик казаклар ва 2 та отлиқ артиллерия Сирдарё бўйидаги Чордара қалъаси томон жўнатилди ва у ердаги 100 кишидан иборат бўлган бухоролик лашкарлар қувиб чиқарилди.¹⁸²

Абрамов отряди Чордара қалъасини вайрон қилиб, унинг атрофида ўрнашган қирғизларнинг икки минг қўйини тортиб олди.

¹⁸¹ Костенко Л. Исторический очерк: Распространения русского владычества в Средней Азии. с. 10.

¹⁸² Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских, ч. II, с.240.

Чордара қалъаси учун бухороликлар билан бўлган жангда руслар томонидан тўрт киши яраланди.

1866 йил 27 март куни генерал Черняев Петербургга кетгандан кейин, унинг ўрнини генерал-майор Романовский эгаллади.¹⁸³

Бу даврга келиб Бухоро қўшинлари Ҳратепа ва Чинознинг юқорироғида жойлашган Иржарда тўплана бошлади.

Генерал-майор Романовский¹⁸⁴ Туркистон вилояти генерал-губернатори этиб тайинлангандан сўнг Бухоро амири билан бўлгуси урушнинг олдини олиш мақсадида музокаралар олиб борди. Аммо ушбу музокаралар ҳеч бир натижа бермади. Ушбу даврга келиб бухороликлар Чордара, Келеучи, ҳатто Тошкент атрофларигача келиб русларни таҳликага солиб туришди. Генерал-губернатор ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун доимий равишда маълум қисмдаги ҳарбий отрядларни уларга қарши жўнатиб туришга мажбур бўларди.

Кенесарининг ўғли Султон Содиқ бошчилигидаги кучлар Чордара атрофларида ҳаракат қилиб, русларга қарашли бўлган ва Чиноз томон сузиб бораётган Перовск ва Сирдарё пароходларини ўққа тутишди ва улар учун тайёрланган ёқилғи ҳисобланган саксовулларни йўқ қилишди.

Шунингдек Чирчиқ орти ўлкасида ҳаракат қилаётган Рустамбек бошчилигидаги гуруҳ русларга қарши ниҳоятда фаол ҳаракат олиб борди. Уларнинг ҳарбий ҳаракатлари ҳатто Тошкент атрофларида ҳам амалга оширилди. Ҳатто ҳаракат шу даражада кучайиб кетдики, Тошкент шаҳри ичкарасида Бухоро тарафдорлари томонидан махсус исёнга тайёргарлик кўрила бошланди.

✓ 1866 йил май ойи бошларига келиб Иржар бўйига тўп-ланган бухоролик қўшинлар сони 40 (қирқ) мингга етди. Уларнинг таркибида 5 минг сарбозлар ва 21 та тўп мавжуд эди. Бухоро амири шахсан ўзи Иржарга келгач, ўн минг одамни Сирдарёнинг ўнг қирғоғига, Чирчиқ орти ўлкасига ўтишига буйруқ берди.¹⁸⁵

¹⁸³ Йорк-фон-Вартенбург. Рост России в Азии. с 43

¹⁸⁴ Романовский Д. И. Заметки по среднеазиатскому вопросу с приложениями и картою Туркестанского генерал-губернаторства. - СПб., 215 с.

¹⁸⁵ Костенко Л. Исторический очерк: Распространения русского владычества в Средней Азии. с. 11.; Яна қаранг: Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских., ч. II, с. 241.

Маҳаллий манбалардан маълум бўлишича Қўқон тарихчилари Россия босқини давридаги Бухоро-Қўқон муносабатларига катта аҳамият берганлар. 1865 йили Худоёрхон амир Музаффар ёрдами билан Қўқон тахтига учинчи марта ўтирди. Аммо тез орада ўз валинеъмати хизматини унутди. Русларга қарши ҳаракатлари анча сусайиб қолган Худоёрхон русларга ён боса бошлади. Бухоро амири ўз уламоларидан фатво олгач, Қўқон ҳудудларига бостириб кирди. Қўқон тарихчиси Аваз Муҳаммад амирни Ҳратепага келиб, икки ой давомида фақат базм барпо этишини, аҳоли хотин-қизлари номусларига тажовуз қилишини ўз асарида ёзган.¹⁸⁶

1866 йил 2 майда амир Музаффар русларга қарши юрмоқчи бўлиб, Сирдарё бўйидаги Майдайулғун мавзесига келади. У ердан амир лашкарбошилари Абдулғаффорбек, Оллоёрбек, Ёқуббекгулом, Шералилар ўз жасоратлари ва шижоатлари билан жангга кириб, кучлар тенг бўлмаганидан Қурама вилоятида тўла тор-мор бўлишади.

Бухоро амирининг Иржарга келганини эшитиши биланоқ, генерал Романовский вазиятни ўз қўлига олишга ҳаракат қилди ва дарҳол ҳужумни бошлаб юборди. Бу даврга келиб генерал Романовский Чиноз отряди сафларини уч мингга, Келеучи отряди сонини бир минг кишига етказишга муваффақ бўлган эди.

1866 йил 5 май кунини эрталаб 14 та пиёдалар ротаси, 5 та юзлик казаклар, 20 та тўп ва 8 та ракета мосламаларига эга бўлган Чиноз отряди Сирдарёнинг чап қирғоғи бўйлаб Иржарга йўл олди.¹⁸⁷ Унғ қирғоқ бўйлаб эса Келеучи отряди йўлга чиқди. Чиноз отряди икки кунлик озиқ-овқат, 600 туя ва 100 та аравага ортилган қўшин заҳирасига эга эди. Шунингдек, ўша кунини Чиноздан чиққан Перовск пароходи ҳар иккала отряд учун 10 кунга етадиган озиқ-овқат ва маълум қисмдаги қурол-яроғ заҳирасига эга эди.

Биринчи кун Чиноз отряди 30 верст йўл юриб, Сирдарё ёнида лагер қуриб тўхтади. Келеучи отряди эса тунни дарёнинг қарама-қарши тарафида ўтказди.

¹⁸⁶ Аваз-Муҳаммад Аттор Хуқандийнинг мазкур маълумоти Ш.Воҳидовнинг диссертациясида келтирилган. Қаранг.: Воҳидов Ш. XIX аср — XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши, 59—60-бетлар.

¹⁸⁷ Йорк-фон-Вартенбург. Рост России в Азии. с. 44.

8 май куни ҳар иккала отряд Иржар томон ҳаракатни давом эттиришди.¹⁸⁸ 1866 йил 8 май куни эрталаб соат 9⁰⁰ да рус қўшинларининг Бухоро отлиқлари билан илк тўқнашуви содир бўлди. Соат 12 ларга келиб Бухоро отлиқлари рус қўшинларининг авангард кучига қаттиқ зарба бера бошлашганда, рус ҳарбийлари артиллерияни ишга солишга мажбур бўлишди. Пировард натижада ҳар иккала томон ўртасида ниҳоятда қаттиқ ва шиддатли жанг бошланиб кетди. Артиллерия қурилмалари ва тўллар таъсири остида рус қўшинлари аста-секин вазиятни ўз фойдаларига ҳал этишга муваффақ бўлишди ва аста-секинлик билан устунликни ўз қўлларига олиб, бухоролик қўшинларни таъқиб остига олишди. Натижада бухороликлар чекинишга мажбур бўлишди. Бухороликларнинг биринчи лагери 8 май куни кеч соат 9 ларда рус отрядлари томонидан эгалланди. Эртасига 9 май куни бухороликларнинг иккинчи лагери ҳам руслар томонидан ишғол этилди.¹⁸⁹

Иржар ёнидаги жангдан сўнг кучлар нисбатан тубдан ўзгарди. Агар жанг бўлиб ўтгунга қадар бухороликлар доимий равишда Туркистон вилоятидаги рус ҳукумати вакиллари ва ҳарбийларини таҳликага солиб турган ва вақт-вақти билан кичик-кичик ҳамлалар уюштириб турган бўлса, Иржар жангидан сўнг, яъни руслар ғалабасидан кейин ўлкада тўла осойишталик юзага келди. Руслар ҳукмронлиги анча мустаҳкамланди.

Генерал Романовский Иржар ёнидаги жангдан сўнг, чекинган бухороликларни орқасидан қувиб Жиззах ва Самарқандга қараб ҳужумни давом эттирмади. У Бухоро ҳудудига кирмаган, Қўқонга қарашли Хўжанд шаҳрига қарши қўшин ташлади. Чунки генерал Романовский Иржар ёнидаги жангда чарчаган қўшинни чўл ва дашт орқали оғир шароит ва йўл азоби билан қийнаб, ўзи ҳам танг аҳволга тушиб қолмаслик учун шундай йўлни тутди. Хўжандни эгаллаш эса генерал Романовскийга ўлкада ўз мавқеини янада мустаҳкамлашда жуда муҳим бўлганлиги учун ҳам худди мана шу йўлни танлади. 1866 йил 17 май куни русларнинг асосий кучлари Нов қальясини эгаллади. Хўжанд учун қаттиқ жанг олиб борилди. Дастлаб 17—18 май кунлари ҳужум бошлашдан олдин қалъа аёвсиз ўққа тутилди.

1866 йил 20 май куни ўнг ва чап қирғоқларда иккитадан, жами 4 та батарея ўрнатилди. Ҳар тўртала батареядаги 20 та

¹⁸⁸ Костенко Л. Исторический очерк: Распространения русского владычества в Средней Азии. с. 11.

¹⁸⁹ Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских., ч. II., с. 243.

тўздан кун бўйи ўқ отилиб, шаҳар қалъаси ўққа тутилди. 21 май куни қалъага ҳужум учун тайёргарлик кўрилди. Бирок, Хўжанд шаҳридан парламентарийлар чиқишганлиги учун ҳужум вақтинча тўхтатилди. Музокаралар 22 май кечасига қадар давом этди, аммо у ҳеч бир натижа бермади. Шундан кейин шаҳарни тўздан ўққа тутиш яна давом эттирилди. 24 май куни ҳужум ва шаҳарни яксон қилиш давом этди. Кечкурун соат 7 ларга келиб рус кўшинлари шаҳарнинг деярли барча қисмига бостириб киришга муваффақ бўлишди ва отишмалар анча камайди. Эртасига 25 май куни эрталаб шаҳар оқсоқоллари шаҳар тўла руслар кўлига ўтганлигини эътироф этишди. Ушбу жангда Хўжанд ҳимоячиларидан 2,5 мингдан ошиқроқ киши ҳалок бўлди. Руслар хўжандликлардан 1 дона катта байроқ ва 15 та чўян тўпларни ўлжа сифатида кўлга киритишди.¹⁹⁰

Бухоро амири Иржар ёнидаги мағлубиятдан сўнг, рус элчиларини қайтариш тўғрисида махсус фармойиш берди. Ушбу элчилар гуруҳи вакили Герасимов 25 май куни Хўжандга етиб келган бўлса, қолганлар 2 июн куни Тошкент шаҳрига етиб боришди. Шундан кейин амир Бухоро ҳудудида ушланган барча рус савдогарларини ҳам озод қилди.¹⁹¹

Иржар ёнидаги жанг ва Хўжандни руслар томонидан забт этилишидан сўнг рус-бухоро муносабатларида бир оз сокинлик ҳукм суриб, алоқалар тинч ҳолатга тушди. Генерал Романовский Бухоро билан расмий ҳолатда тинчлик шартномаси тузиш ҳуқуқига эга эмас эди. Мана шунинг учун ҳам у тинчлик тарафдори эканлигини билдириб, ҳарбий ҳаракатларни тўхтатди ва Тошкентга қайтди.

Оренбург генерал-губернатори генерал Романовскийнинг Бухорога нисбатан олиб борган ишлари ва сиёсатини тўла кўллаб-қувватлади, аммо унинг Бухоро савдогарларини кўйиб юбориш ғоясини маъқулламади.

Оренбург генерал-губернатори генерал Романовскийга йўллаган мактубида ўзининг жангарилиги ва ўта мустамлакачилигини кўрсатиб, „амирни сиз шундай қаттиқ сиқувга олган бир ҳолда, унга ҳеч бир енгиллик бермасдан, ундан яна ҳам кўпроқ нарса сўраш ва талаб қилиш керак“, — деб кўрсатма беради.¹⁹²

¹⁹⁰ Йорк-фон-Вартенбург. Рост России в Азии. с 45.

¹⁹¹ Татаринов А. Семимесячный плен в Бухаре. — Спб., 1867. с.24.

¹⁹² Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских, ч. II, с.246.

Генерал Крижановский ўз хатти-ҳаракатлари билан ҳеч қачон тинчлик ўрнатиш тарафдори бўлмаганлигини, балки у фақат ҳарбий ҳаракатлар давом этиши тарафдори эканлигини намоён қилади.

1866 йил 17 август куни Оренбург генерал-губернатори генерал Крижановский иккинчи маротаба Тошкентга ташриф буюрди. 18 август куни у ҳарбий вазир номига хат жўнатиб, унда Қўқонга қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлаш кераклигини ва ушбу мақсад учун янги ҳарбий куч зарурлиги тўғрисидаги фикрларини билдиради.¹⁹³

Генерал Крижановский Бухоро амирига ўзининг Тошкентга келганлигини маълум қилиб, сулҳ тузиш учун ўз вакилини юборишни таклиф этади. Бухоро амири ушбу таклифга ижобий ёндашди ва унинг вакиллари 1866 йил 1 сентябрда Хўжандга етиб келишади.

Сулҳ тўғрисида музокаралар ниҳоясига етмасданоқ, 5 сентябр куни генерал Крижановский ҳарбий вазирга иккинчи хатни йўллаб, амирликка қарашли бўлган Ўратепа ва Жиззахга қараб ҳарбий юришга тайёргарлик кўраётганлигини билдиради. Генерал Крижановский ҳар қандай ҳолатда, ким билан бўлишидан қатъи назар урушиш иштиёқида эди. Агар у бир ҳафта олдин Қўқон билан урушни давом эттириш тарафдори бўлган бўлса, энди Бухоро билан уруш қилиш ғоясини илгари суради.

Шуни таъкидлаш жоизки, бухороликлар ҳар қандай ҳолатда ҳам урушни олдини олишга ҳаракат қилишди. Бухоролик элчилар музокаралар чоғида руслар томонидан илгари сурилган барча таклиф ва талабларга рози бўлишди. Фақат 100 минг тилло ўлпон тўлаш масаласига ўз эътирозларини билдиришди ва ушбу масалада бироз ён босишларини сўрашди. Генерал Крижановский Бухоро элчисига ҳеч қандай ён босиш бўлмаслигини ва 10 кун ичида агар ўлпон тўловлари етиб келмаса, ҳарбий ҳаракатлар яна давом эттирилишини билдирди.¹⁹⁴ Ушбу шарт ниҳоятда оғир бўлиб, уни шу қисқа муддат ичида амалга

¹⁹³ Костенко Л. Исторический очерк: Распространения русского владычества в Средней Азии. с. 11.

¹⁹⁴ Милютин Д. А. Дневник. Т-1. — М., 1947, с. 88—89. (Д.А.Милютин (1816—1912 й.й.) XIX асрдаги йирик рус ҳарбий ва давлат арбоби. У XIX асрнинг 60—70- йилларида Россия ҳарбий вазири сифатида фаолият кўрсатиб, жуда кўплаб мақолалар, хатлар, турли хил эсдаликлар ёзиб қолдирган. Унинг қўлёзмалари Россия Давлат кутубхонасида махсус жамғармада сақланиб келинмоқда. 1947 йил кутубхона ходимлари томонидан у нашрга тайёрланиб, 3 жилддан иборат шаклда чоп этилган. Унда 1873 йилдан 1900 йилга қадар ёзилган хотиралар ўрин олган.)

ошириш мумкин эмас эди. Генерал Крижановский ушбу ҳолатни жуда яхши тушунар эди, чунки у ҳар қандай ҳолатда ҳам уруш ҳаракатларини давом эттириш тарафдори эди. Пировард натижада белгиланган муддатда, яъни 23 сентябрга шартлар тўла равишда бухороликлар томонидан бажарилмади ва русларнинг қўшинлари Бухоро ҳудудларига қараб ҳарбий ҳаракатларни яна бошлаб юборди.

1866 йил 23 сентябрда рус қўшинлари генерал-майор Романовский бошчилигида 20 ротадан кўпроқ пиёдалар, бешта юзлик казаклар, 8 та станокдан иборат ракета мосламалари, 28 та тўп, 600 арава ва 800 туядан иборат бўлган заҳира билан ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Оренбург генерал-губернатори ҳам ушбу ҳарбий қўшин таркибида эди.¹⁹⁵

23 сентябрь куни полковник Воронцов-Дашков томонидан Ўратепа қалъаси разведка қилинди. Шундан кейин Ўратепа қалъасига уч тарафлама ҳужум уюштиришга қарор қилинди.

28 сентябрь куни қалъанинг барча деворлари ўрганиб чиқилди. 29 сентябрь куни қалъанинг жанубий томони артиллерия тўпларидан ўққа тутилди. 30 сентябр куни артиллерия тўпларидан ўққа тутиш давом эттирилди. 1 октябр куни кечаяю кундуз батареялар бир варакайга қалъани ўққа тутишди ва айрим жойларда қалъа деворларини бузишга муваффақ бўлишди. 2 сентябрда кун ёришгандан сўнг, рус аскарлари қалъани штурм қилишга сигнал олишди ва қаттиқ жанглардан сўнг эрталаб соат 7 да қалъа маркази қўлга киритилди. Ўратепа қалъаси ҳимоячиларидан 2 мингдан ошиқроқ киши ҳалок бўлди. Руслар Ўратепа ҳимоячиларидан 4 та байроқ, 7 та мис тўп, 16 та катта чўян тўп ва 15 та кичик чўян тўпни ўлжа тариқасида қўлга киритишди.¹⁹⁶

Ўратепа қалъаси қўлга киритилгандан сўнг, рус қўшинлари Бухоро ҳудудининг ичкарасига қараб ҳарбий юришни давом эттирди ва йўл-йўлакай Зомин қалъасини урушсиз қўлга киритиб, Жиззахга нисбатан ҳарбий ҳаракатни кучайтирди.¹⁹⁷

Рус ҳарбий экспедицияси 1866 йил 12 октябр куни Жиззахга етиб келди. Ҳарбий экспедиция таркибида 16,5 рота пиёдалар,

¹⁹⁵ Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских, ч. II, с.248.

¹⁹⁶ Костенко Л. Исторический очерк: Распространения русского владычества в Средней Азии. с. 12.

¹⁹⁷ Қаранг: Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий. Тарих-и жаҳоннамои.// Шарқ юлдузи, 1991, 8- сон. 54—94- бетлар.

5 та юзлик казаклар, ракета мосламалари, 20 та тўп расчёти бўлиб, улар Жиззах шаҳридан 4 верст узоқликда, Жилонўтин дарёсида жойлашишди.

Жиззах қалъаси анча мустақкам ҳимояга эга қалъа ҳисобланган. Айниқса, дастлабки ҳарбий тўқнашувдан кейинги 5 ой давомида уни янада мустақкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган эди. Жумладан, агар олдин қалъага қадар иккита девор (ариқ тўсиқ билан) бўлган бўлса, энди деворлар сони (ариқ тўсиқли) учтани ташкил этарди. Жиззах қалъаси ҳимоячилари сони ҳам купайган бўлиб, у 10 минг кишидан иборат эди. Уларнинг қўлида 53 та тўп мавжуд эди.¹⁹⁸

Рус қўшинлари Жиззахга келгач, жойларни синчиклаб ўрганиб, ҳужумга тайёргарлик кўра бошлади. Ҳужум учун икки йўналиш—жануб ва жануби-шарқий йўналиш танланди. 15 октябр куни кечкурун рус қўшинлари лагеридан икки бўлинма—капитан Михайловский қўшини Уратепа дарвозаси томон ва подполковник Григорьев қўшини Самарқанд дарвоза томон ҳужумга ўтди. Ушбу икки қўшин лагердан чиқиб улгурмасданоқ, бухороликлар захирага қолдирилган рус қўшинлари устига ҳамла қилиб қолишди. Рус қўшинлари уларни зудлик билан орқага чекинишга мажбур қилишди, аммо бухороликлар лагерда катта ёнгин чиқишига сабаб бўлишди.

16 октябр куни бухороликлар яна рус қўшинлари лагерига ҳужум уюштиришди. Руслар яна уларни чекинишга мажбур қилишди. Эрталаб рус артиллериялари Жиззах қалъасини тўхтовсиз ўққа тутди. 17 октябр куни ҳам қаттиқ жанг давом этди.¹⁹⁹

18 октябр куни соат 12 ларда рус қўшинлари қалъа ичкарисига киришга муваффақ бўлишди. Ҳужумнинг шунчалик шиддатли ва кутилмаган бир пайтда амалга оширилиши бухорликларни шошириб қўйди ва улар ўзларини ўнглаб ололмай, қочишга тушишди. Жиззах қалъаси учун бўлган жангда бухороликлардан 6 минг киши ҳалок бўлди, 2 минг киши асир олинди. Қалъадан 16 та байрок, 12 мис тўп, 11 та катта чўян ва 30 та кичик чўян тўпни ўлжа қилиб олишди.²⁰⁰

¹⁹⁸ Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. ч. II, с. 250.

¹⁹⁹ Зиновьев М. А. Осада Ура-Тюбе и Джизаха. // Русский Вестник 1868, № 5—6, с. 329—332.

²⁰⁰ Костенко Л. Исторический очерк: Распространения русского владычества в Средней Азии. с.12.

Жиззах шаҳри қўлга киритилгандан сўнг, 1866 йил 1 ноябр куни генерал-адъютант Крижановский Туркистон ўлкасидан жўнаб кетди. Кейинчалик, яъни 11 декабр куни генерал Романовский ҳам Туркистон вилояти ва у ердаги қўшинлар қўмондонлигини генерал-майор Мантейфелга топшириб, ўлкадан кетди.

1867 йил баҳор келиши билан Туркистон вилояти худудида яна уруш ҳаракатлари бошланиб кетди. Айниқса, Кенесари ўғли Султон Содиқ томонидан русларга қарши кучли ҳаракатлар амалга оширилди. Султон Содиқ бошчилигидаги 2,5 минг кишилиқ қўшин доимий равишда Сирдарё йўналишида русларга катта хавф туғдира бошлади. Майор Юный 1867 йил 4 май куни уларга қарши 1-сонли фортдан Бухоро карвон йўли бўйлаб ясовул Анчоков бошчилигида 78 казакни жўнатди. Ясовул Анчоков фортдан 143 верст юриб, Сарибулоқ дарасида тўхтади ва ўзи 1 урядник ва 20 казак билан сув олиб келишга жўнади. Шунда Султон Содиқ қўшини уларга ҳужум қилди. Ясовул Анчоков зўрға ўзининг урядниги билан лагерга қайтишга муваффақ бўлди. Ушбу ҳарбий тўқнашувда руслардан 13 та казак ўлдирилди ва 6 та казак асир олинди. Шундан кейин ясовул Анчоков ўз қўшини билан уч кун давомида Султон Содиқ қўшини билан жанг олиб борди ва 10 май куни чекинишга мажбур бўлди.²⁰¹

Султон Содиқ қўшини Оқжар почта бекатига ҳужум уюштириб, у ерни ҳам талаб, кейин Бухоро худудларига қайтиб кетди.

Туркистон вилоятининг бошқа худудларида ҳам, шу жумладан, янги эгалланган Жиззахда ҳам аҳвол ниҳоятда танг эди. Жиззах шаҳри аҳолиси яна жанг бўлиши хавфи кучаяётганлиги учун шаҳарни тарк эта бошлади.

Шаҳарга сув ва озиқ-овқат маҳсулотлари келиши деярли тўхтаб қолди. Шундан сўнг Жиззах қўшини қўмондони подполковник Абрамов 25 май куни 3 та рота пиёда, 2 та юзлик, ракета мосламаси ва 4 та тўп билан Жиззахдан чиқиб, Жилонетим дарасига қараб йўлга чиқди ва бухороликлар ташлаб кетган Янгиқўрғон истехкомини эгаллади.

26 май куни эрталаб соат 6 да подполковник Абрамов Янгиқўрғондан бухороликлар томонидан тўсиб қўйилган сув таъминотини тўғрилаш мақсадида дарё бўйлаб йўлга чиқди. 17 верст

²⁰¹ Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских, ч. II, с.252

йўл юргач рус қўшини бухороликлар томонидан қуршаб олинди. Бухороликлар қўшини 6 минг кишини ташкил этарди. Ўртада қаттиқ жанг бошланиб кетди. Руслар ниҳоятда оғир аҳволга тушиб қолишди. Жанг деярли 4 соат давом этди. Фақат Янгиқўрғондан мадад кучлар етиб келгандан кейингина бухороликлар чекинишди.²⁰²

26 май куни ушбу жангдан сўнг, бухороликлар Янгиқўрғондан 7 верст нарида, Самарқанд йўналиши йўлида лагер қуриб, янги ҳужумга тайёргарлик кўра бошлашди. Подполковник Абрамов ҳам ўз навбатида, Жиззахдан янги мадад кучларини чақириб, ўз қўшинини мустаҳкамлай бошлади. Қисқа муддат ичида бухороликлар сони 45 мингга яқинлашиб қолди. Жиззах атрофида жуда катта куч тўпланганлигидан хавотирга тушган Абрамов зудлик билан ҳужумга ўтишга қарор қилди.

7 июнь куни у бухороликлар устига икки йўналиш бўйича ҳужум бошлади. Жанг шиддатли тус олди. Пировард натижада, руслар бухороликлар лагерини эгаллашга муваффақ бўлишди.²⁰³

2 июль куни бухороликлар 20 минг кишилиқ қўшин билан Тошкўприк орқали Янгиқўрғон йўналишига ҳужум уюштиришга ҳаракат қилишди. 5 июл куни улар Янгиқўрғонга яқинлашишди. Ўртада яна шиддатли жанг бўлиб ўтди. Бухороликлар яна мағлубиятга учрашди. Ушбу муваффақиятсизликдан сўнг бухороликлар томонидан русларга қарши оммавий тусдаги қарши ҳаракатлар биров пасайди. Доимий равишда уруш олиб бориш ва бухороликларнинг ҳаракатлари русларни ҳам бир оз шаштини қайтарди ва уларни ҳам ўйловга солиб қўйди.

Генерал Крижановский Оренбургда Бухоро элчилари билан ҳатто ўлпон талаб қилмасдан тинчлик сулҳини имзолади. Ҳатто Янгиқўрғонни бухороликларга қайтариб ҳам берди.

Генерал Крижановскийнинг Туркистон вилояти масаласи бўйича бу энг охирги аралашуви эди. Чунки, бир оз муддат ўтгач, Туркистон вилояти янги тузилмага айланиб, Туркистон генерал-губернаторлиги мақомига эга бўлди ва Оренбург генерал-губернаторлиги таркибидан чиқарилди.

²⁰² Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских, ч. II, с. 252—253.

²⁰³ Зиновьев М. А. Осада Ура-тюбе и Джиззака, с. 336; Яна қаралсин: Макшеев А. И. Кўрсатилган асар 252—254-бетлар.

III.2. Самарқанднинг эгалланиши ва Зирабулоқ тепалигидаги жанг. Озодлик ҳаракатларининг бошланиши

Чор Россияси томонидан 1847 йилдан бошлаб қирғиз чўллари ва Қўқон хонлиги ҳамда қисман Бухоро амирлиги ҳудудларидан босиб олинган ерларда 1867 йили Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиб, Тошкент шаҳри унинг пойтахти деб белгиланди.²⁰⁴

Туркистон генерал-губернаторлиги икки вилоятдан — Сирдарё вилояти (маркази Тошкент шаҳри) ва Еттисув вилояти (маркази Верный)дан иборат эди.

Сирдарё вилояти Казалинск, Перовск, Чимкент, Авлиёота, Тошкент, Хужанд ва Жиззах уездларидан; Еттисув вилояти эса Сергиопольск, Копальск, Вернинск, Иссиққўл ва Тўқмоқ уездларидан ташкил топган эди.

Туркистон генерал-губернаторлиги билан бирга, Туркистон ҳарбий округи ҳам ташкил этилди.²⁰⁵

Генерал-адъютант Кауфман Туркистон генерал-губернатори ва ўлка ҳарбий округи қўшинлари қўмондони этиб тайинланди. У дастлабки кунданок, ўлкадаги вазият билан чуқур танишиб чиқди. Айниқса, Бухоро билан Туркистон генерал-губернаторлиги ўртасидаги чегаралар ҳолатига алоҳида эътибор берди.

Кауфман генерал Крижановский томонидан тузилган шартнома асосидаги чегаралар ҳолатини тан олмай, Бухоро амирига чегара масаласи бўйича янги таклифларни жўнатди ва амирдан уни тасдиқлашни сўради.²⁰⁶

Ушбу таклиф бўйича ўзаро музокаралар анча чўзилиб кетди. Шу билан бирга, бухороликлар томонидан доимий равишда Жиззах ва унга яқин ҳудудларда турли хил ҳарбий ҳаракатлар амалга оширилиб турилди.

1867 йил июл ойида Султон Содиқ Кенесарий ўз одамларини Жиззах йўналишига жўнатди. Улар Зооминдан 6 август кuni катта миқдорда чорва молларини ҳайдаб кетишди. Бундай

²⁰⁴ Павлов Н. Г. История Туркестана. В связи с кратким историческим очерком сопредельных стран. —Т., 1910. 129—131.

²⁰⁵ Бу ҳақда муфассал қаранг: Абдурахимова Н. А. Колониальная система власти в Туркестане. Вторая половина XIX—начало XX вв. // АДД, —Т., 1994-68 с; Абдурахимова Н., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX-I четверти XX вв.—Т.: Университет, 1999.—160 с.

²⁰⁶ Қаранг.: Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских, часть II. 262 ва кейинги бетлар.

ҳаракатларнинг тез-тез такрорланиб туриши, рус қўшинларини таҳликага солиб қўйди.

Ушбу ҳаракатлар 1868 йил бошида ҳам давом этди. 7 март куни Ухум ёнида қаттиқ тўқнашув содир бўлди. 1868 йил 15 апрел куни Бухоро қўшинлари Челек беги раҳбарлигида Жиззах шаҳридан 5 верст узоқликдаги рус лагерига ҳужум уюштиришди.

Генерал Кауфман Самарқанд атрофида Бухоро амири катта қўшин тўплаётганлиги ва ҳужумга тайёргарлик кўраётганлиги тўғрисида маълумот олгандан сўнг, зудлик билан ҳарбий ҳаракатлар бошлаш учун тайёргарлик кўра бошлади.

1868 йил 18 апрел куни генерал Кауфман Тошкентдан Жиззахга қараб йўлга чиқди. Апрель ойи охирига келиб ушбу йўналишда 25 та рота пиеда, 7 та юзлик казаклар, 16 та тўп, жами 3600 кишилик қўшин жамлади ва Бухорога қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаш учун йўлга чиқди. 1868 йил 1 май куни Зарафшон воҳасига етиб келди ва Бухоро қўшинлари билан тўқнашди.²⁰⁷

Рус қўшинлари Тошкўприкдан 1 май куни йўлга чиқиб Зарафшон дарёсига яқинлашганда, бухороликлар қаршилигига дуч келди, аммо қисқа муддатли ўзаро отишмалардан сўнг рус қўшини яна ўз ҳаракатини давом эттирди.

Рус қўшинлари қўмондони генерал Кауфман олдида Бухоро амири элчиси келиб, ундан ҳарбий ҳаракатларни тўхта-тишни сўрайди, аммо генерал Кауфман элчиларга қўшин тунги дам олишга тўхтагандагина ўзаро музокарага кири-шишини билдирди.

Рус қўшини боғлар ичидан текисликка чиққач, дарёнинг нариги бетида жуда катта тепаликда бухоролик лашкарларни кўрди. Уларнинг кўплиги ва ҳужумга ўтишга тайёр турганлиги сабабли дарёдан кечиб ўтиш оғир бўлишини англаган генерал Кауфман элчига мурожаат қилиб, *„бухороликлар ҳарбий жиҳатдан тайёр ҳолатда бўлганлиги учун биз ётоққа тўхтаб олмаймиз, мана шунинг учун ҳам ўз вакилларингдан биронтасини жўнат, улар тепаликдан кетишсин, ундан кейин сизлар билан музокара олиб борамиз“*, — деди. Агар бухоролик қўшинлар тепаликдан олиб кетилмаса, биз ҳужумга ўтамиз деб огоҳлантирди.²⁰⁸

²⁰⁷ Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. ч. II., с.262.

²⁰⁸ Иванов Д. Л. Под Самаркандом. Рассказ новичка. (Из старых записок 1868 года). // Военный сборник, 1876, № 2, с. 378—379. (Ушбу хотиралар тула ҳолатда “Военный сборник” журналининг 1876 йилги 1-2, 4-5-6-сонларида чоп этилган).

Мана шу пайтда рус қўшинларининг ўнг ва чап тарафларида бухоролик лашкарлар пайдо бўлиб қолди. Рус зобитлари уларни тарқатиб юборишга муяссар бўлишди.

Дарёнинг нариги бетига вакил юборилганлигига икки соатдан ошган бўлишига қарамай, жавоб келмагач, генерал Кауфман элчига ҳужумга ўтишини билдирди. Шунда элчи ундан яна қўшимча вақт беришини ва ўзи бориб қўшинни тепаликдан олиб кетишини айтади. Генерал Кауфман элчига бир соат вақт беради. Элчи генералга тинчлик шартномасини қолдириб, нариги қирғоққа йўл олди. Генерал Кауфман тинчлик шартномасини кўриб ҳайрон қолади, чунки бу ўзи юборган нусха эмас, балки Бухоро амири томонидан ўзгартиришлар киритилган тинчлик шартномасининг янги нусхаси эди.²⁰⁹

Белгиланган вақт ўтгандан кейин ҳам тепаликдаги Бухоро қўшинлари орқага қайтмади ва ҳатто улар ўз тўпларидан рус қўшинларига қарата бир неча маротаба ўқ узишди. Шундан кейин генерал Кауфман ўз қўшинига ҳужумга ўтишга буйруқ берди. Рус қўшинлари зудлик билан дарёни кечиб ўтиб, ҳар тарафлама қаттиқ ҳужум уюштиришди. Рус қўшинларининг бир вақтнинг ўзида тўғридан, чап қанотдан, ва ўнг қанотдан ҳужум қилиши бухороликларни шошириб қўйди. Бухороликлар ўз лагерлари, қурол-аслаҳа ва анжомларини қолдириб чекинишга мажбур бўлишди. Руслар бухороликларнинг 21 та тўпини ва ҳарбий лагерини ўлжа қилиб, қўлга киритишди.

Чўпонота тепалигида бўлган жангда руслардан 2 киши ўлдирилди, 31 киши яраланди ва 7 киши контузияга учради.²¹⁰

1868 йил 2 май куни Самарқанд аҳли шаҳар дарвозаларини очиб, шаҳарни русларга топширди.²¹¹

1868 йил 6 май куни майор фон Штемпель бошчилигидаги отряд Челакни эгаллаш учун жўнатилди ва 8 май куни Челакни қўлга киритган қўшин Самарқандга қайтиб келди.

1868 йил 11 май куни полковник Абрамов бошчилигидаги 6 та рота пиёдалар, 2 та юзлик казаклар, отларга бириктирилган 4 та тўп, 4 та ракета мосламаларига эга бўлган рус қўшини Ургут шаҳрини эгаллаш учун йўлга чиқди. Полковник Абрамов Ургутга яқинлашгач, бек билан музокара олиб борди. Музокаралар деярли бир кунга чўзилди. Аммо бирон-бир

²⁰⁹ Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. ч. II, с.262.

²¹⁰ Йорк-фон-Вартенбург. Рост России в Азии. с.52.

²¹¹ Зиёев Х. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. —Т.: Шарқ, 2001. 148- бет.

тўхтамга келинмади. Полковник Абрамов тинч йўл билан ургутликлар шаҳарни топширмаслигига кўзи етгач, ўз қўшинини ҳужум бошлашга даъват этди. Икки ўртада ниҳоятда қаттиқ ва мурасасиз кураш бошланиб кетди. Ургутликлар русларга қарши аёвсиз кураш олиб боришди. Ҳатто, жуда кўп ҳолатларда ургутликлар қарши ҳужумга ҳам ўтиб турдилар.

Рус қўшини ниҳоятда яхши қуроолланган бўлиб, артиллериядан тўхтовсиз ўт очиб турди. Натижада 12 май куни соат 3 ларда рус қўшинларининг пистирмадаги кучи Ургутга ҳужум билан киришга ва аркни эгаллашга муваффақ бўлди.

Полковник Абрамов Ургутни эгаллаб бўлгандан сўнг, 14 май куни Самарқандга қайтди.²¹²

1868 йил 16 май куни Сирдарё вилояти қўшинлари кўмондони генерал-майор Головачев бошчилигидаги рус қўшини Каттақўрғон шаҳрини эгаллаш учун жўнатилди. 17 май куни улар Каттақўрғон шаҳрига етиб келди. Бухоро қўшинлари жангсиз шаҳарни тарк этишгач, шаҳар аҳолиси генерал Головачев ҳузурига чиқиб, унга тобе эканликларини билдиришди. 18 май куни генерал Головачев бошчилигидаги рус қўшини Каттақўрғон шаҳрига кириб аркни эгаллади. 21 май куни генерал-адъюдант Кауфман Каттақўрғонга ташриф буюрди ва 24 май куни Самарқандга қайтди.

1868 йил 27 май куни рус қўшинлари полковник Абрамов бошчилигида Самарқанд шаҳридан 16 верст²¹³ (узунлик ўлчови, 1,0668 км га тенг) жанубий-ғарбда жойлашган Қоратепа қишлоғига жўнатилди. Ушбу қишлоқда Шаҳрисабз беклари ўз қўшинларини тўплаб, рус қўшинларига қарши ҳужумга тайёргарлик кўришаётган эди.²¹⁴ Рус қўшинлари Қоратепа қишлоғига етиб келмасдан уларга 10 мингдан ошиқ Шаҳрисабз беклари тўплаган ҳарбий қўшин рўпара бўлди. Икки орада қаттиқ жанг бошланиб кетди. Дастлабки ушбу тўқнашувда рус қўшинлари устун келишади. Орадан 4—5 соат ўтгач, Шаҳрисабз бекларининг 15 мингдан иборат бўлган янги кучлари русларга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаб, ҳужумга ўтишди. Жанг ниҳоятда аёвсиз ҳолда 5 соатдан ошиқроқ вақт давом этди. Бу жангга ҳам рус қўшинларининг қўли баланд келди.

²¹² Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. ч. II, с. 262; Павлов Н.Г. История Туркестана, с. 264—268.

²¹³ Верст — узунлик ўлчови. 1 верст 1,0668 км.га тенг.

²¹⁴ Йорк-фон-Вартенбург. Рост России в Азии, с.53.

Каттақўрғон учун бўлиб ўтган жангдан сўнг мағлубиятга учраган Бухоро қўшинлари аста-секин чекиниб, Зирабулоқ тепалиги ёнида тўплана бошлади. Зирабулоқ тепалиги Каттақўрғон шаҳридан 16 вёрст узоқликда жойлашган эди. Бухоро қўшинлари Зирабулоқдан туриб вақт-вақти билан русларга ҳамла уюштириб туришди.

Жумладан, 1868 йил 23 май куни Султон Солиқ Кенесарий бошчилигидаги бухороликлар Нурота томондан рус лагерига ҳужум уюштиришди. 27 май куни эса Бухоронинг отлик лашкарлари Каттақўрғон яқинидаги рус ҳарбийлари лагерига ҳужум уюштирди.

29 май куни тўплар ёрдамида бухоролик отлиқлар яна рус ҳарбийлари лагерига ҳужум уюштиришди. Рус қўшинлари артиллерия ёрдамида ушбу ҳужумни қайтаришга муваффақ бўлди.

Умуман олганда, бухороликларнинг Каттақўрғон яқинида рус ҳарбийлари лагерига доимий равишда ҳужум уюштириб туриши, уларни танг аҳволга солиб қўйди.

Ушбу ҳолат тўғрисидаги хабарни олгандан сўнг, генерал Кауфман зудлик билан Каттақўрғондаги рус ҳарбийларига ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқди.

1868 йил 30 май куни генерал Кауфман 10 та пиёдалар ротаси, 3 та юзлик казаклар ва 6 та тўп расчётидан иборат қўшинга бош бўлиб, Самарқанддан Каттақўрғонга қараб йўлга чиқди ва 1 июл куни Каттақўрғонга етиб борди. Генерал Кауфман Каттақўрғон шаҳри мудофааси учун 2 та ротани қолдириб, 2 июл куни 18 рота, 6 та юзлик ва 14 та тўп расчётидан иборат катта ҳарбий куч билан бухороликларга қарши жангга отланди.²¹⁵

Бухороликлар Зирабулоқ тепалигида жойлашиб, босқинчи рус қўшинларига қарши урушга тайёрланиб, Каттақўрғон йўли томон жанговар ҳолатни эгаллашди. Зирабулоқ тепалигида бухороликлар томонида 6 минг пиёда, 15 минг отлик суворийлар ва 14 та енгил тўп мавжуд эди.²¹⁶

Рус қўшинлари бухороликлар устига икки йўналиш бўйича ҳужум уюштиришди. Биринчи ҳарбий бўлинмага полковник Пистолькорс раҳбарлик қилди. Иккинчи ҳарбий бўлинмага эса полковник Абрамов бошчилик қилди. Полковник Абрамов

²¹⁵ Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. ч. II, с.266.

²¹⁶ РДХТА, 483-жамғарма, I-рўйхат, 1193- иш, 7—12-бетлар.

ҳарбий қўшини таркибида 8 та рота пиёдалар ва 8 та тўп расчёти бўлган бўлса, полковник Пистолькорс ҳарбий отряди 7 та рота, пиёдалар, 6 та юзлик казаклар ва 4 та тўп расчётидан иборат эди.²¹⁷

Дастлабки ҳужумни русларнинг ўнг бўлинмаси бошлаб берди. Ҳужум тўп отишлари остида олиб борилганлиги учун ҳам бухороликлар танг аҳволга тушиб қолишди. Мана шундай оғир бир пайтда русларнинг чап бўлинмаси ҳам ҳужумга ўтди. Натижада Бухоро қўшинлари русларнинг икки томонлама берган зарбасига дош беролмай, Зирабулоқ тепалигида қанчалик қаттиқ қаршилиқ кўрсатишига қарамай, чекинишга мажбур бўлди.

Руслар Зирабулоқ тепалигида ғалабани қўлга киритган бир пайтда, шаҳрисабзлик ватанпарвар кучлар Самарқандга ҳужум уюштириши натижасида, Самарқанд шаҳрида кўзғолон бошланиб кетганлиги ва рус қўшинлари қамал ҳолатига тушганлиги тўғрисида хабар етиб келди.²¹⁸

Генерал Кауфман шошилиқчи равишда рус ҳарбий кучларини орқага — Самарқандга қайтаришга мажбур бўлади. Ҳақиқатдан ҳам Самарқандда аҳвол ниҳоятда оғир эди. Генерал Кауфман Каттақўрғонга кетиши олдидан Самарқандда майор Штемпель раҳбарлигида 4 та рота пиёдалар, 1 та рота сапёрлар, 2 та батарея тўпчиларни қолдириб кетган эди. Майор Штемпель қўл остида Самарқанд шаҳри ҳимояси учун жами 658 кишидан иборат бўлган ҳарбий куч мавжуд эди.²¹⁹

Полковник Вартенбург маълумотларига қараганда, Самарқанд шаҳрига ҳужум қилганларнинг умумий сони 65 минг кишини ташкил этган экан.

А. И. Макшеев асарида кўрсатилишича, Самарқанд остоналарида шаҳарни қамал этиш чоғида 25 минг шаҳрисабзликлар, 15 минг хитой-қипчоқлар, 15 мингга яқин самарқандликлар ва унга яқин бўлган қишлоқлар аҳолиси иштирок этишган экан.²²⁰

Уша пайтдаги маълумотларга қараганда, Самарқанд шаҳри топографик жойлашув нуқтаи назаридан тўртбурчак шаклида

²¹⁷ РДХТА, 483-жамғарма, 1- рўйхат, 1183-иш, 11—14 бетлар.

²¹⁸ Мирза Абдал Азим Сами. Тарихи салотини мангития. (История мангитских государей). — М.: ИВЛ, 1962., 66—67- бетлар.

²¹⁹ Макшеев А. И. Кўрсатилган асар. Т. II. 268-бет. Яна қаралсин: Мирза Абдалазим Сами. Тарихи салотини мангитийа. — М.: ИВЛ, 1962, 85- бет.

²²⁰ Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. ч. II, с.268.

жойлашган бўлиб, унинг деворлари узунлиги 13 вёрстан иборат бўлган экан.

1868 йил 2 июн куни эрталаб кўзғолончилар ва ватанпарвар кучлар биргаликда ноғоралар ва карнайлар овози остида „ур, ур“ деган қийқириқ ва бақириқлар остида бутун шаҳар ҳудуди бўйлаб ҳужум уюштиришди. Кўзғолончилар шаҳарга бостириб киришиб, рус ҳарбий кучлари жойлашган аркка қараб юра бошлашди.

Рус ҳарбий кучлари аркка кириб, унинг қаттиқ ҳимоясини ташкил қилишга ҳаракат қилди. Икки орада қаттиқ ва мурасасиз жанг бир неча кун давом этди.²²¹

1868 йил 2 июн куни рус қўшинлари ватанпарвар кучлар ва кўзғолончилар ҳужумини қайтаришга муваффақ бўлишди.

Майор Альбедил бошчилигидаги 77 киши Бухоро дарвозасини ҳимоя қилди. Шаҳрисабзликлар 2 июн куни улар устига икки маротаба ҳужум қилишди. Руслар ниҳоятда оғир аҳволга тушиб қолган чоғда прапорщик Сидоров бошчилигидаги взвод ёрдамга етиб келиб, шаҳрисабзликлар ҳужумини қайтаришга муваффақ бўлишди.

Аркнинг Самарқанд дарвозаси прапорщик Машин раҳбарлигидаги 31 кишидан иборат ҳарбий куч томонидан ҳимоя қилинди. Ушбу йўналишда оғир жанг бўлди. Руслар ниҳоятда оғир аҳволда қолишди. Мана шундай пайтларда уларга ўз вақтида бошқа резерв кучлар ёрдамга етиб келиб турди. Жумладан, капитан Шепетилло захирадаги кучлар кўмагида Машинга ўз вақтида ёрдам берди.²²²

3 июн куни ҳам оғир жанглар давом этди. Кўзғолончилар ва ватанпарварлар бор кучлари билан аркни эгаллашга ҳаракат қилишди. Айниқса, соат 3 ларга бориб ҳужум шунчалик кучайдики, рус қўшинлари ниҳоятда танг ҳолатга тушиб қолди. Бироқ кўзғолончилар ва ватанпарвар кучлар ўртасида Бухоро қўшинларининг Каттакўрғон атрофида, жумладан, Зирабулоқ тепалигида мағлубиятга учраганлиги тўғрисидаги хабар тарқалиши билан саросима бошланиб кетди ва бирзумда кўзғолончилар ўз-ўзидан жанг майдонини тарк этиб, Чўпонота ва Ургут тарафга чекина бошлашди.

²²¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. I китоб: Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида, 115-116-бетлар.

²²² Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. ч. II. с. 269-270.

Кечқурун соат 5 ларга яқин кўзғолончилар яна ўзларига келиб, ёрдам кучлари келмаётганлигини кўриб, қайта ҳужумга ўтишди.

Зирабулоқ тепалигида рус кўшинларининг ғалабаси тўғри-сидаги хабарнинг тарқалиши ва шахрисабзликларнинг Самарқанд қамалини тўхтатиб, Ургут томон кетиб қолиши, кўзғолончилар кучини камайтириш билан бир қаторда, уларнинг шаштини ҳам қайтариб қўйди. Бу эса ўз навбатида, ниҳоятда оғир аҳволга тушиб қолган қамалдаги рус ҳарбийларига қарши кураш олиб бориш учун янги бир илинж пайдо бўлишига сабаб бўлди. Русларнинг арқдаги кучлари кўзғолончилар кучи бўлин-гандан сўнг, уларга қарши ҳимояни кучайтириб, бор кучлари билан қарши турдилар. 8 кунлик қамал натижасида рус кўшин-лари томондан 49 киши ўлди, 172 киши оғир яраланди.²²³

Генерал Кауфман Штемпель томонидан юборилган чопар-дан ёрдам сўраб юборилган хатни олиши биланоқ, асосий ҳарбий кучни Самарқандга қараб зудлик билан қайтарди ва 8 июн куни Самарқандга етиб келиб, кўзғолончиларга қарши ҳужумга ўтди ва кўзғолонни бостиришга муваффақ бўлди.

Ҳар иккала томондан Самарқандда бўлиб ўтган жангга жуда кўплаб киши ҳалок бўлади.

Генерал Кауфман кўшинлари кўзғолонни шафқатсизларча бостиради. Улар шаҳарнинг кўзғолончилар ва ватанпарвар кучлар мавжуд бўлган ҳудудларини, хусусан шаҳар бозорини қаттиқ ўққа тутишди. Кўзғолончилар ва ватанпарвар кучлар, русларнинг мадад кучлари етиб келгач, ниҳоятда ночор аҳволга тушиб қолишади ва катта талофотлар бериб, мағлубиятга учрайди. Кўзғолончиларнинг мағлубиятга учрашининг яна бир сабаби, шахрисабзлик беклар генерал Кауфман бошчилигидаги ҳарбий кучларнинг ёрдамга келаётганлигини эшитгандан сўнг, Самарқандни ташлаб чиқиб кетишганди. Бошқача таъриф-лаганда, кўзғолончи ва ватанпарвар кучлар ўртасида бирдам-ликнинг йўқлиги ва ягона раҳбарликнинг шакланмаганлиги жуда катта кучнинг бўлиниб кетишига сабаб бўлди. Энг муҳими, ҳамюртларимизнинг қурол-яроғлари ўта замонавий ва реактив мосламали қуролларга эга бўлган рус кўшинлари қуролларидан орқада эканлиги, уларнинг (кўзғолончиларнинг) қурол-яроғлари содда қуроллардан иборат эканлиги, урушиш тактикаси ва стратегиясининг йўқлиги — мағлубиятга учрашига асосий омил бўлиб хизмат қилди.

²²³ Йорк-фон-Вартенбург. Рост России в Азии, с.56.

Муҳаммад Солиххўжа Тошкандийнинг „Тарих-и жадидаи Тошканд“ асарида (49^a—51^b) Самарқанд мудофаачиларининг гуруҳлари кўрсатилади. Унга биноан, қалмоқ қабиласига Тўхтамишбек, тошкентлик дасталарга Рустамбек додхоҳ, Гадейбий, Йўлдошбек, Мусо Муҳаммадий, Юсуф Алибий, фарғоналиклар гуруҳига Файз Саркор, ўратепалик кучларга Абдуғаффор девонбеги, Бухоронинг етти тумани кўшинига Ҳожи Мелибой ва Усмонбек раҳбарлик қилган экан.²²⁴

Ушбу кўзғолон ҳақиқатан рус босқинчиларига қарши кўтарилган биринчи халқ озодлик ҳаракати намунаси эди.

Самарқанд шаҳрида халқ томонидан кўтарилган кўзғолон маҳаллий тарихчилар томонидан ҳам ўз вақтида ёритилган. Жумладан, А.Сомий ўзининг „Манғит сулолалари тарихи“ номли асарида ушбу кўзғолонни батафсил баён қилган. Куйида биз ана шу бебаҳо манба асосида кўзғолоннинг энг муҳим томонлари тўғрисидаги маълумотларни янада кенгроқ очиш мақсадида фикр юритамиз.

Абдумалик тўра²²⁵ барча озодлик тарафдорларини тўплаб, қуролланиб бўлишгач, уларга бошчилик қилиб, русларга қарши курашиш учун 1868 йил май ойининг охирида Гузордан чиқиб, Шаҳрисабз орқали Самарқандга йўл олдилар.²²⁶ Шаҳрисабз ва Китоб ҳокимлари тўрага пешвоз чиқиб, кенегаслардан тузилган ғозийлар билан тўра лашкарларига қўшилди. Улар Тахта Қорача довонидан ўтиб, Самарқандга етиб бордилар. Шу пайтда насронийлар Каттақўрғонда Бухоро кўшинларига қарши турар эди. Забт этилган Самарқандда оз миқдорда рус кўшинлари бор эди. Амир лашкарлари эса Зирабулоқ остонасида жангга тайёргарлик кўраётган эди.

Тўра лашкарлари 1868 йил июн ойида Самарқандга ҳужум бошлади. Кутилмаган бу зарба Туркистон генерал-губернаторини шошилтириб қўйди.²²⁷

²²⁴ Муҳаммад Солиххўжа Тошкандий ўзининг "Тарих-и жадидаи Тошканд" асарида (55^a—65^a) Абдумалик тўра ва Султон Содиқ Кенесарий ҳақида қимматли маълумотларни берганини Ш. Воҳидов уз диссертациясида таъкидлайди. 229- бет.

²²⁵ Мазкур маълумот Ш. Воҳидовнинг диссертациясидан олинди (229- бет).

²²⁶ Ушбу кўзғолон тарихи, унинг тафсилотлари ва унинг босқинчилари тўғрисида А. Одилов томонидан „Бухоро амирлигида миллий-озодлик ҳаракатлари тарихи“ мавзусида (Тошкент—2003) махсус номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинганлиги учун биз умумий баён билан чегараландик.

²²⁷ Чориев З., Жўраев А. Фузор тарихидан лавҳалар. —Қарши: Насаф, 1997, 21- бет.

Карманада оғир аҳволда қолган амир ўз уламолари Садриддин қози, Абдулло ҳўжа Аълом эшон, Самарқанд қозикалони Маҳмудхон эшон, амирлардан Абдулғофирбий иноқ, Тўхтамишбийхон иноқ, Абдулкаримбий девонбеги, Каримқулбий иноқ ва бошқа қатор ўзига яқин кишилар билан нима қилиш кераклиги ҳақида маслаҳатлашишга қарор қилди. Узоқ давом этган тортишувлардан сўнг уларнинг ҳаммаси Хоразм сари қочишга қарор қилдилар. Охирги дақиқаларда амир ҳибсадаги Шукурбийни келтириб, унинг ҳам маслаҳатини олди.

Амир Шукурбий иноқни (ҳукмдорнинг аниқ маслаҳатчиси) қамоқдан озод қилиб ўз олдига олиб келишни буюради ва у билан яккама-якка суҳбатлашади. Амир унга вазиятни тушунтириб, биродарлари унга Хоразм сари қочишни маслаҳат беришганини баён қилади. Шукурбий аввало кечирим сўраб, ўзининг амирга ҳеч қандай қаршилиқ қилмаганини, давлатни ташлаб қочиш душман қўлига тушмоқдан ёмонлигини тушунтиради. Самарқанднинг қўлдан кетиши Бухорои Шарифнинг қўлдан кетиши эмаслиги, генерал-губернаторга сулҳ тузиш тўғрисида гап солиб кўриш лозимлигини уқтиради ва амирни унга ишонтиради.²²⁸

Амир сулҳ тузиш тўғрисида дарҳол мактуб ёзиб, уни генерал-губернатор Кауфманга юборади. Гарчи Кауфман Зирабулоқда ғалабага эришган бўлса-да, Самарқандда Абдумалик тўра томонидан берилган зарбадан анча эсанкираб қолган эди. Шунинг учун ҳам у амирнинг сулҳ тўғрисидаги таклифини дарҳол қабул қилади.

Натижада Россия билан Бухоро амирлиги ўртасида 1868 йил 28 июнда сулҳ имзоланади.²²⁹

Абдумалик Тўранинг лашкарлари қалъага кириш йўллари эгаллаб олган бир пайтда, тўра лашкарларига хитойкипчоқ, қора-қипчоқ қабилалари ва Самарқанднинг тоғ ҳудудларидан иборат янги кучлар келиб қўшилди. Тўра лашкарларининг зарбасидан қамалдагилар оғир аҳволда қолди.

Уч кеча-ю, кундуз давом этган жангдан кейин, Абдумалик тўра лашкарлари қалъага кирдилар. Ғалаба нашидаси яқин

²²⁸ Мирза Абдулазим Сомийнинг "Тарихи салотинийа манғитийа" асаида ушбу воқеа батафсил баён этилган.

²²⁹ Ушбу сулҳ тўғрисида монографиянинг кейинги бобида батафсил маълумот берилган.

қолган пайтда кутилмаган ҳодиса юз берди, яъни кўзғолончиларнинг асосий қисми қалъани ташлаб Шаҳрисабз томон йўл олдилар. Худди мана шу вақтда Шаҳрисабз ва Китоб беклари қўлига хат келиб тушади.

Шаҳрисабз ва Китоб беклари хатни ўқигач, ўз болалари ва хотинларининг душман қўлига тушиб қолишидан чўчиб, ғалабага оз қолганда, яъни 3 июл куни жанг майдонини тарк этдилар. Тўра ва унинг лашкарлари бу хатнинг асосизлигини ҳар қанча уқтирсалар ҳам, уларни тўхтатиб қололмадилар. Хуллас, бир ёлғон хат билан ғалаба барбод бўлди. 1868 йил 7 июлда тўра ҳам Самарқандни тарк этиб, Дарғомга яқин бир жойда қароргоҳ қуриб, юз берган аянчли воқеа оқибатларидан бирор хулосага келолмай оғир аҳволга тушиб қолди.

Кенегас, Қарши ва Ғузор лашкарлари Самарқанддан Тахтақорача орқали ўз юртларига шошилдилар. Тўра жуда оз қўшин билан қолади. 8 июл куни Самарқанддаги рус қўшинларига ёрдамчи куч етиб келди. Улар тўра қўшинларининг изидан тушдилар. Тўра эса Дарғом кўпригини мустаҳкамлаб, руслар йўлини тўсиб қўйди. Тўрага ёрдамга етиб келган Умар Даҳбедий лашкарлари ҳам русларга қарши жанг қилди. Аммо тўп ва милтиқлар билан қуролланган рус қўшинларининг берган зарбасига чидай олмай, тўра қўшинлари чекинди. Бу жангда тўра жуда кўп аскарларидан айрилиб, Тахтақорача орқали Шаҳрисабзга чекинди.

Абдумалик тўрани шаҳрисабзликлар очиқ чеҳра билан самимий кутиб олдилар. Беклар билан тўра ўртасидаги суҳбатда Самарқанд воқеаси эсланиб, хатни Мўминбек тўқсоба уюштиргани маълум бўлди. Шаҳрисабз ва Китоб беклари зиёфат уюштириб, тўрага содиқликларини изҳор этдилар. Тўра Ғузорга келиб, шу жойда яшай бошлади.²³⁰

Абдумалик тўра амирнинг ўзига қарши қўшин юборганини эшитгач, ўз кучларини жамлаб, Қарши йўлидаги Фоний тепада жангга тайёрлана бошлади. Қўшин ҳисобида камчиликни ташкил қилган Абдумалик тўра қўшини жангда енгилиб, Ғузорга чекинди. Қарши қўшинлари тўрани таъқиб қилиб, Ғузорни қамал қилдилар.

Йўлдош ва Тоғаймурод эшикоғабошилар Ғузорнинг Дарёбод дарвозаси олдида Худоёр эшикоғабоши билан учраш-

²³⁰ Чориев З., Жўраев А., Ғузор тарихидан лавҳалар. 23—25- бетлар.

дилар ва Абдумалик тўра масаласида бир қарорга келдилар. Маслаҳат бўйича, тўра икки-уч кун Шаҳрисабз тоғларига чиқиб кетиб, у жойда янги хабарни кутиб туриши зарур эди. Йўлдош ва Тоғаймурод эшикоғабoshiлар тўрани тириклай ушлаш мумкин эмаслигини айтиб, амирни ғазабдан туширишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

Кенегас ҳокимларининг кўрсатмаси билан тўра 400 нафарга яқин қўшин ҳамда яқин кишилари билан Яккабоғ туманига қарашли мустаҳкам Тошқўрғон қалъасига жойлашди.²³¹ Шу воқеадан сўнг, Фузор яна амир мулкига айланди. Кўнғиротлар томонидан қувилган Шеробод ҳокими Каримқул иноқ Фузорга ҳоким этиб тайинланди.

Амир Абдумалик тўрани қўлга тушириш учун яна катта қўшин билан Шаҳрисабзга йўл олди. Амир Тезобкент мавзесида қўноқ топиб, Шаҳрисабз ҳокими Ҳакимбекбий ва Китоб ҳокими Жўрабекбийларга мактуб йўллаб, улардан тўрани тутиб келишларини илтимос қилди. Шунда ҳам, иккала ҳоким ўзаро маслаҳатлашиб, тўра ўз отасига қарши исён кўтарган эмас, балким у мусулмонлар обрўсини кўтариш учун ғайридинларга қарши курашди, аммо айрим номуносиб кишилар тўрани сизга ёмонлаб боргани учун, у бизнинг мулкдан ўзига паноҳ излаб келди. Шунинг учун биз меҳмонни қўл-оёғини боғлаб сизга топширмаймиз, — дейишади. Падари бузруквор сифатида тўранинг гуноҳини кечирсангиз, биз ҳам айбларимизга иқрор бўлиб, ўзимизни сизга тобе деб биламиз, деган мазмунда жавоб хати йўлладилар.²³² Жавоб хатини ўқиб кўргач, амирнинг қаттиқ жаҳли чиқиб, ўз қўшинларига ҳужум бошлашга фатво берди. Қаттиқ жанг бўлиб, ҳар икки томондан кўп одамлар қирилди.

Жанг авжига чиққан бир пайтда, амирга Бухородан Сиддиқтўра қозоқ (тўранинг буйруғи билан бўлса керак) ҳужум бошлагани тўғрисида нохуш хабар келди. Амир бошланган жангни дарҳол тўхтатишга фармон бериб, Бухорони душмандан ҳимоя қилишга шошилди. Амир қўшинлари Бухорога қайтганини эшитгач, тўра Тошқўрғондан ўз навкарлари билан чиқиб, Фузорга келди ва Фузорни яна эгаллаб, амир лашкарлари изидан Косонгача борди.

²³¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1 китоб: Туркистон Чор Россияси мустамакчилиги даврида, 121-бет.

²³² Чориев З., Жўраев А., Фузор тарихидан лавҳалар. 24-бет.

III.3. Бухоро билан чор Россияси ўртасидаги тинчлик шартномасининг имзоланиши ва унинг оқибатлари

Зирабулоқ тепалигидаги қаттиқ жанг ва мағлубиятдан ҳамда Кауфман қўшинлари томонидан Самарқанд шахрининг қайта эгалланишидан кейин, Бухоро амири Саййид Музаффархон ниҳоятда танг аҳволга тушиб қолди ва руслар билан сулҳ тузишдан бошқа иложи қолмади. Ушбу ҳолатда русларнинг мавқеи Бухорога нисбатан устун эди.

1868 йил 22 июн куни Бухоро амири Саййид Музаффархон номидан Бухоро элчилари Самарқандга генерал Кауфман хузурига ташриф буюришиб, ўзларининг тўла мағлуб эканликларини билдиришиб, амир сулҳ тузишга тайёр эканлигини маълум қилишади.

Бухоро амирига Тинчлик тўғрисидаги биринчи шартнома шартлари 1866 йил 12 сентябрда Оренбург генерал-губернатори Крижановский томонидан таклиф қилинган эди.²³³ Ушбу шартномада кўрсатилишича, Амир Қўқон хонлиги ишларига аралашмаслик, тинчлик таъминланганини исботловчи қуйидаги шартларни ёки мажбуриятларни ўз зиммасига олиши керак эди: а) рус фуқароларининг Бухоро ҳудудида фаолият кўрсатётганларида, уларнинг эҳтиёжини қондириш учун амир олдига кириб, барча вақтларда мурожаат қилишлари учун рус карвонбошиси лавозимини сақлаб туриш; б) Бухоро шаҳарларида русларнинг товарларини сақлаб туриш учун карвонсаройлар қуришга рухсат бериш; в) рус савдогарларини Бухоро фуқарolari билан бир хил тенгликда тўловлар ва солиқлар тўлаши назарда тутилган эди.

Бу тинчлик шартномаси 10 та бўлимдан иборат бўлиб, у рус маъмурлари томонидан трактат ҳолатига келтириб, ўрганиб чиқиш ва ўз розилигини билдириш учун Бухоро амирига жўнатилди. Лекин, белгиланган вақтда Бухоро амири томонидан тинчлик шартномасини маъқулловчи жавоб бўлмади. Руслар билишдики, Бухоро амири очикчасига ва ўз хоҳиши билан бу шартларга кўнмайди. Бу шартномага жавоб қайтариш учун белгиланган вақт ўтиши билан 1867 йил 23 сентябрдан сўнг рус қўшинлари томонидан Бухоро шаҳарлари ҳисобланган Уратепа, Янги Қўрғон, Жиззахга ҳужум уюштирилди ва ушбу ҳудудлар эгаллаб олинди.

²³³ Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. ч. II, с.247.

Ушбу ҳудудлар қўлдан кетгач, Бухоро амири Кауфманга мурожаат қилиб, Янги Қўрғонни қайтариб беришни ва бунинг эвазига Бухоро қўшинларини тарқатиб юборишини ваъда берди. Кауфман бу таклифга рози бўлди ва бунинг эвазига Оренбург генерал-губернатори томонидан таклиф этилган тинчлик шартномасини янгитдан киритилган баъзи бир ўзгартиришлар билан қабул қилиши ва имзолашини қатъий талаб қилди.

Ушбу шартномани тузиш борасидаги ёзишмалар ва фикр алмашиш жараёни 7 ойга чўзилди. Амир турли хил йўллар ва баҳоналар орқали ушбу шартномани қабул қилиш ва уни имзолашни орқага суришга ҳаракат қилди. Амир тинчлик шартномасини имзолашни маълум вақтга чўзишдан кутган асосий мақсади, энг аввало вақтдан ютиш эди. Шу билан бирга, у Қўқон, Қашқар, Афғонистон, Хива билан музокара-лар олиб бориш ва улар билан ҳамкорликда кучларни бирлаштириб, Россияга қарши ҳаракат қилишга интилди. Туркияга ўз элчиларини ёрдам сўраб юборди, лекин улардан бирон-бир ижобий жавоб ололмади.

Бу ҳолат русларнинг ғазабини кўзғатди. Рус ҳукуматининг Туркистондаги маъмурлари ўз таклифларига рад жавобини олгач, Бухорога қарши ҳарбий ҳаракатларини бошлаб юборишди. Бухоро қўшинлари 1 майда Чўпонота тепалигида, кейин Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида, кейинроқ эса Ургут ва Қоратепеда, 2 июнда Зирабулоқ тепалигидаги жангларда енгилди.

Шундан сўнг, амир Музаффар Кауфманга сўзсиз таслим бўлганлиги ҳақида мактуб юборди.²³⁴

Шу тариқа Бухоро тақдири руслар қўлида қолди. Амирнинг руслар қўйган шартномага рози бўлишдан ўзга чораси қолмади.

1868 йил 23 июнда имзоланган шартнома тинчлик шартномаси эмас, балки ўз характери жиҳатидан кўпроқ ултиматумга ўхшарди. Бухоро амири ноиложликдан имзолаган бу шартнома 2 йил олдин амир томонидан имзоланмаган шартномадан албатта тубдан фарқ қиларди.

Крижановский томонидан таклиф этилган 1867 йил сентябрдаги шартноманинг биринчи лойиҳаси 10 та бўлимдан иборат бўлиб, жумладан:

1-бўлимда Россия ва Бухоронинг янги чегаралари кўрсатилган;

2-бўлимда келишилаётган томонлардан белгиланган одамларни чегараларни аниқлаб олиш учун юбориш;

²³⁴ Макшеев А.И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. ч. II, с. 248.

3-бўлимда иккала томон ҳам чегара хавфсизлигини таъминлашни ўз бўйнига олиши;

4-бўлимда рус савдо агентларини Бухоро амирлигида бемалол юришларини амир томонидан қафолатланиши;

5-бўлимда рус фуқароларининг хоҳлаган жойларида карвонсарой қуришларига имкон яратиш;

6-бўлимда рус фуқароларининг тўловларни тўлашда амирлик фуқаролари билан ҳуқуқларини тенглаштириш;

7-бўлимда рус фуқароларига Бухоро ҳудудига кўчиб келишига ва кўчмас мулкка эга бўлиш ҳуқуқини бериш;

8-бўлимда рус фуқаролари томонидан йўл қўйилган жиний ишларни Бухоро амирлигидаги суд эмас, балки Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан кўриб чиқилиши;

9-бўлимда рус карвонларини босқинчилар ҳужумидан ҳимоя қилиш амирга юклатилган;

10-бўлимда эса иккала томондан қабул қилинган шартноманинг муқаддаслиги ва бузилмаслигининг мажбуриятини олиш каби талаблар илгари сурилган эди.²³⁵

Тадқиқотчилар диққатини рус ҳарбийларининг Тошкент аҳли билан тузган шартнома моддаларига тортмоқчимиз. Мазкур битим қуйидаги сиёсий вазиятда юзага келганини изоҳлаб „Хулосат ул-аҳвол“ асарининг муаллифи Абу Убайдуллоҳ Тошкандий қуйидаги тарзда хабар беради: Тошкентга Россия қўшини киришдан олдин, ҳижрий 1281 йили зу-л-ҳижжа ойининг 27-сида (1865 йил 23 май) Тошканд катталари машваратга жам бўлиб, Бухоро тобелигига кирмоқчи бўладилар. Аммо улар яна икки гуруҳга бўлиниб кетадилар. Бир тоифа тарафдорлари Маллахоннинг ўғлини (Султон Саидни) хонликка кўтарадилар. Аммо иккинчи гуруҳ бошлиғи мулло Солиҳбек русларга хат юбориб, уларга шаҳар дарвозаларини очиб беришни ваъда берган экан. Қўқон лашкари чиқиб кетгандан сўнг, Россия билан сулҳ тузилади. Алқисса, шаҳарнинг ҳамма аҳолиси тил бириктириб, иттифоқ туздилар. Мулло Солиҳбек²³⁶ бу маънога тан берди. Вилоятнинг катталари ва оқсоқоллари уруснинг улуғларидан бўлмиш „Женерал“ (генерал-таъкид бизники Р.Х.) деган ҳузурига бирлашиб

²³⁵ Савод-и аҳднома-йи давлат-и Бухоро бо рус (Бухоро ва Россия ўртасидаги шартнома нусхаси). Котиб Амир Муҳаммад Сиддиқ Ҳашмат ибн амир Музаффар. // Қулёзма, Ўз ФА ШИ. жамғармаси. 251-сон/V. 193—194-бетлар.

²³⁶ Мулло Солиҳбек, домулло Солиҳ — кейинчалик тошкентликларнинг чор қўшинига қаршилик кўрсатганларнинг раҳбари. Россияга сургун қилинган.

бордилар. Улар сулҳ эшикларини очиб, мазкур шартларни муҳокама қилдилар. Ҳамма қабул қилинди ва генерал ўз тилидан ёзма битим ёзиб берди. Россиянинг ҳамма катталари ўша аҳдномага қўл қўйиб, имзо чекдилар. Раислар бу мактубни шаҳарга олиб бориб, катта йўлларда аҳолига ўқиб бердилар.

Биринчи шарт (қисқартириб берамиз, Р.Х.). Россия ҳеч қачон мусулмонларнинг дини ва шариат ишларига даҳолат қилиб, тааруз** қилмайди ва шариатга зарар етказиб, уни оёқости қиладиган ишни қилмайди.

Иккинчи шарт. Мусулмонларнинг уйларига ижозатсиз ва руҳсатсиз уруслар ҳамда саллотларнинг (солдатларнинг — таъкид бизники Р.Х.) киришлари мумкин эмас.

Учинчи шарт. Ҳеч қачон, хоҳ бир йил, хоҳ йигирма йил, хоҳ юз йил ўтмасин мусулмонлардан саллот олмасин.

Тўртинчи шарт. Васиқалари бор, сотиб олган ёки оталаридан мерос қолган мусулмон ерларидан ва шунга ўхшаган ерлардан хирож ва таноб (пули) талаб қилмасин, шаҳардан узоқда жойлашган ва ҳали олди-сотди жараёнига кирмаган ерлардан фақат ушр (дахяк) олиб, ундан зиёдасини талаб қилмасин.

Бешинчи шарт. Бозордан тарозу ва миршаблар учун қўй бозоридан, туя, от мол ва шунга ўхшаганлардан... закотдан ташқари нарса қабул қилмасин ва бир фулус (ҳам ортиқча) олмасин.

Олтинчи шарт. Нимаики Муҳаммад С.А.В. шариати шарифаси фуқаро зиммасига қўймаган бўлса, шуни мусулмонлардан талаб қилмасин²³⁷.

Келажакда шартномалар Россия давлатининг сиёсий, ҳарбий, минтақавий манфаатларини ҳимоя қилиш ва Россиянинг Ўрта Осиёда мавқеини мустаҳкамлаши талабларидан келиб чиққан ҳолда тузилган.

Бу шартномага Кауфман яна 2 та янги бўлимни қўшиш керак деб ҳисоблади. Энг аввало, Бухоро шаҳарларида рус савдогарларини эркин фаолиятини таъминлаш ва уларни ўз ҳомийлигига олиш ва рус фуқароларининг Бухоро ҳудудида кўчмас мулкка эга бўлишлари учун Туркистон генерал-губернаторининг руҳсатномаси бўлиши кераклигини (7- бўлимда)

** Тааруз — зўравонлик ва даҳолат қилиш маъносига.

²³⁷ Қаранг: Воҳидов Ш. XIX аср — XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши, 177-бет. Яна қар.: Зиёев Х. З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлиги қарши кураш (XVII—XIX аср бошлари), 179 ва кейинги бетлар.

таъкидлаб кўрсатди.²³⁸ Шунингдек, Кауфман томонидан чегара ҳақидаги масалага тўхталган бўлиб, унда Янгиқўрғонни чегара ҳудудига кўшмасликни таклиф қилади, чунки амир руслар Янгиқўрғондан чиқиб кетса, ўз кўшинларини тарқатиб юборишлигини айтганини таъкидлаб ўтади. Бу чекиниш Бухоро амири билан тинчликни таъминлаш мақсадида қилинган эди.

Шу мазмундаги шартнома шартлари Кауфман томонидан Бухоро амирига чегара ва савдо ишларини ҳал қилиб олиш мақсадида юборилган эди.

Шундай савол туғилади, бу шартномада халқаро ҳуқуқий муомалага кирган субъект сифатида Бухоронинг қонуний ҳуқуқлари қай даражада инобатга олинган? Бухоро мустақил давлат сифатида тан олинганми?

Худди мана шу масала 11- бўлимда ўз аксини топган. Бунда амир сиёсий, савдо ва чегара масалалари бўйича Туркистон генерал-губернатори билан келишилган ҳолда ишлаши керак-лиги айтиб ўтилган. Бу масалаларни ҳал қилиш хат орқали ёки ишончли одамларини юбориб, оғзаки мурожаат қилиш билан амалга оширилган.

Бу тахлитда фаолият кўрсатиш тартиби амир ҳуқуқларини ва уни мустақил давлатни бошқариш ҳуқуқларини юридик жиҳатдан чекларди.

Кауфманнинг Осиё департаменти директорига 1867 йил 16 сентябрда ёзган мактубида юқоридаги саволга жавоб топамиз.

Мактубда у шундай дейди: „баъзи бир пунктларга биз умуман тегинмадик. Масалан, амирнинг бизнинг рухсатимизсиз кўшни хонликлар билан ёки бошқа халқлар билан сиёсий мулоқотларга киришишига аралашиш бизга ноқулай ёки ортиқча деб ўйладик. Ноқулайлиги шундаки, Ўрта Осиё иттифоқлари биланми, ишсизлар биланми, мулоқотга киришишдан хабарсиз қолмаймиз. Биз шартноманинг бу пунктини назорат қила олмаслигимиз мумкин. Лекин амир шуни ўйлаши керакки, унинг мамлакатининг истиқболи Россия билан яқиндан иттифоқ бўлишни тақозо қилади.

Унинг ҳар бир ҳаракати бизнинг муносабатларимизга салбий таъсир кўрсатиши ва у унинг учун самарасиз кайфиятда тугаши мумкин“.²³⁹

Худди шундай кайфиятда Кауфман 1867 йилнинг сентябридан то 1868 йилнинг мартагача музокаралар олиб борди.

²³⁸ Сборник договоров России с другими государствами. 1856—1917 г.г. — М., 1952, с. 133—139.

²³⁹ РДХТА., 400- жамғарма, 1- руйхат, 3801- иш, 41—42- бетлар.

Ушбу шартномани қабул қилиш ишининг чўзилишига асосий сабаб — бу биринчидан, унда қўйилган талабларнинг халқнинг кайфиятини тушириб юборганлиги бўлса, иккинчи томондан, Бухоронинг Ўрта Осиёдаги мавқеини ерга урилганлиги эди. Амир шахсига келадиган бўлсак, ушбу шартномада унинг якка ҳокимлигига нуқта қўйилган эди.

Ушбу шартнома шартлари Бухоро амири томонидан қабул қилинмади ва маъқулланмади.

Шундан кейин, Бухоро амири Кауфманга ўзи таклиф қилган шартнома лойиҳасини юборди. Бу шартномада амир ўз ҳуқуқларини сақлаб қолишга интилди.

Бухоро амири томонидан тақдим этилган ушбу тинчлик шартномаси юқорисида Александр Николаевич император жаноби олийларига деб мурожаат қилинган бўлса, охирида Амир Саййид Музаффариддин деб тугатилган эди. Бу билан амир ўзини Оренбург генерал-губернатори билан эмас, балки рус императори билан шартнома тузаётган қилиб кўрсатишга урғу берган бўлса, шартноманинг 4-бўлимида „амир рус савдогарларини ва уларнинг савдо фаолиятини ўз паноҳига олади“, деб кўрсатилган. Бу билан амир янги шартнома лойиҳасида ўзининг обрўини сақлаб қолишга интилаётганини кўрамыз.

Бу тинчлик шартномаси Россия билан Бухоро ўртасидаги янги урушни бошлаш арафасида, яъни Кауфманнинг Бухорони бутунлай эгаллаб олиш, уни мустақил давлат сифатида географик картадан ўчириб ташлаш, амирнинг буткул таслим бўлиши муқаррар бўлиб қолган бир пайтда жўнатилган эди.

Бу муваффақиятсизлик амирнинг умидларини, унинг ўйлаган ўйларини чиппакка чиқарди. У 1868 йил 11 ва 23 майдаги шартнома талабларига рози бўлмасдан бошқа иложи йўқ эди.

Кауфман томонидан 1868 йил 23 июнда тузилган шартнома Оренбург лойиҳаси талабларидан фарқ қиларди. Янги таклиф этилган шартномада учта қўшимча бўлим бўлиб, улар куйидагилардан иборат эди:

1) Самарқанд ва Каттакўрғон округлари Россияга қўшиб олинсин;

2) Россия ва Бухоро ҳудудини чегаралаш;

3) Чегараланиш ишларини халқаро комиссияга тавсия этиш.²⁴⁰

Шу даврдан бошлаб Россия-Бухоро муносабатларида янги бир давр бошланди. Жуда кўп ҳолатлар амирни Россияга вассал муносабатда бўлишга мажбур этди. Бу ҳолатларга амирнинг

²⁴⁰ Сборник действующих трактатов.-СПб.; 1889, стр.324.

хонликда унинг обрўйи тушиб кетганлиги, у хонликни бошқаришда русларга таянаётгани, бекларни унга бўйсунмай, мустақил бўлишга интилаётгани, диний уламоларнинг ундан норозилиги сабаб бўлаётган эди.

Зарафшоннинг юқори қисм ҳудудларининг руслар қўлига ўтиши Бухоро томонидан суғориш ишлари бўйича мустақилликни йўқолишига сабаб бўлди.

Бухоро амирининг чет давлатлар билан алоқаси ҳақида шартноманинг ҳеч қайси бўлимида фикр билдирилмаган бўлишига қарамай, рус ҳукумати доимо уни назорат қилиб борган. Туркистон генерал-губернатори Туркия давлатига Бухоро амирининг элчиси Абулхайни юборилганини эшитиб, дарҳол амирни қаттиқ огоҳлантирди. Амир дарҳол султон билан бошқа ҳеч қандай ташқи алоқалар қилмаслигини ёзма равишда билдирди.²⁴¹

Шу тахлитда Бухоро хонлигининг Россияга вассаллиги аста-секин ҳақиқатга айлана борди. Россия ва Бухоро муносабатлари ҳақида юқорида гапириб ўтилганларни умумлаштирадиган бўлсак, 1868 йилги шартномада кўрсатилганидек, Бухорога кўрсатилган муносабат ўзаро муносабатлар тарихидаги протекторатга айланган давлатлар тақдирини такрорларди.

Халқаро муносабатлар тарихига назар ташласак, қачонки, кучли давлат цивилизацияси ўзидан паст бўлган давлатни ўз ҳудудига қўшиб олишни хоҳламаса, у ҳолатда ўша давлатни у ўзига протекторат қилиб олади. Катта Европа давлатлари ўзидан кучсиз бўлган давлатларни ўзига қўшиб олишни хоҳламайди, чунки бу давлатларда бошқаришнинг янги усулини жорий этиш ва уни йўлга қўйиш жуда катта маблағни талаб қилади, аммо бундай маблағларни баъзи сабаблар туфайли у сарфлай олмайди.

Катта давлатлар бундан ҳам кучсиз давлатни ўзига қўшиб олишни хоҳлар, лекин у бундай қила олмайди, чунки бундай ҳаракат ўзига рақиб бўлган давлатни унга нисбатан ғазабини кўзгатиши мумкин.

Россиянинг Бухорога нисбатан бўлган муносабатини юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлардан биринчисида, яъни

²⁴¹ Туркия султониغا Амир Музаффарнинг элчи жўнатиши ва унга юборилган хати тарихчиларга маълум. Амир Музаффарнинг Султон Абдулҳамидхон II га жўнатган хатининг нусхаси шаҳрисабзлик Равнақий—Файзулло Хўжаев кутубхонаси (Шаҳрисабз)да сақланаётган бир мажмуа ичида ҳам мавжуд.

„қўшиб ололмаслигида“ кўришимиз мумкин. Лекин, ушбу ҳолатнинг бошқа бир сабаби ҳам бор. У ҳам бўлса, Ўрта Осиё масалаларида Россияга нисбатан Англиянинг рақобати ҳам бунга ўз таъсирини кўрсатмай қолмади, албатта.

Бунақа ҳолатларда, қўшиб олиш имкони бўлмаганда, одатда муносабатлар конвенциялар билан ёки шартномалар билан йўлга қўйилади. Бунда мамлакат мустақил давлат сифатида ўз хоҳиши билан ўз ҳуқуқларидан фойдаланмайди. Қайсики, бундай шартномалар тенгма-тенг тузилган шартнома дейилмайди. Аксинча, у ҳарбий кучлар тазйиқи остида амалга оширилган шартнома дейилади.

1868 йилги Бухоро билан тузилган шартнома ана шундай характерга эга эди.

Россиянинг Бухоро билан тузган биринчи шартномасининг якуний таҳлилий хулосаси тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу Россиянинг „Бухорога сиёсий таъсир кўрсатиши, Ўрта Осиёнинг савдо бозорларида Россиянинг савдо-сотикдаги ҳукмронлигини ривожлантириш ва ҳимоя қилишга қаратилган эди. Бу мақсадда Россия Бухорони бошқа давлатларнинг савдо соҳасидаги қизиқишларидан ҳимоя қила бошлади. Бундан биз Россия ва Бухоро муносабатлари бир-бири билан уйғунлашади, деб ўйлаймиз.

Лекин, ўзаро манфаатлар уйғунлашиши учун, маълум вақт ўтиши билан Россия ўзининг иқтисодий қизиқишларини буткул Бухорога қаратиши керак эди.

1868 йилги шартнома бундай ҳаракатларни амалга ошириш учун етарли эмас эди. Мана шунинг учун ҳам Кауфман 1871 йил императорга Бухоро билан янги шартнома имзолаш кераклигини таъкидлай бошлади. Кауфман Бухоро билан чегараларни аниқлаштириб олиш, Зарафшон округи масалаларини Саййид Музаффар билан ёзма равишда ҳал қилиб олиш учун рухсат сўради.²⁴²

Кауфман 1868 йил 11 ва 23 майдаги шартномалардан фарқли ўлароқ, янги шартномага қуйидаги бўлимларни кириштишни маъқул деб топди.

1. 1868 йилда ўтказилган чегара ҳақидаги келишувга асосан Бухоро ҳудудлари билан чегарани аниқлаштириб олиш.

2. Россия савдо агентининг Бухорода бўлишини таъминлаш ва Тошкентда Бухоро амирининг вакили бўлиши.

²⁴² РДХТА., 400-жамғарма, 1-рўйхат, 3801-иш, 43—47-бетлар.

3. Савдо кўринишлари ва паспортлар ҳақида баъзи бир қоидалар.

4. Бухоро ҳудудларида рус фуқароларининг турли касбуналар ва табиий бойликларни қайта ишлаш билан шуғулланишлари ҳуқуқларини бериш.

5. Қочган жиноятчиларни топшириш мажбурияти.

6. Иккала давлат фуқаролари ўртасидаги музокаралар масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқи.

Бундан ташқари, Кауфман ушбу янги шартномада махфий бўлимларни кўшишни ҳам лозим топди. Жумладан:

а) Бухоро амири Россия билан дўстона муносабатлар олиб борар экан, бошқа кўшни давлатлар билан алоқага киришишда рус ҳукуматидан берухсат ҳаракат қилмаслиги керак;

б) Кўшбеги лавозимига давлат лавозимларига, чегарадаги беқлик лавозимларига номзод кўрсатишда Туркистон генерал-губернаторлиги билан бамаслаҳат иш олиб бориш керак;

в) Бухоро амири ўзига қарашли Амударё кечувида афгонларни ёки бошқаларни ҳам ўзбошимчалик билан ҳаракат қилишларига йўл қўймаслиги керак;

г) Бухоро хонлигига қарашли Амударё қирғоқларида рус пароходлари ўз пристанларига эга бўлишлари керак;

д) Туркистон генерал-губернатори Император жаноби олийларининг ишончларига биноан Бухоро амирини ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилишни ўз бурчи деб билиши;

е) Амир ҳукмронлик қилиб турган ҳудуд Россия томонидан дахлсиз эканлиги;

ж) Туркистон генерал-губернатори император олдида Саййид Музаффар фарзандларидан бирини ворис сифатида тан олишни билдирди. Амирнинг катта фарзанди Катта Тўра, ўз отасига қарши чиққан ва руслар томонидан Қарши эгалланганидан кейин, Қашқарга қочиб кетган, у бутунлай Бухорони бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

з) Бухоро амири, император манфаатлари учун Бухоро бозорларида асирлар билан савдо қилишни тақиқлаши лозим.²⁴³

„Бу иккала шартномада (Кауфман фикрича) Бухорога нисбатан қанақа талаб бўлса, ҳаммаси қўйилди. Амир ўзининг чорасизлигини билиб, давлатни ўз қўлида сақлаб қолиш учун бу шартномаларга рози бўлади“.²⁴⁴

²⁴³ РДХТА., 400-жамғарма, 1- рўйхат, 3801-иш, 51—53-бетлар.

²⁴⁴ РДХТА., 400-жамғарма, 1- рўйхат, 3801-иш, 55-бет.

Кауфманнинг Бухоро билан тузилажак шартномасидан шуни кўришимиз мумкинки, бу Бухорони тўла бўйсундиришга қаратилган катта ҳаракат эди. Бу қадам Бухоро амирининг кучсизлигидан фойдаланиб, уни Россияга вассал қилиб қўйиш томон йўл тутиш эди. Лекин, бу ҳаракатни рус ҳукумати очиқ-часига ҳеч ҳам қила олмас эди. Бухоро билан муносабатларнинг чигаллашиши ўз-ўзидан Англия билан дипломатик муносабатларни ёмонлашувига ва Англиянинг Афғонистоннинг шимолини кенгайтириш каби яширинча орзуларини амалга оширишга тurtки бўларди.

Шунинг учун ҳам, янги тузиладиган шартнома, ҳеч кимда Россия Бухорони босиб олмоқчи деган тасаввурни уйғотмаслиги керак эди.

Мана шунинг учун ҳам, Кауфман Россия ва Бухоро муносабатларини ҳал қиладиган „нозик нуқталарни“ яширинча бўлимларга киритишни маъқул топди. Бу яширин киритилган бўлимлар амир ҳукмронлигини ташқи алоқаларда, давлат лавозимларига тайинлашда, Амударё қирғоқларида олиб борадиган барча ишларида, ҳатто ворис тайинлаш масалаларида ҳам чеклашга қаратилган эди. Қисқача қилиб айтганда, Туркистон генерал-губернатори Бухоронинг ташқи ва ички бошқарувини ўз қўлига олишини мўлжаллаган эди.

1873 йил 3 сентябрда қабул қилиниши керак бўлган ушбу шартнома 1872 йил 4 ноябрда Петербургдаги махсус кенгашда муҳокама қилинди ва унда Кауфманнинг баъзи бир таклифлари рад этилди ва қуйидагиларни амалга оширишга рухсат этилди:

1. Зарафшон округида ҳам Туркистон ўлкасининг бошқа ҳудудларидаги сингари бошқарувни йўлга қўйиш, солиқлар ва тўловлар бошқаларда қандай бўлса, шундай бўлиши ва Зарафшон округини Россия империясига қўшиб олинди, деган эълон ҳеч қаерда қўлланмаслиги таъкидланди.

2. Бизнинг (Россия империясининг таъкид бизники Р.Х.) Бухорога таъсиримиз сақланиб қолган ҳолда, биз бу хонликни эгаллаб олди ёки қўшиб олди, деган тасаввур уйғотмаслигимиз керак. Биз ўзимизнинг барча ҳаракатларимиз билан амирга у билан дўстона муносабатда яшамоқчи эканлигимизни сингдириш керак.

3. Яхши ҳолатларда, балки амир билан яна қўшимча шартнома тузилар: Бухоро шаҳарларида савдо агентларини тайинлаш ва Тошкентда Бухоро вакилини савдо-сотик, хунар-

мандлар, паспорт ва қочоқлар ҳақидаги қонунларни жорий қилиш ва назорат қилиш учун тайинланар.

4. Яширинча тузилган шартнома Бухоро билан қуйидаги нарсаларни тақиқлайди: асирлар билан савдо қилишни таъқиқлашни амир ўз зиммасига олиши керак. У рози бўлган бу шарт қўшимча шартнома сифатида умумий шартномага қўшилсин. Афғонистон билан, бошқа қўшни давлатлар билан алоқа қилишда, лавозимга тайинлашда, бизга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган одамларни танлаб, генерал-губернатор билан келишилган ҳолда тайинлаши керак.

Ўзига ворис тайинлашда фарзандларидан бирини кафиллигини ўз бўйнига олса, биз уни ўрнига тайинлашимиз мумкин. Фақат Катта Турадан ташқари, чунки у бизга ва отасига қарши бўлган.²⁴⁵

1872 йил 4 ноябрда муҳокама қилинган шартноманинг махфий бўлимлари 1873 йил 23 июлда эълон қилинган шартномада ўз аксини топдими? Албатта, бу махфий бўлимлар ўз таъсирини кўрсатди. Шартноманинг *биринчи бўлимида*²⁴⁶ шуни кўришимиз мумкинки, қайсики бир томондан рус ҳукумати Бухоро ерларини ўзига қўшиб олишга эмас, балки Хива ерларини босиб олишда русларга кўрсатган ёрдамлари учун Хива ерларини ҳам унга қўшиб бераётганини, иккинчи томондан шартноманинг шу бўлимида амирнинг 1868 йил 23 майдаги Самарқанд шартномаси талабларига мувофиқ, руслар ва бухороликлар ҳудудидаги қуйидаги чегараланиш амалга оширилаётганлигига Саййид Музаффархонни ишонтиришга ҳаракат қилинди. Бу тасдиқлашлар амирнинг Зарафшон округини қайтариб олиш орзусини саробга айлантирди.

Иккинчи бўлимда, Рус ва Бухоро давлатларининг ўз зиммасига олиши лозим бўлган қуйидаги мажбуриятлар таъкидланган. Ҳар бир давлат ўз ҳудудида карвон йўлларини Бухородан шимолга, яъни рус ҳудудларига ўтадиган йўлларни, Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерлардан ўтишда Хива хонлигида карвон ва савдо ҳаракатларини қўриқлашни бўйинларига олишди.

Шу бўлимга асосланиб ҳужжатларга эътибор берилганда, Кауфман дарҳол Саййид Музаффардан Амударёнинг чап қир-

²⁴⁵ РДХТА., 400-жамғарма, 1-рўйхат, 3801-иш, 57—61-бетлар.

²⁴⁶ Сборник действующих трактатов, СПб., 1889, с. 321—326.; Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений. Издание второе, Т. I., —СПб., 1902. с. 421—425.

роғида Кавакли, ўнг қирғоғида Уч ўчоқ деган жойда туркманларнинг ҳужумидан ҳимояланиш учун муҳим гарнизонлар жорий этишни талаб қилди.

Учинчи бўлимда, Амударёнинг Бухоро амирлигига қарашли қисмида, Бухоро пароход ва кемалари билан бир қаторда рус пароход ва кемаларининг эркин ҳаракатини таъминлаш кўрсатилган.

Туртинчи бўлимда, Амударёнинг Бухорога қарашли қирғоқларида русларнинг товарлари учун пристан омборхоналар қуриш ҳуқуқини бериш белгиланган.

Бешинчи бўлимда, Бухорода ва хонликнинг барча ҳудудида рус савдоси эркинлигини таъминлаш, рус карвонлари ва савдогарларининг хавфсизлигини Бухоро давлати томонидан таъминлаш кераклиги қайд этилди.

Олтинчи бўлимда, барча товарлардан фақат закот олиш мумкинлиги белгиланган.

Еттинчи бўлимда, рус транзит товарларидан солиқ ундирмаслик таъкидланган.

Саккизинчи бўлимда, 1868 йил 11 майда қабул қилинган шартномадаги 3-бўлимда илгари сурилган талаблар қисман такрорланади. Бунда рус карвонсаройлари ҳақида гап бориб, Бухоро савдогарлари рус савдогарлари сингари ҳуқуқлардан олдинги шартномада кўрсатилгандек, рус шаҳарларида эмас, балки, Туркистон ўлкасидаги шаҳарларда фойдаланиши мумкинлиги таъкидланади.

Тўққизинчи бўлимда, 1868 йил 11 майдаги тинчлик шартномасининг 4-бўлимида илгари сурилган талаблар айнан такрорланади.

Унинчи бўлимда, Бухоро ҳукумати назоратида Россия ва Бухоро фуқаролари ўртасида тузилган савдо мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш белгиланган.

Ўн биринчи бўлимда, шариатга зид келмайдиган ҳунармандчилик ва косиблик билан русларнинг Бухоро ҳудудларида ва бухороликларнинг рус ҳудудларида машғул бўлишига имкон бериш кўрсатиб ўтилган.

Ўн иккинчи бўлимда, хонликда рус фуқароларининг Бухорода кўчмас мулкка эга бўлишлари ва шу жумладан, бухороликларга ҳам худди шундай имкониятларнинг яратилиши кўрсатилган.

Ўн учинчи бўлимда, рус фуқароларига Бухоро ҳудудига кириш ва чиқиб кетиш учун рус ҳукумати томонидан чипталарни таъминлаш юклатилган.

Ўн тўртинчи бўлимда, Россиядан Бухоро ҳудудига қочиб ўтган қочоқларни рус ҳукуматига топшириш қайд этилган.

Ун бешинчи бўлимда, Ўрта Осиёдаги рус ҳукумати билан алоқада бўлиб туриш учун Тошкентда амирнинг вакилини тайинлаш кўрсатилган.

Ун олтинчи бўлимда, худди шу ҳолат амир ҳузурда тайинлаши мумкинлиги белгиланган.

Ун еттинчи бўлимда, Бухородан ташқарида ўзбошимчалик билан савдо қилиш тақиқланганлиги кўрсатилган.

Ун саккизинчи бўлимда, Бухоро амирини юқоридаги Россия-Бухоро дўстлиги тўғрисидаги шартномани ўзида акс эттирувчи ун еттита бўлимни раҳбарлик фаолиятида қўллаши ҳақида тўхталиб ўтилган.²⁴⁷

Шартнома бўлимларида амир суверенитетини йўқ қилишга қаратилган ҳаракатлар йўқлигини яққол кўрамыз. Аксинча, биз ушбу шартнома бандлари таҳлили асосида ҳар иккала томон ҳам тенг мажбуриятларни ўз устига олаётганининг гувоҳи бўламиз. Бу шартнома 1868 йилги ўлпон ҳақидаги қўшимча тўлдиришлар билан қабул қилинган тинчлик шартномасидан тубдан фарқ қилади. Кауфманнинг 1871 йил ёзган хатидаги Бухоро амираи ҳокимиятини чеклашга қаратилган кескинлик ҳам ушбу шартномада йўқ. Кўпгина чеклаш энди Бухоро амирига эмас, балки Хива хонига нисбатан қаратилди.

Саййид Музаффархонга тасдиқланган ушбу шартноманинг бир нусхасини юборар экан, унга қўшиб шундай сўзлар битилган қуйидаги мактубни ҳам юборади: *„Юқорида кўрсатилган шартлар Бухоро томонидан қатъиян бажарилар экан, Россия билан дўстона алоқалар сақланиб қолади ва Сиз зоти олийлари бутун Россия Императори аъло ҳазратлари ҳомийлигида бўласиз, ҳам ўз юртингизни ўзингиз бошқарасиз. Дин ва шариат ишларига биз томондан аралашиб бўлмайди, мусулмон фуқароларингиз ҳаж сафарига эркин боришлари мумкин“*.²⁴⁸

1873 йилда қабул қилинган шартнома Россия ва Туркистон ўлкасининг Бухоро билан ўрнатилган алоқаларини кўрсатувчи ва белгиловчи асосий шартнома ҳисобланади.

Бу шартнома Бухоронинг Россия ва Туркистон ўлкаси билан иқтисодий алоқаларнинг ривожланишида ҳал қилувчи роль ўйнади.

Революцияга қадар бу шартнома гоҳ тўлдирилди, гоҳ вазиятга қараб ўзгартирилди.

²⁴⁷ Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений. Издание второе, Т. 1, стр. 421—425.

²⁴⁸ РДХТА., 400-жамғарма, 1-рўйхат, 3801-иш, 61-63-бетлар.

1873 йил 23 сентябрда Шаҳрисабзда Бухоро амири Музаффар ва Туркистон генерал-губернатори Кауфман ўртасида шартнома имзоланди. 1873 йилги шартноманинг 6-моддасига мувофиқ, рус савдогарларига тегишли Россиядан Бухорога келаётган ёки Бухородан Россияга кетаётган барча товарлардан 2,5% миқдорда закот олиш белгиланди. Ушбу шартномалар асосида хонликларда амал қилувчи шариат нормалари жиддий бузилиб, руслар мусулмон савдогарлари фойдаланадиган ҳуқуққа эга бўлиб олдилар. Рус савдогарларидан закотдан ўзга ҳеч қандай қўшимча солиқ ва йиғимлар ундирилишига йўл қўйилмади. Шартноманинг 7-моддаси рус савдогарларига Бухоро ҳудудидан қўшни давлатларга товарларни божсиз олиб ўтиш ҳуқуқини берди.²⁴⁹

Жуда кўплаб тарихчилар таъкидлаганларидек, Россия билан Бухоро ўртасида иккита эмас (1868 йил 23 июнь ва 1873 йил 28 сентябрь), аслини олганда балки учта шартнома тузилган.

Россия билан Бухоро ўртасидаги биринчи шартнома 1868 йил 11 майда тузилган бўлиб, у 1868 йил 23 майда қисман тўлдирилган ҳолда иккала давлат вакиллари—Россия томонидан Туркистон ўлкаси генерал-губернатори, Туркистон ҳарбий округи қўмондони генерал-адъютант Фон Кауфман ва Бухоро амири Амир Саййид Музаффар Баҳодирхон томонидан имзоланган. Шартнома олти бўлимдан иборат бўлиб, „Россия билан Бухоро ўртасида савдо қилиш шартлари“ деб номланган.²⁵⁰

Россия билан Бухоро ўртасидаги иккинчи шартнома 1868 йил 23 июнда тузилган бўлиб, у Россия подшоси томонидан тасдиқланмаган ва мана шунинг учун ҳам у айрим мутахассислар нуқтаи назаридан юридик кучга эга эмас, деб ҳисобланади.

Бизнинг ушбу ҳолатлар бўйича билдирган хулосаларимизни 1910 йил январь ойида Россия ташқи ишлар вазирлигининг Бухоро масаласи бўйича маълумот берувчи ушбу маълумотлар ҳам тасдиқлайди. „Россиянинг Бухорога нисбатан муносабатлари расман 1868 йилги савдо шартномаси ва 1873 йилги тинчлик шартномаси асосида белгиланади. Ушбу икки ҳужжат расмий ҳолатда ҳар иккала давлат фуқароларининг ҳуқуқларини белгилаб берган“.²⁵¹

²⁴⁹ ЎЗРМДА, 1-жамғарма, 12-руйхат, 1775-иш, 107-бет.

²⁵⁰ Сборник действующих трактатов. с. 321-326

²⁵¹ РДХТА, 400-жамғарма, 1-руйхат, 3801-иш, 55-56-бетлар.

Айнан мана шунинг учун ҳам кейинчалик, янги 1873 йил 28 сентябрдаги учинчи бир шартнома юзага келади.

Россия билан Бухоро ўртасидаги учинчи шартнома 1873 йил 28 сентябрда имзоланган бўлиб, у 18 бўлимдан иборат бўлган ва у дўстлик шартномаси деб юритилган. Мазкур шартнома ҳар иккала давлат раҳбарлари томонидан тасдиқланмаган.

Ушбу иккала шартнома (1868 йил 11 май ва 1873 йил 28 сентябрь) то 1917 йилга қадар ўз кучини сақлаб келган.

Энди масалага ойдинлик киритиш ва илмий баҳо бериш учун юқорида зикр этилган шартномаларнинг пайдо бўлиши ва имзоланиши ҳамда кучга кириши бўйича ҳар бири тўғрисида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Шуни таъкидлаш жоизки, Каттакўрғон шаҳри забт этилгунга қадар, руслар томонидан Бухоро амирига сулҳ тузиш тўғрисида таклиф жўнатилган эди. Жумладан, 1868 йил 11 май куни Туркистон генерал-губернатори, Туркистон Ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, генерал-адъютант Фон Кауфман Бухоро амири Саййид Музаффар Баҳодирхонга бўлғуси тузилиши мумкин бўлган сулҳ шартларини жўнатади. У бешта катта шартлардан иборат эди.²⁵²

Биринчи шартда Россияга қарашли бўлган ерлар тафсилоти, жумладан, рус ҳукуматига мансуб бўлган Қашқар Довони ва Нурота тоғлари шимолидан ташқари, янгитдан ишғол этилган Самарқанд шаҳри ва унинг музофотлари ҳам кириши кўрсатилган. Жануб томондан бу ўлка Шаҳрисабз тоғлари билан чегараланиб, шу тоғлардан ўтиб, Зарафшон дарёси водийси ва Нурота тоғларининг ўртасидан ўтиши таъкидланган. Бухоро билан бўладиган чегара мана шу таклиф этилган сулҳ ва амир томонидан таклиф этилган шартлар билан қабул қилиниб, ўз муҳрини босиб тасдиқлагандан кейин аниқланиши эътироф этилган. Фақат ана ўшандан кейингина чегара ғарб томондан Нурота тоғларининг энг баланд жойидан ва Бухоро ҳудудида жойлашган Нурота қалъасидан ўтади, деб алоҳида таъкидланган.

Сулҳ шартларининг *иккинчи шартда*, барча рус фуқаролари, уларнинг қайси динда бўлишларидан қатъи назар, Бухорога ва унинг бошқа шаҳарларига бориб бемалол эркин савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлишлари кўрсатилган. Шунингдек,

²⁵² Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений. Издание второе. Том. 1. с. 421-423.; Яна қар.: Зиёев Х. З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлиги қарши кураш (XVII-XIX аср бошлари), 267-268 бетлар.

ушбу иккинчи шартда Бухоро амирлигининг фуқаролари ҳам олдингидек Россия империясида савдо қилишларига рухсат берилиши белгиланган.

Бухоро амири Россия фуқароларининг карвон ва барча мол-мулкларини муҳофаза қилиб, ўз тасарруфидаги ҳудудларда уларнинг тўла хавфсизлигини таъминлашини назорат қилиши ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Таклиф қилинаётган сулҳ шартларининг *учинчи шартида*, Россия савдогарлари ўз товарларини сақлашлари учун карвонсаройларга эга бўлишларига ва ўз навбатида, бухоролик савдогарларга Россия шаҳарларида ҳам айнан шундай ҳуқуқ берилганлиги қайд этилган.

Сулҳ шартларининг *тўртинчи шартида*, савдо ишлари боришини ва улардан қонун доирасида солиқ олинишини назорат қилиш учун рус савдогарларига ўз хоҳишлари асосида Бухоро амирлигининг ҳар бир шаҳрида ўзларининг карвонбошилари бўлишларига рухсат берилиши, ўз навбатида бухороликлар Россия ҳудудида айнан мана шу ҳуқуққа эга эканликлари кўрсатиб ўтилган.

Генерал-адъютант Фон Кауфман таклиф қилган 1868 йил 11 майдаги сулҳ шартларининг *бешинчи шартида*, Россия ҳудудидан Бухорога келадиган ва ундан чиқиб кетадиган барча турдаги товарлардан Туркистон ўлкасида олинадиган миқдорда, яъни товарнинг умумий қийматидан 2,5 фоиз миқдорида солиқ олиниши кўрсатилиб ўтилади.²⁵³

Орадан бир оз вақт ўтгач, яъни 1868 йил 23 май куни генерал-адъютант Фон Кауфман Каттақўрғон шаҳридан Бухоро амири Саййид Музаффар Баҳодирхонга 11 майда жўнатган сулҳ шартларига янги илова ва сулҳнома шартларининг махфий иловаларини жўнатади.

1868 йил 23 май куни Каттақўрғондан жўнатилган сулҳ шартларига янги иловада қайд этилишича, генерал-адъютант Фон Кауфман томонидан таклиф этилган ва Бухоро амири томонидан қабул қилинган 2-, 3-, 4-, 5- ва 6- сулҳнома шартлари ўзгартирилмайди. Фақат 1-сулҳ шarti янги талқин этилади. Жумладан, 1-шарт янги ҳолатда қуйидагича таклиф этилади. Россия билан Бухоро амири мулкининг чегара чизиги жанубда Шаҳрисабз тоғларининг энг баланд жойларидан Зарафшон дарёси водийсига ўтиши, ундан сўнг, Каттақўрғон

²⁵³ РДХТА, 400-жамғарма, 1-рўйхат, 3801-иш, 31-34-бетлар.

ғарбидан бошлаб Зарафшон дарёси водийси ўртасидан ўтиши ва Оқтоғ ҳамда Нурота тоғларини кесиб ўтиши кўрсатилади. Ундан кейин, сарҳад Нурота тоғларининг энг баланд чўққиси орқали ўтиши айтилади. Нурота қалъаси Бухорога қолдирилганлиги ва Қизилкум саҳросидан бошлаб, то Бўкон тоғларигача бўлган ҳудуд Россияга ўтиши шунингдек, ушбу тоғлардан то Янгидарё этакларигача бўлган барча ерлар ҳам Россияга ўтиши кўрсатиб ўтилади.

Мана шу белгилаб берилган чегара чизигидан шимол ва шарқ томонда жойлашган барча ерлар Россия империяси тасарруфидаги ва Россия императори тобелигидаги ерлар қаторига ўтиши, ўша чизиқдан жануби-ғарбдаги ерлар эса Бухоро амирига қарашли ерлар эканлиги эътироф этилади.

Шунингдек, унда сулҳ имзолангандан кейин чегара чизиги Бухоро амири томонидан юбориладиган элчи ва Туркистон генерал-губернатори тайин этадиган ваколатли шахсдан иборат бўлган махсус ҳайъат томонидан белгиланади, — деб алоҳида таъкидлаб кўрсатилган.²⁵⁴

Ушбу янги иловада шунингдек, чегарани аниқлаш ҳайъатига Россия империяси қўшинлари ҳисобидан посбон тайинланиши ҳам уқтирилган.

Бу янги иловадан ташқари, Туркистон-генерал-губернатори Фон Кауфман 1868 йил 23 май куни Каттақўрғон шаҳридан Бухоро амири Саййид Музаффар Баҳодирхонга таклиф этилган сулҳ шартларига махфий илова ҳам жўнатади. Ушбу махфий иловада тўртта бўлим мавжуд бўлиб, уларда кўйидагилар илгари сурилган эди.

Махфий илованинг *биринчи шартида*, Бухоро амири Россия давлати билан чин дўстликда яшаши ва Россия императори ҳомийлигига эришиши учун ўша йилги жанг ҳаракатлари харажатлари учун товон тўлаши яъни, 125.000 тилла миқдоридан маблағ тўлаши кўрсатиб ўтилади.

Иккинчи шартда, 125.000 тилла пул ё тилла, ё кумуш билан тўланиши мумкинлиги, ҳар бир тилла 20 танга деб ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган.

Учинчи шартда, амир ушбу шартларга рози бўлиб, имзо чеккандан сўнг, зудлик билан Россияга тўланадиган 125.000 тилланинг 10.000 тилласини дарҳол тўлаб бериши, қолган 90.000 тиллани эса 1868 йил 21 майдан бошлаб кейинги, 30 кун

²⁵⁴ Ушбу сулҳ бандлари таржимаси профессор Шодмон Воҳидов томонидан амалга оширилган нусха асосида берилмоқда.

ичида тўлаб бериши кераклиги, қолган 25.000 тиллани эса озгина кейинроқ, яъни бир йил давомида тўлаши мумкинлиги кўрсатиб ўтилади.

Махфий илованинг *тўртинчи шартида*, Бухоро амири доимий равишда ўз беқларини назорат қилиб туриши, улар Россияга нисбатан қароқчилик қилмасликлари ва улар доимо Россияга нисбатан дўстлик муносабатида бўлишлари ва булар учун шахсан амир жавобгар эканлиги белгиланган. Шунингдек, бу шартда Туркистон генерал-губернатори Россия билан Бухоро ўртасидаги дўстлик муносабатларини иккала давлат манфаати йўлида ривожлантириш учун барча чораларни кўриши қайд этилган.²⁵⁵

1868 йил 11 майда тузилган ва кейинчалик 23 майда қисман тўлдирилган ушбу шартнома шартлари таҳлили шуни кўрсатадики, у тўла равишда иккала давлат ўртасида асосан савдо ишларини олиб бориш масалаларига бағишланган ва мана шунинг учун ҳам у „**Россия билан Бухоро ўртасида савдо қилиш шартлари**“ тўғрисидаги шартнома деб юритилган бўлиб, унда ҳар иккала давлатнинг тинч савдо қилиш ва савдо ишларини олиб бориши тўғрисидаги масалалар, уларнинг ечими ҳамда уни ташкил этиш бўйича иккала давлат мажбуриятлари белгилаб берилган.

Махфий бўлимлар ҳисобга олинмаган, ҳолда ушбу шартноманинг барча 6 бўлими таҳлил этилганда, унда Бухоронинг Россия вассалига айлантирилиши масаласи тўғрисида умуман сўз юритилмаганлигини кўриш мумкин. Мана шунинг учун ҳам, тарихчиларимиз ўз асарларида Бухоронинг вассал давлатга айланиши масаласига ушбу шартномани юридик жиҳатдан асос қилиб олишлари бизнингча асоссиз ҳолат.

Самарқанд шаҳри руслар томонидан қайта қўлга киритилгандан сўнг ва Зирабулоқ тепалигида бухороликлар мағлубиятга учрагач, генерал-адъютант Фон Кауфман Қўқон хони Худоёрхонга нисбатан тутган ўз сиёсатини ва 1868 йил 29 январда унга савдо шартномасини сўзсиз имзолатгандан сўнг, Бухоро амири Саййид Музаффар Баҳодирхонни ҳам айнан шундай мазмундаги савдо шартномасини (1868 йил 18 июнь) қабул қилишга мажбур қилди. Бундан ташқари, Бухоро, Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларини русларга тобе бўлган мулк сифатида тан олишга мажбур бўлди ва барча уруш харажатларини

²⁵⁵ РДХТА, 400-жамғарма, 1-рўйхат, 3801-иш, 28-36-бетлар.

қоплаш учун катта миқдордаги товон тўлашни ўз бўйнига олди. Бухоро томонидан бой берилган ҳудудлар ҳисобидан 1868 йил 27 июнда Зарафшон округи ташкил этилди ва генерал-майор Абрамов Зарафшон округи бошлиғи этиб тайинланди.

1873 йил 28 сентябрда Россия билан Бухоро ўртасида дўстлик шартномаси имзоланди. Ушбу шартнома Туркистон генерал-губернатори, генерал-адъютант Фон Кауфман ва Бухоро амири Саййид Музаффар ўртасида тузилган эди. Бу шартнома „дўстона шартнома“ деб аталган бўлиб, 18 бўлимдан иборат бўлган.²⁵⁶

Шартноманинг *биринчи бўлими* ҳар иккала давлат ўртасидаги чегара чизиқлари масаласига бағишланган бўлиб, жумладан унда шундай дейилади: „Русия подшоҳи императори аъзам жаноблари ва Бухоро амири жаноби олийларининг мулклари ўрталаридаги чегара чизиғи ўзгармайди.

Амударёнинг сўл соҳилидан бошлаб, Хива ерлари рус мулкига қўшилгандан сўнг ҳамда Бухоро амири ва Хива хонининг илгариги ғарбий чегаралари, яъни Амунинг сўлидаги Хол ота мавзеидан Гугертли Тўғай томонига борадиган чегара бекор қилинади.

Бухоро амирининг мулкига илгари Бухоро ва Хива чегараси бўлган Амударё соҳилининг кўл томонидан Гугертлининг то Мишекли Тўғайигача ҳамда Мишеклидан бошлаб илгариги Бухоро ва Хива чегараси ва Русия давлати чегарасигача бўлган ҳудуд ўтади“.²⁵⁷

Шартноманинг *иккинчи бўлимида*, карвон йўлларининг йўналишлари ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи белгиланган. Жумладан, бу борада 2-бўлимда шундай дейилади: „Хива хонлигидан Амударё соҳилининг сўл қисмидаги ерлар ажратиб олингани учун Бухородан шимолдаги рус ерларига борадиган ҳамма карвон йўллари фақат Бухоро ва Русия ерлари орқали ўтади.

Ҳар иккала ҳукумат, Бухоро ва Русия ўз ерлари ҳудудида карвонлар ва тижоратни муҳофаза қилиш устидан назорат қиладилар“.²⁵⁸

²⁵⁶ РДХТА, 400-жамғарма, 1-рўйхат, 3801-иш, 51-58-бетлар. Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений. Издание второе. Том I., с. 421-426.

²⁵⁷ РДХТА, 400-жамағарма, 1-рўйхат, 3801-иш, 51-58-бетлар.

²⁵⁸ Кўрсатилган манба. 58-бет.

Шартноманинг *учинчи бўлимида* Бухорога тегишли дарёларда рус кемаларининг сузиш ҳуқуқлари устида фикр билдирилади. „Амударёнинг Бухоро амирига мансуб бўлган қисмида Бухоро кемалари билан бир қаторда Русия давлати кемалари ҳамда хусусий кемалар учун эркин сузиш ҳуқуқи берилади.“²⁵⁹

Шартноманинг *тўртинчи бўлимида* Бухорога тегишли бўлган соҳиллари рус фуқароларининг қайиқлари тўхтайдиган бандаргоҳлар ва омбор қуриш ҳуқуқи ва уларнинг ҳимоясини ташкил этиш масалалари кўрсатиб ўтилган. Жумладан, бу масала юзасидан 4-бўлимда шундай дейилади; „Амударёнинг Бухоро давлатига тегишли соҳилларида руслар хоҳлаган қулай жойларда омбор ва бандар қуриш ҳуқуқига эгадирлар. Бу омбор ва бандарларни ҳимоя қилиш ишларини Бухоро ҳукумати ўз зиммасига олади. Бандар қурилиши учун белгиланган жойларни Ўрта Осиёдаги русларнинг олий ҳукумати тасдиқлайди“.²⁶⁰

Шартноманинг *бешинчи бўлимида*, Бухоро шаҳарларида рус савдогарлари фаолияти масаласи ўз аксини топган бўлиб, унда қўйидагилар кўрсатиб ўтилган: „Бухоро амирлигининг ҳамма шаҳар ва қишлоқлари рус савдоси учун очикдир. Рус тожирлари ва рус карвонлари амирликнинг ҳудудида эркин ҳаракат қилиб, маҳаллий ҳокимлар томонидан махсус ҳомийликка олинади. Рус карвонларининг Бухоро ҳудудидаги хавфсизлигига Бухоро ҳукумати жавоб беради“.

Шартноманинг *олтинчи бўлимида* эса Россиядан Бухорога ва Бухородан Россияга олиб бориладиган моллардан олинadиган солиқлар ва уларнинг қийматлари тўғрисидаги масала ўз аксини топган. Жумладан, у шундай таърифланган: „Русиядан Бухорога ёки Бухородан Русияга олиб бориладиган рус тожирларининг ҳамма моллари умумий қийматидан 25 фоиз миқдорда бож олинади, Туркистон ўлкасида эса $\frac{1}{40}$ қисм миқдорда бож олинади. Бу закотдан бошқа солиқ олинмайди“.²⁶¹

Шартноманинг *еттинчи бўлимида*, рус савдогарларининг Бухородан бошқа қўшни ҳудудларга солиқсиз товар олиб бориш ҳуқуқларига эга эканликлари кўрсатиб ўтилган. Ушбу

²⁵⁹ Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений. с.421-426.

²⁶⁰ Кўрсатилган манба. 421-426.

²⁶¹ Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений. с. 421-426.

ҳуқуқлар қуйидагилардан иборат бўлган. „Рус тожирлари Бухородан бошқа қўшни жойларга солиқсиз товар олиб бориш ҳуқуқига эгадирлар“.

Дўстлик шартномасининг *саккизинчи бўлимида*, рус савдогарларининг Бухоро ҳудудида зарур бўлганда карвонсарой қуришлари борасидаги ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилган. Ушбу ҳуқуқ қуйидаги тартибда таърифланган: „Рус тожирлари зарур ҳолатларда Бухоро шаҳарларида ўз товарларини сақлаш учун карвонсаройлар қуришга ҳуқуқлидирлар“.²⁶²

Шартноманинг *тўққизинчи бўлимида*, рус ва Бухоро савдогарлари ҳар бир ҳолатда тижоратхоналар очиш ҳуқуқига эга эканликлари ўз аксини топган бўлиб, у қуйидаги ҳолатда белгиланган: „Савдо жараёни тўғри бориши ва солиқ олишнинг қонуний бўлиши ҳамда маҳаллий ҳукумат билан тижорат ишларини олиб бориши учун рус тожирлари Бухоро шаҳарларида тижоратхона очишга ҳақлидирлар. Бухоро тожирлари учун Туркистон ўлкасида ҳам шундай ҳуқуқ берилади“.²⁶³

Шартноманинг *ўнинчи бўлими*, Россия билан Бухоро давлатлари ўртасидаги савдо мажбуриятларига хилоф иш тутмаслик ва унинг тўла бажарилишини кафолатлайдиган ҳуқуқларга бағишланган. „Русия ва Бухоро ўртасидаги савдо мажбуриятлари ҳар иккала томондан муқаддас билиниб, бузилмаслиги шарт. Бухоро ҳукумати савдо ва умуман тижорат ишлари одилона бўлишига кафолат бериб, унинг устидан назорат қилиш мажбуриятини олади“.²⁶⁴

Дўстлик шартномасининг *ўн биринчи бўлимида* эса ҳар иккала давлат фуқаролари томонидан у ерда дин ва шариат талаблари ҳамда қонунлар асосида иш олиб боришлари тўғрисидаги кўрсатмаларнинг юридик мақомига бағишланган бўлиб, унда қуйидагилар таъкидланган. „Русия тобелари Бухоро фуқаролари билан бир қаторда, Бухорода шариат талабларига қараб ҳар хил иш ва касблар билан машғул бўлиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бухоро фуқаролари ҳам рус мулкларида Русия қонунлари ижозат берган фаолият билан шуғулланишга ҳақлидирлар“.²⁶⁵

²⁶² РДХТА, 400-жамғарма, 1-рўйхат, 3801-иш, л. 51—58.

²⁶³ Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений. с. 421-426.

²⁶⁴ Кўрсатилган манба. 421-426-бетлар.

²⁶⁵ РДХТА, 400-жамғарма, 1-рўйхат, 3801-иш, 51—58-бетлар.

Шартноманинг *ўн иккинчи бўлимида*, рус фуқаролари Бухорода, бухороликлар эса Россия ҳудудларида хусусий мулк олишга ҳуқуқли эканлиги ўз аксини топган. Жумладан, ушбу ҳолат шартномада қуйидаги тарзда таърифланган. „Русия тобелари амирлик ҳудудида хусусий мулк, яъни уй, боғ, ер олишга ҳуқуқлидирлар. Бу мулкдан Бухоро фуқаролари билан бир хил хирож олинади. Шундай ҳуқуқдан Русия империясида Бухоро фуқаролари ҳам фойдаланадилар“.²⁶⁶

Шартноманинг *ўн учинчи бўлими*, бошқа бўлимлардан анча фарқлироқ бўлиб, у фақат Россия фуқароларигагина тегишли ҳуқуқни кўрсатиб берган. Унга биноан „Русия тобелари рус ҳукуматининг чегарадан эркин ўтиши ижозатномаси билан Бухорога келадилар, улар амирликнинг ҳамма жойларига бориш ҳуқуқига эга бўлиб, Бухоро ҳукуматининг махсус ҳомийлигидан фойдаланадилар“.

Дўстлик шартномасининг *ўн тўртинчи бўлимида* эса ҳар иккала давлат олдига масъулият юклатилган бўлиб, унда қатъи кўрсатмалар белгиланган. Жумладан, „Россия ҳукуматидан ижозати бўлмаган, қайси халқга мансуб бўлганларидан қатъи назар, ҳар хил кимсаларни Бухоро ҳукумати қабул қилмайди. Агарда Русия тобеларидан қонун билан тақиқланган бирон бир жиноятчи Бухоро ҳудудида яширинса, Бухоро ҳокимияти томонидан бундай кишилар тутиб олиниб, рус ҳукуматига топширилади“.²⁶⁷

Шартноманинг *ўн бешинчи бўлимида*, фақат Бухоро ҳукуматига тааллуқли шарт белгилаб берилган бўлиб, унда амирнинг ишончли вакили Тошкентда доимий элчи сифатида фаолият олиб бориши тўғрисидаги кўрсатмалар ва шартлар илгари сурилган. „Ўрта Осиёдаги русларнинг олий ҳукумати билан яқин ва доимий муносабатда бўлиши учун Бухоро амири ўзининг ишончли кишиларидан бирон шахсни Тошкентда доимий ва ваколатли элчи қилиб тайинлайди. Бу ваколатли элчи Тошкентдаги амир ҳовлисида амир ҳисобидан яшайди“.²⁶⁸

²⁶⁶ РДХТА, кўрсатилган манба 51—58-бетлар.

²⁶⁷ Кўрсатилган манба. 51—58-бетлар.

²⁶⁸ Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений. 421-426-бетлар.

Ўн олтинчи бўлимда эса айнан шу ҳолат бўйича Россиянинг ҳуқуқлари кўрсатиб берилган. Жумладан, у қуйидаги тарзда баён қилинган: „Россия ҳукумати ҳам Бухорода ўз доимий намоёнчасини амир олийлари ҳузурда тайинлаши мумкин. Россия ҳукуматининг вакили Россия ҳукумати ҳисобидан яшайди“.²⁶⁹

Шартноманинг *ўн еттинчи бўлимида*, Бухоро амири томонидан амирлик ҳудудида қуллик бекор қилинганлиги расмий равишда қонуний шарт сифатида белгиланганлиги билан ажралиб туради. „Россия империяси подшоҳига ёқиш учун ва императори аъзам жанобларининг обрўсини кўтариш учун Амир Саййид Музаффар жаноби олийлари қарор қилади: бугундан эътиборан Бухоро ҳудудида абадул-абадгача инсонпарварлик қонунига зид одамлар билан савдо қилиш бекор қилинади. Шу қарорга биноан Саййид Музаффар ўзининг бекарига шу мазмунда қатъий буйруқ жўнатади. Агарда Бухоро чегарасидаги шаҳарларга юқоридаги зикр этилган фармонга қарши Бухоро фуқаролари учун бошқа қўшни давлатлардан қуллар олиб келтирилса, улар билан савдо қилиш хат орқали тўхтатилади. Амир фармонига риоя этмай олиб келтирилган одамлар эса ўз хўжайинларидан олиб, озод қилинади“.

1873 йил 28 сентябрь куни тузилган дўстлик шартномасининг *ўн саккизинчи бўлимида*, айнан мана шу шартнома қабул қилинганлиги ва унга амал қилиш тўғрисидаги фикрлар қуйидаги ҳолатда баён қилинган. „Саййид Музаффар чин қалбдан дўстлик ва қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун, Россия ва Бухоро ўртасидаги дўстона шартномани ҳамда 5 йилдан буён амал қилиб келаётган 17-шартномани Бухоро саодати учун қўлланма сифатида қабул қилади. Бу шартнома икки нусхада, икки тилда: рус ва туркий тилларда ёзилади. Тасдиқлаш нишонаси сифатида Саййид Музаффар ўз муҳрини босди, уни ўзига ва ворислари учун қўлланма сифатида қабул қилди. 23 сентябрь 1873 йил, 1290 йил шаъбон ойининг 19-куни“.²⁷⁰

²⁶⁹ Кўрсатилган манба. 421-426-бетлар.

²⁷⁰ Кўрсатилган манба. 421-426-бетлар.

IV. БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ — XX АСР БОШЛАРИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТУЗУМИ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

IV.1. Бухоро Амирлиги давлат бошқарувидаги ва маъмурий-ҳудудий тизимидаги ўзгаришлар ва унга чор Россияси сиёсатининг таъсири

Чор Россияси билан Бухоро Амирлиги ўртасидаги 1866—1868 йиллар оралиғида бўлиб ўтган қаттиқ жанглardan сўн Бухоро мағлубиятга учраб, ўз ҳудудининг катта қисмидан маҳрум бўлди. Жиззахдан тортиб Каттакўрғонга қадар бўлган ҳудудлар Рус ҳукумати тобелигига ўтди. Россия-Бухоро ўртасидаги жанглarda забт этилган ҳудудлар ҳисобига Туркистон генерал-губернаторлигининг Самарқанд вилояти ташкил этилди.

Шундай қилиб, Бухоро Амирлиги 1868 йилга келиб Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Самарқанд, Каттакўрғон каби ўзининг йирик аҳоли манзилгоҳларидан ва Зарафшон воҳасининг юқори ҳамда ўрта оқимидаги ҳудудлардан тўла маҳрум бўлди. Бухоро ҳукмдори Амир Музаффар ўз ҳудудининг катта қисмидан ажралиб қолиши билан бир қаторда, чор Россиясига ўта катта миқдорда товон тўлашга ҳам мажбур бўлди.

Мана шу ҳолатда, Бухоро Амирлиги XIX асрнинг 70-йилларидан то 1920 йилга қадар расман ўз давлатчилигини сақлаб қолган ҳолда тарих саҳнасида фаолият кўрсатиб турди. Ушбу даврда Бухоро Амирлигида Амир Музаффар (1860—1885 й.й.), Амир Абдулахад (1885—1910 й.й.) ва Амир Олимхон (1910—1920 й.й.) давлат бошлиғи сифатида иш олиб борган бўлсаларда, амалда рус ҳукуматининг итоткор хизматкорларига айланиб бўлган эдилар.

Кўп асрлар давомида шаклланган давлатчилик тизимидаги бир қатор ўзига хос жиҳатлар XIX аср охири — XX аср бошларида, яъни Бухоро Амирлиги амалда Россияга вассал давлатга айланганда ҳам сақланиб қолди. Бу хусусият манғитлар давридаги давлат бошқаруви бутун ўрта аср ўзбек давлатчилигининг узвий давоми эканлигини кўрсатади.

Чор Россияси босқинидан кейин ҳам Бухоро Амирлигида давлат бошқаруви олдинги даврлардагидек, асосан, икки босқичли бўлиб, Амир, сарой амалдорлари, ўзбек қавмлари бошлиқлари ва эътиборли дин пешволаридан ташкил топган марказий давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий бошқарув (вилоят

ҳоқимлари, беклар ва уларга бўйсунувчи амалдорлар)дан иборат эди.

Давлат амалда ва расман деярли чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлган давлат бошлиғи — Амир томонидан бошқариларди. Давлат Бухоро Амирининг ва унинг авлодларининг мулки ҳисобланиб, бошқарув усуллари ўрта аср мусулмон давлатларидан айтарли даражада фарқ қилмаган. Биз кўриб чиқаётган даврда давлат бошлиғи — Амир бўлиб, у манғит уруғининг ҳукмрон сулоласи оиласига мансуб бўлган.

Бухоро Амирлигидаги марказий давлат бошқарувининг моҳиятини тўлароқ англаш учун XIX аср охири—XX аср бошларида мамлакатдаги ижтимоий табақалар ва улар етишиб чиққан ижтимоий тизимга назар солиб, таҳлил этиб чиқиш лозим бўлади. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу ижтимоий тизим биз кўриб чиқаётган даврда ҳам ўрта асрларга хос кўпгина хусусиятларни ўзида сақлаб қолган эди.

Этакчи ўзбек уруғларининг зодагонлари Бухоро Амирлигининг олий табақасининг ўзаги, пойдевори бўлиб хизмат қилган. Ўзбеклар орасида ҳатто XIX асрда ҳам уруғ ва қабилаларга бўлинишлари ва урф-одатлари сақланиб қолинганлиги учун, ҳукмрон синф орасида кураш уруғлараро кураш тусини олган эди. Бунга мисол тариқасида, бир неча аср давом этган манғитлар ва шахрисабзлик кенегас қабилалари орасидаги курашни айтиб ўтиш мумкин. Бу кураш ўз моҳияти бўйича иккала айтиб ўтилган қабилла зодагонларининг хонликдаги ҳоқимият учун кураши эди ва у манғитларнинг ғалабаси билан якунланди. Бу курашнинг моҳияти кўпгина ўзбек қабилаларининг сўнги тўрт аср давомида Мовароуннаҳрда ўтроқлашуви ва аста-секин кўчманчи чорвадорлардан ўтроқ деҳқонларга айланиб борганлиги сабабли жуда кам ўзгарди.

Бухоро Амирлигидаги ҳоқимият ва унга ўз таъсирини ўтказиш учун бўлган курашни тасвирлаб ўтган баъзи мутахассислар „марказий ҳоқимият беқарор бўлиб турган пайтда, ўзбекларнинг йирик уруғлари — бийлари ўз уруғи эгаллаган ҳудудда анчагина ва ҳатто баъзи ҳолларда бутунлай мустақилликка эга бўлар эди. Шу сабабли марказий ҳоқимият доимо ўзига кучли ва йирик бийларни яқинлаштиришга ҳаракат қиларди, агар бу қўлидан келмаса, унга қарши ўз тарафдорларидан бирини қўйишарди“²⁷¹, деб эътироф этган эдилар. П. П. Иванов ўз аса-рида ўзбекларнинг ҳарбий-мулкдор зодагонлари Бухоро

²⁷¹ Иванов П. П. Восстание китай-кипчаков в Бухарском ханстве в 1821—1825 гг. — М., — Л., 1937, с.24.

Амирлигидаги ҳукмрон синф бўлганини тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтади.²⁷²

XIX асрнинг сўнгги чорагида Амирликда бўлган В. В. Крестовский ҳам юқоридагига ўхшаш фикрларни билдириб ўтади.²⁷³ Лекин бу муаллиф Бухоро табақалари ҳақидаги фикрни Н. В. Ханиковдан олган бўлиши ҳам мумкин. В.В.Крестовский шунингдек, „уруғдор ўзбеклар“ сўзини ишлатади.

Н. В. Хаников, ундан сўнг В. В. Крестовский ҳам уруғдор табақасига барча тожиклар, форслар, шунингдек, озод қилинган қуллар ва барча паст, қуйи табақадан чиққан кишилар қарама-қарши қўйилишига алоҳида урғу бериб ўтганлар.²⁷⁴ Бошқачасига айтганда, XIX асрнинг ўрталарида Бухоро Амирлигида уруғ-қабилавий бўлинишга эга ўзбеклар бундай бўлинишга эга бўлмаган бошқа барча миллат вакиллари билан ҳукмрон табақага мансубликлари билан ажралиб турар эдилар.

Ўзбекларнинг уруғ-қабилла зодагонлари XIX аср охири — XX аср бошларида ҳам Бухоро Амирлигидаги ҳукмрон синфнинг асосини ташкил қилган эди.

Бу жараён жамият олий табақасининг ўзбеклар манғит уруғининг зодагонларидан бўлмаган, балки қуйи қатлам ва ҳатто форс қулларидан бўлган амалдорлар ва давлат маҳкамаси хизматчилари шаклланиши билан характерланади.

Одатда, Бухоро Амирлари ўз шажараларини пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)дан бошлаганликлари сабабли мусулмон Шарқда барча зоти олий кишилар пайғамбар авлодидан бўлган қизларга уйланишга ҳаракат қилганлар, лекин шу билан бирга, кўп ҳолларда бу кишиларнинг пайғамбар билан қариндошлигини исботлаш қийин эди.²⁷⁵ Улар ўз унвонларидан олдин „сайид“ сўзини кўшиб айтардилар.²⁷⁶

²⁷² Иванов П. П. Кўрсатилган асар, 33- бет.

²⁷³ Крестовский В. В. В гостях у Бухарского эмира. —Спб., 1887, стр.108, 285—286

²⁷⁴ Хаников Н. В. Описание Бухарского ханства, стр. 182; В.В.Крестовский. В гостях у Бухарского эмира, стр. 285—286.

²⁷⁵ Мангитлар сулоласи намоёндалари ҳокимиятининг генеалогик легитимацияси ҳақида. Қаранг.: Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их истоков (XVIII—XIX вв.) Алматы: Дайк—Пресс, 2004. стр.212—246 (Часть Б.ІІІ.) Тарихчиларга Қўқон амири Умархон ваАамир Ҳайдар уртасидаги „насабталашлик“, ҳукмронликда қайсилари олдину, қайсилари иккинчи даражада эканликлари ҳақидаги баҳслари маълум. Қўқон тарихнавислигида бу масалада Минг сулоласининг ҳукмронлигини оқлаш учун кескин фикр ва мулоҳазалар мавжуд.

²⁷⁶ Семенов А. А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени.—Сталинабад, 1954, стр.20.

П. Шубинский Амирни мусулмон ҳуқуқи — Қуръон ва шариат билангина чекланган давлат бошлиғи деб атайди.²⁷⁷ Аммо Бухоро тарихининг билимдони А. А. Семенов Амирда чекланмаган ҳокимият бор эди, деб таъкидлайди.²⁷⁸

Манбалардаги маълумотларга қараганда, Амир барча шарқ ҳукмдорларига ўхшаб, дабдаба ва хокисорлик эъзози билан ўраб олинган эди. Амирнинг ҳузурида ҳеч кимнинг ўтиришга ҳаққи йўқ эди, кириб келганлар Амирнинг ёнига деярли эмаклагандай букилиб кириб келиши ва кетаётганда Амирга елкасини кўрсатмаслик учун унга юзини қилган ҳолда орқаси билан букилган зайлда чиқиб кетиши керак эди. Бухоро Амирлигидаги қабул маросимлари, В. В. Крестовскийнинг юқорида таъриф бериб ўтилган „В гостях у Бухарского эмира“ китобида ҳам муаллифнинг шахсий қарашлари асосида батафсил тавсифлаб ўтилган.²⁷⁹

Энди Бухоро Амирлигидаги марказий ҳокимият муаммосига, марказий, маъмурий маҳкама тавсифига ўтамиз.

А. А. Семеновнинг сўзларига кўра, Амирликда деярли барча нарса Амирнинг рухсатисиз бўлмас эди. Унга маҳкама ва хўжаликнинг барча майда нарсалари ҳақида ҳам ахборот беришган. Амир ўз ёнида мунтазам ўз шахсий ёзишмаларини олиб борадиган иккита котибга эга эди. Уларнинг биринчиси мунший бўлиб, у барча иш бўйича кўрсатмаларни ёзиб борар ва Амирга келган ахборотларга, шунингдек, маъмурий вакиллардан, алоҳида одамлардан бўлган илтимосларга ва шикоятларга жавоб берар эди. Иккинчи котиб мушриф — сарупо бериш, қурол-яроғ ва бошқа нарсаларни бериш ҳақидаги кўрсатмаларни ёзарди. Одатда, ҳафтада бир марта Амир ҳузурига барча бекликлар беклари ва қозиларидан ахборот билан чопар навкарлар юборилар эди. Амирнинг жавоб хатлари муборакнома деб аталарди.²⁸⁰

Давлатни бошқаришда Амирнинг асосий ва биринчи ёрдамчиси *қўшбеги* эди. Қўшбегининг давлатнинг биринчи амалдори даражасига кўтарилиши айнан манғитлар сулоласи ҳукмрон-

²⁷⁷ Шубинский П. Очерки Бухары. // Исторический вестник, 1892, № 8, стр.125.

²⁷⁸ Семенов А. А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени., стр.21.

²⁷⁹ Крестовский В. В. В гостях у Бухарского эмира. Путевой дневник. стр.285—286.

²⁸⁰ Муфассал қаранг: Холиқова Р. Марказий давлат бошқаруви тарихига бир назар. // Мулоқот, 2004, 1- сон, 41-бет.

лиги даврида рўй берди ва у давлатнинг бош вазирига айланди.²⁸¹ Н. Стремоухов фикрича XIX асрнинг 70-йилларида давлат бошқаруви Бухоро шаҳрида кўшбеги қўлида тўпланган эди.²⁸² В. В. Крестовскийнинг ёзишича, кўшбеги саройдаги биринчи унвон бўлиб, у ўз мансабига кўра давлатда Амирдан сўнг турарди.

В. В. Крестовский кўшбегининг мажбуриятлари устида алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни айтиб ўтади. „Кўшбеги Бухорода давлат муҳри ўрнида бўлган Амирнинг шахсий муҳрини сақловчи, бошқа давлатлар билан алоқаларни назорат қилувчи ва шунингдек, молия ишларини бошқарувчиси бўлган. Савдодан олинувчи барча божхона тўловлари бошқаруви ҳам унинг қўлида бўлиб, шунингдек, у ер солиғини йиғиш ва амлокни, ер-мулкларни беришни назорат қилган. Унга яна Амир саройини хавфсизлигини назорат қилиш топширилган, шунинг учун у доимо Бухорода яшаган. Амир шаҳардан кетган пайтда эса у саройнинг дарвозахонасида махсус, у учун қилинган жойда, Амир қайтгунча ўтирган. Унга ҳар куни кечкурун шаҳарнинг кечаси қулфланадиган ўн бир дарвозаси калитини келтириб берадилар. Эрталаб эса яна калитлар дарвозабонлар бошлиғига топширилган. Агар кўшбеги бирон-бир сабабга кўра Амир кетганда дарвозахонада ўтира олмаса, унда унинг ўрнига унинг ёрдамчиси — тўпчибоши ўтирган. Бухоро шаҳри ва унинг атрофи учун кўшбеги бек ҳуқуқларидан фойдаланади. Худди шунингдек, кўшбеги ўз мажбуриятлари кўплигини ҳисобга олиб, шаҳар ва унинг атрофи бошқарувини бирон-бир ёрдамчисига топшириши ҳам мумкин бўлган. Ўз унвонига, яъни Бухоро беги унвонига кўра кўшбеги шаҳар чегараларида юра олган ҳолда, шаҳар ташқарисидан узоқ вақт қолиши мумкин эмас эди“.²⁸³

Манбаларга қараганда, кўшбегининг Аркда алоҳида уйи, ҳовлиси бўлган. Агар Амир узоқ муддатга сафарга кетган бўлса, кўшбеги деярли асирга ўхшаб қоларди. Шунингдек, кўшбеги фақат Бухоро вилояти ҳокими бўлиб қолмасдан, барча қолган бекларнинг ҳам олий бошлиғи эди. Амир номига келиб тушган барча хабарлар ва шикоятларни кўриб чиқиш унга топширилган.²⁸⁴

²⁸¹ Семенов А. А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени. стр.54.

²⁸² Стремоухов Н. Поездка в Бухару. стр.685.

²⁸³ Крестовский В. В. В гостях у Бухарского эмира. Путевой дневник. стр. 286-287.

²⁸⁴ Муфассал қаранг: Холиқова Р. Марказий давлат бошқаруви тарихига бир назар. 41—42- бетлар.

Кўпинча қўшбеги даражасига, бу амалдаги кишиларнинг давлат бошқарувидаги иштироки даражаси юқори бўлса ҳам ўзбек уруғига тегишли бўлмаган кишилардан, баъзида эса ҳатто форс куллари орасидан ҳам танланган. Бундан келиб чиққан В. В. Крестовский „Қадимги Бухоро ҳокимиятининг асосчилари ўзларидан кейин ҳокимиятни бирон-бир ўзбек уруғига мансублигига қараб эмас, аввало ақл-заковати, билими ва шахсий сифатига қараб мерос қолдиришган ва бу давлат ишига ниҳоятда тўғри ёндашишдир“,²⁸⁵ — деб хулоса қилган эди.

Ҳақиқатда эса бу ерда бошқа жиҳатларга эътиборни қаратиш лозим. Хусусан, қуйи табақадан бўлган кишилар ва ҳатто кулларнинг қўшбеги амалига қўйилиши Амирнинг сиёсий вазиятни ҳисобга олишидан келиб чиққан эди. Чунки Амир давлатдаги бу юқори амални катта таъсирга эга бўлган ва кўпинча Амирга қарши бўлган ўзбек уруғлари вакилига беришдан кўра, бу амалда қуйи қатламдан Амир орқали кўтарилган ва шу сабабли унга бутунлай содиқ бўлган одам бўлишини истар эди.

Бухоронинг Бош қўшбегиси юқори қўшбеги-қўшбегийи боло деб аталган. Ундан фарқ қилган ҳолда қуйи қўшбеги-қўшбегийи *пойон* деб аталган амалдор ҳам бўлган бўлиб, у давлатнинг бош закотчиси эди. Бутун Амирликдан закот йиғиб олишни бошқарган бу амалдор сарой пойидаги хонада ўтирган (шу ердан қуйи қўшбеги — қўшбегийи *пойон* номи келиб чиққан). Қуйи қўшбеги девонбеги унвонига ҳам эга эди. Бу унвондаги амалдорлар одатда бекликларда ҳам мавжуд бўлиб, хўжалик ва молия ишларини бошқаришарди. Қуйи қўшбеги ёки Бухоро девонбегисига бекликлардаги барча девонбегилар бўйсунган.²⁸⁶

Бухородаги жамоат тартибини сақлаш юқоридан айтганимиздек миршабларга топширилган бўлиб, улар миршаббошига бўйсунар эди. Унга шу пайтнинг ўзида Амирликнинг барча бошқа шаҳарлари миршаблари ҳам бўйсунган. А.А.Семенов Бухородаги миршаблар ишининг ташкил этилишига оид қуйидаги маълумотларни келтиради. Бутун шаҳар икки даҳага, уларнинг ҳар бири ўз навбатида, олти жарибга бўлинади; даҳани даҳабоши деб аталган киши бошқарган, жарибни эса бобо бошқарган, унинг маҳкамаси *бобохона* дейилган. Унинг ихтиёрида фақат тунда ишлайдиган махсус кўриқчилар —

²⁸⁵ Крестовский В. В. В гостях у Бухарского эмира, стр.285.

²⁸⁶ Семенов А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени. стр. 54,57.

шабгардлар бўлган. Улар кечаси шаҳарни кезиб, барча шубҳали шахсларни, шунингдек, ҳеч бир эҳтиёжсиз шаҳарда юрганларни ушлаганлар. Ушлаб олинган кишилар ижтимоий аҳволи ва унвонига қарамасдан, шаҳардаги ҳаммом ва ўчоқларни тозалашга жўнатилган, эрталаб эса улар ўз уйларига қўйиб юборилган.²⁸⁷

Қўшбеги, қозикалон, бош раис ва Бухоро миршаби Бухорода биргаликда *чор ҳоким* — „*тўрт ҳоким*“ деб номланганини айтиб ўтган эдик.

Амир ҳузурида дин, фуқаролик ва ҳарбий вакиллардан иборат бўлган кенгаш ушбу даврда ҳам қисман фаолият юргизган. Кенгаш бирон-бир муҳим ислоҳот ўтказилаётган пайтдагина чақирилган. Бу кенгашда қўшбеги, бош закотчи, тўпчибоши ва бошқа олий амалдорлар иштирок этган.²⁸⁸

Амир саройида ҳарбий ишларни ва тўпчилар қўшинини бошқарган тўпчибоши деб аталган амалдор ҳам бўлган. Бу амалдор, одатда, ҳарбий вазир вазифасини бажарар эди.

Тўпчибоши, шунингдек, Амир кетган пайтда қўшбеги бирон-бир сабабга кўра саройда бўлмаса, унинг ўрнини босувчи киши ҳам ҳисобланган.²⁸⁹ Аммо А. А. Семеновнинг айтишича, Бухорода иккита тўпчибоши бўлган. Улардан бири „*тўпчибошийи лашкар*“ деб аталган, у Бухоро шаҳри қўшини бошлиғи эди ва худди ҳарбий вазирдек эди (уни кўпинча „*вазири ҳарб*“ ҳам дейишган), чунки унга барча қўшин бўлинмалари бошлиқлари бўйсунган.

Бошқа тўпчибоши пойтахт арки қўмондони эди ва шунинг учун „*тўпчибоши дарвозайи арки олий*“ яъни „*олий арк дарвозаси тўплари бошлиғи*“ деб аталган. Худди шу тўпчибоши керак бўлганда сарой ва Аркни назорат қилишда қўшбегининг ўрнини босган.²⁹⁰

Биз кўриб чиқаётган даврда, Бухоро ҳарбий қўшинлари сони Туркистон генерал-губернатори ва Бухоро Амири ўрта-сидаги келишувларга асосан 15 000 кишидан ошмаслиги лозим

²⁸⁷ Холиқова Р. Марказий давлат бошқаруви тарихига бир назар. 41—42- бетлар.

²⁸⁸ Шубинский П. Очерки Бухары. // Исторический вестник, стр. 140—141.

²⁸⁹ Шубинский П. Очерки Бухары., с. 140; В. В. Крестовский. В гостях у Бухарского эмира. стр. 287.

²⁹⁰ Семенов А. А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени. стр. 59.

эди. Бу даврда илгариги ҳарбий унвонлар, амаллар деярли тўлалигича сақланиб қолинди. Бу Бухоро армиясида ўрта асрларга хос хусусиятлар сақланиб қолганлигидан далолатдир.

Бухоро Амирлигидаги ҳарбий амалдорлар, унвонлар ва ҳарбий бошқарув, ҳарбий амалларга тайинланиш, унвонларга эга бўлиш ҳолатларини кўриб чиқиш бизни ниҳоятда муҳим хулосаларга олиб келади.

Аввало Амирликдаги соф ҳарбий унвонлар деярли йўқлигини, ҳарбий ва маъмурий унвонлар бир-биридан айтарли ажратилмаслигини, бирон-бир амалдор, маъмурий раҳбар бир пайтнинг ўзида ҳарбий соҳа вакили ҳам бўлганлигини айтиб ўтиш керак.

Бухоро Амирлигида ҳукмрон синфга тегишли ҳар бир ҳарбий унвон бевосита Амир орқали бериладиган ёки агар унвон кичик бўлса, Амирнинг вилоятлардаги ўринбосарлари орқали бериладиган унвонларга бўлинар эди. Унвонга эга бўлмаганларнинг барчасини сипоҳ деб, у ёки бу унвонга эга бўлганларни эса амалдор деб аташарди. Кўринишига қараганда, олдин „сипоҳ“ унвони фақат ҳарбий мазмунда бўлиб, фақат ҳарбийларга берилган. „Амалдор“ эса „амал эгаси“ маъносида, „иш“, „ҳаракат“ ва „хизмат“ни билдиради.

Бухоро Амирлигидаги XIX асрга мансуб ҳарбий унвонлар ҳақида Н. В. Хаников ҳам қизиқ маълумотлар бериб ўтади. Н. В. Ханиковнинг ёзишича, „ҳарбий унвонлар кўшинда ёки Амирнинг ёнида хизмат қилаётганларга берилган. Биринчи қуйи ҳарбий унвон оломон ёки оддий аскар эди. Амир атрофидаги аъёнлардан *дахбоши* (ўнбоши) ёки *панжожоғбоши* (элликбошилар) тайинланарди. Ундан сўнг ёрликларга қараб бериладиган унвонлар, яъни: *чўгра оғаси* (чеҳра оғоси) *мирзабоши*, *қоровулбеги*, *мирохур*, *эшикоғаси*, *чиғатойбеги*, *тўқсабо*, *додхоҳ*, *иноқ*, *парвоначи*, *девонбеги* ва *оталиқ* келади“.²⁹¹

В. И. Вяткин Бухоронинг XX асрнинг 20-йилларига мансуб ҳужжатларни ўрганиб, Н. Хаников келтириб ўтган баъзи унвонларни—*жевачи*, *чуғраоғаси*, *мирохур* каби унвонлар устида тўхталиб, уларни қуйидаги тартиб бўйича айтиб ўтади: *қоровулбеги*, *мирохур*, *тўқсабо*, *додхоҳ*, *иноқ*, *парвоначи*, *девонбеги*. Шунингдек, унинг алоҳида белгилаб ўтишича, навкарларнинг хизмат пиллапояларидан кўтарилиши имконияти деярли йўқ эди. Чунки зодагон одамлар дарҳол юқори унвонлар

²⁹¹ Ханыков Н. В. Описание Бухарского ханства, стр. 183—185.

билан тақдирланган ва амал унвон билан боғлиқ бўлмаганлиги сабабли юқори унвонларнинг қуйи унвондагилар қўл остида хизмат қилиши ҳоллари ҳам учраб турган. В. Л. Вяткин „девонбегидан ташқари, барча айтилган унвонлар қўмондонлик унвони ҳисобланишини айтиб ўтади“.²⁹²

XIX асрнинг охириги чорагида Амирликда бўлган В. В. Крестовский ҳам Бухорода мавжуд унвонларни, асосан ҳарбий унвонлар сифатида кўрсатиб ўтган. Унинг ёзишича, масалан, *додхоҳ* ҳарбий унвон бўлиб, рус қўшинидаги *генерал-майор* унвонига тенгдир. *Бий* унвони эса *бригадир* унвонига тенг деб кўрсатиб ўтган. В. В. Крестовский, мирохур ва ундан юқори унвондагилар Амир саройи ҳудудига отда кириб келиши мумкин бўлган ҳолда қуйи унвондагилар эса албатта отдан тушиши ва пиёда кириши шарт эди, деб қўшиб ўтади.²⁹³

Бухородаги ва бекликлардаги ҳарбий унвонлар ҳақида П. Гаевский ва М. А. Варигинлар ҳам маълумот бериб ўтадилар. Улар ҳам Бухоро Амирлигидаги унвонларни рус ҳарбий унвонларига тенглаштириб ўтишади. Масалан, *тўқсобо* унвонини *подполковникка*, *додхоҳ* унвонини эса генерал майорга тенг дейишган. П. Гаевскийнинг кўрсатиб ўтишича бекликларда жевачи, мирзабоши, қоровул беги, мирохур, тўқсобо каби унвонларгина бўлган, ундан юқориси бекликда йўқ эди. Шунингдек, Амирликдаги ҳарбий ва фуқаролик хизматларида унвонлар бир хил эди.²⁹⁴

М. А. Варигиннинг маълумот беришича, Кўлоб бегининг саройида бир нечта мирохур, қоровулбеги, жевачи (жибачи) ва бошқа амалдорлар бўлган. Муаллиф Бухорода унвонлар саводи ёки хизмати учун эмас, бирон-бир машҳур уруғга мансублигига қараб ёки эътиборли кишига қариндош бўлгани учунгина ҳам берилиши мумкин эди, деб қўшиб ўтади.

Ҳарбий унвонлар давлат амалдорларига Амирнинг қарори орқали берилган ҳолда, жойларда маҳаллий беклар маълум пул эвазига ҳатто қоровулбегигача бўлган унвонларни сотишарди.²⁹⁵

А. А. Семенов биз кўриб чиқаётган даврда Бухоро Амирлиги ҳарбий-маъмурий унвонлари ҳақида қуйидаги маълумотларни

²⁹² Вяткин В. Л. Каршинский округ, организация в нем войска и события в период 1215—1217 (1800—1803) годов. // Известия Среднеазиатского отдела Русского географического общества, Т. XVIII. 1928, стр. 17—20.

²⁹³ Крестовский В. В. В гостях у Бухарского эмира..., стр. 100

²⁹⁴ Гаевский П. Курган-Тюбинское бекство..., стр. 59—61.

²⁹⁵ Варыгин М. А. Опыт описания Кулябского бекства., стр. 796.

бериб ўтади: „ҳаммаси бўлиб Бухорода 15 та дунёвий (фуқаро) унвонлар ёки амаллар бор эди. Улардан биринчиси *баходир*; иккинчиси *чуғраоғаси* (чеҳра), ёки *оғабоши* (сарой хизматчилари бошлиғи; муаллифнинг сўзига қараганда, охири пайтда бу унвондаги кишилар аниқ бир ишга эга бўлмаган); учинчиси — *мирзабоши* (бу унвондаги кишилар ҳар хил муҳим бўлмаган ишларни бажаришган); тўртинчиси — *жибачи*, ёки жевачи (совутбардор); бешинчиси — *қоровулбеги* (қоровуллар бошлиғи); олтинчиси — *мири охур* ёки *мирохур* (отхона бошлиғи); еттинчиси — *тўқсабо* (ўз туғи-байроғига эга бўлган ҳарбий бўлинма бошлиғи); саккизинчиси—*эшикоғабоши* (олий даргоҳнинг бош кўриқчиси); тўққизинчиси — *бий*; ўнинчиси—*додхоҳ* (адолатпаноҳ); ўн биринчиси — *иноқ* (мамлакат ҳукмдорига жуда яқин одам); ўн иккинчиси — *парвоначи* (ёзилган шоҳ фармонини узатувчи); ўн учинчиси — *девонбеги* (девон бошлиғи ёки молия ишлари бошқарувчиси); ўн тўртинчиси — *кулли қўшбеги*; ўн бешинчиси — *оталиқ* (яъни ота ўрнини босувчи).²⁹⁶

Дастлабки саккизта унвонга *муборазат-паноҳ*, яъни „урушдан ҳимоя“, кейинги бештаси — *аморат-паноҳ*, яъни „ҳокимият ҳимоячиси“ (уларни вилоят ҳукмдорлари-бек ёки мирлар олардилар), охири иккитаси — *вазорат-паноҳ*, яъни „вазирлар ҳукми ҳимоячиси“ деган сифатлар билан берилган ёрлиқларга эга эдилар.

А. А. Семенов маълумотларида таъкидланишича, у ёки бу унвон олган одам, шу билан бирга, ҳадея этиладиган махсус кийим — сарупо, шунингдек, парвоначи орқали силлиқланган Кўқон қоғозига ёзилган Амирнинг махсус фармони — ёрлиқни олган. Бу фармон унвон олган киши салласига қистириб қўйиларди ва у шу қистирилган фармон билан ҳамма кўрсин ва билсин учун уч кун давомида юриши шарт эди.²⁹⁷

XX аср бошига оид манбалардаги маълумотларга қараганда, Амирликда ҳарбий унвонлар бешта эди: *дахбоши*, *чуғраоғаси*, *юзбоши*, *саркарда* ва *лашкарбоши*; юзбоши одатда қоровулбеги

²⁹⁶ Семенов А. А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени. стр.64.

²⁹⁷ Семенов А. А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени. стр.65; Оталиқ амали ҳақида муфассал қаранг: Анке фон Кюгельген. Легитимация, 94 ва кейинги бетлар; Ражабов К. Бухоро оталиклари сулоласи.// Бухоро окшоми, 2005 й.. 28 октябрь.

ёки мирохур каби дунёвий унвонга, саркарда эса тўқсабо, эшикоғабоши ёки бий унвонига эга бўлган.

Бухоро Амирлигидаги кўшинлар тузилиши ҳақидаги масалада чоп этилган асарларда деярли аниқлик йўқ. Кўп тадқиқотчиларнинг кўрсатишича кўшин, асосан, икки турга, яъни доимий кўшин — *аскарийа* ва фавқултда ҳолатларда тўпландиган кўшин — *навқарийага* бўлинган.²⁹⁸

Россия Давлат Ҳарбий Тарих Архиви ҳужжатларида қайд этилишича, 1892 йилда Бухоро Амирлиги кўшинлари таркиби 11 минг 400 та пиёда аскарлар, 400 та отлик аскарлардан иборат бўлган. Шунингдек, Амирликда 2070 та миршаб ва 620 та тўпчилар бўлишган бўлиб, улар ҳам ҳарбий хизматчи ҳисобланишган. Тўпчилар кўлида 151 та тўп ва замбараклар мавжуд бўлган. Уларни сақлаш учун бир йилга 1 млн. 308 минг рубл миқдоридagi маблағ сарфланган.²⁹⁹

Архив ҳужжатларида қайд этилишича, Амирликда кўшинлар сони йилдан-йилга камайиб борган. Масалан, 1874 йилда ҳарбий кўшин сони 10 минг 840 кишидан иборат бўлган.³⁰⁰

1908 йилда Бухоро ҳарбий кўшинлари 12 та пиёдалар батальони (унинг таркибида 52 та офицер, 12 та батальон командири, 3200 куйи лавозимдаги ҳарбийлар бўлган), 2 та эскадрон кавалерияси (унинг таркибида 5 та офицер, 1 та командир ва 600 та куйи лавозимдаги ҳарбийлар бўлган) артиллерия бўлинмаси (унинг таркибида 3 та офицер ва 300 та куйи лавозимдаги ҳарбийлар бўлган), ҳамда умумий аҳамиятга эга бўлган 60 та офицер бошчилигидаги 9100 та куйи лавозимдаги ҳарбийлардан ташкил топган.³⁰¹

Бухоро кўшинларининг ҳарбий қурол захираси ниҳоятда паст даражада бўлган. Ҳарбийларнинг тайёргарлик даражаси ҳам паст бўлган. Улар асосан, берданкалар ва қиличлар билан қуролланишган. Деярли ҳеч бири ҳарбий билим ва замонавий тактика кўникмаларига эга бўлишмаган.

Бухоро Амирлигида дин вакиллари жуда кўп бўлган ва улар таъсирли кучга эга табақани ташкил этар эди. Дин вакил-

²⁹⁸ Бухоро амирлигидаги амал ва унвонларни Хива мамлакатида жорий этилган вазифа ва унвонлар билан солиштириш учун қаранг: Сабурова С. Хива хонлигидаги давлат бошқаруви. Тарих фан. ном. дисс. — Т., 2001, 95—102-бетлар. Иловадаги „Хива хонлигидаги амал ва унвонлар рўйхати“. Яна қаранг.: Воҳидов Ш., Сабурова С. Хива хонлигида амал ва унвонлар ва уларнинг вазифалари. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1998, 10, 11-сон, 37—42-бетлар

²⁹⁹ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 25—26-бетлар.

³⁰⁰ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 27-бет.

³⁰¹ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 27—28-бетлар.

лари кўп ҳолларда имтиёзли гуруҳлардан — сайид, хўжа ва мирлардан ташкил топган бўлган.

У ёки бу мажбуриятларни бажарувчи ва „уламо“ деб умумий ном остида бирлаштирилган дин вакиллари диний унвонлар олишган. Н.В.Хаников ўтган асрнинг 40-йилларидаги кўпчилик унвонларни айтиб ўтади ва унинг сўзларига қараганда, бу унвонларнинг баъзилари фақат хўжаларга, баъзилари эса оддий одамларга берилган. Аммо бу муаллиф диний унвонлар қаторида муфтий, қози ва бошқаларни ҳам санаб ўтади,³⁰² лекин аслида булар унвон эмас, балки амал ҳисобланади.

Диний мактаб-мадрасани тугатганлар *мулла*, *қози ёки раис* амалини олиши мумкин эди. Амалда бир неча йил ишлаганидан сўнг, унга аввал *ўроқ*, кейин *судур* ва ҳатто *садр* унвони бериларди. Охирги, энг юқори диний унвон олган киши *қозикалон*, *муфтий аълам*, *охун* каби диний амалларни эгаллаши мумкин эди.³⁰³

Юқорида кўрсатиб ўтилган диний унвондагилар дунёвий ҳарбий-маъмурий амалдорлар қаторида танҳо олишарди.

Бухоро Амирлигида дин вакиллари судни, одамлар хулқини ва таълимни назорат қилиб, уларни бошқаришга ҳам масъул эдилар.

Бухородаги барча фуқаро суди, мусулмон мамлакати бўлгани учун, шариат бўйича бошқарилган ва бу бошқарув „қози“ деб аталувчи диний судьялар кўлида эди. Қозининг вазифалари ва ҳуқуқлари ҳақида манбаларда, илмий адабиётларда маълумотлар жуда кўплаб учрайди. Бош қози ёки қозикалон пойтахт бош қозиси ва шу билан бир пайтда Амирликдаги бошқа барча қозилар бошлиғи ҳам эди. Қозикалон шариат қонунлари асосида суд ишларини бошқариш учун Бухорода ўзига ёрдамчи тайинлаш ҳуқуқига эга эди. Қозикалон „шариат-паноҳ“ — „шариат ҳимоячиси“ унвонига эга эди ва барча амалдорлар ичида фақат унинг Амир олдига белбоғ ўрамаган ҳолда келишга ҳаққи бор эди.³⁰⁴

Шуни айтиб ўтиш керакки, Амирликнинг охирги йилларида барча олий қозилар асли Кўлобдан ва бир оиладан эди. Уларни мадрасада ўқиётган, юқорида эслатиб ўтилган „кўхистоний“ деб аталувчи гуруҳ кўллаб-қувватларди.³⁰⁵

³⁰² Ханыков Н. В. Описание Бухарского ханства..., стр.189—193.

³⁰³ Шодмон Воҳид. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. 26- бет.; Яна қаранг: „Тарихи Нофей“, 43- бет.

³⁰⁴ Семенов А. А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени. стр.30—31;

³⁰⁵ Кисляков Н. А. Очерки по истории Каратегина. К истории Таджикистана. — Ленинград, 1941. стр.48.

Қозилар асосан фуқаро ишларини ҳал қилган. Лекин шу пайтнинг ўзида жинойий ишларга тааллуқли масалаларни текшириш Амир маҳкамаси ва у шунга тайинлаган кишиларнинг, жойларда эса бекларнинг қўлида бўлган.

Бош қози шаҳар аҳолисининг барча ишлари ва шикоятларини кўриб чиқишига масъул ҳисобланган. Агар иш жуда жиддийлашса, унда бу иш қўшбегига ўтган. Бош қози ва аҳоли ўртасида ўзаро уларни бир-бирига боғловчи бўлиб мавзе бошлиқлари — *оқсоқоллар* турган.

Қозилар олдида одатда „*муфтий*“ деб аталувчи кишилар бўлган. Бу кишилар мусулмон ҳуқуқини (фиқҳ), мусулмон суннатини (ҳадисни) билишда алоҳида билимга эга бўлган кишилар эди. Пойтахтдаги муфтийлар 14 киши бўлиб, Амир ёки қозикалон томонидан тайинланардилар. Улар шариятга асосланган қарорлар—фатво ёки ривоят тузардилар ва уни бош қозига берардилар ва қози шунга асослашиб қарор чиқарар эди.

Бухоро Амирлигида давлат бошқарув тизимида ўзига хос ўринни „*раис*“ эгаллаган.³⁰⁶ Бу амал ярим-диний, ярим тартиботчи тусда эди. Бухорода бош раис, вилоятларда эса маҳаллий раислар бор эди. Раиснинг мажбурияти аҳолининг юриштириши ва хулқини назорат қилиш эди. У дин буюрган барча қоидалар бажарилишини ва номозлар ўқирилишини кузатар эди. Унинг яна бир вазифаси бозордаги савдо-сотиқни назорат қилиб, сотувчилар харидорларни алдашига йўл қўймаслик эди. Раислар доимо шаҳар бозорларини кезиб юришар ҳамда тарозилар ва бошқа ўлчов асбоблари тўғри ишлаётганини текширишар, аҳолининг кўчадаги юришларини назорат қиларди. Раис кўчада учратган одамига бирор-бир дин ҳақидаги савол бериб, жавоб талаб қилиши ёки Қуръоннинг бирон бир сурасини ўқиб беришни сўраши мумкин эди.

В. В. Крестовскийнинг ёзишича, „раис кунига икки марта эрталаб ва кечки пайт шаҳар бозорларини айланиб чиқарди. У истаган кишисини тўхтатиб, имтиҳон қилиши, Қуръондан бирон-бир сурани ўқишга мажбур қилиши мумкин эди ва сўралаётган одам бу нарсаларни билмаса ёки қониқарсиз жавоб берса, раис ўз йигитларига уни 39 зарбадан ошмаган ҳолда таёқ билан уриш жазосига буюриши мумкин“.³⁰⁷

Раис ўз вазифаларини, одатда, кундузи бажарар, кечаси эса айтиб ўтганимиздек, тартиб ва тинчликни сақлаш миқдори

³⁰⁶ Қаралсин: Холиқова Р. Марказий давлат бошқаруви тарихига бир назар. 41—42- бетлар.

³⁰⁷ Крестовский В. В. В гостях у Бухарского эмира, стр.180.

лар қўлида эди. Бош раис — эшон раис ёки *раис-уш-шариат* деб ҳам номланган. Бош раисга маҳаллий раислар бўйсунган, у уларни Амир олдида текширувдан ўтказган.³⁰⁸

Ҳарбийлар содир этган жиноятларни махсус амалдор—қози аскар кўриб чиққанлигини таъкидлаб ўтиш керак. Бундай жиноятларга фатво тайёрлаш эса муфти аскар зиммасида эди. Шу тариқа Амирликда ҳарбийлар ва фуқаролик ишлари алоҳида маҳкамалар томонидан кўриб чиқиларди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 1886 йилдан бошлаб Бухоро Амири ва унинг амалдорлари ўз фаолиятларида Россия империяси сиёсий агентлигининг бевосита маслаҳати билан иш олиб борадиган бўлишди. Ҳатто амалларга қўйиш каби масалалар ҳам ушбу агентлик розилиги билан амалга ошириладиган бўлиб қолди.

Бухоро Амирлигининг XIX аср охири — XX аср бошларида давлат бошқарувидаги ўзига хос хусусиятларини, ҳарбий-маъмурий ва диний амалдорларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва бурчларини ўрганиш шуни кўрсатадики, гарчанд Бухоро Амирлиги ўз ҳуқуқларини бой берган бўлишига қарамасдан, бу даврда Амир Темур ва темурийлар, шунингдек шайбонийлар ва аштархонийлар даврида қарор топган давлат бошқаруви тартиблари деярли ўзгаришсиз қолган. Бу хусусият, вассаллик даврида ҳам Бухоро Амирлиги давлат бошқарувида ўрта аср ўзбек миллий давлатчилиги анъаналари давом эттирилганлигини кўрсатади.

Бухоро Амирлиги баъзи манбаларда вилоят деб номланувчи бир нечта бекликларга бўлинган эди. Ҳар бир вилоят ёки беклик бошида ҳукмдор — *ҳоким*, *мир* ёки *бек* деб аталувчи амалдор турарди. Шунинг учун рус илмий адабиётларида бу маъмурий бўлинмалар кўпинча бекликлар номи билан аталган.

Бухоро Амирлиги маъмурий жиҳатдан Чоржўй, Кармана, Зиёвуддин, Нурота, Хатирчи, Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи, Яккабоғ, Ғузур, Бойсун, Қоратегин, Денов, Ҳисор, Дарвоз, Балжувон, Шугнон-Рушон, Қабадиён, Кўлоб, Кўргонтепа, Қарши, Шеробод, Калиф, Карки, Бурдалиқ, Кабалиқ, Сарижўй каби 28 та беклик ва Конимех, Қоракўл, Пирмаст, Ғиждувон, Ванғозе, Вобкент, Шофиркон, Ёртепа каби 9 та туманликка бўлинган.

³⁰⁸ Семенов А. А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени. стр.46.

Амирликдаги бекликлар сони ҳам, ҳудуди ҳам доимо бир хил бўлмаган ва бекликнинг ҳажми маҳаллий шароитга, аҳолининг сонига, шунингдек Амирнинг ихтиёрига боғлиқ бўлган. У хоҳласа бекликни катталаштириши ёки кичикроқ қилиб қўйиши мумкин эди.

Кўриб ўтилаётган даврда энг йирик бекликлар Шаҳрисабз, Ҳисор ва Қарши бекликлари ҳисобланган. Уларни Амирнинг қариндоши ёки тўла ишонган кишиси бошқарарди. Кичикроқ бекликларга Денов, Шеробод, Чироқчи, Китоб ва бошқа бекликлар кирар эди. Ниҳоят баъзилари, масалан, Келиф беклиги шаҳарча ва унинг атрофидаги бир нечта қишлоқлардан ташкил топган эди.³⁰⁹

Қарши беклигини ва кейинчалик Кармани вилоятини бошқариш, одатда, валиаҳдга топширилар эди.

П. Шубинский „XIX асрнинг 90- йиллари бошида барча бекликлар ичида 11 таси асосийларидир, улардан энг бойи бу Ҳисор беклигидир, у Амир хазинасига ҳар йили ярим миллион сўм даромад келтирарди, энг камбағаллари — Калиф ва Уч-ўчоқ бекликларидир, улар йилига фақат 8000—10000 сўм тўлашарди холос“³¹⁰, деб ёзган эди.

Бекликлар сони биз кўриб чиқаётган даврда йигирматадан ортиқ эди. Баъзи манбаларда уларнинг сони 28 та деб кўрсатилади. А.Губаревич-Радобильский эса XX аср бошида Бухоро Амирлигида 24 беклик, 7 алоҳида амлоқдорлик ва 10 туман бўлган деб ҳисоблайди.³¹¹ 1920 йили Бухоро Амирлигининг мавжуд бўлган охириги йилида, Бухородаги РСФСР мухтор вакилининг берган маълумотларига қараганда, деярли рус бошқарувида бўлган Шугнон ва Рушон каби Помиролди туманларини ҳисобламаганда, Амирликда 28 та беклик бўлган.³¹²

Амирлик шимолида, Нурота тоғларида—Нурота; Зарафшон ҳавзаси қўйи оқимининг ўнг соҳилида—Хатирчи ва Боғикалон, чап соҳилида Зиёвуддин ва Кармана, қўйи оқимида—Бухоро; Амударё водийсида (Сурхон қўйиладиган жойдан қуйироқда) оқим бўйлаб—Калиф, Карки, Бурдалиқ, Чоржўй, Усти; Қашқадарё ҳавзаси юқорисида—Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ; Ғузардарёда—Ғузор; Қашқадарё оқими бўйлаб қўйида—Чироқчи ва Қарши; Шерободдарё ҳавзасида—Шеробод ва Бойсун;

³⁰⁹ Галкин А. Краткий очерк Бухарского ханства, стр.414.

³¹⁰ Шубинский П. Очерки Бухары. стр. 140.

³¹¹ Қаранг: Материалы по районированию Средней Азии. стр. 64.

³¹² Ўша асар, 64—65-бетлар.

Сурхон ва Кофирниҳон ҳавзасида—Ҳисор; Қабодийн, Денов, Сарижўй; Панж ҳавзасида — Дарвоз, Қоратегин, Балжувон, Қўрғонтепа, Қўлоб бекликлари жойлашган.

Кўпгина манбаларда таъкидланишича, Ҳисор беклиги хонликнинг маъмурий бошқарувида махсус ўринни эгаллаган бўлиб, у Амирнинг Шарқий Бухородаги ўринбосари қароргоҳи сифатида ҳам муҳим ўрин тутган.

В. В. Крестовскийнинг ёзишича „Бухоро Амирлигидаги беклар рус губернаторларига тенг бўлишган, фақат бекларнинг ҳуқуқлари кўпроқ бўлган“, деб таъкидлайди. Амир бекка ўлим жазоси тайинлашдан бошқа барча ҳуқуқларни берарди. Бек амирга ҳар ҳафта ўз ишлари ҳақида ёзма ҳисобот жўнатарди. У фақат фуқаровий эмас, балки ҳарбий ҳокимиятга ҳам эга бўлиб, солиқлар йиғар, шунингдек, уруш пайтида қўшинга одам тўпларди.³¹³

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ўз ҳудуди ва аҳолиси сонига ҳамда ўзининг аҳамиятига кўра барча бекликлар бир хил эмас эди. Йирик бекликларда, одатда, ҳукмдор Амирга қариндош ёки яқин киши бўлгани учун баъзи бир дабдаба-бозлик бор эди ва маҳаллий ҳукмдор барча нарсада Амирдан ўрнак олишга ҳаракат қиларди. Пойтахтдан узоқ бўлган ва камбағалроқ ҳисобланган бекликларда кўп нарсалар оддий бўлиб, ортиқча дабдаба бўлмаган, бек аъёнлари камроқ ва кичик унвонларда бўлган. Аммо шунга қарамасдан, деярли барча бекликларда бошқарув тизими айтарли бир хил эди.

Амирликдаги Бек маҳкамаси таърифига келганда шуни кўрсатмоқ зарурки, бекнинг ҳузурида доимо ясовулбоши бўларди. Бу киши бекнинг энг яқин, ишончли одами ҳисобланган.

В. В. Крестовский ясовулбошини бекнинг ахборотчиси деб атайди ва бу амал ўз ичига қисман миршаблик, қисман бек ёрдамчиси вазифаларини, бекка ариза топшириш ва бек буйруқларини бажаришни олган эди, деб таъкидлайди. Унинг сўзларига кўра, ҳар бир бекда иккита ясовулбоши бўлган.³¹⁴

Ясовулбоши бекнинг шахсий кўриқчилари бошлиғи ҳам бўлиб, у кўпинча бек қарорларини амалга оширишга бевосита раҳбарлик қилган. Одатда ясовулбошига қоровулбеги ёки мирохур каби кичик амал ва унвон ҳам берилган.³¹⁵

³¹³ Крестовский В. В. В гостях у бухарского эмира, стр. 100.

³¹⁴ Уша асар. 104—109-бетлар.

³¹⁵ Кисляков Н. А. Очерки по истории Каратегина, стр.133.

Бекликлардаги муҳим амалдорлардан бири қози ҳисобланарди. Қози амали бекдан мустақил бўлган. Қози тўғридан-тўғри Бухородан тайинланар ва ўша ердан келган буйруқ билан алмаштириларди. Қози одатда бекнинг ҳаракатларини кузатар ва махфий равишда Бухорога хабар бериб турар эди. Қози бекликдаги фуқаро ишларини ҳал қиларди. Қозига маош тайинланмас, одатда, у тортишаётган тарафлардан олган йиғимлар ва нотариал тусдаги ҳар хил битимлар ҳисобига кун кўрар эди.³¹⁶

Бухоро Амирлигидаги ҳар бир беклик кичик маъмурий бирликларга — амлоқдорликларга бўлинган. Бу сўз билан аслида Амирга ёки давлатга қарашли, лекин деҳқонлар ихтиёрида бўлган алоҳида ерлар назарда тутилари. Амлоқнинг ўзи нафақат маъмурий, балки маъмурий-солиқ бирлиги эди. Амлоқ бошқарувчиси бўлган маъмурий шахснинг, яъни амлоқдорнинг энг муҳим вазифаси амлоқ ерларидаги деҳқонлардан солиқ йиғиб олиш эди.

Амлоқлар худди бекликлар каби ҳудудлари билан бири-биридан фарқланган бўлиб, уларнинг бекликдаги сони эса доимий бўлмаган ва тез-тез ўзгариб турган.

Бухоро Амирлигидаги энг катта Ҳисор беклиги маълумотларга кўра 23 та амлоқдорликка бўлинган бўлган. Баъзи манбаларда кўрсатилишича эса у ерда 27 амлоқдорлик бўлган. Рус зобити капитан Лилиентал Ҳисор беклиги 21 амлоқдорликка бўлинган деб қуйидагиларни: Ромит, Варзоб, Файзобод, Чўртан, Кофирниҳон, Душанбе, Ҳисор, Шурион, Хонақо, Иккинчи Хонақо, Алибеги, Қоратоғ, Регар, Саржўй, Сариосиё, Иккинчи Сариосиё, Норак, Явон, Лақай, Султан-Ровот ва Ҳози Маликларни кўрсатиб ўтади.³¹⁷ Шу пайтнинг ўзида, худди шу тадқиқотчи сўзларига кўра, анча кичик бўлган Қабодиён беклиги атиги икки амлоқдорлик — Бешкент ва Бош-Чарвонга бўлинган.³¹⁸ Қўрғонтепа беклиги учта амлоқдорликдан — Қўрғонтепа, Жилиқўл ва Саройдан иборат эди.³¹⁹ Шеробод беклиги олти амлоқдорлик — Талашкон, Салиобод, Жаркўрғон, Гилам-Боғ, Талиморон, Саитободга бўлинган.

³¹⁶ Қаранг: Семенов А. А. Очерк устройства., стр.32; Гаевский П. Курган-Тюбинское бекство. стр 42.

³¹⁷ Лилиенталь. Гиссарское и Кабадианское бекства. стр315-316.

³¹⁸ Бендерский Н. А. О Гиссарском крае, 155—156-бетлар; Административное устройство Гиссарского бекства; Лилиенталь. Гиссарское и Кабадинское бекства, стр316.

³¹⁹ Гаевский П. Курган-Тюбинское бекство, стр 22—27.

Бойсун беклиги тўртта амлоқдорлик—Бойсун, Явмчи, Пошхурд ва Дарбанддан ташкил топган.³²⁰ Қарши беклигида ХХ аср бошларида 15 та амлоқдорлик: Қамаш, Жейнов, Касби, Майманак, Косон, Пўлати, Парвоза, Файзобод, Бешкент, Потрон, Фазли, Жумабозор, Хонобод, Чим, Қорабоғ бўлган.

Кўлоб беклигининг маъмурий бўлиниши ўзига хос эди. Бу ерда 8 та — Мўминобод, Кўл, Сари-Чашма, Куврай, Чубек, Саёт, Гирди-қўрғони боло ва Гирди-қўрғони поён каби амлоқдорликлар бўлган. Санаб ўтилган амлоқдорликлардан ташқари яна алоҳида тўққизта маъмурий бирлик — Давлатобод, Тоғнов, Кишти, Поёндарё, Болодарё, Роғи, Сари-Гол, Вари, Ду-Оба бор эди. Уларни бадахшонликлар эгаллаган бўлиб, улар юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, Бухоро ҳукумати томонидан берилган имтиёзлар ва енгилликлардан фойдаланар эдилар.³²¹ Бу маъмурий бирликлар бошида меросхўр ҳукмдорлар — *шо* (шоҳ)лар турарди. Бу сўз илгари, одатда, Қоратегин, Дарвоз ва Тоғли Бадахшондаги майда мустақил ҳукмдорларга нисбатан ишлатилган.³²²

Бевосита бекликларга тобе амлоқдорлардан ташқари Амирга тўғридан-тўғри бўйсинувчи амлоқдорликлар ҳам бўлган. Лекин ушбу ҳолат доимий эмас, балки вақтинча бўлган. Масалан, Н. А. Маев XIX асрнинг 70- йилларида Ҳисор ўлкаси бекликлари ҳақида гапирар экан, Дарбанд, Сарижўй ва Файзобод амлоқдорликлари маҳаллий бекка бўйсунмаган ва бу амлоқдорларни бевосита Амир тайинлайди, деб кўрсатади.³²³ Лекин, кейинги давр муаллифлари ушбу кўрсатилган амлоқдорликларни бекликлар таркибида деб айтиб ўтишган.

Амирликдаги амлоқдорликлар, ўз навбатида бир неча кичик маъмурий-худудий бўгинларга бўлинган. Фарбий Бухорода у кентлар деб аталган. Шарқий Бухорода эса у турлича аталган. Масалан Қоратегинда *мири ҳазор*, Ҳисор ва Қабадиёнда *саод* дейилган.

Кентлар бир неча қишлоқлардан (арбоблик) ташкил топган бўлиб, уларни оқсоқоллар (арбоблар) бошқаришган.

³²⁰ Кап. Васильев. Статистический материал для описания Бухары-бекство Шерабадское и часть Байсунского, 1889. / Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии, вып. 57, 1894, стр. 399-402.

³²¹ Варыгин М. А. Опыт описания Кулябского бекства, с. 770—771.

³²² Кисляков Н. А. Очерки по истории Каратегина, стр. 45.

³²³ Маев Н. Географический очерк Гиссарского края и Кулябского бекства. // Известия Русского Географического общества, т. XII, 1876, стр. 360.

Бухоро атрофида жойлашган амлокдорликлар ёки туманлар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтмоқ зарур деб ҳисоблаймиз.

Баъзи манбаларда Бухорога бўйсунувчи 7 та амлокдорлик, баъзиларида эса 9 та номлари келтирилади. Буни туман марказининг бир қишлоқдан бошқасига кўчирилиши билан ҳам тушунтириш мумкин. Чунки туманнинг номи унинг маркази бўлган қишлоқ номидан олинган. Шунингдек, бир туман ёки амлокдорликнинг бир нечта номга эга эканлиги каби ҳолат ҳам учрайди. Масалан, энг йирик туманлардан бўлган Гиждувон, шунингдек, Хўжаи Жаҳон номига ҳам эга бўлган ва бу ном мақбараси Гиждувонда бўлган Хўжа Абдулҳолик Гиждувоний шарафига қўйилган бўлиши мумкин. Биз бу масалага оид барча маълумотларни ўрганиб чиқиб, Бухоро туманлари сони тўққизта бўлганини аниқлашга муваффақ бўлдик. Хусусан, Бухоро шимоли-шарқда Пирмаст, Вобкент, Гиждувон ва Ванғозе шимол ва шимоли-ғарбда Шофиркон, Зандане ва Ромитон, ғарбда Хайробод (Жондор) ва жануби-ғарбда Қорақўл жойлашган бўлган.³²⁴

Бухоро амлокдорликлари ёки туманлари хонлик пойтахтига яқин бўлганликлари сабабли катта аҳамиятга эга эди. Бу ер амлокдорлари деярли бекка тенг бўлган ва Амир томонидан тайинланган. Гиждувон каби йирик туманда тўқсабодан тортиб, бийгача бўлган унвондаги амалдорлар ҳам бор эди. Агар Гиждувон амлокдорлари амалга кўтариладиган бўлса, улар, одатда, бирор ерга бек сифатида жўнатилган. Бу амлокдорликларда бекликлардаги каби қози, раис, миршаб каби амалдорлар бўлган ва улар амлокдор билан биргаликда *чор ҳоким* дейилган. Бу амалдорларнинг барчасини бевосита Амир тайинлаган. Ҳар бир амлокдорликда закотчи ҳам бўлиб, уни қўшбеги тайинлаган.

Бухорога яқин қишлоқлар „қишлоқи атрофи шаҳар“ дейилган. Улар юқорида санаб ўтилган биронта ҳам маъмурий бирликка кирмаган. Бу қишлоқлар Бухоро бош раиси ёрдам-

³²⁴ Қаранг: История Узбекской ССР. т.1, 2 китоб. — Тошкент, 1956, 134—139-бетлар. Биз санаб ўтган амлокдорликларда Хайробод ва Ромитон йўқ, улар ўрнига Конимех ва Ёртепа кўрсатилган. А. А. Семеновда ҳам амлокдорликлар рўйхати фарқ қилади. (Садриддин Айнийнинг „Ҳотиралар“ китобида унинг „К прошлому Бухары“ қисмига қаранг). Семенов А. А. „Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей и их в среднее вековой Бухаре“ номли ишида (Советское востоковедение, т V, 1948) белгилайдики, қадимда Вобкент тумани Комот, Ванғозе-Коми Абу Муслим, Зандане-Хитфар, Ромитон-Самжин деб номланган. 146- бет.

чилари — ноиблари бошқарувидаги бир нечта майда маъмурий бирликни ташкил этганлар. Бухоро ноибликлари қаторига Бухородаги бош зиёратгоҳ — шайх Баҳовуддин мақбараси ва унга тегишли ерлар кирган.

Маъмурий зинапоянинг кейинги поғонаси қишлоқ маъмурияти ҳисобланган. Шу билан бирга, қатор туманларда янада майда маъмурий бирликлар ҳам бўлган.

Шарқий Бухородаги тоғлик бекликларни тадқиқот қилган мутахассислар шуни кўрсатишадикки, баъзи бекликларда, масалан, Қоратегинда амлоқдорликлар қатор ҳолларда, аммо ҳар доим эмас, янада кичикроқ мири хазор номли маъмурий бирликларга бўлинган, баъзиларида эса мири хазорликлар бирон-бир амлоқдорликка кирмай, тўғридан-тўғри бекка бўйсунган.

Бундай турли-туман маъмурий бўлиниш маҳаллий урф-одатлар ва ўзига хосликлар натижасида тарихан шаклланган бўлиб, у биз ўрганаётган давргача етиб келган.

Бухоро Амирлиги қуйи маъмурий бўлинишида биз учратган *мири хазор* ва *сад* атамалари эски маъмурий бўлиниш — юз (сад) ва минг (хазор) қолдиқлари эди. Мингбоши сўзининг келиб чиқишини ҳам шундай тушунтириш мумкин.

Кўрсатилган қуйи маъмурий бўлинишлар шуни кўрсатадики, Бухоро Амирлигининг турли туманларида улар турлича бўлган. Шу нарса киши эътиборини ўзига тортадики, қатор ҳолларда қишлоқ маъмурияти қишлоқ бошқарувчиси (оқсоқоли) ва бир гуруҳ қишлоқларнинг бошқарувчиларига бўлинган. Бу охирилари амлоқдор ва қишлоқ оқсоқоли орасидаги оралиқ боғловчи ҳисобланган. Бу оралиқ боғловчи ҳар доим ва ҳар ерда ҳам бўлавермаган. Аммо бу бўлиниш ҳам шартлидир. Йирик қишлоқлар мавзеларга бўлинган бўлса, ҳар бир алоҳида мавзе ёки масжид жамоасини кўпинча оқсоқол бошқарган. Бу ҳолда қишлоқни бошқарувчи амалдор ихтиёрида бир нечта оқсоқоллар бўларди. Аксинча, қишлоқлар кичик бўлса, бир оқсоқол улардан бир нечтасини жамлаган ҳолда бошқарарди.

Шундай қилиб, Бухоро амлоқдорликлари қишлоқларида оқсоқоллар қуйи маъмурият вакиллари эди, ҳар бир қишлоқда, катта қишлоқларда эса ҳар мавзеда (масжидда) — бир оқсоқол бўларди.

Энди тадқиқотчилар диққатини Россия Давлат Ҳарбий Тарихий Архивида сақланаётган бир ҳужжатга тортмоқчимиз. Россия ташқи ишлар ва ҳарбий вазирлигининг негизида махфий тарзда тузилган мазкур ҳужжатлар Бухоро хонлигининг Россия таркибига қўшилиб олгандан сўнг маъмурий тузилиш ва

бошқарув тартибини кўрсатади.³²⁵ Россиянинг Бухоро билан олиб борилган сиёсатининг иккиюзламачилиги, хоҳлаган вақтида Амир ҳукуматини ағдариб ташлаши мумкин бўлганини кўрсатадиган бу ҳужжат 1895 йилдан кейин тузилганини тахмин қилиш мумкин. Бу йиллар Бухоро Амири Абдулаҳад ҳар қадамда Россия императори ва Туркистон генерал-губернаторига садоқатини кўрсатаётган бир вақтда унинг орқасидан шундай хиёнат тайёрланаётганидан беҳабар эди.

Биз таҳлил қилаётган ҳужжат „Записка“нинг номи „Амир ҳукумати бекор қилингандан сўнг Бухоро хонлигининг босиб олиниши ва хонликни Россия империясига қўшиб олиниши“ дейилган. Унда 7 та „Илова“ лар берилган. Иловаларда Бухоро Амирлигини босиб олган ҳолда маъмурий тузилиши ва бошқарув тартиби кўрсатилади. Унга биноан Бухоро мамлакати икки вилоятга, Ҳисор ва Бухоро вилоятларига бўлиниши режалаштирилган эди. Ҳисор вилоятига (660.000 аҳоли) Фарм, Ҳисор, Кўлоб ва Шеробод уездлари (9 та мавжуд беклик ўрнида) ташкил этилиши лозим эди. Бухоро вилоятида Карки (5 та беклик ўрнида), Шаҳрисабз (5 та беклик ўрнида), Бухоро уезди (Бухоро шаҳри, Вобкент, Ғиждувон, Зандане, Ванғозе/Вардонзе амлоқдорликлари ўрнига), Чоржўй (3 та беклик ва Қорақўл амлоқдорлиги ўрнида), Кармана уезди (4 та амлоқдорлик ўрнида) тузилиши режалаштирилди.

Шу билан бирга, рус маъмурлари ва ҳарбийлари Бухоро хонлигининг янги маъмурий тузилиши учун иккинчи вариантни ҳам тузиб, „Записка“га илова қилганлар. Унга биноан, Бухоро мамлакатининг бир қисм худудлари Самарқанд вилоятига (Самарқанд, Кармана, Бухоро, Чоржўй уездлари ташкил қилинади) қўшилиб, Ҳисор вилояти, яъни яна иккита вилоят тузилиши режалаштирилди. Ҳисор вилоятида Кўлоб, Қаратой, Шеробод (Шеробод, Бойсун, Калиф, Ҳисор, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Чироқчи бекликлари ҳисобидан) ва Карки (Карки, Қарши ва Бурдалиқ бекликлари ўрнида) уездлари тузилиши лозим эди. Мазкур ҳужжатда янги тузилган вилоятлар аҳолисининг сони Самарқанд бўйича 1.376.109 нафар, Ҳисорда 1.297.000 нафар кўрсатилган.³²⁶

Бизнингча, юқоридаги ҳужжат Россия ва Англиянинг Афғонистон бўйича можароларининг ҳал этилиши олдидан тузилган бўлиши мумкин. 1895—1896 ва кейинги йилларда

³²⁵ РДХТА. 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш. 44—51-бетлар.

³²⁶ РДХТА. 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш. 50-бет.

Россия-Англия чегаралари масаласидаги келишув ва шартномаларга биноан, Бухоро мамлакатининг ҳудудий ўзгаришлари Амирнинг ўзини бошқача тутиш ҳолатларига олиб келиши мумкин бўлган. Шунда Россия маъмурлари Бухорода „кутилмаган вазият“ юзага келганда олдиндан эҳтиёт чораларини тузиб қўйгандилар. Ҳар ҳолда мазкур „лойиҳа“ амалга ошмагани бизга маълум. Ундан биз яна мустамлакачиларнинг „бўлиб ҳукмронлик қилиши“ гоёсини кўришимиз мумкин.

Бухоро Амирлигининг қўйи маъмурий тузилиши ва маҳаллий бошқарув тартиблари бўйича хулоса сифатида шуни айтиш керакки, Бухоро Амирлиги бекликларга, улар эса, ўз навбатида, амлоқдорликларга ва қўйи маъмурий бирлик сифатида қишлоқларга бўлинган эди. Уларнинг бошида арбоб ва оқсоқоллар турарди, қатор жойларда яна амин, арбоб (қишлоқники эмас) ва мири хазорлар каби оралик бўғинлар ҳам мавжуд бўлган.

IV.2. XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида Бухоро ҳукмдорларининг тарихий портретлари

XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида Бухоро Амирлиги ўз тарихида жуда оғир ва зиддиятли тарихни бошидан кечирди. Чор Россияси билан олиб борилган ҳарбий урушлар натижасида ўзининг катта ҳудудларидан маҳрум бўлиш билан бирга, ушбу даврда гарчи қонуний ўз миллий давлатчилигини сақлаб қолган бўлса-да, расман у давлат бошқарувида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ҳуқуқни қўлдан бой бериб бўлган эди. У деярли ҳар бир амалга оширган ишини бевосита Россия ҳукумати вакили бўлмиш Туркистон генерал-губернаторлиги билан келишган ҳолда амалга оширишга мажбур эди.

Бухоро тарихининг айнан мана шу даврда Амирликни бошқарган Амирлар фаолияти ва уларнинг тарихий портретлари олимлар томонидан деярли татбиқ этилмай қолган. Айрим ҳолатларда, қисман улар фаолиятига тўхталганда ноҳолис, нообъектив ёндашувлар бўлганлиги кўзга яққол кўринади. Замонавий асарларнинг деярли аксариятида Бухоро Амирлиги тарихида ҳукмрон бўлган Амирлар фаолияти деярли умуман ёритилмаган. Қисман ушбу давр тарихига оид воқеалар тасвирланганда эса ушбу ҳукмдорлар фаолияти фақат бир томонлама талқин этилган. Аслида уларнинг ҳукмронлиги, уларнинг тарихий портретлари қай тарзда бўлган, деган савол кўпчилик юртдошларимизни доимо қизиқтириб келган. Мана шунинг учун ҳам XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Бухоро Амирлиги ҳукмдорлари тарихий пор-

третларини ўша давр тарихий манбалари ва архив ҳужжатлари асосида ўрганишга, уни ёритишга ва илмий таҳлил этишга жазм этилди.

XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Бухоро Амирлиги тарихида давлат бошлиғи — ҳукмдор сифатида Амир Музаффар (1860—1885 й.й.), Амир Абдулаҳад (1885—1910 й.й.) ва Амир Олимхон (1910—1920 й.й.)лар давлатни идора этишган.

Амир Музаффар, Амир Абдулаҳад ва Амир Олимхон жуда кўплаб маҳаллий тарихчилар томонидан ўта бераҳм, ўта золим ҳукмдор ва ўта раҳмсиз давлат раҳбари сифатида талқин этилган. Хўш, аслида уларнинг асл қиёфалари қай тарзда бўлган?

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Сайид Музафариддинхон (1860—1885 й.й.), Сайид Абдулаҳадхон (1885—1910 й.й.) ва Сайид Олимхон (1910—1920 й.й.) томонидан Бухоро Амирлигини идора қилиш ва давлатни бошқариш сиёсати, уларнинг ўзлари ва шахси аксарият олимлар томонидан, айниқса совет тоталитар тузуми даврида бераҳм давлат раҳбари, қонхўр, золим шахс сифатида тасвирланган.³²⁷ Худди шу ҳолатдаги баҳоларни Европа олимлари асарларида ҳам учратиш мумкин.³²⁸ Жумладан, Беккер ўз асарларида Бухоро ҳукмдорларини ашаддий золим ва деспотик ҳукмдор сифатида талқин қилган. Европалик барча олимлар ушбу масалага айнан шу ҳолатда салбий баҳо беришган деган умумий хулосадан биз йироқмиз. Чунки, айрим олимлар ушбу шахслар тўғрисида бошқача таъриф беришган. Жумладан, XIX асрда Бухорога ташриф буюрган Ҳерман Вамбери Бухоро ҳукмдорларига объектив баҳо берган.³²⁹

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Бухоро ҳукмдорлари Абдулаҳадхон ва Олимхонларнинг ҳар иккаласи ҳам Санкт-Петербург шаҳрида кадетлар мактабида таҳсил олишган бўлиб,

³²⁷ Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айний асарларида шундай баҳо берилган.

³²⁸ Becker C. Russians protectorates in Central Asia, Burhara and Khiva. 1865—1924, —Cambrige, 1968, p. 31—33.

³²⁹ Муфассал қаранг: Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш.—Т.: Маънавият, 2002; Холиқова Р. Бухоронинг сўнгги ҳукмдорлари. // Жамият ва бошқарув. 2004, 2-сон, 54—57-бетлар. Бухоро ҳукмдорлари ҳақида Қ. Ражабовнинг ҳам бир қатор мақолалари мавжуд. Қаранг: Ражабов Қ. Муҳаммад Раҳимхон — манғиллар сулоласи асосчиси. // Бухоро мавжлари. 2005, 3-сон, 36—37-бетлар. Шу муаллиф, Муҳаммад Дониёлбий оталиқ: бийлик мансабидан амирлик рутбасигача. // Бухоро мавжлари, 2005. 4-сон, 37—339-бетлар; Ўзбекистон Миллий энциклопедиясидаги Амир Шоҳмурод (10-жилд), Амир Насруллоҳ (6-жилд), Амир Музаффар (6-жилд), Амир Олимхон (6-жилд) Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ, Муҳаммад Раҳимхон (11 жилд) ва б. амирлар ҳақидаги мақолалар ҳам Қ. Ражабов қаламига тегишли.

Ўз ҳукмронлик фаолиятларида дастлаб ижобий ишларни амалга оширишга, давлат бошқарув ишларида турли хил ижобий ислохотларни амалга оширишга ҳаракат қилишган. Бу тарихий ҳақиқат. Уни инкор этиб бўлмайди. Масалан, Абдулаҳад ўз ҳукмронлик даври бошида суд-ҳуқуқ тузилмасини ислоҳ қилишга ҳаракат қилган бўлса, Олимхон эса мамлакатда порахўрлик ва тамагирликни олдини олишга ҳаракат қилди. Ҳатто ўз ҳукмронлиги даврида Амир Олимхон таълим тизимининг баъзи бир жиҳатларини ислоҳ этишга қатъий ҳаракат қилганлиги ва интилганлиги маълум. Бу борада у баъзи бир ишларни амалга оширди ҳам. Куйида ушбу ҳукмдорлар автопортретини бевосита ўша даврда яшаган ва ижод этган адиблар, муаррихлар — Муҳаммад Сиддиқ (Ҳашмат), Насриддин Тура, Мирза Абдул Азим Сомий, Мирза Муҳаммад Салимбек, Фитрат, Аҳмад Дониш, Садри Зиё, Садриддин Айний, Пулат Солиев асарлари ҳамда Москва шаҳрида жойлашган Россия давлат Ҳарбий тарих архиви ҳужжатлари асосида баён этишга ҳаракат қиламиз.³³⁰

Бухоро Амири Саййид Музаффариддин Баҳодирхон 1860—1885 йилларда Бухорода ҳукмронлик қилган.³³¹ У манғитлар сулоласидан бўлган тўртинчи амир бўлиб, Амир Насруллоҳнинг ўғли ҳисобланади. У 1819 йили оламга келган. Ёшлик йиллари Қаршида ўтган. Венгер саёҳатчиси Ҳ.Вамберининг айтишича: „У ўзининг қобилиятлилиги билан жуда эрта кўзга ташланган“. Шунингдек, Вамбери Амир Музаффар ва унинг отаси Амир Насруллоҳ ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисида тўхталиб, шундай деб ёзади: „Музаффариддиннинг шундай қобилиятлигига қарамасдан, у отасининг кўзига бало-

³³⁰ Муҳаммад Сиддиқ (Ҳашмат) ибн Амир Музаффар. Зайл-и Тарихи Муқимхони. (Баёни аҳволи салотини узбакийя). // Қўлёзма ИВАН РУз. Инв № 2663/III.; Носриддин Тура ал-Ҳанафий ал-Хусайний ал-Бухорий. Осор ас-салотин. // Қўлёзма ИВАН РУз. Инв № 1422.; Мирза Абдул Азим Сомий. Тарихи салатини Манғитийа. Мирза Муҳаммад Салим Бек. Тарихи Салимий. // Қўлёзма ИВАН РУз. Инв № 2016. (Қаралсин. Н. Норкулов „Тарихи Салимий“); Фитрат. Давраи ҳукмронии Амир Олимхон. Душанбе 1991; Аҳмад Дониш. Рисола ё мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони Манғитийа.; Мирза Муҳаммад Шарифжон Садри Зиё. Силсилаи хони гетисигон Чингизхон ва байани аҳволоти салотини авлоди он. // Қўлёзма ИВАН РУз. Инв № 2193 —Х.; Садриддин Айний. Тарихи Амирони манғитийа-йи Бухоро; Булат Салийиф. Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси — Т., 1920.

³³¹ Қаралсин: Холиқова Р. XIX асрда Бухоро амирлиги. // Жамият ва бошқарув. 2000, 3-сон, 70- бет; Музаффархон//Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, т.6.—Т., 2003, 112-113 бетлар.

қазодай кўринарди, чунки Амир Насруллоҳ ўз боласини тахт учун талашадиган хавfli рақиблардан бири деб ўйларди. У доимо Қарши томондан ўзига нисбатан суиқасд уюштирилиши мумкин деб кўрқарди. Бу кўрқувдан халос бўлиш ва ўғлини назорат қилиш учун уни Карманага ноиб қилиб тайинлади³³².

20 ёшида Карманага ноиб этиб тайинланган Музаффар бу лавозимда 19 йил, яъни отасининг ўлимига қадар танҳоликда, бадарға қилинган ҳолда яшади ва фаолият кўрсатди. Қизиги шундаки, бўлажак Амир на отасини келиб кўрди, на отаси Карманага келди, на ўғлини кўриш учун уни Бухорога чақиртирди. Амир Насруллоҳ бир йил касал бўлиб ётиб, 1860 йил 20 октябрда вафот этади. Музаффар отасининг вафоти ҳақидаги хабарномани эшитиб, Бухорога келади ва отасининг жанозасида иштирок этди. Бир неча ой ўтгач, у Самарқандга келади ва Бухоро Амирлиги тахтига кўтарилиб, Амирликни қабул қилиш маросимлари ўтказилади. Мана шундай қилиб, у Бухоро тахти эгасига айланди.

Амир Музаффариддиннинг 25 йиллик ҳукмронлиги даврида жуда кўп воқеалар содир бўлади ва Амир шахсига унинг замондошлари турлича, баъзан жуда қарама-қарши баҳо беришади. Масалан, тарихчи Мирза Абдулазим ас-Сомий Амир Музаффарни „мақтовга лойиқ фаолият кўрсатган, хушмуомалали бўлган“³³³ деса, Аҳмад Дониш „Амир табиатан аҳмоқ ва чекланган“, „ахлоқсиз ва зўравон шахс бўлган“³³⁴ деб кўрсатди.

1883 йили Амир Музаффар Россиянинг I даражали „Муқаддас Анна“ ордени билан тақдирланади. Бу орден олмос (бриллиант)лар билан безатилган эди. Бу Амир Музаффарга бежиз берилмаган эди. Бу орден Россия императори Александр III га Бухоро юлдузи орденини тақдирлаш эвазига келган эди. Мукофотни Бухорога генерал-майор, князь Витгенштейн бошчилигидаги махсус элчилар олиб келишган.³³⁵

³³² Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи, —Т., 1991, 11—13-бетлар.; Яна қаранг, Юсупов Ш. Машъум хато ёки гап канизақда эдими. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2005, 10 июнь. 24-сон, 5—6-бетлар.

³³³ Қаранг: Мирзо Абдал Азим Соми. Тарихи салотини мангитийа (История мангитских правителей). Перевод, издание текста и примеч. Л. М. Епифоновой, —М., 1962.

³³⁴ Дониш А. Рисола ё мухтасаре аз таърихи салотини мангития, 20—25-бетлар.

³³⁵ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 4—4 а бетлар.

Амир Музаффар ўз ҳукмронлиги даврида уламолар билан деярли иши бўлмади ва уларга эътибор бермади, ҳатто улар билан бирон-бир масала юзасидан ҳеч қачон маслаҳат ҳам қилмади. Уламолар эса унинг ниҳоятда қаттиққўллигини билишганлиги учун ҳам, ҳеч қачон унинг ишига аралашини ўзларига эп кўришмади.

Амир Музаффар Майдаюлғун яқинида руслардан мағлубиятга учрагач, у руслар билан урушишдан бутунлай воз кечишга мажбур бўлди. Айнан мана шу ерда, доимо унинг ички ва давлат ишларига умуман аралашмаган уламолар сиёсий майдонга чиқишди. Улар халқни русларга қарши кўтаришди ва дин учун, имон учун русларга қарши халқни кўзғатишга муяссар бўлишди. Айнан мана шу ерда Амир Музаффар уламоларга ён босишга мажбур бўлди.

Чор Россияси билан бўлиб ўтган урушлар, 125 минг тилла миқдоридagi ўлпон тўлови ва доимий ички низолар Амир Музаффар хазинасини бўшаб қолишига сабаб бўлди. Амир ўз хазинасини тўлдириш учун қумуш ва тилла ҳамда қимматбаҳо безаклар тўплашга кўрсатма берди. Ушбу ишни амалга оширишда уламолар Амирга яқиндан ёрдам беришди. Масалан, қози Садриддин Кўлобий (қози Бадриддиннинг отаси — Р.Х.) жуда катта миқдордаги вақф ерларини давлат фойдасига мусодара қилишни ҳамда бозорга сотишга олиб келинган дондан давлат йиғими — аминона олишни ўрнатишни тавсия этди. Шунингдек, ушбу даврда қозилар томонидан Амир Музаффар даврида турли хил совғалар олиб келинишининг одатга айлантирилиши ҳам Амирга, давлат хазинасини тўлдириш учун янги бир имконият сифатида қўл келди.

Амир Музаффар қозилар ва раисларга ўз қўл остидагиларидан турли хил йиғимлар тўплашга рухсат этди. Чунки, бу йиғимларнинг маълум қисми турли хил совға ва инъом тариқасида Амир хазинасига келиб тушарди. Мана шунинг учун ҳам раис ва қози лавозимлари Амир Музаффар даврида катта аҳамиятга эга бўлган. Муллалар турли хил йўллар билан ушбу лавозимларни эгаллашга ҳаракат қилишган. Бу эса, ўз навбатида, уламолар билан Амир саройи ўртасидаги алоқаларнинг бирмунча яхшиланишга хизмат қилган. Мана шундай қилиб, Амир Музаффар бир томондан уламоларни ўзининг қўл остидаги доимий равишда хазинасини тўлдириб берувчи итоаткор хизматкорларга айлантирган бўлса, иккинчи томондан Амир уламоларни тўла ўзига итоаткор кучга айлантириб олди ва уларни ўзи хоҳлаган усулда бошқара бошлади. Шунини очик айтиш

лозимки, барча уламолар ҳам бир хил итоаткор эмас эди. Улар орасида қатъиятли уламолар ҳам бор эди. Уларнинг аксарияти Амир сиёсатидан чўчиб, мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлишди. Баъзилари эса Амир саройида хизмат қилиб, ўз фикрларини очиқ билдиришга журъат этишди. Мана шундай журъатли уламолардан бири Аҳмад Дониш, XX асрнинг бошларида эса домулло Икром(ча) ҳисобланардилар.³³⁶ У ўзининг кучли сиёсати, устмонлиги ва ҳозиржавоблиги билан шуҳрат қозониб, Амир саройида ишлашга муяссар бўлди.

Аҳмад Дониш нафақат уламо, балки йирик математик олим, кучли астроном ҳам эди. Аҳмад Дониш уч маротаба Бухоро элчилари таркибида Россияда бўлиб қайтган шахс.

Амир Музаффар 1882 йили ўзининг ўғли Абдулаҳадни тахт меросхўри деб эълон қилди ва ўша йили Россия императори Александр Шнинг тахтга ўтириш маросими тантанасига қатнашиш учун Москвага жўнатди. У ерда Абдулаҳад ҳақиқий тахт вориси сифатида Россия томонидан тасдиқланди.

Амир Музаффар 25 йил Бухоро тахтида ҳукмронлик қилди.³³⁷ Амир Музаффарнинг жами 13 та ўғли бўлган. Улардан иккитаси Амир ҳаётлигида вафот этган. Бир ўғли — Абдулмалик Тўра отасига қарши кўзғолон кўтарганлиги учун чет элга қочиб кетган. Бир ўғли эса доимий равишда гаров сифатида Россияда истиқомат қилди.

1885 йил августда Амир ўз ҳудудини айланиб юрганда Қаршида „юкумли безгак“ касалига чалинади. У ўз йўлини давом эттирмай, Бухорога қайтади ва ўзининг шаҳардан ташқаридаги қароргоҳи Ширбудунга келиб, у ерда деярли 2 ой бўлади. Касаллик ўтиб кетди, энди яхши бўлди деб ўйлаганда, 28 сентябрда касал яна қайтадан хуруж қилади. Амирга яқин бўлган Остонақулбек бий³³⁸ ва Муҳаммад бий кўшбеги Амир аҳволини кўриб, уни Бухородаги Аркка олиб келишни лозим топишади. Худди ана шу Аркда 1885 йил 13 декабрда Амир Музаффар бу дунёдан кўз юмди ва Бухоро Эшон Имло мазорига дафн этилди.

³³⁶ Муфассал қаранг: Аҳмад Дониш. Наводир ул — вқоъ. — Душанбе, 1988.; XX асрнинг бошларида ўзининг қатъятлиги билан шуҳрат қозонган Домулло Икромча ҳаёти ва фаолияти етарлича ўрганилмаган. Бу ҳақда қаранг: Ҳаёт Неъмат Самарқандий. Домулло Икромчайи ҳақгўй ки буд? // Овози тоҷик, 2004, 1 декабрь.

³³⁷ Холиқова Р. Бухоронинг сўнгги ҳукмдорлари. 54—55- бетлар.

³³⁸ У ҳақда қаранг: Ражабов Қ. Остонақул кушбеги. // Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 6-жилд, 590-бет.

Бухоро амири Амир Сайид Абдулахад Баҳодирхон 1885—1910 йиллар давомида Бухорода ҳукмронлик қилган.³³⁹ У 1857 йил 26 мартда Карманада туғилган. Унинг онаси Амир Музаффарнинг сеvimли хотини, форс канизаги Шамшод исмли аёл бўлиб, ўз замондошларининг айтишича у, жуда ақлли аёл бўлган. У 1879 йил Карманада вафот этган. У ўғли бек этиб тайинланган кундан бошлаб, умрининг то охирига қадар ўғли билан Карманада бирга яшаган. Ўғлидан ташқари унинг Солиҳа исмли қизи ҳам бор эди. Амир Музаффар бу қизини жияни Омонulloҳга узатган эди. 14 ёшидан бошлаб (баъзи манбаларда 18 ёшдан) Абдулахад Кармана беки этиб тайинланган эди. У билан учрашган рус сайёҳлари унинг оддий ҳаёт кечирешини айтиб ўтганлар. 1882 йилга қадар унинг хотини битта бўлган. Ҳарамни эса фақат кўргазма учунгина сақлаган. 1882 йил унинг оёғи жиддий касалланади ва кўп йиллар давомида оғриб юради. Айниқса, бу оғриқ қишда кучаярди. Унинг оёқ оғригини 1892 йил рус шифокорлари даволашади. Абдулахад билимли киши эди. У тожик тилида, озгина рус ва араб тилида ҳам гаплашарди. 1882 йил Абдулахад отасининг ихтиёри билан Москвага жўнатилди ва у ерда Бухоро тахти вориси деб тан олинди. Бу ҳақда кейинчалик император Александр III Амир Музаффарга ёзма равишда билдиради. Бўлажак Амирни Россияга эшик оғаси Остонақулбек бий кўшбеги кузатиб борди.³⁴⁰

1885 йил октябрь ойида отаси вафотини эшитгач Абдулахад 1000 чавандоз билан Карманадан Бухорога отланди. Йўлда Малик деган жойда Россия ҳукуматининг вакили генерал-лейтенант Анненков билан учрашди. Анненков унга тахт борасида Амир Музаффарнинг бошқа ўғиллари билан сиёсий жиҳатдан қарама-қаршиликлар юз берадиган бўлса, у Россия ҳукумати кўмагига таяниши мумкинлигини билдирди. Амир Абдулахад Бухорога киришдан олдин Баҳовуддин Нақшбанд мазоратига бориб, Куръон ўқиб, зиёрат қилади. Кейин отасининг жанозасида қатнашади. 1885 йил 4 ноябрда Бухоро Аркида Амирни оқ кигизга ўтқизиш, тахтга ўтқизиш маросими бўлиб ўтади.³⁴¹ Шу тариқа Бухоро ҳаётида муҳим воқеалар ва ўзгариш-

³³⁹ Холиқова Р. Бухоронинг сўнгги ҳукмдорлари, 54—55- бетлар. Яна қаранг: Иноятов С, Тураев Х, Ҳайитова О. Амир Абдулахадхон даврида Кармана. Т.: Шарқ, 2004. 14-18 бетлар.

³⁴⁰ РДҲТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 5—7- бетлар.

³⁴¹ Муфассал қаранг: Холиқова Р. Бухоронинг сўнгги ҳукмдорлари, 55- бет.

ларнинг бевосита гувоҳи бўлган Амир Абдулаҳад фаолияти бошланади.

Ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Амир пойтахт Бухорода яшади. У шаҳарда ярим йилча бўларди, қишда Шаҳ-рисабз ва Қаршига кетарди. Июнь ва июль ойларида Карманада яшарди. Бухорога қайтишда Аркка тўхтамасдан, шаҳардан ташқаридаги ўз қасри Ширбуддинда тўхтарди. 1894 йили Бухоро диндорлари билан тескари бўлиб қолган Амир Карманага келиб яшай бошлади ва ҳаётининг охирига қадар шу ерда яшади.

Амир саёҳат қилишни жуда яхши кўрарди. Амир Абдулаҳад Москва ва Санкт-Петербургда бир неча марта бўлган. У 1893 йили Россия империясининг пойтахтига ўз ўғли Олимхонни олиб борди. Кейинчалик император Николай II нинг тахтга чиқиш маросимида ва сўнгги марта ўз ўлимидан олдин Санкт-Петербургда ўзининг Бухоро тахтига ўтирганининг 25 йиллигини нишонлаш учун борди.³⁴² Бундан ташқари, у Киевда, Одессада, Екатеринославда, Бокуда, Тифлисида, Батумида, Севастополда, Боқчасаройда ҳам бўлган эди. Ҳар ёзда Абдулаҳад Кавказда, Минерал Сувларида ёки Крим ва Ялтада ўзи қурган қасрда дам оларди (у қурдирган қаср ўрнида совет даврида „Ўзбекистон“ санаторияси бўлган).

Амир Абдулаҳад хонлиги даврида қийноқлар, ўлим ҳукми ва энг даҳшатли жазо, Бухородаги Минораи Калондан ташлаб юбориш ман этилди. Унинг ҳукмронлик даврида хонликда мис, темир, олтин қазиб чиқариш, телефон линиялари ва темир йўллар қурилиши, савдо фаол ривожлантирилди. Жаҳон бозорида Бухоро қоракўл хом ашёсини сотиш бўйича савдо операцияларини амалга ошириш бўйича 3-ўринни эгаллаганида, унда Амирнинг ўзи фаол иштирок этди. Баъзи бир маълумотларга кўра, Россиянинг Давлат банкида Амирнинг шахсий ҳисобида 27 млн. рубл тилла ҳисобида, Россиянинг тижорат банкида эса 7 миллион рубл олтин пул сақланган.³⁴³ Абдулаҳад хонликдаги ҳарбий кучларга алоҳида эътибор берган. Ёшлик чоғидаёқ, бўлажак Кармана беги ўз гарнизонида ҳарбий машқлар ўтказиб, Кармана қалъасини жуда яхши ҳолатда тутган. Буни у ерга ташриф буюрган рус офицерлари ҳам бир неча бор таъкидлашган. 1893 йил Россиядан ўз Ватанига қайта-

³⁴² РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 5—6-бетлар.

³⁴³ Муфассал қаранг: Холиқова Р. Бухоронинг сўнгги ҳукмдорлари. 55-бет.

ётган Амир Ашхободда руслар томонидан ўқитилган, малака жиҳатдан казаклардан қолишмайдиган туркман полициясини кўриб қолади.³⁴⁴ Ва шундан сўнг унда Бухоро полициясини ташкил қилиш гоёси пайдо бўлади. Орадан икки йил ўтгач, у ўйлаган ишини амалга оширди. 1895 йилдан бошлаб Бухоро Амирлигида полиция (аҳоли орасида миршаб) хизмати йўлга қўйилди. Кейинчалик Амир ҳам ўз қўшинининг ҳарбий тайёргарлигини ошириш ва замонавий қуроолантириш учун кўп ишларни амалга оширди. Масалан, Россия ҳукумати Бухорога ўқотар қуроолларни қисман сотишни чеклаганда, Амир ўз қўшинларига милтиқларни рус савдогарлари орқали сотиб олишни амалга оширди.

Барча рус муаллифлари Амир ҳақида ёзганларида, унинг жуда изланувчан бўлганлигини алоҳида таъкидлаш билан бирга, унинг яхши ҳаракатлар учун ҳеч нарсани аямаган кўли очиқ одам бўлганлигини ҳам ёзишган.³⁴⁵ Масалан, Амир Абдулаҳад 1892 йили Россия империясининг турли вилоятларидаги қийналган аҳолига 100 минг рубл ёрдам пули берган. 1904 йилги рус-япон уруши даврида Россия флотига 1 миллион рубл маблағ ажратган.³⁴⁶ Абдулаҳад ўзи бош бўлган 5-Оренбург казак полкига ҳам доимо ёрдам пули ажратган. Туркистон археология тўғараги коллекцияси учун эса бир неча қадимий олтин тангаларни ҳадя этган. Амир Туркистон хайр-эҳсон қилувчи жамиятнинг фахрий аъзоси ҳисобланган. Абдулаҳад Ҳижоз темир йўли қурилишига бир неча минг танга ажратган. Унинг қўл остидаги хизматчилари эса шу мақсадга 150 минг рубл ажратган.³⁴⁷ Амир учун мусулмон дини ишларига ёрдам бериш алоҳида ўрин эгаллаган. Унинг томонидан муқаддас Макка ва Мадина фойдасига вақф сифатида берилган мулклар йилига 20 минг рубл йиллик даромад келтирган.

Унинг ҳукмронлик даврида Бухорода уламолар сони 500 дан 150 минг кишига етганини муболаға тарзида хушомадгўйлари таъкидлаб ўтганлар.³⁴⁸

³⁴⁴ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 7-8-бетлар.

³⁴⁵ Қаранг: Логофет Д. И. Страна бесправия; Его же, Бухарское ханство под русским протекторатом; Его же, В забытой стране.; Семенов А. А. Очерк устройства ... ва бошқалар.

³⁴⁶ РДХТА, 1396-жамғарма 2-рўйхат, 1485-иш, 8-бет.

³⁴⁷ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 8-бет.

³⁴⁸ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 9-бет.

Абдулахад сиймосидаги ижобий чизиқлардан яна бир жиҳати шундаки, у шеърятга жуда қизиқарди. У нафақат нафис сўз санъати мухлиси, балки ўзи ҳам шеърлар ёзиш билан шуғулланган. У ўзининг Россияда бўлган сафарларидан таъсирланган воқеалар ва кайфиятларидан келиб чиқиб, бир қатор шеърлар яратган ва ушбу шеърлари асосида „Девон“ тузган. Амир ўз шеърларини „Ожиз“ тахаллуси билан яратган.³⁴⁹

Бухоро Амири бир қатор рус сарой унвони ва орденлари соҳиби ҳисобланган. Жумладан, у Россия ҳукуматининг генерал-адъюданги, рус хизматидаги кавалерия генерали, Терск казак кўшинларининг атамани, 5-Оренбург полки бошлиғи унвонларига эга эди. У рус орденларининг деярли барчаси билан, жумладан, император ордени ҳисобланган „Святой Андрей Первозванный“ занжири билан, шунингдек, „I даражали Италиян“ ордени билан, француз орденлари бўлган „Фахрий Легион“ ва „Катта офицер Крести“ ва бошқа бир қатор орденлар билан тақдирланган эди.³⁵⁰

Кўпчилик рус муаллифлари Амир Абдулахадга баҳо берганда, унинг тўғрисида фикр билдирганда уни „Россиянинг ҳақиқий дўсти“, „Эҳтиёткор ва мулоҳазали сиёсатчи“ деб айтишарди.³⁵¹

Амир 1910 йили 22 декабрдан 23 декабрга ўтадиган кечада Карманда буйрак касалидан вафот этган. Амирнинг ўлимини 1910 йилда шиалар ва сунийлар ўртасида юз берган тўқнашувлар тезлаштирган, деб тахмин қилишади.³⁵² Чунки Амир бу борада жуда қаттиқ қайғурган. Амир Абдулахаднинг 4 ўғли (Саййид Мирабдуллоҳ, Саййид Мир Олимхон, Саййид Мирҳусайн ва Саййид Мир Иброҳим) бор эди. Катта ўғли 1888 йилда дифтерия касаллигидан вафот этгач, тахт меросхўри Саййид Мир Олимхон деб эълон қилинди.

Амир Саййид Мир Олимхон (Тўражон) 1910—1920 йиллар давомида Бухоро Амирлигида ҳукмронлик қилган. Аксарият манбаларда кўрсатилишича, Амир Абдулахаднинг иккинчи ўғли Мир Олимхон 1881 йили туғилган дейилади.

³⁴⁹ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 10-бет

³⁵⁰ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 11-бет.

³⁵¹ Муфассал қаранг: Холиқова Р. Бухоронинг сўнгги ҳукмдорлари. 55—56-бетлар.

³⁵² Шмидт А.Е. Из истории суннитско-шиитских отношений // В.В.Бартольд. Туркестанские друзья и ученики и почитатели. —Т., 1927, стр. 69—107.

1893 йил январда Мир Олим отаси билан Санкт-Петербургга боради. Амир Абдулаҳаднинг ўз ўғлини бу ерга олиб келишдан асосий мақсади ёш Амирни Николаев кадет корпусига ўқишга киритиш эди.

Амир шахсан ўзи бу корпусга келиб, „олий ҳарбий ўқув юрти бошлиқлари“ билан танишиб, улар билан Мир Олимхоннинг келгуси тарбияси борасида фикрлашган.³⁵³

Ўша пайтда Россия императори ҳисобланган Александр III Бухоро тахтининг янги вориси Мир Олим бўлади деб алоҳида фикр билдирган эди.³⁵⁴

Отаси Амир Абдулаҳаднинг илтимосига биноан, рус ҳукумати билан унинг Петербургдаги ўқишини тезлаштирилган ҳолда амалга оширишга, яъни уч йилда тугатиш тўғрисида келишилди. Ўқиш аслида у ерда етти йиллик эди. Ёзги таътил чоғида ёш Олимхон Бухорога келиб турган. 3 йиллик ўқиш тугагач, у 1896 йили Петербургдан Бухорога, отаси ҳузурига қайтади. Шундай қилиб, Саййид Олимхон 1893—1896 йилларда Петербургда таҳсил олади.

Саййид Олимхон Насаф вилоятига ҳоким этиб тайинланди. У ерда 12 йил ҳукмронлик қилиб, Қашқадарё устига кўприк қурдирди.

Насафда 12 йиллик ҳокимликдан сўнг, Саййид Олимхон отаси томонидан Карманага ҳоким этиб тайинланди. Карманада Саййид Олимхон 2 йил ҳукмронлик қилади.

1910 йили отаси ўз ажали билан вафот этгач, у Бухоро Амирлиги тахтига ҳукмдор сифатида ўтирди.

Бу ҳолатни Амир Саййид Олимхоннинг ўзи шундай таърифлайди. „Шу билан мен 1329- ҳижрий йили муҳаррам ойининг ўнинчи куни, милодийнинг 1911 йили менга мерос бўлиб қолган марҳум ва мағфур падарим салтанати тахтига ўтирдим“.³⁵⁵

Амир Саййид Олимхон Болойи ҳавз деган жойда катта мадраса қурдирди. Шунингдек, у Бухоро минорасининг пастки қисмида „Дор-ул-улум“ (Билимлар уйи) бўлмиш мадраса қурдирган. Ушбу мадрасада таҳсил олувчиларнинг бутун сарф-харажати Амир Саййид Олимхон ҳисобидан бўлган.³⁵⁶

³⁵³ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 12-бет.

³⁵⁴ Муфассал қаранг: Ражабов Қ. Бухорого қизил армия босқини ва унга қарши кураш, 27-31 бетлар; Шу муаллиф, Олимхон.// Узбекистон Миллий Энциклопедияси, т.6. 508 бет; Холиқова Р. Бухоронинг сўнгги ҳукмдорлари. 55—56-бетлар.

³⁵⁵ Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. 8-бет.

³⁵⁶ Уша асар, 8-бет.

Амир Саййид Олимхон Бухоро Амирлиги тахтида 10 йил ҳукмронлик қилди. 1920 йили Советлар ҳокимияти томонидан Бухорода Амирлик тузуми ағдарилди ва Саййид Олимхон Афғонистонга чиқиб кетишга мажбур бўлиб, умрининг охирига қадар 1944 йилгача ўша ерда яшади. Афғон амири Амир Саййид Олимхонга Кобул шаҳрининг Фату деган боғини ҳадя этиб, унга сарф-харажатлари учун ўн беш минг беш юз рупия маблағ белгилайди. Амир Саййид Олимхон 1944 йили Кобулда вафот этади.³⁵⁷

Энди қисқача Бухоро ҳукмдорларининг ака-укалари тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Амир Музаффарнинг нечта фарзанди бўлганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Амирнинг катта ўғли Саййид Абдулмалик Мирза — Катта тўра (1848—1909 й.й.) тўртта хотинларидан бири бўлмиш, Хоса-Зумраддан дунёга келган бўлиб, у афғон Амири Ширалихон қизига уйланган эди. XIX асрнинг 60-йилларида у Ғузор беки бўлган. 1868 йилда Амир Самарқанд остонасида озодлик қўзғолонига раҳбарлик қилди, ammo муваффақиятсизликка учради.³⁵⁸

Отаси русларнинг ҳарбий кучларидан фойдаланиб, унга қарши кураш олиб борди. У пировард натижада отасига қарши бўлиб, отасини тахтдан тушириш учун халқ ҳаракатига, бошчилик қилади. Лекин мағлубиятга учраб, дастлаб Қаршига, 1868 йил декабрда Хивага, сўнгра Қашқарга ундан Янги Ҳисор қалъасига чекинди (1873 йил). 1880 йил Кобулда, сўнгра Ҳиндистонда Англия ҳисобига яшади. Абдулмалик укаси Абдулаҳад ҳукмронлиги даврида унга нисбатан хавfli рақиб ҳисобланган. Инглизлар доимий равишда уни қўллаб-қувватлашган. Катта тўра 1909 йил Пешоварда вафот этди.³⁵⁹

Амирнинг иккинчи ўғли Саййид Нуриддинхон (1851—1878 й.й.) 1867—1868 йилларда Қарши беки бўлган, кейинчалик Чоржўй ҳокими этиб тайинланган. Амир Музаффар бу ақли ва қобилиятли фарзандини тахт вориси қилиш нияти бор эди, лекин у бевақт вафот этди.

Саййид Мир Абдулмўмин (1852—1898 й.й. ёки 1894 й.й.) 1869 йил Қаршида бек сифатида ўзининг катта акаси Нуриддин ўрнини эгаллади, сўнгра 1871 йилдан 1886 йилга қадар Ҳисор каби йирик бекликда ноиб бўлиб хизмат қилди. Амир Абдулаҳад

³⁵⁷ Қаранг: Холиқова Р. Бухоронинг сўнги ҳукмдорлари. 57- бет.

³⁵⁸ Чориев.З, Жўраев А. Ғузор тарихидан лавҳалар. 17—18- бетлар.

³⁵⁹ Ўша асар, 27—28- бетлар. Абдулмалик (Катта тўра) фаолиятини бадиий тарзда Самар Нурий "Қора тонг" романида (Т.: Шарқ) ёритган.

хукмронлиги даврига келиб эса унга қарши чиқа бошлади. Мана шунинг учун ҳам, у Амирнинг махсус буйруғи билан Бойсун беги этиб тайинланиб, қалъада оиласи билан Амир агентларининг доимий назоратида яшади. У номигагина бек бўлиб, вилоят ишларини Амирнинг одамлари бошқарарди, у амалда Амирнинг уй маҳбуси эди.

1891 йил Абдулмўмин Бухорога чақириб олинди. Бухорода у Аркда яшай бошлади ва то вафотига қадар уй қамоғида сақланди. Абдулмўминнинг фарзандлари эса Аркдан 1920 йилга қадар бошқа худудларга чиқмай яшашди.³⁶⁰

Амир Музаффарнинг сеvimли ўғли Саййид Абдулфаттоҳ Мирзо (1856 — 1869 йй) эди ва у 1869 йили Санкт-Петербургга фахрий элчи сифатида юборилган эди.

Элчиларга Абдулқосим бий ва унинг мирзаси ҳамда таржимони Аҳмад Дониш бошчилик қилиб боришган. Улар Россия императорига катта совғалар олиб боришган. Абдул- фаттоҳ 1869 йилнинг ноябрь бошидан 10 декабрга қадар Петербургда бўлиб, император Александр II қабулида бўлган.³⁶¹

Музаффариiddин мана шу ўғлини тахт вориси сифатида тасдиқланишини императордан илтимос қиламан деб юрганида, бу ўғли ҳам тўсатдан вафот этади.

Саййид Мир Абдусамад (XIX асрнинг 60- йиллари боши) Амир Музаффарнинг олтинчи ўғли ҳисобланади. (Бешинчи ўғли Абдулаҳад) у 1880 йили Чироқчи беги бўлган. У хулқи ёмонлиги, бузғунчилиги учун отаси томонидан маҳаллий қози назоратига топширилган эди. Амир унинг бетгачопарлигини ёқтирмасди. Абдулаҳад ҳам укасини ёқтирмасди. 1886 йил 4 сентябрь кечаси Мир Абдусамад қамоққа олинди ва Бухорога жўнатилиди. Шундан сўнг у пойтахтда Хўжа Фафур даҳасида „уй қамоғида“ сақланди.³⁶²

Саййид Муҳаммад Мир Сиддиқ хон „Ҳашмат“ 1871 йилдан Қарши беги бўлган. Нуриддин вафотидан сўнг Амир Музаффар уни 1878 йил Чоржўй беги этиб тайинлади. 1885 йилдан Бухорода Амир Абдулаҳад хукмронлиги бошлангач, Мир Сиддиқхон тақдири ҳам худди бошқа акалари сингари кечди. У лавозимидан туширилиб, Чоржўйдан чақириб олинди. 1885 йил қамоққа олинди. Сўнгра қўйиб юборилди, Бухоро Аркига жойлаштирилди ва уй қамоғида сақланди. Бухорода охирги йиллари у Равғангарон даҳасида яшади. 1922 йили у Афғонистонга кўчиб

³⁶⁰ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 13-13а- бетлар

³⁶¹ Дониш Аҳмад Наводир ул-вақое. Т., 1964.

³⁶² РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 13—14-бетлар.

кетди. У сиёсий соҳадан кетгач, ўзини адабиётга бағишлади. У ўртамиёна шоир бўлса ҳам, адабиётни жуда яхши биларди, унинг бир неча тугалланмаган тазкиралари бизларгача етиб келган. Ўзбекистон Шарқшунослик институти хазинасида унинг 30 дан ошиқ қўлёзма асарлари сақланмоқда. Ҳашматнинг Бухорода иккинчи ўринни эгаллаган катта кутубхонаси мавжудлиги бизга маълум.³⁶³

Абдулахаднинг яна бир укаси Саййид Мир Акрамхон бўлиб, у Фузор беги этиб тайинланган. Мир Акрамхон бу лавозимда 1908 йилга қадар ишлаган.

Саййид Мир Мансур (1863 йил март — 1918 й) Амир Музаффарнинг тўққизинчи ўғли бўлиб, у ўтган асрнинг 70-йилларида Россияда, Санкт-Петербургда яшаб, Пажеский корпусида ўқиди. Россия империясининг пойтахтида у билан бирга, унинг тарбиячиси Мирза Абдал Восе тўқсабо бўлган. Мир Мансур корпусга кираётганда, унга император Александр II томонидан олтин соат ҳадя этилган. У бу совғани ҳаётининг сўнгги дамларигача ўзи билан бирга сақлаган. Императорнинг буйруғи билан 1876 йил 15 декабрдан Мир Мансур ва унинг тарбиячиси учун йилига 500 рубл пул ажратилди, шундан 310 рубли турар жой ва кундалик харажатларга ишлатилиши учун шахсан Мирза Абдал Восега тўланган.³⁶⁴

1881 йил Мир Мансур Қрим ва Одессада дам олди. 1882 йил сентябрда эса Бухорога отасини кўргани борди ва у ердан декабрда катта совғалар билан Петербургга қайтди. Мир Мансур Пажеский корпусида охириги йиллар таҳсил олаётган

³⁶³ Мир Муҳаммад Сиддиқнинг кутубхонасидаги китоблар, Ш. Воҳидовнинг хулосасига кўра эгасининг Афғонистонга ҳижрат қилишидан олдин Садри Зиёга берилган (ёки сотилган). Ҳашмат кутубхонасига тегишли 300 жилдан ортиқ китоб Садри Зиё коллекцияси таркибида Ўз.ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Ушбу маълумотларни бизга проф. Ш. Воҳидов тақдим этганлар. Яна қар: Vahidov Sh., Erkinov A. Le fihrist (catalogue) de la biblioteheque de Sadr-i Ziya: une image de la vie intellectuelle li Mavarannahr (fin XIXe — deb. XXe s. In: A. Muminov, F. Richard et M Szuppe (ёds), Patrimoine manusctulle de l'Asie centrale islamique, [Cahiers d'Asie Centrale 7], IFEAC — Ёdisud, Tachkent — Aix-en-Provence, 1999. 141—173. Яна қаранг: Масалиева О. Амир Музаффарнинг тарихнавис ўғиллари. // Мозийдан садо. 2004, 2(22)- сон, 30—32-бетлар; Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш, 30- бет.

³⁶⁴ Муфассал қаранг: Холиқова Р. Бухоронинг сўнгги ҳукмдорлари. 54—56- бетлар.; Яна РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 14—16-бетлар.

даврида унинг тарбиячиси Мирза Насруллоҳ бий тўқсабо бўлиб у рус тилида жуда рагон гапирган.³⁶⁵

1886 йил 13 апрелда Мир Мансур Пажеский корпусида ўқишни тугатгандан сўнг, Москвадаги Сумск Драгун полкига энг кичик офицерлик лавозимига тайинланди. Офицерлик маошидан ташқари Мир Мансур йилига отасидан ҳам 2400 рубл пул олиб турарди. 1892 йил Мир Мансур поручик унвонини олди. 1892 йил декабрда Москвага ташриф буюрган отаси шарафига Сумск полки офицерлари билан кеча уюштирилди. 1895 йил Мир Мансур штаб-ротмистри унвонига эга бўлди. 1899 йил эса у шу унвонда полкдан бўшади. Подшо ҳукумати унинг қарзларини тўлаб, унга бир умрлик нафақа тайинлади.³⁶⁶ Шундан кейин Мир Мансур бир неча йиллар мобайнида Россияда яшади. У княгиня Софья Ивановна Церетелига уйланди, ундан бир неча фарзандлари бўлган. Унинг катта ўғли Николай Михайлович Церетели (тахминан 1890 йилда туғилган), 20-йилларда Москвадаги Тоиров Камер театрида энг яхши актёрлардан бири бўлиб, у машҳур актриса Алиса Кооненинг партнёри бўлган. У 1906 йили отаси билан Бухорога келиб бувисини кўриб кетган. Мир Мансурнинг иккинчи ўғли ҳарбий бўлган. У Россия ҳарбий кўшинида хизмат қилган ва бир неча Россия орденлари билан тақдирланган. 1918 йил мартда Карманага уюштирилган штурм чоғида вафот этган. Бундан ташқари, Мир Мансурнинг қизи ва кенжа ўғиллари ҳам бўлган. Уларнинг исмлари Георгий, Валерий ва Тамара бўлган.³⁶⁷ Мир Мансур Бухорога қайтгач, Карманага бек этиб тайинланди. 1918 йил мартада Колесов воқеалари даврида Тошкентнинг большевик армияси Карманани эгаллаб олганда, Мир Мансурбек оғир яраланди ва вафот этди. Унинг 3 та фарзандини ўқитувчиси билан бирга ҳамда хотини асирга олинади.³⁶⁸ Амир Саййид Олимхоннинг саъй-ҳаракатлари билан Мир Мансур Каттақўрғонда дафн этилди. Унинг мол-мулки (орденларидан тортиб, то қимматбаҳо қуроқларигача, оилавий қимматбаҳо буюмлари, болаларининг ўқитувчисининг китоблари — барчаси) ўғирлаб кетилди.

1918 йил сентябрида С. И. Церетели Мир Мансурнинг Бухоро ҳукуматидан кўрган талафоти ҳамда 3 та ёш болаларини

³⁶⁵ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-руйхат, 1485-иш, 16-бет.

³⁶⁶ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-руйхат, 1485-иш, 15–16-бетлар.

³⁶⁷ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-руйхат, 1485-иш, 16-бет.

³⁶⁸ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-руйхат, 1485-иш, 17-бет.

катта қилиши учун 200 минг рубл ва яна уй-жойлик бўлиши учун 100 минг рубл пул ёрдам олди.³⁶⁹

Абдулахаднинг қолган иккита укаси ҳақида маълумот жуда кам. Уларнинг бири Саййид Мир Азимжон, XX аср бошларида Бухоро Аркида яшаган ва унга у ердан бир қадам ҳам бошқа жойга силжишга рухсат берилмаган. Иккинчиси, Саййид Мир Носирхон (1869 йил туғилган), у ҳам „уй қамоғи“да Аркда сақланган. Носирхон Аркда 1920 йилгача яшади. Бухоро Халқ Совет Республикаси даврида у Бухоро Тарихчилар Жамиятининг аъзоси бўлган. 1921 йилда ёзилган „Бухоро Арки „тарихи,“ асари унинг қаламига мансуб. У 1922 йили Афғонистонга кўчиб кетган.

XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Бухоро Амирлигида давлат бошқарувини олиб борган ҳукмдорлар фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг аксарияти ўз ҳукмронлиги даврида айрим ижобий ишларни амалга оширганлар ва мамлакатда имкон даражасида баъзи бир ислохотларни ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилишган. Шу билан бирга, ушбу даврда жамият тараққиёти ва маҳаллий давлат бошқарув тизимининг чор Россияси таъсир доирасига тушиб қолиши уларнинг фожиаси эканлигини ҳам қайд этиш лозим.

IV.3. Бухорода чор Россияси императорлиги Сиёсий агентлигининг ташкил этилиши ва унинг фаолияти

Чор Россияси ҳукумати Бухоро Амирлигининг катта ҳудудларини босиб олгач ва қолган ҳудудларда Амирлик тузумини сақланишига имкон яратгандан сўнг, турли хил йўллар билан Бухоро Амирлиги устидан ўзининг ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилди.

Айниқса, 1868 йилги ва 1873 йилги шартномалар имзолангандан сўнг, Бухоро ҳудудига рус фуқароларининг кириб келиши кучайгандан кейин, ушбу масалага эътибор янада кучайди. Энг аввало, чор Россияси ҳукумати ва унинг Туркистон ўлкасидаги маъмурлари Яқин Шарқда инглиз-рус рақобатини кучайишига имкон бермаслик, Бухоро ички бозорларида тўла ҳукмронликка эга бўлиш ва Амирлик ҳудудидаги рус фуқаролари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун катта эътибор қаратди.

³⁶⁹ РДХТА. 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 17-бет.

Бухоронинг номигагина ўз мустақиллигини сақлаб туриши чор Россияси ҳукуматига жуда қўл келарди. Чунки ҳар бир соҳада Туркистон ўлкасида ислоҳот ўтказиш рус ҳукуматидан жуда катта ҳаракат ва маблағни талаб қиларди. Чоризм Амирликни расман ички мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда секин-асталик билан, ҳеч қандай катта сарф-харажатларсиз, унинг иқтисодини ўзининг мустамлакачилик сиёсатига тўла бўйсундириб, ўз манфаатларига хизмат қилдиришни мақсад қилиб белгилаган эди. Хулласи калом, чоризм сиёсатининг асосий вазифаси Ўрта Осиё давлатларини аста-секинлик билан империя билан бирлашиб кетишини таъминлашдан иборат эди.

XIX асрнинг 80- йилларидан бошлаб, Бухоро Амирлиги ҳудудида савдо ишларини олиб бораётган рус савдогарлари Бухоро ички бозорларида ўз мавқеларини янада мустаҳкамлаш ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, имконият даражасида Амирлик ички бозорларига хориж савдогарлари ва маҳсулотларининг кириб келишини олдини олиш ва уни камайтириш борасида Рус ҳукуматидан ҳамда унинг Туркистондаги амалдорларидан чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб қила бошлашди.

Жумладан, 1883 йил 30 сентябрда Тошкент шаҳридаги бир гуруҳ савдогарлар ва ишбилармонлар Туркистон генерал-губернаторига ёзма равишда ариза билан мурожаат қилиб, ундан уларни қўллаб-қувватлашини ва Россия ҳукуматидан Хива, Бухоро ва Кобулда савдо консулликларини ташкил этилишида амалий ёрдам ва розилик олиб беришни сўрашди.³⁷⁰

Ушбу хатнинг асл нусхаси 1883 йил 25 ноябрда Туркистон генерал-губернатори генерал-лейтенант Черняев томонидан шахсан Ташқи ишлар вазирига жўнатилди.³⁷¹

Генерал-лейтенант Черняев томонидан ушбу хатга қўшимча ёзилган иловада қайд этилишича, ушбу савдо консуллик пунктларининг Бухоро, Хива ва Кобулда очилишидан Ҳарбий вазирлик ҳам манфаатдор эканлигини ва Ҳарбий вазирлик бунга қизиқаётганлигини маълум қилади, чунки ушбу консуллик пунктлари очилган тақдирда, ҳарбий вазирлик доимо Бухоро ва Афғонистондан ўзи учун аниқ ва тўғри сиёсий ва

³⁷⁰ РДХТА, 400-жамғарма, 1-руйхат, 878-иш, 10-бет. Яна қаранг: Хатамов З. Х., Туркестанский сборник“ как источник изучения истории Афганистана. // Автореферат канд. дисс. — Фергана, 1993, с. 20.

³⁷¹ РДХТА, 400-жамғарма, 1-руйхат, 878-иш, 11-бет.

Ҳарбий характердаги маълумотларни олиб туришига кенг имконият яратилади дейилади.³⁷²

Худди шу мазмундаги хат Бош штаб бошлиғи ёрдамчиси томонидан 1884 йил 6 февралда Ташқи ишлар вазирлигининг Осие Департаментига юборилди.³⁷³

Ушбу ёзишмалар шуни кўрсатадики, рус ҳарбий маъмурлари савдо уйлари, консуллик пунктлари очилишидан энг аввало ўзлари учун қимматбаҳо ва аниқ ҳарбий-сиёсий маълумотлар олишни мақсад қилиб қўйганлар.

Айнан мана шунинг учун ҳам, чор Россиясининг Туркистондаги амалдорлари зўр бериб, 1873 йилги шартномада илгари сурилган масалаларни, жумладан, Бухородаги Россия дипломатик маҳкамасини, Тошкентда эса Бухоро дипломатик маҳкамаси очилишини тезлаштиришни Петербургдан тинимсиз равишда сўрашди.

Туркистон генерал губернатори 1885 йил июнь ойида Россия Ҳарбий вазири номига хат йўллаб, унда 1873 йилги шартнома шартларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида, Тошкентда Бухоро Амирлиги учун элчихона очишга бино бериш, унинг ўрнига Амир бегараз манфаат асосида Амирлик пойтахтида Россия дипломатик агенти фаолияти учун бино беришга келишилганлигини инобатга олган ҳолда уни амалга оширилишига рухсат беришни сўрайди.³⁷⁴

Мана шу тариқа ўзаро ёзишмалар ва ҳаракатлар натижасида Бухоро Амирлигида Рус агентлиги очилишига эришилди.

1873 йили Бухоро ва Россия ўртасида тузилган дўстлик шартномасига асосан, 1886 йилдан бошлаб подшо Александр III фармонида биноан, асосан, Бухорода Россия сиёсий агентлиги ўз фаолиятини бошлади. Бу ташкилотни бошқарадиган сиёсий агент эса Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тайинланди.

1886 йил январь ойида Россия подшоҳи Александр III буйруғи асосида Бухорода Россия давлати ваколатхонаси — Россия императорлиги Сиёсий агентлиги тузилди. Ушбу янги маҳкама тепасида Сиёсий агент турган бўлиб, у Россия ташқи ишлар вазирлиги томонидан тайинланиб, бир вақтнинг ўзида у Туркистон генерал-губернаторлиги ҳамда Ҳарбий вазирлик ва Ташқи ишлар вазирлигига бўйсунган.

³⁷² РДХТА, 400-жамғарма, 1-руйхат, 878-иш, 11-бет.

³⁷³ РДХТА, 400-жамғарма, 1-руйхат, 878-иш, 11-бет

³⁷⁴ РДХТА, 400-жамғарма, 1-руйхат, 878-иш, 28-бет.

1886 йил март ойида генерал-майор Гродеков Бухоро Амирига хат жўнатиб, унда Бухорода Россия императорлигининг сиёсий агентлиги очилиши ва унинг сиёсий агенти тайин этилганлигини маълум қилади.³⁷⁵

Генерал-майор худди шу хатни Бухоро Амирига жўнатгани тўғрисида Бош штабнинг Осиё бўлимига ёзма равишда 1886 йил март ойида 117-сон билан қайд этилган мактубни жўнатади.

1886 йил 3 мартда Россия империясининг Бухоро Амирлигидаги биринчи сиёсий агенти қилиб Н.Чариков тасдиқланди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, чор Россияси ҳукумати ушбу ташкилотга жуда катта диққат ва эътибор билан қараган. Жумладан, сиёсий агентнинг ҳуқуқи ва вазифалари тўғрисида низомнинг кейинчалик шахсан подшоҳ Николай II томонидан 1901 йил 5 майда имзоланишининг ўзи Бухорода ташкил этилган сиёсий агентликнинг чор Россияси сиёсий ҳаётида қай тарздаги аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Бухорода фаолият кўрсатган Россия императорлиги сиёсий агентлиги низомга кўра энг аввало Бухоро ҳукумати билан барча сиёсий ва иқтисодий масалалар бўйича тўла мулоқот олиб бориш ҳуқуқига эга эди. Шунингдек, сиёсий агент Амир ва унинг вазирлари томонидан Россияга нисбатан олиб борилаётган барча масалалар юзасидан назорат ўрнатиши лозим бўлган.

Сиёсий агентга, шунингдек, Помир бекликлари бўлган Шугнон, Рушон ва Вахан устидан назорат қилиш ишларини олиб бориш, афғон чегаралари, Бухорода истиқомат қилаётган рус фуқаролари фаолияти, қўйиладиган театр пьесалари устидан назорат олиб бориш, Амирлик ҳудудидаги христианларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, сиёсий агентлик ҳисобига Бухоро ҳукумати томонидан тушадиган маблағлар ҳисоб-китобини олиб бориш, Зарафшон дарёси сувини тақсимоти, шаҳарларни ободонлаштириш, касалхоналар қурилиши, почта-телеграф бинолари қуриш каби вазифалар ҳам юклатилган эди.³⁷⁶

Сиёсий агент, айниқса Помир бекликлари масаласига катта эътибор берди ва ушбу масала билан жиддий шугулланиб, рус ҳукумати учун ижобий натижаларни қўлга киритди.

Рус ҳукумати Помирга ўрнашиб олгач, унинг ҳудудий, сиёсий тузилиши масалалари билан шугулланишга киришди.

³⁷⁵ РДХТА, 400-жамгарма, 1-руйхат, 878-иш, 34-бет.

³⁷⁶ ЎзРМДА И-3-жамгарма, 1-руйхат, 353-иш, 40-бет.

Айнан мана шу ҳолатда рус ҳукуматининг Осиёдаги ўз қармоғидаги ҳудудларга нисбатан бўлган муносабати яққол кўринди. Жумладан, рус ҳукумати ушбу масалаларда ташқи сиёсий келишмовчиликлардан ва катта сарф-харажатлардан четлашиш сиёсатини олиб борди.

Рус ҳукумати узоқ курашлардан сўнг Помир ҳудудларини қўлга киритгач, Афғонистонни „хафа“ қилиб қўймаслик мақсадида, унга ўзини яхши кўрсатиб, Бухоро Амирлигининг ҳеч бир рухсатисиз ва сўроқсиз равишда Бухоро Амирлигининг Панж дарёси ўнг тарафидаги ерларни (Дарвознинг бир қисми—Х.Р.) совға қилиб юборди.³⁷⁷

Ўз навбатида, Россия-Бухоро Амирлигини сиёсий мавқеини поймол қилганини тушуниб, тезда унинг ечимини топишга ҳаракат қилди, чунки акс ҳолда унинг ушбу ҳаракати Россия учун Осиёга қимматга тушиши ва мусулмон аҳолиси орасида айни рус сиёсатининг шаклланишига катта омил бўлиши мумкин эди. Мана шунинг учун ҳам рус ҳукумати янги қўлга киритилган ва иқтисодий жиҳатдан фойдасиз бўлган (Россия учун — Х.Р.) Помир бекликлари — Рушон, Вахан ва Шугнон бекликлари бошқарувини Бухоро Амирлигига беришга қарор қилинди.³⁷⁸ Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу ҳудудлар эгаллангандан сўнг, рус ҳукумати томонидан ушбу ҳудудларга рус кўшинлари гарнизонлари жойлаштирилган эди ва уларни кейин ҳам сақлаб қолиш кўзда тутилганди.

Рус ҳукумати ушбу ҳудудларда янги бошқарув тизимини шакллантириш, йўллар қуриш билан боғлиқ катта харажатлардан қочган ҳолда ушбу ҳудудларнинг иқтисодий жиҳатдан самарасизлиги туфайли уларни Бухоро Амирлигига беришни маъқул деб топди.

Иккинчи томондан, рус ҳукумати ушбу ҳудудларни Бухоро Амирлигига топшириб, ўзига қўшни „буфер“ зона ташкил этишни мўлжаллаган эди.

Юқорида зикр этилган масала тўла ҳолатда Рус сиёсий агенти иштироки асосида амалга оширилди.

Жумладан, 1895 йили 23 январда Туркистон генерал-губернатори Вревский Бухородаги Рус сиёсий агенти Лессарга мурожаат қилиб, юқоридаги масалалар, яъни Помир ҳудуди-

³⁷⁷ ЎзРМДА, И-3-жамғарма, 2-рўйхат, 26-иш, 1—5-бетлар.

³⁷⁸ Халфин Н. А. Россия и Бухарский эмират в Западном Памире. — М., 1975, с. 5.

даги бекликларни Бухоро Амирлиги тасарруфига ўтказиш масаласи бўйича Бухоро Амирининг фикри ва хоҳиши тўғрисида маълумот бериши сўралди.

Рус сиёсий агенти Бухоро Амири билан олиб борган узоқ тушунтириш ишларидан сўнг ушбу масала юзасидан Бухоро Амири ўз розилигини билдирди.³⁷⁹

Шундай қилиб, Рус сиёсий агентлигининг олиб борган катта саъй-ҳаракатлари туфайли 1896 йил 29-июнда Панж дарёси ортидаги Дарвоз ерлари Афғонистонга, Помирдаги Вахан, Рўшон ва Шугнон бекликлари Бухорога топширилди.³⁸⁰

Россиянинг Бухородаги сиёсий агенти Амирликдаги ички ишлари ва бошқарув тизими масалаларига ҳам аралашиб ўз таъсирини ўтказиб турди.

Жумладан, 1914 йил 3 май куни сиёсий агент Ташқи ишлар вазири Саъодов топшириғи асосида Бухоро Амири билан учрашиб, Бухоро ҳукумати тизимидаги амалдорлар ва уларнинг фаолияти ҳамда уларни маош билан таъминлаш масаласи бўйича музокара олиб борди ва пировард натижада, Амир томонидан амалдорларга қатъий маош белгилаш масаласини ҳал қилди. Бухоро амири Амири Саййид Олимхон 1914 йил июлда барча 11 та мустақил амлоқдорликлардаги амлоқдорларга қатъий маош белгиланганини эълон қилди.³⁸¹

Россиянинг Бухородаги сиёсий агенти мана шу каби кўплаб Амирлик ички сиёсатига тааллуқли ишларга ўз таъсирини ўтказиб, ушбу ҳудудда Рус ҳукумати мавқеини оширишга муваффақ бўлди.

Низомга биноан сиёсий агентга Бухорода истиқомат қилувчи рус фуқароларига нисбатан қозилик қилиш ҳуқуқи ҳам берилган эди.

Қозилик ҳуқуқи қуйидагича шаклланган эди. 1887 йил 27 май куни подшоҳ Александр III буйруғи асосида сиёсий агентга Бухоро Амирлиги ҳудудидаги рус фуқаролари содир этган жиноятлар ва ҳаракатларни кўриб чиқиш юклатилди.³⁸²

1888 йил 11 майда Россия подшоҳи томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ Бухорода истиқомат қилаётган руслар ўртасида юзага келган барча фуқаролик ишларини кўриб чиқиш

³⁷⁹ ЎЗРМДА, И-3-жамғарма, 2-руйхат, 66-иш, 58—61-бетлар.

³⁸⁰ ЎЗРМДА, И-19-жамғарма, 1-руйхат, 48—47-иш, 26-бет.

³⁸¹ ЎЗР МДА, И-3-жамғарма, 2-руйхат, 9-иш, 46—48-бетлар.

³⁸² ЎЗР МДА И-1-жамғарма, 29-руйхат, 842-иш. 14-бет.

сиёсий агент ва Самарқанд вилояти суди зиммасига юклатилди.³⁸³

1889 йил 9 майда подшоҳ Александр III Давлат Кенгаши фикрини тасдиқлаб, сиёсий агентнинг судьялик ҳуқуқи масаласини яна бир бор қайта кўриб чиқди. Бухоро Амирлиги ҳудудида рус фуқаролари томонидан содир этилган барча жиноий ишлар ва ҳаракатлар ҳамда барча фуқаролик ишлари Янги Чоржўй шаҳри суди ва Самарқанд вилояти судьяси зиммасига юклатилди. Сиёсий агент ҳуқуқи эса руслар ва бухороликлар ўртасида юзага келган низоларни ҳал этиш билан чеклаб қўйилди.

1893 йил 15 мартда Александр III томонидан Давлат Кенгашининг Бухоро Амирлигида рус қозилиги бўйича янги таклифи кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Унга кўра Бухоро Амирлиги ҳудудидаги барча рус фуқаролари ва бухороликлар ўртасида келиб чиққан барча фуқаролик ишлари бўйича жавоб берувчи бухороликлар бўлганда, ушбу ишларни кўриб чиқиш ва жазолаш, ҳукм чиқариш бўйича қозилик ҳуқуқи сиёсий агентга юклатилди.³⁸⁴ Ушбу ҳолатда сиёсий агент барча ишларни кўриб чиқиш жараёни ва ҳукм чиқариш ҳолатларида, маҳаллий урф-одат ва хусусиятларга амал қилган ҳолда, Бухоро ҳукумати билан мурося ва келишилган ҳолатда иш юритиши таъкидлаб кўрсатилган эди.

Чор Россияси подшоҳи Александр III томонидан Бухородаги сиёсий агент фаолияти тўғрисидаги низом ва тартибларнинг шахсан бир неча бор кўриб чиқилиши ва унга ҳатто қозилик ҳуқуқлари берилишининг ўзи, Рус ҳукумати томонидан Бухородаги сиёсий агентга Бухоро Амирлиги ҳудудида Россия манфаатларини ва Бухородаги рус ишбилармонлари манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида жуда катта масъулият юкланганлигидан далолат беради.

Сиёсий агент 1910 йилга қадар Ташқи ишлар вазирлигига бўйсунган бўлса, шу йилдан сўнг Туркистон генерал-губернаторига ва у орқали Россия Ҳарбий ишлар вазирлигига бўйсундирилди.

Амир ҳукумати Россия давлати билан ҳал қилинадиган барча масалаларни худди мана шу сиёсий агентлик орқали амалга

³⁸³ ЎзР МДА И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 18-иш, 338-бет.

³⁸⁴ РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1668-иш, 3—9-бетлар.; ЎзР МДА, И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 18-иш, 340—341-бетлар.

оширди. Россиянинг Бухорода ўз сиёсий агентлигини очганлиги муносабати билан Бухоро Амирлиги ҳам Тошкентда ўз ваколатхонасини ишга туширди. Лекин бу ваколатхонани Россия-Бухоро муносабатларига деярли ҳеч қандай таъсири бўлмади.

Аmmo Бухородаги сиёсий агентлик Амирликда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишида ўз олдига қўйган мақсадларига эришишда ҳал қилувчи омил сифатида хизмат қилди.

Россия сиёсий агентлиги подшо ҳукуматининг таклифларини амалга оширишда Амирнинг энг яқин маслаҳатчисига айланди. Сиёсий агентлик фақат бу билан қаноатланмасдан, Амирнинг ички ишларига ҳам аралашиб, давлат ишларига ходимларни тайинлашни ҳам ўз кўлига олди.

Жумладан, XX аср бошларида Бухоро Амирлигида нафақат йирик амалдорлар, яъни қўшбеги, қозикалон каби мансабларга тайинлаш, балки Амирликдаги бекликлар ҳокимлари — беклар ҳам бевосита Россия императорлиги Сиёсий агентлиги раҳбарининг тавсияси ёки рухсати орқали қўйилган.³⁸⁵

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Бухоро Амирлигининг энг сўнги ҳукмдори — Амир Саййид Олимхон ҳам бевосита рус ҳукуматининг розилиги асосида тахт тепасига келган.³⁸⁶

Айнан мана шу ҳолатлар асосида Бухоро Амирлиги ва унинг ҳукумати аста-секинлик билан Россия ҳукуматининг итоаткор ҳудудига ва унинг кўрсатмаларини бекам-у кўст амалга оширувчи тобега айланиб қолди.

Д. Н. Логофет ўз асарида таъкидлаганидек, XX аср бошига келиб „Туркистон генерал-губернаторларидан бири томонидан асосий равишда Бухоро Амрини ўзларининг энг яхши уезд бошлиқларидан бири сифатида“, таърифлаши бежиз эмас эди.³⁸⁷

Аслида эса ҳақиқатдан ҳам Бухоро Амирлиги ва унинг ҳукумати XX аср бошига келиб тўла равишда Россия ҳукуматининг итоаткор „вассали“га айланиб бўлган эди.

Хулоса тариқасида айтиш мумкинки, Бухорода очилган Россия императорлиги сиёсий агентлиги Бухоро Амрини юридик ҳужжатларсиз тўла чор Россияси измига туширишга муваффақ бўлди ва Амирни чор Россияси томонидан қўйила-

³⁸⁵ Айни С. Тарихи амирони мангитияи Бухоро. с. 130.; Яна қаранг: Ҳотамов Н. Свержение эмирского режима в Бухаре. стр. 19.

³⁸⁶ РДХТА, 400-жамғарма, 1-рўйхат, 1537-иш, 14^а-14^б, 126^а-127^б-бетлар.

³⁸⁷ Логофет Д. Н. Страна бесправия. — Спб., 1909, стр.5.

диган ҳар бир талабни тўла бажаришга ва керак бўлганда Амирликдаги барча ички ишларни ҳам сиёсий агент розилиги асосида амалга оширишга мажбур қилиб қўйди.

1895 йил бошига келиб Бухоро Амирлиги ўз божхона тизимидан ҳам маҳрум бўлди. 1894 йили Россия ҳукумати Бухородаги сиёсий агентлик ва Туркистондаги амалдорлар ҳамда буржуазия талабларини инобатга олиб, ягона божхона тизimini шакллантиришга киришди. Ўша йили Россия-Бухоро божхона чизиғи бекор қилинди. Натижада Амирликнинг барча божхона тизими Россия божхона тизими тасарруфига ўтказилди. Бухоро ички бозорлари шу кундан бошлаб Россия ички бозорлари таркибига киритилди.

Бу ҳолат бир томондан, Бухоро Амирлиги иқтисодий ҳаётига берилган жуда катта зарба бўлса, иккинчи томондан, унинг халқаро ҳуқуқлари поймол қилиниши эди. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши ўз навбатида Бухоро хазинасини жуда катта даромаддан маҳрум бўлишига ҳам олиб келди. Чор Россияси ҳукуматининг мустамлака сиёсати натижасида жуда катта миқдордаги даромад ҳеч бир меҳнатсиз Россия хазинасига ўтишига кенг йўл очилди. Бу ҳолат халқаро ҳуқуқий жиҳатдан олиб қаралганда, куппа-кундуз куни давлат хазинасини очиқчасига „талаш“ деб баҳоланиши мумкин.

Ўша пайтдаги баъзи бир ҳисоб-китобларга қараганда, мана шу қарорнинг (1895 йил 1 январдаги) қабул қилиниши ва унинг кучга кириши натижасида, Бухоро Амирлиги бир йилда Амирлик хазинасига келиб тушадиган тахминан икки миллион рубл миқдоридаги тушумдан маҳрум бўлди.³⁸⁸

Иккинчи томондан олиб қаралганда, ушбу ҳолат натижасида Бухоро бозори Россиянинг ички бозорларидан бирига, яъни унинг таркибий қисмига айланиб қолди. Ва ниҳоят, учинчи томондан рус буржуазияси томонидан бухороликларни янада сиқиб қўйишга яна ҳам кенг йўл очиб берилди. Энди бухороликлар ўзларига керак бўлган мол ва товарларни рус буржуазияси айтган ва хоҳлаган нарҳда, яъни қиммат нарҳда олишга мажбур эди.

Мана шу тариқа Рус ҳукумати 1895 йилдан бошлаб Бухоро Амирлигини деярли тўла равишда фақат рус саноати товарларини олувчи ва рус саноати учун хомашё манбаи сифатидаги ҳудудга айлантириб қўйди.

³⁸⁸ ЎзРМДА. И-3-жамғарма, 1-руйхат, 170-иш, 14—18-бетлар.

Бухоронинг ягона Россия божхона худудига олиб киритилиши Бухоро бозорларида рус саноат товарларининг тўла монополиясини қўлга киритишига олиб келди.

1894 йил охири 1895 йили бошларида Карки, Калиф, Кушка, Гузор, Паттакесар, Ҳисор ва Айважда янги божхона идоралари ташкил этилди.

Рус ҳукуматининг олиб борган мустамлака сиёсати натижа-сида аста-секинлик билан Бухоро Амирлиги ҳукумати ўз давлат чегараларини қўриқлашдан ҳам озод этилди. Ушбу вазифани ҳам чор Россияси ўз қўлига олди. Амирлик худудидаги чегаралар Россия империясининг чегараларига қўшилди. Чор Россия-сининг Амирликда жойлаштирилган 8 минглик қўшинлари нафақат Россиянинг жанубий чегараларини, балки Бухоро Амирлиги чегараларини ҳам қўриқлашарди. Номигагина сақланиб қолган Россия-Бухоро чегаралари аслида ҳеч қандай қўриқлашга муҳтож эмас эди.

Мана шу тариқа Бухоро Амирлиги ўзининг сиёсий-иқтисодий, ҳарбий мустақиллигини йўқотиш билан бир қаторда XIX аср охирига келиб ташқи сиёсий алоқалар мустақиллигини ҳам йўқотди.

V. XIX АСРНИНГ ОХИРИ — XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ

V.1. Бухоро иқтисодиётига чор Россияси капиталининг кириб келиши ва унинг оқибатлари

Чор Россияси Ўрта Осиёга, жумладан, Бухоро амирлиги ҳудудларига уюштирган ҳарбий ҳаракатларидан нафақат сиёсий, ҳарбий стратегик мақсадларни, балки иқтисодий мақсадларни ҳам кўзлаган эди.

Жумладан, у Бухоро амирлиги билан тузмоқчи бўлган илк шартнома лойиҳаларида, сўнгра 1868 йил май ойларида икки томонлама имзоланган сулҳ шартномалари ва 1873 йил имзоланган дўстлик шартномасида³⁸⁹ Бухорога нисбатан ўзининг иқтисодий талабларини илгари сурганлиги ҳам бежиз эмас эди. Чунки Рус ҳукумати дастлабки кунлардан оқ, Бухоро амирлиги иқтисодиётига кириб бориш ва имкон даражасида унга аралаштириш, уни ўз измига тушириб олиш, керак бўлганда уни тўла равишда ўз манфаатлари асосида ривожланишига эришишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган эди.

Энг муҳими, Ўрта Шарқдаги инглиз-рус рақобатини ечишда, ҳарбий-стратегик соҳада янги ютуқларни таъминлашда Бухоро иқтисодиёти Россия ҳарбий кучлари учун ўзига хос бир плацдарм ва хом ашё базаси сифатида хизмат қиладиган регионга айланиши назарда тутилган эди. Мана шунинг учун ҳам, Рус ҳукумати аста-секинлик билан қадам-бақадам Бухоро иқтисодиётига ўз таъсирини ўтказиб, уни ўз измига тушириб олиш сиёсатини олиб борди.

Бизга маълумки, Каттакўрғон ва Зирабулоқ тепалигидаги жанглardan сўнг, Бухоро амирлигининг асосий сув манбаи ҳисобланган Зарафшон дарёси юқори қисми ҳамда унинг сув бўладиган ҳавзаси 1868 ва 1873 йилларда тузилган икки томонлама сулҳ шартномасига биноан Россия тасарруфи остига ўтган эди. Айнан мана шу ҳолат XIX асрнинг 70- йилларидан бошлаб Бухоро амирлиги иқтисодий ҳаётида, айниқса, қишлоқ хўжалиги тараққиётида жуда катта иқтисодий муаммоларни келтириб чиқара бошлади.

³⁸⁹ Қаранг: Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений. Издание второе. Т. 1. —Спб., 1902. с. 421—425. Свод законов Российской Империи. Кн. первая. Т. 2. —Спб., 1912. с. 452—453.

Зарафшон дарёсининг юқори қисми Туркистон ўлкаси ҳудуди ҳисобида бўлганлиги учун чор ҳукуматининг Самарқанддаги маъмурлари ундан Бухорони иқтисодий жиҳатдан ўзига қарам қилиш мақсадида фойдалана бошлашди. Улар турли хил важлар ва баҳоналар билан амирлик ҳудудидаги аҳолига деярли сув бермай қўйишди. Бухоро аҳли баъзан ойлаб Зарафшон сувидан маҳрум бўлишар, уларнинг экин майдонлари эса сувсизликдан қуриб, қақраб қоларди. Бу эса, ўз навбатида, ҳосилсизликни келтириб чиқариб, аҳоли яшашини оғирлаштириб қўярди.

XIX асрнинг 90-йилларига келиб, ушбу ҳолат ниҳоят кескин равишда кучайиб, катта муаммоларни келтириб чиқарди. Натижада Бухоро ҳукуматининг қатъий талаби билан ушбу масала бўйича иккала томон ўртасида бир неча бор музокаралар бўлиб ўтди.

Зарафшон дарёси сувини тақсимлаш ва ундан оқилона, келишган ҳолда фойдаланиш бўйича Россия билан Бухоро маъмурлари ўртасида давом этган узоқ музокаралардан сўнг, 1894 йил 27 майда қуйидаги бир тўхтамга келишилди. 15 ноябрдан 10 мартга қадар Самарқанд вилояти аҳолиси ичимлик суви ва баъзи бир ҳаётий масалалар билан боғлиқ жойларга бериладиган сувдан ташқари, барча сув амирлик ҳудудига берилишига, 10 июндан 15 августга қадар эса Зарафшон дарёси сувининг 60 фоизи Зарафшон воҳасининг руслар тасарруфидаги ҳудудларига, қолган 40 фоизи эса Бухоро ҳудудларига берилишига келишилди.³⁹⁰

Иккала томон ўртасида шундай келишув ҳақида битим имзоланган бўлса-да, Самарқанддаги рус маъмурлари унга амал қилишмади ва Бухорони иқтисодий жиҳатдан айнан мана шу сув таъминоти масаласи билан очиқдан-очиқ ўзларига боғлаб қўйиш, бошқача қилиб айтганда, ўзларига тобега айлантириш ишларини давом эттираверишди.

Чор ҳукуматининг Самарқанд вилоятидаги маъмурлари айнан мана шу Зарафшон дарёси суви тақсимоли орқали Бухоро иқтисодиётини тўла ўзларига тобе қилиб қўйишди. Бухоро қишлоқ хўжалиги кўп ҳолатларда сув танқислиги туфайли ривожлана олмай, оғир аҳволга тушиб қолди. Бироқ, шуниси ажабланарлики, Петербургдаги рус ҳукумати маъмурлари рус буржуазияси Бухоро пахтасига ниҳоятда муҳтож эканлигини яхши билар ва сув таъминотини барибир ижобий ҳал этиш

³⁹⁰ ЎзРМДА. И-1-жамғарма, 27-рўйхат, 1585-иш, 8—13-бетлар.

лозимлигини тушунар ва айнан шунинг учун ҳам жойлардаги ўз маъмурларига ушбу масалага тўғри ёндашишни тавсия этишарди.

XIX-асрнинг охирларидан бошлаб чор Россия ҳукумати аста-секинлик билан Бухоро амирлиги ички бозорларини тўла эгаллаб, уни ўз моллари билан тўлдириш сиёсатига ҳам катта эътибор қарата бошлади.

XIX асрнинг 70-йилларидаёқ Бухородаги барча ички бозорлар пахтадан тайёрланган рус товарлари билан тўлдирилди. Энг муҳими, айнан мана шу даврга келиб, бозорларда ушбу товарларни олдингидек татарлар эмас, балки Бухоро ички бозорларини энди айнан рус миллатига мансуб бўлган савдогарлар³⁹¹ эгаллаб олиб, ўзлари савдо қилишмоқда эди.

Қисқа муддат ичида, яъни XIX асрнинг 70—90-йилларида Бухоро иқтисодий ҳаёти учун муҳим бўлган деярли барча саноат маҳсулотлари жумладан темир, мис, латун, қалай, чўян қозонлар, мисдан ясалган моллар, қоғоз, қўрғошин, бўёқлар, ипаклар, шамлар, чинни буюмлар ва бошқа кўплаб ҳаётий товарлар чор Россиясидан олиб келинадиган бўлинди.³⁹²

Рус буржуазияси турли хил йўллар орқали Бухоро бозорларидан ўзларининг доимий рақиблари бўлган хорижий савдогарлар уларнинг ғарбий европаликлар ҳамда афғонистонлик ва ҳиндистонликларни, уларнинг товарларини сиқиб чиқара бошлашди.

Бир сўз билан айтганда, Бухоро иқтисодиётининг ички бозорларида иқтисодий соҳада ҳукмронликни қўлга киритиш учун авжга чиққан Россия-Англия рақобати уларнинг ўзаро кескин курашларига олиб келди ва ушбу курашни бевосита бошлаган руслар бунда аста-секинлик билан тўла устунликка эришишга ва Бухоро ички бозорларининг тўла назоратини ўз қўлларига киритишга муваффақ бўлишди. 1881 йилга келиб, Бухоро бозорларида руслар ва рус товарлари тўла гегемонликни қўлга киритиб, ягона монопол ҳукмронлик қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ушбу ҳолат юзага келганлигининг исботини ўша пайтда Россия ҳукуматининг йирик маъмурлардан бири ҳисобланган дипломат-амалдор Чариковнинг³⁹³ қуйидаги сўзларидан ҳам

³⁹¹ ЎзРМДА. И-1-жамғарма, 27-рўйхат, 1503-иш, 3—5-бетлар.

³⁹² ЎзРМДА. И-1-жамғарма, 27-рўйхат, 1503-иш, 4—5-бетлар.

³⁹³ Чариков нафақат катта дипломат бўлган, балким у кейинчалик Бухоро амирлигида Россия императорлигининг Сиёсий агенти вазифасида ҳам ишлаган.

яққол кўришимиз мумкин. „Рус товарлари амирликда бошқа давлат товарларига қараганда анча устунликка эга. У аста-секинлик билан хорижий давлатлар товарларини бирин-кетин сиқиб чиқариб, уларни ўрнини жуда тез прогрессив усулда эгаллаб олмоқда. Ўзга давлат товарларини эса Амударё орти ва Ҳиндикушга чиқиб кетишига эришди“.³⁹⁴

Чор Россияси ҳукумати, энг аввало унинг Туркистон ўлкасидаги маъмурлари Бухоро амирлигининг ички ва ташқи иқтисодий масалалари ва ҳаётига тўғридан-тўғри аралашиб, дастлабки ютуқларга эришгач амирлик ички бозорларини деярли тўла қўлга киритиб, савдо обороти кўрсаткичларини ошириб олгандан сўнг, зўр бериб бу кўрсаткичларни кўпайтиришга ҳаракат қила бошлашди. Ушбу ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун янгидан-янги имкониятлар қидира бошланди. Энг муҳими, ушбу ютуқлардан рус ҳукумати билан бир қаторда, ундан рус буржуазияси ҳам катта манфаатдор эди. Мана шунинг учун ҳам, XIX асрнинг 80—90-йилларида бу борада рус буржуазияси ҳам рус ҳукумати олдига ўзининг янги талабларини қўя бошлади. Натижада Ўрта Осиёда темир йўллар қурилиши ва флотилия шаклланишига эришилди.³⁹⁵

Каспийорти темир йўли қурилгандан сўнг ва Амударёда кемалар қатнови йўлга қўйилгач, чор Россиясининг бутун Ўрта Осиё билан, шу жумладан, Бухоро амирлиги билан ҳам рус саноати ишлаб чиқарган моллар билан савдо қилиш айланмаси (обороти) жуда тез суръатлар билан ошиб боришига кенг имкониятлар юзага келди.

1890 йили Бухоро амирлигига Россиядан ун, шакар, мануфактура, чой, керосин, бўёқлар, арпа, чинни идишлар ва бошқа турдаги олиб келинган товарларнинг умумий қиймат миқдори 2 млн 119 минг 862 пудни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 1891 йилда 2 млн 480 минг 277 пудни ташкил этди.³⁹⁶

Ўз навбатида, чор маъмурлари Бухоро амирлигидан энг сифатли ва харидоргир товарларни арзон баҳода олиб, ўз юртларига — Россияга олиб кетишди.

А. И. Ремезнинг берган маълумотларига қараганда, 1880—1881 йилларда Бухоро амирлигидан Россияга 4 минг пуд қорақўл тери, 410 минг пуд пахта, 6 млн 100 минг пуд цитрар

³⁹⁴ ЎзРМДА. И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 10-иш, 27—28—29-бетлар.

³⁹⁵ Бухорода темир йўллар қурилиши ва унинг амалга оширилиши ҳамда ундан кўзланган мақсадлар тўғрисида монографиянинг IV.2-§ ида батафсил тўхталган.

³⁹⁶ РДХТА, 400-жамғарма, 261/911-рўйхат, 73-иш, 2-қисм, 63-бет.

уруғи, 4 минг пуд қоғоздан эшилган ип ва 0,8 минг пуд халатлар олиб кетилган.³⁹⁷ Ушбу келтирилган рақамлар фақат Россия марказига олиб кетилган моллар кўрсаткичи ҳисобланади.

И. А. Ремез ушбу олиб кетилган моллар ҳисобига Сибирь, Каспийорти вилояти ва Туркистон ўлкаси шаҳарларига олиб кетилган моллар йиғиндисини қўшмаган.

Шуни очиқ айтиш лозимки, деярли аксарият муаллифлар ўз асарларида³⁹⁸ Бухородан олиб кетилган моллар тўғрисида фикр юритганда, фақат Россияга олиб кетилган товарлар қийматини ҳисобга олишган. Улар негадир Россия тасарруфига ўтган Туркистон генерал-губернаторлиги, Сибирь ҳудудларига, Каспийорти вилоятига олиб ўтилган моллар йиғмасини қўшиб ҳисобламасликка уринганлар. Ваҳоланки, Туркистон генерал-губернаторлиги чор Россиясининг бўлинмас бир қисми деб эътироф этилган ва ушбу ўлка ўша даврда Россия қонун-қоидалари асосида идора этилган. Айнан мана шу жиҳатлар ушбу масалага янада жиддийроқ ёндашишни талаб қилади. Бухоро амирлигидан Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудига олиб кетилган барча моллар чор Россиясига олиб кетилган моллар сифатида қаралиши лозим. Зеро, ана шунда аниқ рақамлар асосида чор Россиясининг талончилик сиёсатини аниқ кўрсатиш имконияти юзага келади.

Архив маълумотларига қараганда, Бухородан Туркистон ўлкаси шаҳарларига, айниқса Каспийорти вилоятига жуда кўплаб товарлар олиб кетилган. Масалан, 1890—1891 йиллар давомида Бухоро амирлигидан Туркистон ўлкаси ва Каспий орти вилоятига жуда катта миқдорда қоплар, кўк чой, индиго, турли хил қуруқ ва ҳўл мевалар олиб кетилган.³⁹⁹

Чор Россиясининг марказига эса худди мана шу йиллари амирликдан пахта, жун, қорақўл тери, ипак олиб кетиш анча кучайган. Шу билан бир қаторда, ўша йиллари қуруқ мевалар, қовун, тарвуз олиб кетишга ҳам алоҳида эътибор қаратишган.⁴⁰⁰

1890 йили Бухоро амирлигидан Россияга тахминан 1 млн. 841 минг 178 пуд миқдоридаги товарлар олиб кетилди.⁴⁰¹

³⁹⁷ Ремез И. А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. с. 49.

³⁹⁸ Қаралсин: Тухтаметов Т. Г. Русско-Бухарское отношения в конце XIX-начале XX в. —Т., 1966; Ремез И. А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. с. 52.

³⁹⁹ РДХТА, 400-жамғарма, 261/911-рўйхат., 73-иш, 2-қисм, 62-бет.

⁴⁰⁰ РДХТА, 400-жамғарма, 261/911-рўйхат., 73-иш, 2-қисм, 60—630-бетлар.

⁴⁰¹ РДХТА, 400-жамғарма, 261/911-рўйхат., 73-иш, 2-қисм, 60—63-бетлар.

Рус ҳукумати ўз товарларини Бухоро амирлиги ҳудудига олиб кириб, хорижий давлатлар товарларини Бухоро бозорларидан деярли тўла сиқиб чиқарганлигига қарамай, 1890—1895 йиллар давомида чет эл давлатлари, айниқса, Англия зўр бериб яна Бухоро иқтисодиётига кириб келишга ҳаракат қилди. Ва, очиғини айтиш керакки бу борада бирмунча ютуқларни қўлга ҳам кирита олди. Ушбу ҳолат Россия ҳукуматини, унинг буржуа вакиллари қаттиқ таҳликага солиб қўйди. Натижада, ушбу ҳолатнинг олдини олиш бўйича рус ҳукумати томонидан шошилинч чоралар кўрилди. Петербургда ушбу масалага бағишланган бир неча расмий даражадаги йиғилишлар бўлиб ўтди. Шундай йиғилишлардан бирида рус ҳукумати маъмурлари Бухорони ягона Россия божхона тизимига киритишни маъқул деб топди⁴⁰² ва Бухоро амирлиги иштирокисиз бу масалани 1895 йили бир томонлама ҳал қилиб қўйилди.

Шундай қилиб, 1895 йил 1 январдан бошлаб, Бухоро Россиянинг ягона божхона ҳудуди ҳисобига киритилди.⁴⁰³

Тарихдан маълумки, то чор Россияси босқини ва унинг Бухоро амирлиги ички ишларига аралашуви жараёнига қадар, аниқроғи XIX асрнинг 50- йилларига қадар, Бухоро амирлигида қороз пул умуман муомалада бўлмаган. Амирлик ҳудудида доимо танга пуллар муомалада юрган. Жумладан, XIX асрнинг 70—90- йилларида ҳам шу ҳолат давом этган. Бухоро тангалари одатда олтин, кумуш ва мисдан қуйилган. Бир Бухоро тилласи ўша пайтдаги Россия пул бирлиги қиймати бўйича тахминан 4 рублга тенг бўлган.⁴⁰⁴ Кумуш танга эса 15—20 копейкага тенг бўлган.

Ҳатто айрим ҳолатларда, бир куннинг ўзида танганинг қиймати бир неча бор тушиб-кўтарилиб турган. Ушбу ҳолат рус кредит пуллари қийматига катта таъсир кўрсатган. Мана шунинг учун ҳам рус тadbиркорлари ва савдогарлари бир неча маротаба ушбу ҳолатнинг олдини олишни сўраб рус ҳукуматига мурожаат қилишган. Айниқса, архив ҳужжатларида қайд этилишича, 1890—1891 йилларда шундай мурожаатлар ниҳо-

⁴⁰² РДХТА, 400-жамғарма, 261/911-руйхат., 73-иш, 2-қисм, 21—24-бетлар.

⁴⁰³ Бухоро амирлигини ягона Россия божхона тизимига киритилиши тўғрисида монографиянинг III боби. 2-§ ида фикр юритилган.

⁴⁰⁴ Тилла танга қиймати вақт ва бозорнинг ҳолатига, нарх-навонинг ўсишига қараб ўзгариб турган. Масалан, танганинг қиймати баҳорда анча кўтарилган, чунки бу даврда рус савдогарлари ва буржуазияси қоракўл тери сотиб олишган, ҳамда деҳқонларга „бунак“ пули беришган. Ёзда танга қиймати бир оз тушган, кузда эса пахта терими бошланиши билан яна танга қиймати кўтарилган.

ятда қўп бўлган. Улар рус ҳукуматидан Бухоро ички бозорларидан Бухоро тангасини муомаладан чиқарилишини ва унинг ўрнига рус рублини киритишни сўрашган.⁴⁰⁵

1891 йиллардан бошлаб рус ҳукумати ушбу масала юзасидан Бухоро ҳукумати билан музокаралар олиб бориб, Бухоро тангаси айланмасини тўхтатиш тўғрисида узоқ баҳелашганлар. Ушбу музокаралар 1900 йилга қадар давом этди. Охиrhoқибат, Рус ҳукуматининг қаттиқ тазйиқларига бардош беролмаган Бухоро амири уларнинг таклифини 1900 йилда қабул қилишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, 1900 йили 6 апрелда Бухоро ҳукумати бошқа танга пуллар зарб қилмасликни ўз зиммасига олди. Россия ҳукумати эса Бухоро иқтисодиётида шу кунгача муомалада юрган барча тангаларни — ҳар бир танга учун 15 копеек тўлаб, сотиб олишни ўз зиммасига олди. Шу йўл орқали амалда муомалада юрган Бухоро тангалари тўла муомаладан олиб ташланиши йўлга қўйилиши керак эди. 1900 йили 16 апрелда ушбу қарор Россия подшоҳи томонидан тасдиқланди.

1901—1903 йиллари рус ҳукумати амир томонидан олдиндан Петербургдаги ҳукумат аъзолари билан келишилганлиги сабабли, 1902 йилда зарб этилган 24 млн дона тангаларни сотиб олди.⁴⁰⁶

Мана шу тариқа рус ҳукумати Бухоро иқтисодиётининг энг катта белгиси ва энг муҳим кўрсаткичи ҳисобланган ҳамда давлатнинг олий белгиларидан бири бўлган — пул масаласига ҳам ўз таъсирини ўтказишга ва уни Бухоро иқтисодий ҳаётидан умуман олиб ташлашга муваффақ бўлди. Натижада, Бухорода рус ҳукуматининг қаттиқ тазйиқи ва сиқуви остида пул ислоҳоти амалга оширилди. Бир неча юз йиллар давомида муомалада бўлган Бухоро тангаси муомаладан олиб ташланди. Бухоро пул тизими амалда йўқ қилинди. Бухорода пул ислоҳоти расман амалга оширилгандан сўнг, жуда катта миқдорда рус кредит пуллари, рус тилла ва кумуш тангалари олиб келинди ва Бухоро ички бозорларида муомалага киритилди.

Рус буржуазияси ва рус савдогарлари, энг аввало, рус ҳукумати манфаатларини ҳисобга олиб, жуда қаттиқ тазйиқ ва сиқувлар асосида чор Россияси томонидан Бухоро амирлигида ўтказилган пул ислоҳоти тўла маънода мустамлака моҳияти ва мазмунига эга эди. Ушбу ислоҳотни амалга оши-

⁴⁰⁵ РДХТА. 400-жамғарма. 261/911-рўйхат, 73-иш, 3-қисм, 51-бет.

⁴⁰⁶ ЎзРМДА. И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 210- иш, 250-бет.

ришдан кўзланган энг катта мақсад — бу Бухоро иқтисодиёти-ни, унинг ички бозорларини, амирликнинг барча иқтисодий тизимини тўла ўз измига тушириб олиш ва уни ўз хоҳиши асосида идора қилишни йўлга қўйишдан ва шу билан бирга, Бухоро бозорларида рус саноати моллари ва рус буржуазияси гегемонлигини янада мустақкамлашдан иборат эди. Бухорода пул ислохотининг ўтказилиши амирликни Россияга нисбатан иқтисодий қарам қилиш ғоясининг амалда жорий этилиши намунаси ҳисобланади. Ушбу йўл орқали Россия Бухоро амирлиги мустақиллигига жуда катта сиёсий ва ҳуқуқий зарба беришга муваффақ бўлди.

V.2. Бухоро амирлиги иқтисодиётида темир йўллар қурилишининг аҳамияти

Чор Россияси ҳукумати Ўрта Осиё хонликларининг катта ҳудудларини босиб олгач, у ерларда ўз ҳукмронлигини тўла ўрнатиб, XIX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб ўз мавқеини янада мустақкамлашга катта эътибор қарата бошлади.

Айнан мана шу борада олиб борилган ишлар жумласига чор Россиясининг Ўрта Осиёда темир йўллар қуриш сиёсати ҳам катта ўрин тутаети. Ўрта Осиё ҳудудларида рус ҳукумати томонидан темир йўллар қуриш сиёсати унинг Туркистон ўлкасида ўз мавқеини мустақкамлаш борасида олиб борган ишлари ичида энг муҳимларидан бири эди.

Туркистон ўлкасида темир йўллар қуриш масаласи энг аввало сиёсий, ҳарбий-стратегик ва иқтисодий масалалар ечими нуқтаи назаридан кун тартибига олиб чиқилган эди.

Чор Россияси ҳукумати турли хил йўллар билан Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги аҳолиси устидан ўрнатилган ўз ҳукмронлигини янада кучайтириш билан бир қаторда, Шарқда ўз мавқеини мустақкамлашдан ўта манфаатдор бўлганлиги сабабли ҳам, барча воситалар билан инглизларнинг (Англиянинг — таъкид бизники, Р.Х.) Ўрта Осиёга суқилиб киришининг олдини олишга ҳаракат қила бошлади.

Бизга маълумки, Кўқон хонлигининг тўла чор Россиясига қўшиб олиниши, Бухоро ва Хива хонликларини қисман бўйсундирилиши инглиз-рус алоқаларининг, айниқса, Яқин Шарқ масаласи бўйича рақобатни янада кескинлашувига олиб келди.

Ушбу келишмовчилик ҳатто Англия билан Россия ўртасида ўзаро шартнома имзолангандан сўнг ҳам тўхтамади.

Ҳар иккала томон, англизлар ҳам, руслар ҳам Ўрта Осиёда ўз мавқеларини ва таъсир доираси ҳудудларини зўр бериб кенгайтиришга ҳаракат қилишди.

Англия билан Россия ўртасидаги рақобатлар, айниқса, XIX асрнинг 70- йиллари охирига келиб янада кучайди ва кескинлашди.

1878—1880- йилларда англизлар руслар билан тузилган шартнома ва келишувни бузиб, Афғонистонда иккинчи урушни бошлаб юборишди. Бу эса англиз-рус рақобатини янада кучайишига олиб келди.

Рус ҳукумати ҳам ушбу ҳолатга қарши, ўз навбатида, шошилинч чораларни кўрди. Туркистонда ўз мавқеини янада мустаҳкамлашга катта эътибор қаратди. Айнан мана шу ҳолатда, Туркистон билан Россияни боғловчи темир йўл нақадар муҳимлиги рус ҳукуматига яққол сезилди.

Россия билан Туркистон ўртасида темир йўл қурилиши кераклиги ва унинг ўта муҳимлиги, энг аввало, сиёсий ва ҳарбий-стратегик нуқтаи назардан келиб чиққан эди. Шу билан бирга, ушбу темир йўлнинг қурилишини қатор иқтисодий сабаблар ҳам тақозо этмоқда эди. Чунки рус буржуазияси Туркистон ўлкасига ўта муҳим хом ашё ўлкаси ва ўз молларини сотиш учун жуда катта ички бозор сифатида қараган. Айнан мана шу жиҳатларни тўғри ҳисобга олган рус буржуазияси темир йўл қуриш тарафдори сифатида, XIX асрнинг 80- йилларидан бошлаб рус ҳукуматидан ушбу ишларни амалга оширишни қатъий талаб қила бошлади.⁴⁰⁷ Чунки карвон йўллари орқали мол олиб келиш ва олиб кетиш жуда узоқ вақтни эгалларди ҳамда у жуда катта миқдордаги сарф-харажатни талаб этарди.

Масалан, Оренбургдан Тошкентга қадар бўлган йўлда карвон 90—100 кун юриши лозим эди. Тошкентдан Оренбургга қадар эса карвон энг камида 3 ой йўл юрса, Москва ва Нижний Новгородга қадар карвон 5—6 ой йўл юриши керак эди. Бундан ташқари, ҳар бир туяни ёллаш учун 9—12 рубл маблағ сарф этилган.⁴⁰⁸ Ҳар бир туяга эса 16 пуд юк ортиш мумкин бўлган. Иқтисодий жиҳатдан олиб қаралганда ҳар бир пуд юкни тан-

⁴⁰⁷ Железные дороги в Среднюю Азию // Сборник статей и проектов по проведению железных дорог в Среднюю Азию. —СПб., 1890, с. 3.

⁴⁰⁸ Аҳмеджанова З. К. К истории строительства железных дорог в Средней Азии (1880-1917 гг.). —Т., 1965, стр. 18.

нархи 56—57 копеекка тўғри келган. XIX асрнинг 80-йилларига келиб карвон йўллар орқали мол олиб келиш биринчидан таннарх, иккинчидан тезкорлик нуқтаи назаридан, учинчидан, рус буржуазиясининг талаблари, тўртинчидан, рус ҳарбийлари талабини ва ниҳоят бешинчидан, ўша давр талабини тўла қондира олмаганлиги яққол кўзга ташланиб қолди.

Айнан мана шу ҳолатлар, яъни товар таннархининг баландлиги, унинг таъсири кабилар ҳам тезроқ темир йўл қурилиши лозимлигини кун тартибига олиб чиқди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё ҳудудларига темир йўллар кириб келишини, энг аввало, сиёсий, ҳарбий-стратегик ва ниҳоят иқтисодий сабаблар мажбур қилди.

Ўрта Осиёда темир йўл қуриш ғояси чор Россияси ушбу ҳудудлар забт этилгунга қадар ҳам бир неча бор кўтарилган эди. Жумладан, 1850—1860 йилларда Россияда темир йўллар қуришнинг лойиҳаси тузилаётган пайтда Ўрта Осиё ҳудудида ҳам темир йўл қуриш масаласи кўтарилган эди. Аммо у ўша пайтда ғоялигича қолди.

Ўрта Осиёда темир йўл қурилишидан энг аввало Туркистон ўлкасидаги рус маъмурлари манфаатдор эди, мана шунинг учун ҳам, улар бир неча бор рус ҳукуматига мурожаат қилиб, ушбу масалани ижобий ҳал этишни сўрашган.

1873 йили Туркистон генерал-губернатори генерал фон Кауфман чор ҳукуматидан Ўрта Осиёга темир йўл ўтказишни илтимос қилиб ёзма равишда мурожаат қилади.⁴⁰⁹ Ушбу масала бўйича мурожаат қилишнинг асосий сабабини Кауфман ўз хатида инглиз-рус рақобатининг кескинлашганлиги эканлигини очиқ баён қилади.

Жумладан, генерал Кауфман ушбу темир йўл қурилишини энг аввало инглизларнинг Ўрта Осиёга бўлган қизиқишини олдини олиш ва уни сусайтириш учун, ҳамда улар томонидан Ўрта Осиёда амалга оширилиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳарбий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уни тезкор равишда бажариш учун ўта муҳим масала эканлигини эътироф қилади. 1880 йили генерал Кауфман ҳарбий вазирга телеграмма жўнатиб, ушбу ишни жадаллаштириш энг аввало ҳарбий стратегик жиҳатдан муҳим эканлигини таъкидлаб, шундай деб ёзади: „Сиз, ҳазрати олийларидан Темир йўл вазирлиги томонидан тасдиқланган ва қўллаб-қувватланган лойиҳа бўйича, Ўрта Осиё темир йўл қурилиши лойиҳасини жадаллаштириш бўйича

⁴⁰⁹ РДХТА. 400- жамғарма, 24- рўйхат, 879- иш, 26—34- бетлар.

бевосита аралашувингизни ва уни амалга ошишини қатъий равишда талаб қилишингизни ўтиниб сўрайман. Шунинг таъкидлаш лозимки, ушбу темир йўл қурилиши нафақат ўлка иқтисодиёти ривожини таъминлаши (ваҳоланки, унга айнан темир йўл асосий сабаб бўлади), уни империянинг энг самарали ишлаб чиқариш марказларидан бирига айлантириши мумкин, балки ушбу темир йўл қурилишининг ҳарбий-сиёсий аҳамияти ўта муҳимдир. Агар мана шу темир йўл қурилиши амалга оширилмаса, биз ушбу регионда қўлга киритган фойдали ва Осиёдаги мустаҳкам таянч ҳамда таъсир кучимиздан маҳрум бўлишимиз мумкин“.⁴¹⁰

Генерал Кауфманнинг ушбу асосли таклифи Ҳарбий вазирлик томонидан тўғри тушунилди ва қўллаб-қувватланди. Ҳукумат олдига ушбу масала юзасидан ўз таклифларини қўйишга асос бўлди.

Шунинг таъкидлаш жоизки, айнан мана шу ҳаракатлардан сўнг, 1873 йили Петербургда Темир йўл вазирлиги қошида темир йўл қурилиш лойиҳаларини кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш учун махсус комиссия ташкил этилди.⁴¹¹

Ушбу махсус комиссияга Ўрта Осиёни Россия билан боғловчи темир йўл қурилиши тўғрисидаги лойиҳалар ҳам россиялик инженерлар, ҳам хорижлик фуқаролар томонидан кўплаб тақдим этила бошланди. Фақатгина 1865 йилдан 1880 йилга қадар шу мазмундаги 40 дан ошиқ лойиҳа таклиф этилди. Энг кўп лойиҳалар XIX асрнинг 70- йилларида тақдим этилган.⁴¹²

Чор Россияси ҳукумати пировард натижада Ўрта Осиёда темир йўл қурилишини қўллаб-қувватлашга ва уни бошлашга мажбур бўлди. Дастлаб Оренбургдан Тошкентга қадар бўлган темир йўл қурилиши режалаштирилди.

Афғонистон билан Ўрта Осиё чегараларида инглиз-рус муносабатларининг кескинлашуви Оренбург-Тошкент темир йўл қурилишини вақтинча тўхтатишга ва рус ҳукуматининг асосий эътиборини Каспийорти вилояти темир йўли қуриш ишларига жалб этишга мажбур этди.

1880 йили 11—12 февраль кунлари ҳарбий Вазир раҳбарлигида махсус кенгаш чақирилиб, унда Каспийорти масаласи

⁴¹⁰ ЎзРМФА И.1- жамғарма, 16- рўйхат, 1524- иш, 7- бет.

⁴¹¹ РДХТА. 400- жамғарма, 24- рўйхат, 879- иш, 61—62- бетлар.

⁴¹² Железные дороги в Среднюю Азию // Сборник статей и проектов по проведению железных дорог в Среднюю Азию. стр.32.

ва у ерда темир йўл қурилиши чуқур муҳокама қилинди ва темир йўл қурилишини бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.⁴¹³

Каспийорти темир йўли қурилишининг биринчи навбати (Михайловск қўлтиғидан Қизил Арватгача бўлган 217 вёрстлик йўл) жуда қисқа муддат ичида, 8 ойда қурилиб, фойдаланишга топширилди.⁴¹⁴ Ушбу йўлнинг қурилиши чор Россияси ҳукуматига нафақат унинг катта масштабдаги иқтисодий масалаларни, балки энг аввало, йирик темир йўл қурилишини ечишга қодир эканлигини, ҳамда ушбу темир йўл қурилиши унинг ҳарбий стратегик позициясини Ўрта Осиёда янада мустаҳкамлашига хизмат этишига тўла равишда ишонч ҳосил қилишига имкон берди.

1886 йил 18 ва 22 апрель кунлари Вазирлар Қўмитаси Каспий орти темир йўлининг янги тармоғини қуришни муҳокама қилди ва уни то Самарқандга қадар давом эттиришга қарор қабул қилди ва ўша қарор асосида темир йўл қурилиши бошланиб, у 1888 йили тугалланди.⁴¹⁵ Янги темир йўл „Каспийорти ҳарбий темир йўли“ деб аталди.

Мана шу тариқа Ўрта Осиёда темир йўл қурилишига кенг йўл очилди ва кейинги йилларда Рус ҳукумати уни жадал суратлар билан ривожлантириб, унинг янги тармоқларини қуриб, ишга тушира бошлади.

XX аср бошларига келиб чор Россияси ҳукумати олдида иқтисодий, сиёсий ва энг муҳими, ҳарбий нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, Бухоро амирлигининг жануби-ғарбий ва жануби-шарқий ҳудудларини темир йўл орқали Ўрта Осиё магистрали билан боғлаш масаласи пайдо бўлди. Ушбу йўл чор Россиясини Бухоро ёки Самарқанд орқали амирликнинг энг жанубий қисмида жойлашган Термиз билан боғлаши лозим эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиё магистрал темир йўли, асосан, Бухоро амирлигининг шимолий қисмидан, Зарафшон дарёси бўйлаб ўтган эди. Амирликнинг жануби-ғарбий ва жануби-шарқий қисмлари эса темир йўлдан четда қолган эди.

Бухоро амирлигининг жанубий қисми табиий бойликларга бой ҳудуд ҳисобланарди. Бу ерларда турли хил дарахтлар, олтин, қалай, олtingугурт, нефть, темир, кўмир, мармар,

⁴¹³ РДХТА. 400-жамғарма, 24-рўйхат, 879-иш, 61—62-бетлар.

⁴¹⁴ РДХТА. 400-жамғарма, 24-рўйхат, 879-иш, 108-бет.

⁴¹⁵ РДХТА. 400-жамғарма, 24-рўйхат, 879-иш, 111-бет.

лазурит, рубин каби бебаҳо бойликлар беҳисоб бўлган. Айнан мана шу бебаҳо бойликларга эга бўлган ҳудудларда аҳоли яшайдиган Қарши, Китоб, Яккабоғ, Чироқчи, Фузор, Шеробод, Сарижуй (Сариосиё), Шартуз, Қоратоғ, Ҳисор, Душанбе каби шаҳарлар ташкил топган эди.

Ушбу ҳудудлар бўйича темир йўллар ўтиши энг аввало, рус буржуазияси учун бебаҳо бойликларни ўзлаштиришга ва унинг эвазига катта сармоя олишига имкон берса, иккинчи томондан рус ҳукуматининг Бухоро бозорларини тезроқ тўла эгаллаб олишига кенг имконият яратар, учинчи томондан эса ушбу ҳудудда темир йўл қурилиши русларга ташқи дунё билан савдо олиб боришни янада кенгайтиришга кенг йўл очиб бериб, қисқа вақт ичида тезроқ Афғонистон ва Ҳиндистон бозорларига чиқиш учун янги имкониятларни яратиб берарди. Ва ниҳоят, энг муҳими, янги қуриладиган Бухоро темир йўли Россия учун ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий-стратегик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этиб, унинг инглиз-рус рақобатида ўзига хос ютуқни қўлга киритишга хизмат қилиши муқаррар эди. Айнан мана шу жиҳатларни тўла ҳисобга олган ҳолда, рус ҳукумати Бухоро темир йўли қурилишини қўллаб қувватлади.⁴¹⁶

Когондан Қарши орқали Термизга қадар бўлган янги темир йўл қурилиши афғон чегараси бўйлаб ўтказилиши режалаштирилган эди. Чунки айнан мана шу ҳолат рус-афғон ва инглиз-рус муносабатларига кучли таъсир кўрсатиши ва Урта Шарқда Россия мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши назарда тутилган эди.⁴¹⁷

1904 йили 13 мартда темир йўллар қуриш бошқармаси қўмитаси Бухоро-Қарши-Калиф-Термиз ва Самарқанд-Қарши (жами 567 вёрст) ҳамда Қарши-Шеробод-Термиз (жами 269 вёрст), йўналишлари бўйича техник тадқиқот ишлари олиб бориш тўғрисида қарор қабул қилди.⁴¹⁸

1904 йили март ойида ҳарбий Вазирлик Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонига Бухоро амири билан ушбу йўлнинг техник тадқиқот ишларини олиб борувчиларга рухсат бериш ва уларни қўриқлаш масаласи бўйича ўзаро келишишни илтимос қилди.⁴¹⁹

⁴¹⁶ РДХТА. 400- жамғарма, 24-рўйхат, 879- иш, 162—164- бетлар.

⁴¹⁷ РДХТА. 400- жамғарма, 24-рўйхат, 879- иш, 163-бет. Яна қаранг: Қосимов Ф. Халқаро муносабатлар тизимида Бухоро давлатининг ўрни (1900—1925 й.й.). // Бухоро университети илмий ахборотлари, 2004, 2- сон. 55—59- бетлар.

⁴¹⁸ РДХТА. 400-жамғарма, 24- рўйхат, 879- иш, 187- бет.

⁴¹⁹ РДХТА. 400-жамғарма, 24-рўйхат, 879-иш, 190-бет.

Рус ҳукумати биринчидан, Бухоро иқтисодиётига бўлган қизиқиши, иккинчидан эса ҳарбий стратегик жиҳатдан зарур бўлганлиги учун ҳам темир йўлни қуришга киришади. Темир йўл қурилишидан кутилган асосий мақсадлардан яна бирибу Туркистон билан Афғонистон чегарасини боғлаш эди.

1904 йил 19 апрелда Алоқа Йўллари Вазирлиги темир йўл қурилиши бошқармаси техник бўлимнинг Туркистон генерал-губернаторига йўлаган хатида, ушбу темир йўл қурилиши бўйича амалий ишлар бошланганлигини маълум қилиб, шундай хабар беради: „Ўрта Осиё Темир йўлининг Бухоро ва Самарқанд нуқталарини Амударё ёқасидаги Термиз шаҳри билан боғлаш учун материаллар йиға бошлашни режага киритилганлигини, Қарши-Калиф, Қарши-Ғузор ва Шеробод йўналишларини ўрганиш учун коллеж маслаҳатчиси, алоқа йўллари муҳандиси Голиэм-биовский бошлиқ этиб тайинланди“.⁴²⁰

1904 йилнинг баҳорига келиб, Бухоро темир йўли қурилиши бўйича техник тадқиқот ишлари ниҳоясига етказилди. Шундан сўнг, Туркистон генерал-губернатори Ҳарбий вазирликка мурожаат қилиб, Бухоро темир йўлини қуришни 1906 йил режасига киритишни сўради.⁴²¹

Аммо, бошланиб кетган рус-япон уруши натижасида, ушбу темир йўл қурилиши бир оз орқага сурилди.

Бухоро темир йўли қурилиши бўйича бир неча лойиҳа тайёрланди.

1910 йилда чор ҳукумати ва Амир Абдулаҳад ўртасида Бухорода темир йўл қуриш ҳақида музокаралар олиб борилди.

Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси бошқарувчиси томонидан Туркистон генерал-губернаторига ҳисобот тақдим этилиб, унда Когон станциясидан Қарши орқали Термизга темир йўл қуриш таклифи тушади. Кейинчалик бу масала Ҳарбий ва Ташқи ишлар вазирликлари томонидан бир неча маротаба муҳокама қилинади ва бир қанча тортишувларга сабаб бўлади.⁴²²

Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан Бухоро темир йўл қурилишининг биринчи босқичида Бухоро-Қарши йўналишини қуриш, бунинг учун хусусий тадбиркорларни жалб қилиш гоёси таклиф қилинади.⁴²³

⁴²⁰ ЎзРМДА. И-2-жамғарма, 1-рўйхат, 188-иш, 5-бет.

⁴²¹ ЎзРМДА. И-2-жамғарма, 1-рўйхат, 277-иш, 15-бет.

⁴²² РДХТА. 400-жамғарма, 24-рўйхат, 879-иш, 204—206-бетлар.

⁴²³ ЎзРМДА. И-2-жамғарма, 1-рўйхат, 277-иш, 15-бет.

Чор ҳукумати маъмурлари Қарши-Когон темир йўлини хусусий капитал билан қуриш ишлари жуда узоққа чўзилиб кетиши мумкинлигини ҳисобга олиб, тор изли темир йўл қуриш фикрини билдиради ва бу лойиҳани ўрганиб чиқиш учун ушбу ҳужжатлар тўпламини ҳарбий инженер капитан фон Шульцга топширади. Лекин фон Шульц лойиҳани ўрганиб чиқиб, ўз ҳисоботига кўра оддий тор изли темир йўл қуриш фойда бермаслигини, тор изли темир йўл стратегик жиҳатдан ҳам умуман тўғри келмаслигини айтади.⁴²⁴ Ўз навбатида тор изли темир йўлнинг қурилишига Бухоро ҳукумати томонидан ҳам эътироз ва қаршилиқлар билдирилади.

1910 йили апрель ойининг охирида бўлиб ўтган Вазирлар қўмитаси мажлисида бу масала яна ўртага ташланади ва Когон-Термиз йўлининг нақадар аҳамиятли эканлиги гапириб ўтилади, лекин лойиҳани амалга ошириш учун яна маблағ йўқлиги рўкач қилиб кўрсатилади.⁴²⁵

1907 йилда Англия қироли Эдуард VII ва чор ҳукумати ўртасида Ўрта Осиё масалалари бўйича инглиз-рус битими имзоланади. Лекин қирол Эдуарднинг ўлиmidан кейин, тахтга Георг V нинг чиқиши, чор ҳукуматидан Бухоронинг чегара қисмини мустаҳкамлаш учун ҳам ушбу темир йўл қурилиши зарурлигини халқаро вазият яна бир бор кун тартибига қўйишни тақозо этди.⁴²⁶

Ўша вақтда Георг V ҳақида чет эл матбуотларида маълумотлар берилиб, уларда Англия ўз мустамлакаларини мустаҳкамламоқда, деган гаплар илгари сурилган эди. Бундан чор ҳукумати таҳликага тушиб, инглиз-афғон тўқнашуви юзага келиши мумкинлигини ҳисобга олиб, ушбу темир йўл қурилишини имкони борича тезроқ қуриб тугатишга ҳаракат қилади. Ҳарбий вазирнинг 1910 йил 30 январда Ташқи ишлар вазирига йўллаган махфий хатида қуйидагилар баён этилганди: „Туркистон фронтининг оператив ҳаракат режасига кўра ушбу темир йўлга бўлган эҳтиёж келиб чиқади. У бизнинг Ўрта Осиё темир йўлимизни Бухоро-Афғон чегараси билан боғлайди. Ушбу темир йўлсиз операциялар олиб борилиши тахмин қилинаётган Кобул йўналишида (Термиз-Мозори Шариф-Кобул) қўшин ва ҳарбий юкларни жойлаштириш қийин бўлади“.⁴²⁷

⁴²⁴ ЎзРМДА. И-2-жамғарма, 1-рўйхат, 277-иш, 16-бет.

⁴²⁵ ЎзРМДА. И-2-жамғарма, 1-рўйхат, 277-иш, 17-бет.

⁴²⁶ ЎзРМДА. И-2-жамғарма, 1-рўйхат, 277-иш, 18-бет.

⁴²⁷ ЎзРМДА. И-2-жамғарма, 1-рўйхат, 277-иш, 19-бет.

1910 йил 25 апрелда Техрондан чиқадиган „Новое время“ рўзномасида Новацкийнинг берган ахборотида темир йўл қурилиши афзаллиги баён қилинади. Жумладан, унда: „Темир йўллар қурилиши билан Термизга афғон молларининг нафақат Афғонистон шимолидан, балки унинг ички ҳудудларидан ҳам кўплаб келиши мумкинлиги айтилади. Чунки Мозори Шариф орқали Кобулни Ўрта Осиё билан боғловчи қадимий йўл ўтади. Тўғри ҳозирда бизнинг Афғонистон билан божхона орқали мол айирбошлашимиз ниҳоятда паст. Шубҳасиз, темир йўл Термиздан ўтиши билан табиий равишда мол алмашиши йилдан-йилга ўсади ва биз ҳам Шимолий Афғонистон бозорларини эгаллаймиз“.⁴²⁸

Термиз йўналиши бўйича лойиҳалаштирилаётган темир йўл нафақат стратегик аҳамиятга эга, балки иқтисодий томондан ҳам қулай бўлиб, у Амударёорти давлатларини Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон вилоятлари билан боғлаб, савдони ривожлантиради. Шу темир йўл орқали бизнинг маҳсулотлар инглиз-ҳинд ҳудудларида яхши сотилади, ҳатто ҳозир ҳам бизнинг маҳсулотлар инглизларникига қараганда кўпроқ олинади. Албатта, йўл дастлаб харажат қилишни талаб қилади, аммо у шубҳасиз Ўрта Осиёда бизнинг фуқаровий ва ҳарбий мавқеимизни янада кучайтиришга олиб келади. Иккинчидан, эртами-кечми содир бўлувчи рус темир йўллари инглиз-ҳинд йўллари билан боғлашда биринчи босқич бўлади. Бу боғланиш орқали Россия дунёда ягона бўладиган ва Ғарбий Европани Жанубий Осиё билан боғловчи транзит йўлини назорат қилади. Шу билан бирга, Россия саноати ғоят ривожланади, ўшанда Россия ўз молларини инглиз мустамлакаларига Англия арзонроқ нархларда сотиш имконига эга бўлади, деган фикрни айтади.⁴²⁹

Термиз йўлининг қурилиши ҳақида Губаревич Радобильский ҳам ўзининг „Бухоро ва Туниснинг иқтисоди“ деб номланган очеркида (СПб., 1905 й) тўхталиб, жумладан, қуйидагиларни айтиб ўтади: „Ҳозирча Когон-Термиз темир йўли бизнинг Бухородаги ва афғон чегарасидаги мавқеимизни мустаҳкамлайди. Бу билан бизнинг ҳаракатларимиз асосида Ўрта Осиёдаги ҳудудларимиз мудофааси Россия мудофааси билан узвий боғлиқ бўлиши лозим. Бизнинг бу ердаги ҳарбий ва иқтисодий тайёргарлигимиз орқали бу ердаги Ўрта Осиёнинг ривожланиш муаммоси ечилиши ва Туркистонга сарф қилинган юз милли-

⁴²⁸ РДХТА. 400-жамғарма, 24-рўйхат, 879-иш, 221-бет.

⁴²⁹ ЎзРМДА. И-2-жамғарма, 1-рўйхат, 277-иш, 19—20-бетлар.

онлаб кетган сўميمиз ўзини оқлаши мумкин. Умуман олганда, биз Марказий Осиёда муваффақият қозонишимиз учун нафақат мудофаага, балки ҳужумга ҳам тайёр бўлишимиз лозим.

Шунингдек, Бухоронинг иқтисоди учун ҳам бу йўл муҳимдир. Унинг жануби-шарқий қисмидаги минерал бойликлар ўзлаштирилади ва сотилади. Бу ерда ҳосилдор ҳудудлар мавжуд бўлиб, ҳозирда озроқ ҳажмда буғдой, шоли ва пахта экилади. Темир йўл қурилиши амалга оширилса, зироат экин ерларининг кенгайишига олиб келади. Бу темир йўл ҳарбий ҳаракатларнинг тез ривожини ва йирик қўшин қисмларини тез тўплаш лозим бўлганда катта аҳамиятга эга бўлади. Фақат Когон-Термиз темир йўли қурилиши бизнинг Афғонистон ва Англияга нисбатан бўлган сиёсатимиз талабларини қондириши мумкин“.⁴³⁰

Юқорида кўрсатилган ахборот ва ҳисоботларни ҳамда маълумотларни чор ҳукумати тўлиқ ўрганиб чиқиб, Бухоро ҳукумати билан олиб борилган музокаралар натижасида Когон-Термиз темир йўлини кенг линияли қилиб қуришга келишди. Бу қарор 1910 йил апрель ойида Россия Вазирлар қўмитасида Столипин бошчилигида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.⁴³¹

1912 йили баҳорда Бухоро темир йўли лойиҳаси ва унинг тўлақонли баённомаси тўғрисидаги маълумотнома Ковалевский томонидан тайёрланиб, муҳокамага тақдим этилди. Ушбу тақдимномада Туркистон ўлкаси тўғрисида умумий маълумотлар, 1880—1912 йиллар давомида қурилган темир йўллар ва уларнинг ривожланиш тенденцияси, Ўрта Осиё ва Туркистон темир йўллари қурилиши муносабати билан қутилаётган иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар, ўлкада боғловчи иккиламчи йўлларнинг қурилиши тўғрисида муҳим маълумотлар берилди. Ушбу маълумотномада Бухоро амирлиги тўғрисидаги муҳим маълумотлар, жумладан, унинг бой табиий бойликлари, айниқса, Бухоронинг тоғли ва жанубий ҳудудлари имкониятлари, амирликдаги пахтачилик ва қишлоқ ҳўжалигининг бошқа тармоқлари ҳолати, амирлик саноати ва унинг ҳолати, аҳолининг этник таркиби тўғрисида ҳам муҳим маълумотлар берилди.

Энг муҳими, ушбу тақдимномада темир йўл ўтадиган ҳудудлардаги манзилгоҳлар, уларнинг аҳолиси тўғрисида

⁴³⁰ ЎзРМДА. И-2- жамғарма, 1- рўйхат, 277- иш, 21- бет.

⁴³¹ РДХТА. 400- жамғарма, 24- рўйхат, 879- иш, 220- бет.

аниқ рақамлар, темир йўл йўналиши ва унинг узунлиги, у ерлардаги фойдаланиладиган ерлар тўғрисида ҳар томонлама кенг ва атрофлича маълумотлар берилган эди.

Ковалевский томонидан ушбу тақдимномада қуриладиган темир йўлдан қайси турдаги товарлар олиб ўтилиши, ундан келадиغان даромад ва темир йўлнинг умумий қиймати тўғрисида ҳам аниқ рақамлар берилган эди.

Ковалевский ҳисоб-китобларига қараганда, ушбу темир йўл қурилиши тахминан 26 млн 534 минг 467 рублга тўғри келиши белгиланган.

1912 йилнинг апрель ойида темир йўллар департаменти Ҳарбий вазирлик ва Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилиб, Ковалевский лойиҳаси бўйича ўз фикрларини билдиришини сўради. Натижада, ҳар иккала вазирлик Бухорода темир йўл қурилиши ўта муҳимлиги ва кераклигини таъкидлашди, аммо Бухоро мустақил давлат бўлганлиги учун, темир йўл бевосита унинг ҳудудида қурилишини ҳисобга олган ҳолда, ушбу темир йўл қурилиши учун концессияга рухсат бериш ҳуқуқи Бухоро амирида борлиги таъкидланди.⁴³²

1912 йил 5 май куни Бош штаб темир йўллари қурилиши вазирлиги томонидан Ковалевский лойиҳасини 1912 йил ичида муҳокама қилиб чиқишни сўради.

Бухоро амири 1912 йил 8 июнда ушбу Бухоро темир йўли қурилишини қўллаб-қувватлади ва Ковалевскийга темир йўл қурилишини амалга ошириш учун 600 десятина ерни бепул ажратишга рухсат берди.⁴³³

Бухоро амири кўшбегиси Россия императорлиги сиёсий агенти номига ёзган хатида: „Ушбу темир йўлнинг ўта муҳимлигини назарда тутиб, олипаноҳ Бухоро амири ушбу йўлни қуриш учун концессияни рус фуқароси Александр Николаевич Ковалевскийга беришга қарор қилди“, — деб маълумот беради.⁴³⁴

Ковалевский ва бошқа шахслар томонидан тақдим этилган Бухоро темир йўли қурилиши бўйича лойиҳалар 1912 йили 18 ва 25 сентябрда махсус ўрганилиб чиқилди. Комиссия бир овоздан Ковалевский лойиҳаси бўйича Бухоро темир йўли қурилишини қўллаб-қувватлади.

1913 йили 28 майда Вазирлар қўмитаси, Темир йўллар қурилиши вазирлиги ва Молия вазирлиги ушбу масалани

⁴³² РДХТА. 400-жамғарма, 24-рўйхат, 879-иш, 239-бет.

⁴³³ Аҳмеджанова З. К. К истории строительства железных дорог в Средней Азии (1880-1917 г.г.). стр. 60.

⁴³⁴ РДХТА. 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1668-иш, 36—37-бетлар.

атрофлича муҳокама қилиб, инженер Ковалевскийга Бухоро темир йўлини қуриш ва уни эксплуатация қилиш учун махсус жамият ташкил этишига рухсат берилди.

Бухоро темир йўли қурилишини бошлашга юқорида таъкидланганидек, 1913 йили рухсат берилгандан сўнг, уни амалга ошириш бўйича жуда катта ташкилий ишлар амалга оширилди.

1913 йил октябрь ойида Бухоро темир йўл жамияти район директори М. М. Слуцкий Бухорога келди. Унинг зиммасига барча тайёрлов ишларини амалга ошириш масъулияти юклатилган эди. Энг аввало, у ишчи кучи масаласини ҳал этиши лозим эди. М. М. Слуцкий 1913 йил октябрдан 1914 йил апрелига қадар, Бухоро ҳукумати билан ер ишларини бажарувчилар масаласи бўйича ўзаро келишув тўғрисида музокаралар олиб борди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди. Ўша даврда Бухоро аҳли ўз фуқароларини кўшни давлатлар ва бошқа шаҳарларга бориб ишлашни тақиқлаб қўйган эди. Айнан мана шунинг учун ҳам, Бухоро ҳукумати ва шахсан амир билан ушбу масала юзасидан музокара олиб боришга тўғри келди ва амирнинг розилиги олинди.

1914 йилнинг апрель ойи ўрталарига келиб, тупроқ ишларини бажарувчи дастлабки 400 бухороликлар қурилиш ҳудудига келишди.⁴³⁵ Тупроқ ишларини бажариш учун ёлланган маҳаллий ишчиларга энг паст маош белгиланди. Уларга белгиланган маош шунчалик даражада паст эдики, ҳатто ўша даврда қурилган бирон-бир бошқа темир йўл қурилишига жалб этилганларга ушбу қийматдаги маош берилмас эди. Иш ҳаққининг ўта кам даражада белгиланганлиги, ўз навбатида, ишнинг самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатди. Иккинчи томондан, уларга нисбатан бўлган муомала ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Қаршидан жалб этилган дастлабки 400 кишилик ёлланган маҳаллий ишчилар ўзларига нисбатан кўрсатилган „марҳамат“дан норози бўлганликлари учун ишга совуққонлик билан қарадилар ва рус муҳандислари кутган кўрсаткичлар бўйича ишлашни хоҳлашмади. Улар ишга жалб этилгандан 28 кун ўтгач, Бухоро ҳукумати 1914 йил 8 май куни уларни чақиртириб олишга мажбур бўлди ва улар ўрнига бошқа ҳудудлардан ишчи кучи берилди.

1914 йилнинг май ойи бошига келиб, бухоролик ишчилар сони минг (1000) кишига етказилди. Ишчиларнинг асосий

⁴³⁵ Аҳмеджанова З. К. К истории строительства железных дорог в Средней Азии (1880—1917 г.г.). стр.81.

қисми Қоратегин ҳудудидан ишга ёлланган эди. Ушбу ишчиларнинг аксарияти мажбурий равишда ёлланган эди. Уларга ҳеч қандай шароит яратилиб берилмади. Ҳатто иш жойига ҳам ўзлари етиб келиши белгиланди. Иш жойига етиб келгунча, овқатланишни ҳам ўзларининг бўйнига қўйишганлиги учун, ишчилар йўлда роса қийналишди. Қурилиш майдонига етиб келган ишчилар ишлашни хоҳламасликларини, шароит огирлигини очикдан-очик темир йўл бошқармаси департаменти раҳбариятига билдиришди. Натижада, муҳандис И.Э.Таннернинг барча хатти-ҳаракатларига қарамай, барча 800 кишидан иборат ишчилар иш жойларини ташлаб кетишди.⁴³⁶

Бу темир йўл қурилиши раҳбарларига улар хоҳлаганчалик, яъни арзон ишчи кучи эвазига, темир йўлнинг тупроқ ишларини бажариш бўйича ўйлаган ниятлари амалга ошмаслигини кўрсатди.

Қурилиш авж олган бир пайтда, Бухоро ҳукумати 1914 йилнинг апрель, май ва июнь ойлари учун ҳар бир ишчига тупроқ ишларини бажарганликлари учун 0,75 копеекдан эмас, балки бошқа темир йўл қурилишларида белгиланган 1 рубл 50 копеекдан тўлашни талаб қилди. Узоқ тортишувлардан сўнг, темир йўл қурилиши раҳбарлари қаршилик ишчиларга 1 рубл 20 копеекдан, бухоролик ишчиларга эса 1 рублдан ҳақ тўлашга мажбур бўлди.

Мана шу ҳолатлар темир йўл қурилиши раҳбарларидан малакали, янги ишчи кучларини қидириб топиш муаммосини ҳал этишни кўндаланг қилиб қўйди. Натижада, темир йўл қурилиши раҳбарлари Россия, Боку ҳатто Эрон ҳудудларидан ишчи кучи қидиришга ва уларни ишга жалб этиш бўйича шошилиш чораларни амалга оширишга мажбур бўлишди.

Айниқса, эронлик ишчиларни Бухоро темир йўли қурилишига жалб этиш масаласига катта умид қилишди. Аммо бу ҳаракатлар ҳам зое кетди. Ваҳоланки, Эрондан 2000 (икки минг) ишчи жалб қилиш режалаштирилган ва шартнома тузилган эди. Аммо Бухорога 1914 йили бор-йўғи 226 эронлик ишчилар келишди. 1914 йилнинг август ойига келиб, улардан 116 таси қолди.⁴³⁷

Темир йўл қурилиши раҳбарлари туркманлардан ишчи кучи йиғишга ҳаракат қилди ва бор-йўғи 400 кишини ишга жалб этишга муваффақ бўлди. Шундан сўнг, темир йўл қури-

⁴³⁶ РДХТА. 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1668-иш, 34—35-бетлар.

⁴³⁷ Аҳмеджанова З. К. К истории строительства железных дорог в Средней Азии (1880—1917 г.г.). стр. 83.

лиши раҳбарлари ўз агентларини Кавказ ва Сибирга, Россиянинг марказий районларига жўнатишди. Шунча саъй-ҳаракатларга қарамай, темир йўл қурилишида ишчи кучи етишмаслиги барибир муаммолигича қолаверди.

Вазиятдан чиқишнинг ҳеч бир иложини топа олмагач, темир йўл қурилиши раҳбарлари турмалар бошқармаси бошлиғига мурожаат қилиб, Бухоро темир йўли қурилишида қамоқхонадаги „банди“лар меҳнатидан фойдаланишга рухсат беришини сўради. Ушбу ҳаракат ҳам ҳеч бир ижобий натижа бермади. Шундан сўнг, темир йўл қурилиши раҳбарлари бошқа темир йўллари қурилиши раҳбарларига мурожаат қилиб, улардан ишчи кучи борасида ёрдам беришларини сўради.

Айнан мана шу мурожаатлардан сўнг, Бухоро темир йўли қурилишида ишчилар сони бир оз миқдорда кўпайди. 1914 йилнинг октябрь ойи охирига келиб, ишчилар сони яна бироз кўпайишига эришилди.

1915 йилнинг февралига келиб, Бухоро темир йўли қурилишида яна ишчилар сони камайиб қолди. Чунки жуда кўп раб рус ишчилари ҳам иш жойларини ташлаб, Россияга қайтиб кетишди.

Россия императорлигининг Бухородаги сиёсий агенти ва Туркистон генерал-губернатори Бухоро темир йўли қурилишини ишчи кучи билан таъминлашнинг янги манбаи сифатида чет эллик ҳарбий асирлар кучидан фойдаланишга катта эътибор беришди.

Ҳарбий асирлар ҳисобига Бухоро темир йўл қурилишидаги ишчилар сонини 6 минг (олти) кишига етказишга муваффақ бўлинди.⁴³⁸

Темир йўл қурилиши вазирлиги Бухоро темир йўл қурилиши раҳбарлари олдига темир йўлни муддатидан бир йил олдин, яъни 1916 йил июль ойи ўрталаригача тугатишни вазифа қилиб қўйди. Бунинг асосий сабаби, чор Россияси биринчи жаҳон уруши фронтларида бирин-кетин мағлубиятга учрай бошлаган эди. Шунингдек, уруш натижасида мамлакат ичкарасида иқтисодий аҳвол ва ҳаёт тобора қийинлашиб кетган эди. Мана шунинг учун ҳам, Бухоро темир йўлининг тезроқ қурилишидан баъзи бир муаммоларни, айниқса, хом ашё етказиб бериш масаласини тезлаштириш ва Россия саноати ишлаб чиқаришини барқарорлаштиришга замин яратилиши кутилган эди.

1916 йил июль ойига келиб Бухоро темир йўли қурилишида ишлар авж олдирилди. У ердаги темир йўл қурилиши билан банд бўлган ишчилар сони 7 минг кишига етказилди.⁴³⁹

⁴³⁸ РДХТА. 1396- жамғарма, 2- рўйхат, 1668-иш, 39—42- бетлар.

⁴³⁹ Аҳмеджанова З. К. К истории строительства железных дорог в Средней Азии (1880—1917 г.г.) с. 87.

1914 йили 20 апрелда Бухоро темир йўли қурилиши бўйича тайёрлов ишлари бошлаб юборилди. 1914 йили 16 июнь куни қурилиш ишлари бошланди. Бухоро темир йўли қурилиши мўлжалланганидан ропа-роса бир йил олдин, яъни 1916 йил июнь ойида қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Бу йўлнинг умумий узунлиги 572 вёрстни ташкил этарди. Шундан 150 вёрсти афғон чегараси бўйлаб ўтган эди. Бу йўлнинг қурилиши чор ҳукуматининг фойдасини кўзлаб қурилган бўлса-да, Бухоро ҳукумати учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга эди.⁴⁴⁰

V. 3. Бухорода рус манзилгоҳларининг ташкил этилиши ва гарнизонларининг жойлаштирилиши

Инглиз-рус рақобатининг кескинлашуви чор Россияси томонидан бир гуруҳ муҳим чора-тадбирларни амалга оширишига олиб келган бўлса, улар орасида Ўрта Осиё ҳудудида, шу жумладан, Бухоро амирлиги ҳудудида темир йўл қурилиши, рус манзилгоҳларининг ташкил этилиши ва рус гарнизонларининг жойлаштирилиши алоҳида ўрин тутади.

Бухоро амирлиги ҳудудидаги илк рус қалъаси 1883 йили Карки шаҳри ёнида вужудга келди. Рус ҳукумати у ерга 14-туркистон линия батальонини жойлаштирди. 1886 йили эса у янги келган рус отряди ҳисобига кучайтирилди.

Айнан ўша йили, яъни 1886 йили Чоржўй шаҳрида ҳам рус отряди жойлаштирилди.

Рус ҳукумати аста-секин афғон чегараси бўйлаб рус гарнизонларини жойлаштира бориб, ўзининг ушбу ҳаракатлари орқали инглизларнинг Афғонистонга кириб келиши ва уларнинг Ўрта Осиёга суқилиб келишининг олдини олиш бўйича ишларни амалга ошириб, ўзининг ҳарбий-стратегик жиҳатдан позициясини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Жумладан, рус ҳукуматининг ушбу позициясини қуйидаги жумлалардан ҳам англаб олса бўлади. Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Карки гарнизони бошлиғига юборилган „ўта махфий кўрсатма“да шундай дейилади: „Биз Афғонистонга нисбатан ҳеч қандай ғараз ниятда эмасмиз ва уни хоҳламаймиз ҳам. Бизнинг мақсадимиз инглизларнинг Афғонистон орқали Бухорога қараб интилишининг олдини олишдан иборатдир“.⁴⁴¹

⁴⁴⁰ РДХТА. 400-жамғарма, 24-руйхат, 879-иш, 261—262-бетлар.

⁴⁴¹ ЎзРМДА. И-3-жамғарма, 1-руйхат, 19-иш, 45—46-бетлар.

Ушбу сагрлардан кўриниб турибдики, Рус ҳукумати ҳар қандай йўл орқали, англизларнинг Ўрта Осиёга, шу жумладан, Бухорога бўлган интилишининг олдини олиш учун амирлик ҳудудида айнан рус гарнизонларини барпо этиш сиёсатини тутган.

Чор ҳукумати саъйи-ҳаракати билан Карки ва Чоржўйда рус ҳарбий отрядлари учун қалъалар қурилди.

1897 йили рус казаклари юзлиги Термизда жойлаштирилди. Шунингдек, ўша йили Патта кесарда ҳам рус ҳарбийлари ва фуқаролари келиб ўрнашиб олишди.⁴⁴²

Карки, Чоржўй, Термиз, Паттакесар афғон чегарасидаги чет эл кучлари, энг аввало, англизларнинг Ўрта Осиёга кириб келишининг олдини олиш учун русларнинг муҳим ҳарбий плацдармларига айлантирилди.

XIX асрнинг охири — XX аср бошларида Бухоро амирлиги ҳудудида руслар томонидан темир йўллар қурилиши муносабати билан рус манзилгоҳлари шаклланишига ҳам алоҳида эътибор кучайтирилди. Натижада, Янги Бухоро (Когон), Янги Фороб, Сарой, Амиробод каби янги рус манзилгоҳлари вужудга келди. Ушбу рус манзилгоҳларининг вужудга келишида рус тадбиркорлари, савдогарлари, амалдорлари ва ҳунармандлари ҳам ҳал қилувчи ўрин тутди. Айниқса, Каспийорти темир йўли ва Амударё бўйлаб кема қатновини йўлга қўйилиши рус фуқаролари ва ишбилармонларининг Бухоро амирлигига келишини янада кучайтириб юборди.⁴⁴³

Бухоро амирлиги ҳудудида вужудга келган манзилгоҳлар, жумладан Янги Чоржўй, Карки, Термиз ва Паттакесар ҳарбий комендантлар томонидан идора этилган. Улар бир вақтнинг ўзида ўша ерда жойлашган рус ҳарбий қисмларининг бошлиқлари ҳам ҳисоблашишган.⁴⁴⁴

Янги Бухоро (Когон) шаҳрини бошқариш учун эса Бухоро шаҳрида жойлашган Россия императорлигининг Бухородаги сиёсий агенти қошида махсус полиция қисми бўйича агентнинг ёрдамчиси штати ташкил этилиб, Янги Бухорони бошқариш масаласи ва унга тааллуқли барча масалаларни ҳал этиш унинг зиммасига юклатилди.⁴⁴⁵

Ўз навбатида, маъмурий-полиция муносабатлари масалалари нуқтаи назаридан, барча рус манзилгоҳлари бошқарувчилари Бухородаги сиёсий агентга бўйсунтирилган. У, ўз

⁴⁴² ЎзРМДА. И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 19-иш, 46-бет.

⁴⁴³ ЎзРМДА. И-2-жамғарма, 1-рўйхат, 8-иш, 6-бет.

⁴⁴⁴ РДХТА, 400-жамғарма, 261-рўйхат, 132-иш, 23-бет.

⁴⁴⁵ ЎзРМДА. И-1-жамғарма, 29-рўйхат, 838-иш, 116-бет.

навбатиди, уларга кўрсатмалар бериш, йўриқномалар жўнатиш ҳамда турли хил топшириқлар беришга, у ёки бу борадаги қарорлар қабул қилишга, ҳал қилувчи хулосалар чиқариш ҳуқуқига эга бўлган.

Рус манзилгоҳларини бошқариш бўйича сиёсий агент фақатгина Туркистон генерал-губернатори ва Ҳарбий вазирликка бўйсунган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Бухоро ҳудудида шаклландан рус манзилгоҳлари жуда катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган мавқега эга эди. Чунки амирлик ҳудудида руслар томонидан бунёд этилган деярли барча асосий саноат корхоналари айнан мана шу рус манзилгоҳларида қурилган эди.

Масалан, Янги Чоржўйда 1914 йилга келиб 300 дан ортиқ турли хил савдо корхоналари, 10 дан ошиқ заводлар, темир йўл мастерскойлари, Амударё флоти мастерскойи, Янги Бухорода (Когонда) 7 та пахта тозалаш заводи, ёғ заводи, тамаки фабрикаси, вино заводи мавжуд бўлган.⁴⁴⁶

XX аср бошига келиб Бухоро амирлигидаги рус манзилгоҳларида рус ҳарбийларини қўшиб ҳисоблаганда 60 мингдан ошиқроқ рус фуқаролари истиқомат қилишган.

V.4. Рус капиталининг амирлик иқтисодиётига кириб келиши ва унинг мустамлакачилик моҳияти

XIX аср охири — XX аср бошлари Россия-Бухоро муносабатлари тараққиётида ўзига хос бир янги босқич ҳисобланади. Чунки, айнан мана шу даврда чор Россияси сиёсатида бошқа ўлкаларга фаол кириб бориш ва капиталистик муносабатларни қарор топтириш йўли билан катта даромад манбаига эга бўлиш энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланарди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро ҳудудларига кириб келган чоризм бу ерда ўзининг доимий иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлигини ўрнатишга интилди.

Рус капиталининг Бухоро амирлиги иқтисодиётига жадал суръатда кириб келиши натижасида, Бухоро қишлоқ хўжалигининг Россия саноати учун хом ашё ишлаб чиқарувчи сифатида ихтисослашуви рўй берди. Ушбу ҳолатда, айниқса, XIX асрнинг 80-йилларида, яъни Каспийорти темир йўли қурилиши амалга оширилгандан кейин анча кучайди. Шунингдек, рус капиталининг Бухоро амирлигига кириб келишида яна

⁴⁴⁶ Фомченко А. П. Русские поселения в Бухарском эмирате. — Ташкент, 1958, стр. 14.

бир омил, яъни 1887 йил 13 ноябрь куни ташкил этилган Чоржуй билан Термизни боғловчи Амударё флотилияси ҳам катта туртки берди.⁴⁴⁷

Чор Россиясининг Ўрта Осиёга, жумладан, Бухорога нисбатан олиб борган иқтисодий сиёсати самараси натижасида Бухорода пахта далалари кенгайтирилди, заводлар қурилиб, банк муносабатлари кириб кела бошлади. Чор ҳукуматининг амирлик ҳудудидаги таянчи сифатида рус аҳоли манзилгоҳлари бунёд этилди. Бухоро амирлигини ўзига тўла сиёсий жиҳатдан бўйсундириш мақсадида, чор маъмурлари йирик ер эгалари ва айниқса, амирни ўз томонларига оғдиришнинг турли хил йўллари қидирдилар.⁴⁴⁸ Бунинг натижаси ўлароқ, Россия бозорларида „Ўрта Осиё хом ашёси ва унинг баъзи маҳсулот турларига талаб кучая бошлади. Бундан рағбатланган маҳаллий ишлаб чиқариш тармоқлари эгалари имкониятлари борича ўз жамоаларида ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуришга ҳаракат қилдилар“.⁴⁴⁹

Чоризм ва рус буржуазияси Ўрта Осиёга, жумладан, Бухоро амирлигига нисбатан йўналтирилган ўз иқтисодий сиёсатининг дастлабки босқичида, тахминан 1900 йилларга қадар, ўзининг асосий диққат-эътиборини Бухоро амирлигини Россия саноати учун арзон хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар тайёрловчи ҳудудга айлантиришга, рус маҳсулотлари учун эса ҳар қандай хориж капиталининг рақобатини синдиришга йўналтирилган мақсадли сиёсат олиб боришга қаратди. Бунинг учун, энг аввало, Ўрта Осиёни пахтачилик саноатига ихтисослаштириш зарур эди.

Чор Россияси ҳарбий маъмурларидан бири, генерал-лейтенант Терентьев Россиянинг Ўрта Осиёдаги иқтисодий вазифалари ҳақида фикр юритиб, Ўрта Осиё Россия учун қўшимча истеъмолчи ва хом ашё ҳудуди бўлиши ва унинг беқиёс аҳамияти тўғрисида алоҳида тўхталиб, шундай деб ёзган эди: „У (Бухоро — Р.Х.), рус маҳсулотлари учун асосий бозор бўлиб қолади. Қадимдан Бухоро ва Марв орқали Шарқ ва Фарб ўртасидаги савдо йўллари ўтиб, эндиликда ушбу ўлкалар ўзида марказий савдо аҳамиятини сақлаб турибди: бу ерда хориж

⁴⁴⁷ Логофет Д. Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. т. 1, стр. 218.

⁴⁴⁸ Шек Л. К. Победа народной советской революции в Бухаре. —Т., 1956, стр. 6.

⁴⁴⁹ Иванов П. П. Очерки по истории Средней Азии, стр. 113.

капитали рақобати йўқлигидан Осиёнинг барча мамлакатларидан савдогарлар келишиб, рус маҳсулотларига харидор бўлмоқдалар. Пахта, ипак — асримизнинг олтин манбасига айланган бир вақтда, Россия Урта Осиё қумликлари ва саҳроларида ўзига янги Колхида кашф этди“.⁴⁵⁰

Чор ҳукуматининг ўлкадаги маъмурлари Бухоро амирлиги ерларида пахта майдонларини кенгайтиришга ҳаракат қилиши билан бир қаторда, барча маҳаллий маъмурлар билан ҳамкорликда, амирликда пахта навини яхшилаш бўйича ҳам ташкилий ишлар олиб боришга катта эътибор қаратишган. Шу билан бирга, улар пахта экувчиларни саноат пахтасининг янги навларини экишга мажбур этишарди. 1865 йилда пахта майдонлари Бухоро амирлигида 32 минг десятинали ташкил этган бўлса, 1880 йилда — 50 минг десятинага, 1890 йилда — 62 минг десятинага, 1916 йилга келиб эса 115 минг десятинага етди.⁴⁵¹

Шундай қилиб, XIX асрнинг 60-йилларидан бошлаб ҳар йили Бухорода пахтачилик майдонларининг кескин ортиши кузатилади.⁴⁵² Пахта экишнинг ўзи ҳам деҳқонларга сезиларли даромад олиб келган, чунки пахта сотиш ортидан ҳар бир десятина майдондан ўртача 70 рублдан то 80 рублгача фойда олиш мумкин бўлиб қолди. Ваҳоланки, ўшанда бир десятина ердан олинган пахта ҳосили деҳқонга ўртача ҳисобда 7—10 рублга айланарди, холос.⁴⁵³

Аммо пахта сотиш ортида турган саноатчилар деҳқон меҳнатига арзимаган ҳақ тўлаб, амалда уларни ўз тармоқларига жалб қилиб, ҳаётларини қашшоқлашишига сабабчи бўлдилар. Пахта етиштирувчи деҳқонлар савдо-саноат капиталининг зулми остида қолиб, уларнинг ҳўжалиги тўлалигича пахта экиш ва уни етказиш учун ихтисослашиб қолди.

Чор ҳукумати ва рус буржуазиясининг олиб борган иқтисодий сиёсати натижасида Бухоро амирлигининг қишлоқ ҳўжалиги буткул Россия империясининг тўқимачилик саноати

⁴⁵⁰ Терентьев М. А. Экономические задачи России в Среднеазиатских владениях. — СПб., 1888, стр. 185.

⁴⁵¹ Муфассал қаранг: Холиқова Р. XIX аср охири — XX аср бошларида Россия-Бухоро ўртасидаги иқтисодий муносабатлари тарихидан лавҳалар. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. 2003, 1—2-сонлар, 82—86 бетлар. Яна қаранг: Оглоблин В. Н. — Промышленность и торговля Туркестана. — М., 1914, стр.20.

⁴⁵² Бунаков Е. В. К истории сношений России со среднеазиатскими ханствами. // Советское востоковедение. Вып. II. 1921, с.21.

⁴⁵³ Оглоблин В. Н. Хлопкобумажная промышленность в русских среднеазиатских владениях. — СПб., 1901, стр.24.

учун пахта толаси етказиб беришга мўлжалланган соҳага айлантирилди. Ушбу фикримизнинг тўғрилигини Бухородан Россияга ташиб кетилган пахта толаси ҳажмидан ҳам билишимиз мумкин. Масалан, Бухоро амирлигидан Россияга олиб кетилган пахта ҳажми 1865 йилда 60 минг пуд, 1877 йилда 900 минг пуд, 1890 йилда 1360 минг пуд, 1914 йилда 1483 минг пуд, 1916 йилга келиб эса 1.731.945 пудга кўпайди. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда Бухородан Россиянинг Европа қисмига ташиб кетилган пахта толаси ҳажми 10 баробарга кўпайган.⁴⁵⁴

Маълумки, бу вақтда биринчи жаҳон уруши бошланиб кетиши муносабати билан Россияга Америкадан пахта келтиришнинг имкони бўлмади. Бу эса, ўз навбатида, Ўрта Осиё пахтасига бўлган эътиборни ва талабни янада кучайтирди. Айни бир пайтда пахтанинг нархи ҳам ошиб борди.⁴⁵⁵

XX аср бошларига келиб, чоризм ва рус буржуазиясининг Бухородаги фаолияти сезиларли даражада ўзгарди. Энди унинг сиёсатида амирлик ҳудудларини эгаллаш масалаларидан устунроқ бўлган бошқа янги бир йўналишга қизиқиш пайдо бўлди. Рус ҳукумати ва унинг буржуа вакиллари бу ерларда саноат корхоналарини ташкил этишга катта эътибор қарата бошлашди. Бухорога чор Россияси томонидан тайёр маҳсулотлар билан бир қаторда, рус капитали ҳам киритила бошланди. Уларнинг ёрдамида бу ерларда фабрика, завод, акциядорлик жамиятлари, банклар ва савдо муассасалари ташкил этилди.

1893 йилга келиб, Бухорода биринчи пахта тозалаш заводи қурилди. Биринчи жаҳон уруши арафасига келиб, уларнинг сони 26 тага етди.⁴⁵⁶ Ушбу пахта тозалаш заводларининг 19 таси рус буржуазиясига, 3 таси Бухоро амирига, 3 таси мусулмон-капиталистларга ва 1 таси бухоролик йирик савдогар Мирза Муҳиддин Мансуровга тегишли бўлган. Ушбу ишлаб чиқариш корхонасида жами мингдан ошиқ ишчилар меҳнат қилишган. Бухоро амирлигидаги қарийб 80% пахта тозалаш заводлари рус буржуазиясига тегишли бўлган.⁴⁵⁷ Шунингдек,

⁴⁵⁴ Гофуров Б., Прохоров Н. Н. Падение Бухарского эмирата. Сталинабад., 1940, с.24.

⁴⁵⁵ Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. —Т., 2001, 126- бет.

⁴⁵⁶ Холиқова Р. XIX аср охири — XX аср бошларида Россия-Бухоро муносабатлари тарихидан лавҳалар, 84- бет.

⁴⁵⁷ ЎзРМДА. 3-жамғарма, 1-рўйхат, 28- иш, 27- бет.

Бухоро амирлигида 1913 йилда 2 та ёғ-мой заводи, 3 та Европа ун тегирмонлари, 10 та гишт заводи, Қорақўлда 2 та тамаки цехи ва Янги Бухорода 1 та босмахона мавжуд бўлган. Ушбу даврга келиб Бухоро амирлиги ҳудудида жами 50 дан ошиқ капиталистик ишлаб чиқаришга мослашган корхоналар фаолият кўрсатар эди.⁴⁵⁸ 1916 йилга келиб эса Бухоро ҳудудларида 34 та пахта тозалаш заводи мавжуд бўлиб, уларда йилига 2565 минг пуд пахта хом-ашёси тайёрланган.⁴⁵⁹

Бухоро амирлигидаги саноат корхоналарининг қурилиши Россия императорлигининг Бухородаги Сиёсий агентлиги томонидан 1912 йил 25 июндаги фармойишига асосан амалга оширилиб, унга кўра Бухоро ҳудудларида корхона ва ташкилотлар қурилиши ва ишга туширилиши билан боғлиқ барча хатти-ҳаракатлар айнан ана шу агентлик зиммасида бўлган.

Рус буржуазияси иштирокида Бухоро амирлиги ҳудудида ташкил этилган корхоналар ва ташкилотлар билан бир қаторда, бу даврда Бухорода маҳаллий йирик сармоядорлар вакиллари томонидан ташкил этилган ва бошқарилган капиталистик ишлаб чиқариш муассасалари ҳам фаолият кўрсата бошлади. Масалан, Арабов, Хўжаев ва бошқаларнинг Бухоро фирмалари шулар жумласига киради.⁴⁶⁰

Бухоро амирлиги ўзининг бой хом ашё захирасига эга бўлишига қарамасдан, унинг ҳудудларида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар деярли йўқ эди. Очигини айтганда, рус ҳукумати бунга хоҳламас эди. Чор маъмурияти амирликда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этилишига қаршилик қилар ва ўзининг бу сиёсатини Россия империясининг бу ердаги хом ашё ва тайёр маҳсулотлар бозорига хавф солиши мумкинлиги билан изоҳларди. Масалан, Туркистон генерал-губернатори Самсоновнинг „Самарқанд акциядорлик жамияти“нинг Самарқандда тўқимачилик фабрикасини қуриш ҳақидаги 1913 йилги билдиришномасига жавобан: „Туркистонда тўқимачилик саноатининг тараққиёти Москва фабрика-заводларининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатади“ деган хулосани беради ва унинг талабини рад этади.⁴⁶¹

Чор Россияси маъмурлари XIX асрнинг 80—90 йилларида Бухоро рус банклари филиалларини очишга ҳаракат қилишди.

⁴⁵⁸ Рябинский А. Царская Россия и Бухара в эпоху империализма // Историк-марксист. 1941, № 4, стр. 7.

⁴⁵⁹ ЎЗРМДА. 3-жамғарма, 1-рўйхат, 23- иш, 27-бет.

⁴⁶⁰ История народов Узбекистана. — Т., 1947. Т. II. с.281.

⁴⁶¹ ЎЗРМДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 945-иш, 7-бет.

Жумладан, 1887 йили Россия билан Бухоро ўртасида Бухоро амирлигида Рус давлат банкининг филиалини очиш масаласи бўйича дипломатик музокаралар олиб борилди ва ҳар иккала томоннинг розилиги билан ушбу масала ижобий ҳал этилди. Натижада орадан бир неча йил ўтгач, аниқроғи 1894 йили Бухорода Рус давлат банкининг филиали очилди ва у ўз фаолиятини юргизиб юборди.⁴⁶²

Рус капиталининг яна бир тармоғининг Бухоро амирлигига кириб келиши, ўз навбатида, капиталистик муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишига катта туртки бўлди.

Россия-Бухоро дипломатик музокараларининг ижобий натижалари асосида XIX аср охири — XX аср бошига келиб Бухоро амирлигида яна рус банкларининг 7 та филиали очилди.⁴⁶³

Ушбу даврда, Бухоро амирлигида, шунингдек, улардан ташқари турли хил жамиятлар (общество) ва шерикчилик (товарищество) номлари билан рус тайёрлов фирмалари ва товарларни жўнатувчи рус ташкилотлари ва корхоналари фаолият олиб боришган.

Товарларни жўнатувчи рус корхоналари Бухоро қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини амирлик ичкарасида тўплаш ва уларни Россияга жўнатишни ташкил қилиш масалалари билан шуғулланган.

Ушбу турдаги корхоналар Янги Чоржўй, Янги Термиз, Янги Бухорода кўплаб очилган. Масалан, Янги Чоржўйда Владикавказ темир йўлининг транспорт корхонаси, Янги Термизда эса Шарқ жамиятининг товар складлари ҳамда суғурта ва товарларни жўнатиш корхонаси, „Кавказ ва Меркурий жамияти“нинг Янги Термиз корхоналари фаолият кўрсатишган.

Бухоро амирлигида Бухоро қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва айниқса, пахтанинг сифатини яхшилашда рус фирмалари ва корхоналари томонидан амирлик деҳқонларини молиявий жиҳатдан таъминлаши катта аҳамият касб этган. Ушбу ҳолдаги рус капиталининг Бухоро амирлиги иқтисодий ҳаётига кириб келиши 1889 йилдан бошланган.

1889 йили илк бор ушбу фаолият билан „Познанский ва К“ акционерлик жамияти шуғуллана бошлади. У руслар Бухорога кириб келган даврдан бошлаб, биринчи бўлиб деҳқонларга

⁴⁶² ЎзРМДА. И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 21-иш, 3-бет.

⁴⁶³ ЎзРМДА. И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 368-иш, 28—32-бетлар.

олдиндан бўлгуси ҳосил учун маблағ бериб қўяди. Қисқа вақт ичида ушбу усул руслар томонидан бутун амирлик ҳудудида кенг қўлланила бошланди.⁴⁶⁴

Рус корчалонлари кейинги йилларда нафақат пахта ҳосили учун олдиндан пул тўлаш билан, балки қорақўл тери ва жун учун ҳам олдиндан пул тўлаб қўйишга кенг киришиб кетишди.

Олдин ҳосилга пул тўлаб қўйиш одати Бухоро амирлигида „бўнак“ деб юритилган.

„Бўнак“ одатда баҳор фаслида тилхат орқали берилган. У қози томонидан албатта тасдиқланган бўлиши керак бўлган. Бўнак олувчи, одатда, ўз ерини ёки бирор мулкни гаровга қўйиб, кейин уни эвазига бўнак олган. Бўнак бериш шунчалик кенг авж олганки, натижада рус фирмалари ва ташкилотлари, баъзан эса бўнак берувчи рус фуқаролари бўлган жисмоний шахслар ўртасида рақобат кучайиб кетган.

XIX аср охири — XX аср бошларида Бухоро амирлигида олтин қазиб саноати ҳам анча тараққий этди. Рус капитали кириб келгунга қадар, Шарқий Бухоро-Қоратегин, Дарвоз бекликларида, Ях-Сув, Вахш ва Панж дарёларининг юқори оқимларида ушбу қимматли металл қазиб олинарди. Қоратегин ва Дарвоз бекликларида истиқомат қилувчи деҳқонлар дала ишларини тугатганларидан сўнг, олтин қумларини ювишга отланишар эди. Ушбу мавсум икки ойдан уч ойга қадар чўзилар, тозаланган олтин амир газнасига жўнатилад эди.

Айниқса, амирликдаги хом ашё бойликлари, табиий ер ости ва ер усти бойликлари устидан ўз назоратини ўрнатган чор Россияси, ҳатто амирликдаги олтин ишлаб чиқариш ва уни қидириш ишларини юритиш устидан назоратни ҳам ўз қўлига киритди.⁴⁶⁵ Жумладан, 1896 йил 24 февраль куни Туркистон генерал-губернатори томонидан тасдиқланган „Бухоро хонлигида олтин саноати“ тўғрисида махсус фармойиш эълон қилинди. Ушбу фармойиш 40 банддан иборат эди.

Ушбу фармойишда Бухоро амирлигига қарашли эркин, ҳали эгалланмаган ерларда мавжуд олтин конларини барча рус фуқаролари ўрганиши ва талқик этиши, олтин қазиб чиқариш ҳуқуқига эга эканлиги ҳам қайд этилди (1-банд).

Фармойишнинг иккинчи бандида кўрсатилишича, жойларда олтин конларини аниқлаш, ўрганиш ва қазиб олиш ҳуқуқи

⁴⁶⁴ ЎзРМДА. И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 166-иш, 2—4-бетлар.

⁴⁶⁵ Муфассал қаранг: Босқинчилар кўзини ўйнатган Бухоро олтини // Жамият ва бошқарув. 2000, 4-сон, 7—76-бетлар.

вақтинча фойдаланиш учун берилади. Бундай ҳуқуқни олиш учун рус фуқаролари Бухородаги Рус сиёсий агентлигига ёзма равишда мурожаат қилганлар. Бухоро амирлиги билан келишилганидан сўнг икки йил муддатга фойдаланишга рухсат берилган бўлган. Шундай рухсат олган ҳар бир кимса, майдоннинг боши ва охирида махсус кўрсаткичларда, ер эгасининг исми-шарифи, уюшма ёки ташкилотнинг номи, қайси вақтгача шу ер эгалланганлиги ва шу хил маълумотларни ёзиб қўйиши шарт бўлган. Ушбу ҳолат амалга оширилганидан сўнг, иш олиб борувчи ўша одам ҳудуд бекига ва Рус сиёсий агентлигига шу тўғрида хабар бериши лозим бўлган. (9 ва 14- бандлар).⁴⁶⁶

Ўз навбатида ҳудуд беки, ерни эгаллаган шахс ёки жамоа томонидан олтин топилганлиги тўғрисида маълумот-ариза олгандан сўнг, дарҳол Бухоро амирлигига бу тўғрида хабар бериши шарт эди. Шу билан бирга, бек ариза берган шахсга, аризасини олганлиги тўғрисида тилхат бериши лозим бўлган (15-банд).

Ер участкаси берилаётганда, албатта, ҳар бир участка орасида ўтиш учун йўл қолдирилиши шарт бўлган (20-банд) ва ушбу ҳужжатда белгиланганидек, бир шахсга ёки жамоа ва акционерлик жамиятига бирваракайига бир жойнинг ўзидан кетма-кет иккита участка ажратилиши мумкин бўлмаган (21-банд).

Агар олтин излаш учун рухсат олинган бўлса, унда саноатчи (яъни олтин изловчи) 18 ой давомида ишни тўхтатиши мумкин эмас эди (24-банд).

Олтин изловчи саноатчилар фармойишининг 7-пунктида кўрсатилганидан ташқари, ўз манфаатлари учун, яъни уй-жой ва бошқа қўшимча қурилишлар учун, қўшимча равишда 5 десятинадан 10 десятинага қадар ер сўраш ҳуқуқига ҳам эга бўлган (22-банд), аммо ушбу қўшимча ер учун алоҳида ижара пули тўлаш лозим бўлган.

Саноатчилар ёки жамият аъзолари ер ажратилгандан сўнг, икки йиллик муддат ўз ниҳоясига етгунга қадар, ҳар йили ўртача ҳисобда ўша ерда 40 куб микдорга тенг бўлган олтинга эга бўлган қум ёки материални қайта ишлаши лозимлиги фармойишда қайд этилган (25-банд).⁴⁶⁷

Ўз ер участкасида олтин ишлаб чиқариш ишларини тўла ниҳоясига етказгандан сўнг, саноатчи Сиёсий агентлик орқали

⁴⁶⁶ ЎзРМДА. И-3-жамгарма, 2-рўйхат, 1-иш, 12—12а-бетлар.

⁴⁶⁷ ЎзРМДА. И-3-жамгарма, 2-рўйхат, 1-иш, 13-бет.

Бухоро ҳукуматига ўз вақтида маълумот ва хабар бериши лозим бўлган. Ундан сўнг, унга у ердаги барча қурилиш ва ёрдамчи хўжаликларни бузиб олиши учун икки йил вақт берилган (29-банд).

Олипаноҳ жаноби олийлари Бухоро амирига тааллуқли бўлган ерлардан фойдаланилганлиги учун олтин изловчи саноатчилар ҳар бир десятина ердан 2 рубл миқдорида ер солиғи тўлаши шарт бўлган (30-банд).

Олтин изловчи саноатчилар ҳар бир ер участкасидан қазиб топган барча олтинлар тўлалиги ҳолида Бухоро ҳукумати ихтиёрига топширилиши, ўз навбатида, ҳукумаг уларга ўша кунда Санкт-Петербург биржасида мавжуд бўлган нарх бўйича кредит ҳақ тўлаши лозим бўлган (31-банд).

Қазиб олинган ва топилган ҳамда ҳукуматга топширилган ҳар бир пуд олтиндан Бухоро ҳукумати фойдасига 5 фоиз миқдорида тўлов ушлаб қолиниши белгиланган (32-банд).

Қазиб олинган олтинларни яширганлар ва уларни Бухоро амири хазинасига тўла топширмаганлар, ўз исботини топган тақдирда, улар (яъни жавобгарлар) олтин қазишдан бутунлай маҳрум этилиши кўзда тутилган (33-банд).

Шунингдек, ушбу фармойишда олтин ишлаб чиқариш учун зарур бўлган техникалар, машиналар, эҳтиёт қисмлар хонлик ҳудудига олиб киритилаётганда закот тўлашдан тўла озод этилади, деб белгиланган эди (34-банд).⁴⁶⁸

Олтин ишлаб чиқарувчи саноатчилар ушбу фармойишда кўрсатилишича (36-банд), Бухоро ҳудудида иш олиб бориш жараёнида Россияда чоп этилган кон ишларини ташкил этиш ва назорат қилиш тўғрисидаги қонунларга амал қилишган.

Чор Россияси Бухоро ҳукуматига олтин ишлаб чиқариш ишларини назорат қилиб туриш учун ўз амалдорларини қўйиш ҳуқуқини берган (37-банд). Ушбу назоратчи амалдорларга олтин ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган саноатчилар ўз ишларини кўрсатишлари ва таништиришлари, иш олиб борилаётганда, ҳамда олинган олтинларни тарозидан тортиб кўраётганда, уларнинг иштирок этишлари учун рухсат беришлари лозим бўлган. Худди шунингдек, улар, яъни саноатчилар Бухоро ҳукумати билан келишилган ҳолда, ташриф буюрган Сиёсий агентлик ёки Туркистон генерал-губернатори томонидан махсус жўнатилган шахсларга олтин ишлаб чиқариш

⁴⁶⁸ Муфассал қаранг: Босқинчилар кўзини ўйнатган Бухоро олтини, 75—76-бетлар.

жойларини, биноларни кўриш ва тафтиш қилишларига тўла имкон беришлари белгиланган.⁴⁶⁹

Барча ҳуқуқий масалалар, жумладан, саноатчилар ва Бухоро ҳукумати ўртасидаги тортишувлар, келишмовчиликлар ва низоли масалалар махсус судлар (третейский суд) томонидан кўриб чиқиши кўзда тутилган (39-банд). Ушбу суд аъзоларининг бири Бухоро ҳукумати вакили, бири олтин ишлаб чиқарувчи саноатчи вакили бўлиб, улар Сиёсий агентлик томонидан тайинланган раис бошчилигида ишни кўриб чиқишлари лозим бўлган.

Мана шу тариқа Бухоро амирлиги ҳудуди руслар томонидан эгалланиб, у тобе давлатга айлантирилиб, барча сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилиб қўйилгандан сўнг, рус ҳукумати амирликни иқтисодий қарамга айлантириш сиёсатини амалга ошира бориб, узоқ йиллар давомида орзу қилиб келган (Иван IV Грозний давридан бошлаб — Р.Х.) юртимиз олтиниға ҳам эришди.

Шундай қилиб, рус ҳукумати 1896 йил 24 февраль фармойиши орқали Бухоро олтинидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга киришди.

1894 йилда Бухорога тоғ инженери, капиталист Жоравко Покорский келади. У олтин мавжуд бўлган ҳудудлар билан танишади, ҳамда Ях-Сув, Сафетдарё ва Мозорсув деган манзилларда олтин қидириш ишларини бошлашга рухсат беришларини сўраб мурожаат қилади. Шу тариқа, у Бухоро ҳудудида олтин қидириш ишлари бўйича биринчи бўлиб рухсат олади.

Биргина 1896—1899 йилларда, Сафетдарё бўйларида қидирув ишларига тайёргарлик давридаёқ 2 пуддан ортиқ олтин қазиб олинган.⁴⁷⁰

Жоравко Покорскийнинг олтин қидириш ишларини таҳлил қилган „Москва“ газетаси ўзининг 1910 йилдаги 178 — 179-сонларида: „Бухородаги олтин конларига эътибор бермаслик ва у ерга йирик корхона қурмаслик жиноятдир“⁴⁷¹, — деб ёзган эди.

Чор Россияси маъмурлари амирликдаги суғориш тармоқлари тараққиётига рус капиталистлари концессияларини

⁴⁶⁹ ЎзР МДА. И-3-жамғарма 2-рўйхат, 1-иш, 13—13а-бетлар.

⁴⁷⁰ Қаранг: Холиқова Р. XIX аср ўрталарида — XX аср бошларида Бухоро амирлигида ишлаб чиқариш муносабатлари. // ЎзМУ хабарлари. 2004, 4-сон, 26—29-бетлар.

⁴⁷¹ Михайлов. Золотые прииски в Бухаре. // Москва, 1910, № 178—179.

киритиш йўли орқали Бухорони Россия империясига боғлаб қўйишни ҳам мақсад қилган эдилар.

1900—1910 йиллар давомида капиталистлар Бухоро амридан суғориш учун қулай ерлар олиб, Термиз, Шеробод, 1-Қарши, 2-Қарши, Қабодиён, Айваж, Калиф, Қўрғонтепа суғориш концессияларини ташкил этишди. Уларнинг умумий майдони 291799 десятина ерни ташкил этган.⁴⁷²

Концессиялар суғориш учун қулай, сув манбаига яқин бўлган ерларда ташкил этилган бўлиб, бу маҳаллий деҳқонларнинг норозилигига сабаб бўлар эди.

Россиянинг Бухоро билан олиб борган ўзаро муносабатларида савдо алоқалари катта ўрин эгаллар эди. Карвон йўллари орқали савдо қилиш бу даврга келиб, бирмунча қийинчиликлар ва ноқулайлик туғдирарди. Энг аввало, ушбу йўл орқали олиб борилган товарлар манзилга 3—4 ойлаб йўл босгандан сўнг етиб борарди. Бошқача қилиб айтганда, Ўрта Осиёдан хом ашёларни Россия ичкарасига олиб кириш ва ўз навбатида, у ердан хонликлар ҳудудидаги бозорларга тайёр маҳсулотларни кириб келиш муддати, энг аввало, чор Россияси маъмурлари ва рус буржуазиясини қаноатлантирмасди. Мана шу сабаб туфайли улар савдо алоқалари учун янги, қулай йўлларни қидиришга киришдилар ва бунинг ечими сифатида ўлкани темир йўллар орқали боғлаш таклифини илгари суришди.

Темир йўл қурилишининг Россия учун ижобий томонлари ҳақида Бухородаги сиёсий агент Игнатъев 1898 йил 14 октябрда Россия ташқи ишлар вазирига йўлланган мактубда алоҳида таъкидлаб, шундай деб ёзади: „*Темир йўл Бухорони арзон нон билан таъминлаб, у ерда пахта майдонларининг тезда кескин кўпайишига таъсир этади*“.⁴⁷³

Агарда 1850 йилда Бухородан Россияга 350 минг рубллик хом ашё олиб кетилган бўлса, 1910 йилга келиб, жами 20 миллион рубллик миқдорда маҳсулот олиб кетилди. Россиядан Бухорога эса 17 миллион рубл миқдорида хилма-хил тайёр маҳсулотлар олиб келинди.⁴⁷⁴

Юқоридаги фактлар шуни кўрсатадики, Россиянинг Бухоро билан савдо алоқалари унинг дастлабки босқичи, яъни

⁴⁷² Рябинский А. Царская Россия и Бухара в эпоху империализма // Историк-марксист. 1941, № 4. стр. 12.

⁴⁷³ Сборник консульских донесений за 1898 г. — СПб. Вып. I. стр. 17—18.

⁴⁷⁴ Холиқова Р. XIX аср охири — XX аср бошларида Россия-Бухоро ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тарихидан лавҳалар. 86- бет.

Бухорони истило этган даврга нисбатан XX аср бошларига келиб, бир неча маротаба кўпайди. Шу билан бирга, унинг қўшни давлатлар билан савдо алоқалари кескин даражада камайиб борди. Бундан хулоса қилиб шунини таъкидлаш мумкинки, чор Россияси ва рус буржуазияси Ўрта Осиёда, жумладан, Бухорода хорижий рақобатчиларни синдириш ва уларни Бухоро бозорларидан сиқиб чиқаришга муваффақ бўлиб, ўзига янги хом ашё бозорини юзага келтирди.

ХУЛОСА

Бухоро амирлиги XIX асрнинг ўрталарига келиб, Ўрта Осиё хонликлари ичида ўз салоҳияти, ҳудуди, аҳолиси, ишлаб чиқариши ва табиий ресурслари жиҳатидан алоҳида мавқега эга бўлиб, Ўрта Осиё ҳудудидаги энг йирик монархистик давлат ҳисобланган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Бухоро хонлигида ҳокимият тепасига манғитлар сулоласининг келиши туфайли узоқ вақтлар давомида ҳукм суриб келган ўзаро курашлар ва урушларга чек қўйилди. Катта ҳаракатлар эвазига марказлашган ҳокимият тизими юзага келтирилди ва қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш борасида бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

XVIII асрнинг ўрталарига келиб, Бухоро амирлиги ўз ҳукмронлигида фақатгина Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги туманлар бўлмиш Вобкент, Гиждувон, Қоракўл, Вардонзе, Қашқадарё вилояти ҳудудлари ва Миёнқол воҳаси ҳудудларини сақлаб қолган бўлса, XIX асрнинг бошига келиб, Бухоро амирлиги ҳудудига Зарафшон ҳамда Қашқадарё воҳаси ҳудудларидан ташқари, Сурхон воҳаси ҳудуди, Ҳисор, Хўжанд, Ўратепа, Панжикент каби аҳоли зич яшайдиган туманлар, Зарафшон дарёсининг юқори оқими, Жанубий Туркистоннинг катта қисми ҳамда Чоржўйдан тортиб, то Мурғоб дарёсига қадар бўлган сарҳадлар кирган.

XIX асрнинг 20—50- йилларида Бухоро амирлиги ҳудудий тузилишида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Бухорода ушбу даврда юз берган ижтимоий-сиёсий тушкунлик натижасида, унинг бир қатор сарҳадлари қўлдан чиқиб кетди. Жумладан, Тошкент, Туркистон, Хўжанд ва Ўратепа Бухоро амирлиги тасарруфидан чиқиб, Кўқон хонлигига ўтди. Ҳисор вилояти ҳамда Зарафшон дарёсининг юқори оқими қисмларидаги ҳудудлар мустақил ҳукмронликни қўлга киритишди. Шаҳрисабз ва Китоб Бухорога бўйсунмай қўйди. XIX асрнинг 50-йилларига келиб эса узоқ вақт Бухорога тобе ҳисобланган Балх, Андхой, Маймана, Шибирғон ва Жанубий Туркистоннинг бошқа вилоятлари бевосита Англия ҳукуматининг таъсири ва ёрдами туфайли афғон амирлари томонидан эгаллаб олинди.

XIX асрнинг 50—60-йилларига келиб, Бухоро 44 та бекликдан иборат бўлган бўлса, 1915 йилда Бухоро амирлиги 27 вилоят (беклик) ва 11 та тумандан иборат бўлган. Бухоро амирлигида вилоятлар (бекликлар) ва туманлар доимий равишда ё қўшилиб турган, ё ажралиб турган.

XIX аср бошида Бухоро амирлиги иқтисодий ҳаётида ерга эгалик масаласи муҳим аҳамият касб этган. Ер эгалигининг уч хил категорияси: 1) давлатга тааллуқли бўлган ерлар; 2) хусусий ер эгаларига тааллуқли бўлган ерлар; 3) мусулмон диний муассасалар ихтиёридаги ерлар мавжуд бўлган.

XIX аср ўрталарига келиб Бухоро, Самарқанд, Қарши, Ғузор, Шаҳрисабз, Каттақўрғон, Денов каби амирликнинг йирик шаҳарлари Бухоро амирлигининг асосий савдо марказлари ҳисобланган. Амирликда ҳунармандчиликнинг ривожланиши савдо муносабатларининг кенгайишига бош сабаб бўлган. Ушбу ҳолат айниқса, ички савдо ривожланишига кенг йўл очди. Бу даврда Бухоронинг қўшни давлатлар — Қўқон ва Хива хонлиги, Афғонистон ҳамда Россия, Эрон, Ҳиндистон ва Хитой каби йирик давлатлар билан савдо алоқалари тез суръатлар билан ривожланиб борган.

Россия-Бухоро савдо муносабатларида пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотлар ҳамда қорақўл тери устувор ўринни эгаллаган.

Савдо-сотикнинг ривожланиши ва унинг бевосита таъсири остида, XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, Бухоро амирлиги ишлаб чиқариш муносабатларида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Ушбу ҳолатнинг рўй беришида Бухоро амирлигига нисбатан Россия ва Англия давлатларининг ўта катта қизиқишининг янада кучайиши ҳам катта сабаб бўлди.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, Англия ҳукумати Бухорога нисбатан ўз таъсир доирасини кенгайтириш ва кучайтиришга катта эътибор қаратиб, Бухоро бозорларидан рус товарларини сиқиб чиқариш сиёсатини ишлаб чиқди ва уни амалга ошириш борасида катта саъй-ҳаракатларни олиб борди. Пировард натижада, ушбу сиёсат Ўрта Осиё масалалари бўйича Англия-Россия ўртасидаги рақобатни юзага келтирди.

Ўрта Шарқ масаласи бўйича, шу жумладан, Ўрта Осиё ҳудудлари бўйича, Англия-Россия рақобатининг кун сайин кучайиб бориши, ҳар иккала томоннинг турли хил йўллар—сиёсий, иқтисодий, дипломатик ва ҳарбий йўллар орқали ушбу ҳудудларда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш борасида жиддий ва кескин чораларни кўришга олиб келди. Пировард натижада, чор Россияси XIX асрнинг 50—60- йилларида Ўрта Осиё ҳудудларига нисбатан ҳарбий юришлар уюштириб, у ерларни ўзига бўйсундириш бўйича жиддий ҳаракат олиб борди. XIX асрнинг 60- йилларида Қўқон хонлиги ҳудудларининг катта

қисми, шу жумладан, йирик шаҳар Тошкентнинг руслар томонидан истило қилиниши, Россия-Бухоро муносабатларининг кескинлашувига, охир-оқибат рус ҳукумати томонидан 1866 йилда Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатларнинг бошланишига ва ҳарбий-стратегик жиҳатдан устун бўлган рус ҳарбийлари томонидан қисқа муддат ичида, яъни 1866—1868 йил июнь ойи ичида Бухоро амирлигининг жуда катта ҳудуди босиб олинishiга олиб келди. Бухоро амирлигининг босиб олинган ҳудудлари Россия империяси таркибидаги ҳудудлар деб расман эълон қилинди.

Бухоро билан Россия ўртасидаги илк тинчлик шартномасини тузиш тўғрисидаги таклиф 1866 йил 12 сентябрда Оренбург генерал-губернатори Крижановский томонидан таклиф қилинган эди. Ушбу шартнома 10 та бўлимдан иборат бўлиб, Бухоро ҳукуматига тинчлик таъминланганлигини исботловчи шартлар ва мажбуриятлар кўрсатилган эди. Бухоро амири ушбу шартномани белгиланган вақтда қабул қилганлиги тўғрисида ижобий жавоб қайтармаганлиги сабабли, руслар яна ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборишди. 1867 йил 23 сентябрдан сўнг руслар Бухоронинг бошқа ҳудудлари — Жиззах, Ўратепа ва Янги Кўрғонни босиб олишди. Ушбу воқеалардан сўнг Амир Музаффар генерал Кауфманга мурожаат қилиб, Янгиқўрғонни қайтариб беришини, ўз навбатида, у унинг эвазига Бухоро қўшинларини тарқатиб юборишини маълум қилди. Кауфман ушбу таклифга рози бўлиб, Бухоро амирига 1866 йил Оренбург генерал-губернатори таклиф этган тинчлик шартномасининг тўлдирилган янги вариантини қабул қилишини ва имзолашини қатъий талаб қилди. Ушбу янги таклиф этилган шартнома муҳокамаси ва музокаралар етти ойга чўзилди. Амир тинчлик шартномасини тузишни турли хил йўллар билан орқага суришга ҳаракат қилди. У вақтдан ютишни мақсад қилган эди. Амир Қўқон, Хива, Афғонистон ва Қашқар билан музокаралар олиб бориш ва улар билан келишган тақдирда, кучларни бирлаштириб Россияга қарши ҳарбий блок тузишга ҳаракат қилди. Аммо ҳеч бир ижобий натижа қўлга киритилмади. Руслар ўз таклифларига жавоб ололмагач, яна Бухорога нисбатан кескин чоралар кўришни ва ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборишни маъқул топди. Улар катта ҳарбий куч билан 1868 йили ўз босқинчилик ҳаракатларини давом эттиришди ва бухороликларни Чўпонота тепалигида, Самарқанд, Каттақўрғон, Ургут, Қоратепа ва ниҳоят 1868 йил

2 июнда Зирабулоқ тепалигида батамом мағлубиятга учратишга муваффақ бўлишди.

Чор Россиясининг босқинчилик ҳаракатига қарши Бухоро амирлиги аҳолиси жон-жаҳдлари билан босқинчиларга қарши курашдилар.

1868 йил июнь ойида Самарқанд шаҳри аҳолиси рус босқинчиларига қарши кўзғолон кўтардилар. Самарқанд шаҳри, унинг атрофидаги манзилгоҳлар, Китоб ва Шаҳрисабз вилоятлари ҳамда Фузур аҳли Абдулмалик Тўра атрофида жипслашиб, озодлик курашига кўзғалдилар. Абдулмалик Тўра бошчилигида кўзғолончилар Самарқандга жуда катта куч билан ҳужум уюштириб, русларни оғир аҳволга солиб қўйишди. Ушбу зарба Туркистон генерал-губернатори Кауфманни эсанкиратиб қўйди. Айнан мана шунинг учун ҳам, Зирабулоқ тепалигидаги жангда, унинг қўли баланд келишига ва ғалабага эришган бўлишига қарамай, амир томонидан таклиф этилган сулҳ тўғрисидаги таклифни дарҳол қабул қилишга мажбур бўлди ва ўз қўшинларини Самарқандга ёрдамга жўнатди.

Абдулмалик Тўра бошчилигидаги лашкар уч кеча-кундуз давом этган жангдан сўнг Самарқандга киришга муваффақ бўлишди. Ғалаба нашидасига яқин қолган бир пайтда, кўзғолончилар орасида парокандалик юз берди. Уларнинг асосий қисми жанг майдонини ташлаб чиқиб кетишди. Рус қўшинларининг ёрдамга етиб келаётганини эшитиб, Абдулмалик Тўра ҳам Самарқандни ташлаб чиқиб, жанглар билан чекиниб, Тахтақорача орқали Шаҳрисабзга қайтишга мажбур бўлди.

Чор Россияси Бухоро амирини Зирабулоқ тепалигида мағлубиятга учратгач, генерал фон Кауфман Қўқон хони Худоёрхонга нисбатан 1868 йил 29 январда тутган йўлни, яъни савдо шартномасини сўзсиз имзолаш йўлини Бухоро амира Музаффарга нисбатан ҳам қўллади. Бухоро амира Саййид Музаффар руслар томонидан 1868 йил 18 июнда тақдим этилган худди ана шу мазмундаги шартнома шартларини тўла қабул қилди. Бухоро амира ўз мулки бўлган Самарқанд ва Каттақўрғоннинг русларга тобе бўлган мулк сифатида тан олишга мажбур бўлди ҳамда уруш харажатларини қоплаш учун катта миқдорда ўлпон тўлашни ўз бўйнига олди.

Чор Россияси ҳукумати, унинг Туркистон ўлкасидаги маъмурлари тўғридан-тўғри Бухоро амирлигининг ички ишларига аралашиб, унга ўз зулмини ва таъсирини ўтказиб бошлади.

1886 йили январь ойида Россия подшоши буйруғи асосида Бухорода Россия императорлиги Сиёсий агентлиги ташкил этилди. Сиёсий агент тўғрисидаги Низомга мувофиқ, у Бухоро амири ва унинг вазирлари устидан ҳамда улар олиб бораётган ишлар устидан назорат олиб бориш билан бирга, амирликдаги шаҳарларни ободонлаштириш, касалхоналар қурилиши, почта-телеграф бинолари қуриш каби вазифалар ҳамда Бухорода истиқомат қилувчи рус фуқаролари ва бухороликларга нисбатан қозилик қилиш ҳуқуқига ҳам эга эди.

Амир бошчилигидаги Бухоро ҳукумати Россия давлати билан амалга оширадиган ва ҳал қилинадиган барча масалаларни айнан мана шу Сиёсий агентлик орқали амалга оширишга мажбур эди. Сиёсий агентлик рус подшоши ҳукуматининг таклифлари ва хоҳишларини амалга оширишда амирга маслаҳат ва кўрсатма берувчи энг катта маслаҳатчига айланди. Пировард натижада, унинг Бухоро ички ишларига аралашуви кучайиб, шу даражага етдики, ҳатто Бухоро давлати мансабларига ходимлар ва амалдорларни тайинлаш ҳам унинг қўлига ўтди.

Чор Россияси ҳукумати Ўрта Осиёга, шу жумладан, Бухоро амирлигига нисбатан олиб борган ҳарбий ҳаракатларидан нафақат сиёсий, ҳарбий-стратегик мақсадларни, балки иқтисодий манфаатдорлик негизидаги мақсадларни ҳам кўзлаган эди.

Чор Россияси ҳукумати ва унинг Туркистон ўлкасидаги маъмурлари аста-секинлик билан Бухоро амирлиги иқтисодиётига кириб келиб, унинг устидан тўла ҳукмронликни қўлга киритди. Чор ҳукуматининг Самарқанд вилоятидаги маъмурлари Зарафшон суви тақсимоти масаласи устидан гегемонликни қўлга киритиб, Бухоро ҳудудлари сув таъминотини ўзига қарам қилиб, ушбу йўл орқали ҳам амирлик иқтисодиётини ўзига бўйсундирди ва Бухоро амирлигини иқтисодий қарамга айлантириш борасида илк қадамни қўйди. Рус ҳукумати Россия ички бозорларини эгаллаш ва у ерда ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатиш бўйича сиёсатни амалга оширишга катта эътибор қаратди. XIX асрнинг 70—90-йилларига келиб, Бухоро ички бозорларида амирлик иқтисодий ҳаёти учун зарур ва муҳим бўлган деярли барча саноат маҳсулотлари Россиядан олиб келинадиган бўлди.

Рус саноатчилари ўзларининг доимий рақобатчилари бўлган европаликларни ва уларнинг товарларини Бухоро ички бозоридан сиқиб чиқара бошлади ва 1880 йилга келиб Бухоро

ички бозорларида руслар ва рус товарлари тўла гегемонликни қўлга киритиб, ягона монополь ҳуқуққа эга бўлди.

Чор Россияси Бухоро амирлигини иқтисодий қарам этиш сиёсатини XIX аср охири — XX аср бошларига келиб янада кучайтиришга муваффақ бўлди. Рус ҳуқумати Бухоро иқтисодиётини ўзига тўла қарам қилиш борасида янгидан-янги имкониятларни қидира бошлади ва уларни амалга оширишга киришди. Энг муҳими ушбу сиёсатдан бевосита манфаатдор бўлган рус буржуазияси рус ҳуқумати олдига янгидан-янги талабларни илгари сура бошлади. Натижада Ўрта Осиёда, шу жумладан, Бухоро ҳудудларида темир йўл қурилиши ва флотилия шаклланишига эришилди.

Рус ишбилармонлари ва савдогарларининг қаттиқ тазйиқи остида, рус ҳуқумати 1891 йилдан бошлаб, Бухоро амиридан ички бозорда Бухоро тангасидан воз кечишни ва молиявий ислоҳот ўтказишни қатъий талаб қилди. Рус ҳуқуматининг тазйиқларига бардош беролмаган Бухоро амири 1900 йил 6 апрелдан бошлаб молиявий ислоҳот ўтказишга мажбур бўлди.

Чор Россияси ҳуқумати Бухоро амирлигини иқтисодий қарам этиш ва ушбу ҳудудда ўзининг тўла ҳарбий-сиёсий, стратегик ва иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш борасида темир йўллар қурилишига ўзининг алоҳида эътиборини қаратди.

Рус ҳуқумати Бухоро амирлиги ҳудудларида эгаллаган ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш ҳамда Бухоро ички бозорларини ўзи учун катта хом ашё ўлкаси ва ўз молларини сотиш учун муҳим бозор сифатида баҳолаган рус буржуазияси талабларидан келиб чиққан ҳолда, темир йўл қурилишини бошлаб юборди ва 1916 йилда у фойдаланишга топширилди.

Бухоро темир йўли қурилишидан кутилган энг муҳим натижа, бу энг аввало, ҳарбий-стратегик нуқтаи назардан олиб қаралганда, Бухоро амирлигининг жануби-ғарбий ва жануби-шарқий ҳудудларини темир йўл орқали Ўрта Осиё магистрали билан боғлаш ҳамда ушбу йўл орқали Бухоро амирлигининг энг жанубий қисмида жойлашган Термиз шаҳрини боғлаш кўзда тутилган эди. Иккинчи томондан амирликнинг табиий бойликларга эга бўлган жанубий қисмида темир йўлнинг қурилиши рус буржуазияси учун ушбу ҳудудлардаги бебаҳо бойликларни ўзлаштиришга ва унинг эвазига катта фойда олиш ҳамда ташқи савдо муносабатларини ривожлантириш, қисқа муддат ичида Афғонистон ва Ҳиндистон бозорларига чиқиш учун янги имкониятлар очиб бериши кўзда тутилган эди.

Ва ниҳоят энг муҳими амирликда темир йўллар қурилиши Россия учун ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий-стратегик аҳамият касб этиб, у Англия-Россия рақобатларида рус ҳукуматига жиддий ютуқни қўлга киритишига асос бўлиб хизмат қилди.

XIX асрнинг охири — XX аср бошларида чор Россияси ҳукумати Бухоро амирлиги иқтисодиётида тўла ҳукмронликни қўлга киритгач, рус капиталининг жадал суръатлар билан амирлик иқтисодиётига киришига алоҳида эътибор қаратди. Рус капиталининг амирлик иқтисодий ҳаётига кириб келиши билан Бухоро қишлоқ хўжалигининг Россия саноати учун хом ашё ишлаб чиқарувчи сифатида ихтисослашуви рўй берди.

Чор ҳукумати ва рус буржуазияси томонидан олиб борилган иқтисодий сиёсат ва рус капиталининг олиб кирилиши натижасида Бухоро амирлигининг қишлоқ хўжалиги тўла Россия империяси тўқимачилик саноатига пахта толаси етказиб берувчи субъектга айлантирилди.

Бухоро амирлиги ҳудудларидаги хом ашё бойликлари, табиий ер ости ва ер усти бойликлари устидан ўз назоратини ўрнатиб олган чор Россияси маъмурлари, амирликдаги олтин конларини қидириш ва уни ишлаб чиқариш ҳуқуқларини ҳам қўлга киритишди. 1896 йил 24 февралда Туркистон генерал-губернатори томонидан „Бухоро хонлигида олтин саноати“ тўғрисида 40 та банддан иборат фармойиш чиқарилиб, унда Бухоро амирлиги ҳудудларида ҳали эгалланмаган ерларда мавжуд бўлган олтин конларини рус фуқаролари томонидан қазиб олиш ҳуқуқлари қонун доирасида мустаҳкамлаб берилди. Мана шу тариқа, Бухоро амирлиги ҳудудларидаги Бухоро олтинларидан рус ҳукумати ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга киришди.

Рус ҳукумати Бухоро амирлигида ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш, инглиз-рус рақобатини кучайишининг олдини олиш, инглизларнинг Бухоро амирлиги ҳудудларига ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий-стратегик жиҳатдан аралашувига йўл қўймаслик мақсадида Бухоро ҳудудларида рус гарнизонларининг жойлаштирилишига ва рус манзилгоҳларининг ташкил этилишига катта эътибор қаратди.

Рус ҳукумати афғон чегараси бўйлаб рус гарнизонларини жойлаштира бориб, ўзининг ушбу ҳаракатлари орқали инглизларнинг Афғонистон орқали Ўрта Осиёга суқилиб киришининг олдини олиш бўйича ишларни амалга ошириб, ўзининг ҳарбий-стратегик позициясини мустаҳкамлади. Карки, Чоржўй, Термиз, Паттакесарда рус гарнизонларининг жой-

лаштирилиши ва Янги Бухоро (Когон), Фороб, Сарой, Амиробод каби рус манзилгоҳларининг ташкил этилиши натижасида инглизларнинг Бухорога кириб келишига қарши амирликда ўта муҳим рус ҳарбий плацдармлари шакллантирилди.

Туркистон ўлкасидаги чор Россияси амалдорлари, ҳарбий вазирликнинг қўллаб-қувватлашига қатъий ишонганликлари учун ҳам, XIX асрнинг 80- йилларидан бошлаб, улар Бухоро амирлиги ҳудудларининг қолган қисмларини ҳам босиб олиш ва Россияга бўйсундириш талабларини бир неча бор рус ҳукумати олдига кўндаланг қилиб қўйишди. Айниқса, Туркистондаги рус амалдорлари 1909—1910- йилларда Бухоро амирлигини тўлиқ Россияга қўшиб олиш масаласини кўтариб чиқиб, уни Рус ҳукуматидан қатъий талаб этишди.

Фақатгина, Россия Ташқи ишлар вазирлигининг қатъий қаршилиги туфайли, ушбу масала кун тартибидан олинди. Чунки Ташқи ишлар вазирлиги ва Рус ҳукумати Ўрта Шарқда вазиятнинг чигаллашуви ва инглиз-рус рақобатининг янада кучайишидан манфаатдор эмас эди. Ва ниҳоят, Бухоро амирлигини тўла Россияга қўшиб олиниши, қўшни Афғонистон ва Эрон ҳукуматларида катта норозилик пайдо қилишини англаган Рус ҳукумати ушбу таклифни қатъий рад этди.

XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида чор Россияси томонидан Бухоро амирлигига қарши олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар, уларнинг тафсилотлари ҳамда Рус ҳукумати ва уларнинг Туркистон ўлкасидаги маъмурлари томонидан амалга оширилган мустамлака сиёсати ва унинг асоратлари XX аср бошларидаги жаҳон тарихий жараёнининг таркибий қисми сифатида баҳоланиши лозим.

Зеро, Ўзбекистон айти пайтда, узоқ вақт давом этган чор Россияси мустамлака сиёсати ва тоталитар совет тузуми асоратларидан қутулиб, бугунги кунда яна қайтадан умумжаҳон жараёнига мустақил давлат сифатида кириб, ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
I. Мавзунинг тарихшунослиги ва манбалари тавсифи	
I.1. Тарихшунослиги	9
I.2. Тадқиқот манбаларининг тавсифи	33
II. Бухоро амирлигининг XIX аср ўрталаридаги маъмурий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи	
II.1. Бухоро амирлигида давлат бошқарув тизими	49
II.2. Бухоро амирлиги ҳудуди ва аҳолиси	70
II.3. Бухоро амирлигининг иқтисодий аҳволи	85
III. Бухоро амирлигига нисбатан чор Россияси ҳарбий ҳаракатларининг бошланиши ва унинг оқибатлари	
III.1. Бухоро билан чор Россияси қўшинларининг илк тўқнашуви, ҳарбий ҳаракатларининг кучайтирилиши	100
III.2. Самарқанднинг эгалланиши ва Зирабулоқ тепалигидаги жанг. Озодлик ҳаракатларининг бошланиши	115
III.3. Бухоро билан чор Россияси ўртасидаги тинчлик шартномасининг имзоланиши ва унинг оқибатлари	127
IV. Бухоро амирлигининг XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий тузуми ва давлат бошқаруви	
IV.1. Бухоро амирлиги давлат бошқарувидаги ва маъмурий-ҳудудий тизимидаги ўзгаришлар ва унга чор Россияси сиёсатининг таъсири .	150
IV.2. XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида Бухоро ҳукмдорларининг тарихий портретлари	171
IV.3. Бухорода чор Россияси императорлиги Сиёсий агентлигининг ташкил этилиши ва унинг фаолияти.	186 ✓
V. XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигининг иқтисодий аҳволи	
V.1. Бухоро иқтисодиётига чор Россияси капиталининг кириб келиши ва унинг оқибатлари	196
V.2. Бухоро амирлиги иқтисодиётида темир йўллар қурилишининг аҳамияти	203 ✓
V.3. Бухорода рус манзилгоҳларининг ташкил этилиши ва гарнизонларининг жойлаштирилиши	217
V.4. Рус капиталининг амирлик иқтисодиётига кириб келиши ва унинг мустамлакачилик моҳияти	219
ХУЛОСА	231

X 72 **Холиқова Р.** Бухоро-Россия: тарих чорраҳасида
(XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошлари) /
Р. Холиқова, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги, Абу Райҳон Бериуний
номидаги Тошкент давлат техника ун-ти. —Т.:
„O‘qituvchi“ НМИУ, 2005. 240 б.

ББК 63.3(5У)5+63.3(0)53

РАҲБАР ХОЛИҚОВА

**РОССИЯ-БУХОРО:
ТАРИХ ЧОРРАҲАСИДА**

(XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошлари)

*„O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2005*

Муҳаррир *Р. Мирхолиқов*
Бадий муҳаррир *Ш. Хужаев*
Техник муҳаррир *Т. Грешникова*
Компьютерда саҳифаловчи *К. Ҳамидуллаева*
Мусахҳиҳ *З. Содиқова*

ИБ 8692

Оригинал макетдан босишга рухсат этилди. 21.11.05. Бичими 60×90^{1/16}.
Кегли 11 шпонли. Таймс гарн. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 15,0.
Нашр т. 14,0. 500 нусхада босилди. Буюртма №14.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O‘qituvchi“ нашриёт-
матбаа ижодий уйи. Тошкент — 129. Навоий кучаси, 30- уй. // Тошкент,
Юнусобод даҳаси, Муродов кучаси, 1- уй. Шартнома №07—259—05.